

1-мавзу: Маънавият асослари предмети, ривожланиш қонунлари, тушунчалари ва жамият тараққиётидаги тутган ўрни. (4 соат).

РЕЖА

1. И. Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти.

2. Маънавият асослари фанининг предмети ва вазифалари.

3. Миллий ва умуминсоний маънавият, уларнинг ўзаро муносабати.

Ўзбекистон қарийб 150 йиллик мустамлакачилик зулмидан қутулиб 1991 йил 31 августда ўз сиёсий мустақиллигини эълон қилди.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган 17 йил ичида у иқтисодий ва маънавий мустақилликка эришиш бўйича ҳам кўп ютуқларни қўлга киритди.

Миллатнинг тарихий хотирасини ёдга туширмай, ўзлигини англашига йўл очмай туриб маънавий юксакликка, пировардида иқтисодий юксакликка ҳам эришиб бўлмайди. Шўролар даврининг якка ҳокимлик коммунистик мафкураси барча ҳудудларда бошқа миллатлар каби ўзбек халқининг ҳам тили, дини, тарихи, маданияти, урф — одатларини менсимасдан узоқ вақтлар маънавий тушкунликда ушлаб турди.

Бир неча авлод ўзининг бой маънавиятидан ажралган ҳолда тарбияланди. Истиқлол туфайли бутун миллат олдида ўз маънавиятини қайта тиклаш, ўзлигини англашдек буюк ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа турар эди.

Шунинг учун ҳам маънавият масаласини Республика Президенти И.Каримов давлат сиёсати даражасига кўтарди.

Хусусан Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикамизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида, 1996 йил 9 сентябрда эса «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тўғрисида; 1999 йил 3 сентябрдаги «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб — қувватлаш тўғрисида»ги фармонлари ва 1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора — тадбирлари тўғрисида» махсус қарори қабул қилинди.

«Маънавият — деб таъкидлайди И.Каримов инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч — қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт — саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради». (И.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент 1998 йил 62 — бет).

Ўзбекистон ўтмишнинг оғир оқибатларини бартараф этишга тангликдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон беради, ҳамма нарсага табиий бойликлар, унумли ер қудрати, иқтисодий ва илмий — техникавий, инсоний ва маънавий салоҳиятга, етарли куч — қувватга эгадир. Энг муҳими бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ бор.

Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун қалбан ва виждонан ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак. Бу ҳазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди. Фожеалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий кийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Республикамизда ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи ва анъаналарига асосланиб иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Булар иқтисодиётни сиёсатдан устуворлиги, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, бозор муносабатларига босқичма — босқич ўтиш, эволюцион йўл қабиладир. Бу муаммо — вазифалар амалга оширилса халқ фаровонлиги ўсади, ватан куч — қудрати ортади, давлат мустақиллиги мустаҳкамланади. Шу бешта тамойилни халқ онгига сингдириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориш зарур.

Энг асосийси Мустақиллик ва истиклол, мустақиллик тарбияси, мафкуриси, маънавияти сингари рухий жараёнларни тадқиқ этиш шу куннинг муҳим масаласидир.

Мустақилликнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

- мустақиллик—иймон эътиқод эркинлиги ва давлат рамзларига эга бўлиш

- мустақиллик—миллий қадрият, маънавият ва маданият, маърифат ва дин—диёнат озодлиги

- мустақиллик давлатнинг миллий чегараси; иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан дахлсизлиги.

- мустақиллик—муайян давлатнинг бошқарувига ва унинг ички ишларига ҳеч кимнинг аралашмаслиги.

- мустақиллик—миллий тилнинг давлат мавқеига эга бўлиши

- мустақиллик—миллий армиянинг барқарорлиги, ягоналиги ва унинг бошқаларга бўйсинмаслиги.

- мустақиллик-давлат худудидаги ер ости ва ер усти бойликлари, шунингдек унга тегишли чегара осмоннинг дахлсизлиги...

- мустақиллик-ташқи мамлакатлар билан ҳар қандай алоқа ва муносабатлар эркинлиги.

- мустақиллик-ўз пулига эга бўлиш.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврига ўтишда халқимизнинг маънавий қиёфасини ўзгартирмай туриб ўз мақсадимизга тўла эришолмаймиз. Юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидан биридир. Маънавиятли одам деганда иймонли, эътиқодли одам тушунилади. Эътиқод бирор нарсага зиёда ишонишдир. Инсонга ишониш ўша одамни атрофлича ўрганиш натижасида пайдо бўлади. Жон — жонига сингиб кетади. Уни сўндириш, йўқотиш мумкин эмас. Исломи дини янги ташкил топаётган пайтларда «қувғинлик даврида мусулмонлар тортган ғам, кулфатларни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо саҳобалар ўз эътиқодига содиқ бўлибгина қолмай, балки ўз қабиладошлари орасида ислом нуруни тарқатиш билан банд бўлдилар». Инсонни ҳаётига йўналиш берадиган, бу маънавиятдир. Маънавиятни жамиятга таъсири — бу тараққиётнинг асосий омили ҳисобланади. Мустамлакачилик даврида босиб олинган мамлакатлар маънавияти ўлдирилган, барбод қилинган. Айниқса араблар, мўғуллар олимларни, ақлли кишиларни қирдирган, ахлоқларни мақтаган. Бу сиёсатни Россия империяси амалдорлари ҳам амалга оширган. Миллий онгимиз ривожланишига қаршилик қилди, тарихимиз ўқитилмади. Халқимиз ўз қадр — қийматини билишига имконият яратилмади. Халқимизнинг қадр — қиймати, маънавияти бир неча минг йиллар олдин шаклланган ва ривожланган. Хитойда бундан 3400 йил олдин ҳам бизнинг маънавият тўғрисида фикр юритилган. Марказий Осиёда яъни эрамыздан аввалги бир мингинчи йилларида муқаддас «Авесто» гувоҳлик беришича ҳақ билан ҳақсизлик кураши ғояси бўлган. Муҳаммад Алайхи — саломнинг китоби «Қуръони Карим» ва Ҳадислар тўлалигича маънавиятдир.

Амир Темур ўзининг буюк империясини ташкил қилишда маънавиятга асосий эътибор қаратган. У «Давлатнинг қудрати — адолатдадир» деган эди. Буюк мутафаккир А.Навоий ўз асарларида адолатга, одилликка, меҳнатсеварликка инсон маънавиятига асосий эътибор берган. Тасаввуфда — инсон руҳини шакллантириш комилликка етишдир дейилган.

Японияда маънавият масаласи II — жаҳон урушидан кейин ҳал қилинган. Япония раҳбарлиги урушда Япония мағлубиятини маънавиятсизликдан деб ҳисобладилар. Мактаб ва маориф ислоҳ қилиниб унга катта маблағ ажратилган. Натижада Япония илмий — техника тараққиёти бўйича дунёда олтинчи ўринга чиқиб олди, энг бой мамлакатга айланди. Улар инсон тарбиясини биринчи ўринга қўйди. Америкада Япония товарлари тўла, сифатли арзон сотилади. Бироқ Америка халқи ўз товарларинигина сотиб олади. Бу билан халқга янги иш ўринлари очилади, давлат кучаяди деб тушунади. Бу эса маънавият, юридик шахс юқорилигини кўрсатади. Бозор иқтисодиётида ҳам маънавият бўлиши,

ишбилармонлар ҳалол, одил, тўғри, инсофли бўлишлари керак. Аммо маънавиятсизликлар ҳам мавжуд. Инсон — инсоний қадриятларни эгаллагандагина маънавиятли бўлади. Маънавият инсон онгига мафкура орқали сингдирилади. Таълим — тарбияга эътибор бермаган мамлакат инкирозга учрайди. Маънавият—бу инсонни ўз-ўзини англашидир. Бола дастлаб ота —онасини танийди, сўнг жамиятни, ўз—ўзини англайди. Моддий маданиятга, ёдгорликка баҳо бериш —бу маънавиятдир. Моддий маданият асосида маънавий маданият ётади. Маънавиятни мезонлари, ўлчовлари бор, бу ўлчов миллат учун ягона бўлган урф —одат, ахлоқ, тарих, одобдир. Бироқ хар бир шахсда маънавият даражалари, унинг фаросати, тарбиясига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Маънавият ахлоқ ва одоб, уни заминида билим ва илм, шу асосда иймон такомиллашади. Ахлоқ — маънавиятнинг ўзагидир. Дунё дўзахга айланиб кетмаслиги ўч олиб бориладиган кураш бу-маънавий курашдир. Масалан: Мухаммад Алайҳиссалом ахлоқи Қуръони Каримдир.

Жамиятнинг маънавий камолоти кўплаб масжид куриш билангина белгиланмайди. Балки мактаб, болалар боғчаси куриш, ночор ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатишдир. Маънавиятли одамда эътиқод, иймон, билим, илм, ахлоқ бўлади маънавий қашшоқлик, бу худбинлик, манманлик, порахўрлик, кўполликда кўринади. Маънавият, маънавий ҳаётнинг жамият ҳаётида тутадиган ўрни ҳақида сўз юритишдан олдин «Маънавият» атамасини мазмунини аниқлаб олиш лозим. «Маънавият»нинг ўзагини «Маъно», «Маъни» сўзлари ташкил этиши ҳақида адабиётларда тўхтаб ўтилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича «маънавият» атамаси бир томонда арабча «маъни» ўзагидан ҳосил бўлган. Ислом ислохотчилари таълимотича, калом бир талай қисмларга бўлинган: борлиқдан аввалги ҳаёт —жавҳар алхарид, боғланиш тўғрисидаги маълумот — таваллуд, моҳият тўғрисидаги илм —фан ҳисобланган.

Шундай қилиб нарса —ходисалар, жараёнлар, табиат ва жамият, ҳатто аллоҳнинг моҳияти «маънида» ўз ифодасини топган. Иккинчи томондан маънавият ҳам унинг ўзаги «маъни» ҳамда қадимги ҳинд фалсафасида кенг қўлланилган «маънас» тушунчаси билан боғланган бўлиши мумкин. Бундай тақдирда у дўстлар ва улфатлар жойи маъносини билдиради. Тилшуносликка оид луғатларда ҳам «маънавият —ахлоқийлик, кишининг ички ва рухий олам билан боғлиқ маъноларни англатади» деб айтилади. Маънавият муаммоси жуда ҳам мураккаб ва серқиррали бўлганлиги учун унда берилган таърифлар ҳам ранг —барангдир. Демак маънавият кўп қиррали қадрият. Ер, оила, ота —она, болалар, қариндош — уруғлар, қўни —қўшнилар, халқ виждони мустақил давлатимизда садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик — маънавиятнинг ана — шундай маъноси кенг. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади.

«Инсон ахлоқи шунчаки салом — алик хушмуомалалиқдан иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсон ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани». Инсон маънавиятини белгилайдиган асосий мезон — адолатпарварлик, иймон, инсоф, ҳалоллик бўлиб инсон ўз фаолиятини барча соҳаларида ана шу тамойилларни амалга оширсан, шулар негизида ҳаёт кечирсан, меҳнат қилсан, бошқалар билан ўзаро муносабатга киришсан, элу юртга садоқатини амалий иши билан адо этсан, юксак маънавият сохибига айланади.

Маънавият энг аввало маданият туфайли мустақилликка эга бўлади. Маънавият нафақат инсоний фазилатлар, балки маънавий маданиятнинг ранг — баранг тур ва шакллари мажмуини илм —фан, фалсафа, ахлоқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф — одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиётни ҳам ўз ичига олади. Кишилиқ жамиятининг юксак маънавийлик руҳи билан суғорилмаган хар қандай биноси мустаҳкам бўлмайди. Бу авваламбор халқимизнинг минг йилликлар даврида яратган, жохон маданий равнақи ҳазинасига бебаҳо дурдоналар бўлиб қўшилган бой маънавий меросидир. Булар аждодларимиз яратган, улар бизга мерос қилиб қолдирган маънавият дурдоналари халқимиз, миллатимиз илдизларининг нақадар бақувват, чуқур эканлигидан далолат беради.

Иккинчидан, зотида буюк алломалар бўлган халқ, барибир вақти келиб ўз тарихидан ибрат олади, илхомланади ҳамда мана шунга монанд хатти — ҳаракатлар қилишга, фаолият кўрсатишга ўзида етарли замин, шижоат ва жасорат топа билади.

Учинчидан, ўтмишдан биз ҳамма нарсани ҳам қабул қила олмаймиз. Чунки унинг ҳамма томонлари ҳам ибратли эмас. Айтилганидек биз ўтмишдан кулни эмас, балки чўғни, оловни олмоғимиз зарур.

Тўртинчидан, ҳар қандай мерос у қандай мафтункор бўлмасин, янги давр учун ўз —ўзидан бойитилишига, ривожлантирилишига муҳтож бўлади. Фақат мана шундагина замонавий ўтмишдан озуқа ола билиш, ўтмиш эса замонга хизмат қила бошлаши мумкин.

Бешинчидан, мустабид шўролар тузуми даврида марказнинг фатвоси билан «танлаб—танлаб», «қийиб» ўрганилган меросимизнинг муайян қисми хорижда алл.ақачон тадқиқ қилинган. Эндиликда биз улардан, уларнинг эса биздаги мукамал ўрганилишга тегишли қисмидан баҳраманд бўлишга эришишдир.

Шўровий мафкура ва фалсафа Рухнинг мангу мавжудлиги ва бирламчилигини ғайри илмий ҳисоблаб Арвоҳ хотири қилишни хурфот, жаҳолатпарастлик, зарарли эскилик сарқити санаб келди. Оқибатда жамият руҳан мажрухликка учради. Халқнинг руҳий дунёси торайиб, руҳий бойлиги озайиб, маънавияти қашшоқлашди. Бу илоҳий тушунчалар ўрнини моддий нарсаларга сажда қилиш, молпарастликка ружу қўйиш, ўтмишни унутиш, келажакни ўйламаслик, фақат ҳозирги ҳузур — ҳаловатни кўзлаб, кун кечириш сингари ижтимоий иллатлар эгаллади. Оқибатда кишилар ҳаром —ҳариждан, зинодан, ичкиликдан, ёлғон — яшиқдан, эътиқодсизликдан, хиёнат у сотқинликдан ва шу каби қабих ишлардан ўзларини тия олмадилар.

Фалсафа — маънавият сарчашмасидир. Дарҳақиқат олам ранг — баранг бўлсада, аммо у яхлит бир бутун ҳамдир. Бу ерда фалсафанинг ўрни алоҳида ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Маънавият оламини буюк сиймолар ёзма манбалари орқали тирикларидаяқ ўзларига ҳайкал қўйиб кетганлар. Улардан кўплари фоний дунёни тарк этганларидан кейин кадр топганлар. Энг асосийси инсоният тарихининг муайян босқичларида маънавият «бўйига қараб» ўсган. Буюк яратувчилик қобилиятига эга даҳолар ушбу эҳтиёжга хизмат қилганлар, маънавиятнинг бир бутун занжирини халқлари сифатида ўзларини намоён этганлар. Ўрта асрлар даврида бошқа кадриятлардан кўра, асосан диний ахлоқийлик кўпроқ эъзозланади. Янги давр эса моддий манфаатни устивор қилиб қўйди. Инсоннинг моҳияти унинг ижтимоий мавжудот эканлиги билан белгиланади. Яъни у фақат жамиятда шаклланади, улғаяди, ривожланади, камол топади ва ҳоказо. Одамнинг инсон бўлиб шаклланиши учун авваломбор ижтимоий муносабатларни инсонийлаштирмақ зарур. Токи буларнинг гирдобига тортилган кишининг инсон бўлишдан бошқа ҳеч қандай чораси қолмасин.

Инсон ҳаётини маъносига келсак, у қуйидагича, одам аслан маънавийлик, жисмонийлик ва ахлоқийликнинг муштараклигидан иборат. Одамзот шаклланишининг ибтидосида жиҳатлар уйғун камол топган. Кейинчалик юз берган ижтимоий меҳнат тақсмоти боис, ушбу мувозанат бузилган. Бировлар ақлий, бошқалар эса жисмоний меҳнат билан шуғулланишга грифтор бўлганлар.

Рухиятга келсак, у нафақат мавжудот оламининг иниъкоси балки, муайян маънода унинг яратувчиси ҳамдир. Ахир инсон ўз эҳтиёжи учун нарсаларни табиатдан тайер ҳолда учратмай, балки уларни ўз меҳнати орқали яратади. Фақат тафаккур, маънавият, ақл — заковат забт этган оламгина дарҳақиқат инсонга ўз қалб кўрини очиши мумкин. Мўжизалар биз хали сабабларини билмаган нарсалар бўлиб, ақл —заковат нури етиб борган жойда ўзларнинг мўжизавий тусини йўқотади.

Маънавият серқирра, сержило ижтимоий ходиса бўлиб унинг таркибида фалсафа алоҳида ўринга эга. Фалсафа табиий — гуманитар илмлар, адабиёт, санъат каби соҳоларда, ижтимоий амалиётдан озикланади ва бунга таянган ҳолда бутун борликни унинг қонуниятларини беқиёс уюшмалар даражасидаги тушунчаларда ифода этади. Бу маънода И.Каримов томонидан истиқлолимиз истиқболи калитини айни мулкчилик

муносабатларини такомиллаштиришда, мулкни эгасини топиб унга беришда кўрилаётганлиги, фалсафий нуқтаи назаридан мутлақо асосланган, чуқур фикрдир. Ўз навбатида бутун жамиятимиз унинг ҳар бир фуқаросини унумли меҳнат қилишнинг, ижтимоий — сиёсий фаоллигини юксак маънавийлигини, ахлоқий покизалигининг мустаҳкам заминини ташкил этувчи маданий бозор иқтисодиёти сув билан ҳаводек зарур. Ўзбекистонда буни амалга оширишнинг етарли даражадаги имконияти ва зарурияти мавжуд. Миллий истиқболни таъминлаш йўлидаги қатъий иродамиз — ушбу олийжаноб ниятлар рўёбга чиқаришнинг кафолатидир.

Барча миллий давлатларда иқтисодий соҳада ягона давлат мулкчилиги, социологик мулкчилик ўрнига бозор иқтисодиётига ўтиш томон йўл олинди. Иқтисодий мустақилликка эришиш маълум даврни талаб этади. Бирданига аввалги иқтисодий алоқаларни бузиб ташлаш мумкин эмас. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш билан узвий боғлиқдир. Бозорга ўтиш бу-объектив зарурий жараён. Бу ерда асосий мақсад — миллатни шакллантириш халқ маънавиятини юксалтириш, уни олий даражага олиб чиқиш, олий фазилатли инсонларни етиштириш, фозил жамоа барпо эта олишдир. Демак, асосий мақсад маънавиятимизни юксалтириш уни олий даражага олиб чиқиш, олий фазилатли инсонларни ўзида бирлаштирувчи. демократик адолатга, тенглик, бирликка асосланган жамият яратишдир. Маънавиятда ҳам аста —секин мустақиллик йўлига кириб бормоқдамиз

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарларида жамият тарихида хусусан ҳозирги Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, янги жамият асри ривожидида маънавиятнинг роли ва ўрнини юксак баҳолади ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Маънавиятимизни англаш, тиклаш масалалари янги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топди. Эндиликда янгиланаётган маънавият асосида мустақиллик, истиқлол мафқурасини яратиш кун тартибидаги долзарб масала бўлиб қолди. Афсуски ижтимоий янгиланишнинг бошланишида марксизм — ленинизм билан бирга умуман ҳар қандай мафқурадан воз кечишни тарғиб қилувчилар ҳам пайдо бўлди, ҳатто мафқура масаласи тилга олинмай қўйди. Бу борада Президентимиз биринчи бўлиб эътиборни жалб этиб у 1993 йил 6 мартдаги Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясидаги нутқида бу масалага батафсил тўхталиб ўтди. Ўзбекистон халқларининг маънавияти узоқ тарихга эга. Бизнинг маънавий меросимиз ниҳоятда бой ва мустаҳкам, унда минг йилдан ошиқ маънавий ривожланишнинг ютуқлари ифодаланган. Фозил шахс, комил ва ахлоқий етук инсон ҳақидаги ўйлар Х асрдаёқ Абу Наср Форобий ижодида муҳим ўринни эгаллади ва бу ғоялар ўз даврида илғор кишиларни янги ижтимоий ютуқларга илҳомлантирди.

Мафқура жамиятнинг турли соҳалари ижтимоий — сиёсий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний қарашларнинг мажмуидан иборатдир. Мафқура янги маънавиятнинг ютуқларини ифодаловчи назарий билимлар, қарашлар мажмуи сифатида жамият ривожини учун муҳим режа стратегик аҳамиятга эгадир. Мустақил Ўзбекистонимиз тайёр мафқурага эга эмас ва ташқаридан тайёрини олмайди. Бу мафқуранинг асослаш унинг йўналишларини белгилаш Президентимизнинг Ўзбекистон истиқлоли ҳақидаги китобида ва қатор асарларида бошлаб берилди. Бу мафқуранинг ишлаб чиқиш ва халқимиз онгига сингдириш ишида ижтимоий фанларнинг аҳамияти улкандир. Ижтимоий фанлар олам, ижтимоий тараққиёт ҳақида назарий билимлар бериш билан ёшлар дунёқараши мафқурасини шакллантириш мавжуд мафқуранинг уларга сингдириш ишида етакчи роль ўйнайди.

Маънавият — жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти идрокини мужассамлаштирувчи инсон ва жамият маданиятининг негизи инсон ва жамият ҳаёти йўналишининг бош омилидир. У муайян иқтисодий — ижтимоий ҳаёт тизимини шаклланиши, ўзгариши ёки инкирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият ва маърифат фан ҳажми ва мазмуни жиҳатидан катта бўлган маданият тушунчасини таркибига киритади.

Маърифат сўзининг луғавий маъноси билиш, таниш, билишдир. Бу сўзнинг кўплик шакли маорифдир. Атама сифатида эса табиат жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли— туман билимлар, маълумотлар мажмуасини англатади. Маърифатли дегани билимли, муайян соҳада маълумоти бор дегани бўлиб, инсонпарварлик маънавиятини заминидаги ўз моҳиятига эга бўлади.

Кишиларнинг билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим —тарбияга ҳам маърифат деб қаралади. Бу сўз илму ирфон маъноларида ҳам ишлатилади. Маърифатни ҳаётга сингдириш маъориф тизими орқали амалга оширилади.

Маънавият умуминсоний бўлиб, кўпчилик миллатларга тааллуқлидир. Алоҳида ажралган ҳолдаги бир миллатнинг маънавияти бўлмайди. Маънавият умуминсоний фазилат. Аммо маънавий тараққиёт, камолот ҳар бир миллатда бир хил бўлмайди. Инсон бор жойда маънавият бўлади. Соф миллат маънавияти йўқ, бошқа миллатлар билан боғлиқ ҳолда бўлади ва ривожланади.

Умуминсоний маънавият одамларнинг ўзаро иқтисодий — ижтимоий сиёсий алоқалари туфайли вужудга келган. Ҳозирги кунда уруш ва тинчлик муаммоси, бутун дунёдаги ядро қуролларининг учдан икки қисми Россия, Белоруссия, Украинада жойлашган бўлиб, ядро уруши хавфи маънавиятга салбий таъсир қилиб инсондан юксак маънавий масъулият талаб этади. Энг долзарб муаммолардан бири бу экологик муаммодир. Ҳозирги атмосферани турли газлар билан захарланиши, Орол денгизини куриб бориши натижасида миллионлаб гектар ерларни кум, туз босиши, об — ҳавони ўзгариши, ўсимликларни захарланиши ҳам маънавиятга салбий таъсир этувчи омиллардир. Бундан ташқари дунёда миллий онг ва миллатчиликнинг кучайиши, урушлар, жанжалли воқеалар, мусулмонларни мусулмонлар томонидан ўлдирилиши, бу онгсизлик маънавиятни негатив томонларидир. Булар ҳаммаси миллий махдудлик ва айирмачилик бўлиб, миллатчилик, буюк давлатчилик ва ирқчиликдан иборатдир. Аммо ҳар бир миллатнинг ўзини миллий ҳисси ва миллий туйғуси бўлади. Мисол: Чет элда ўзбекни ўзбек билан учрашуви, ўзбек тилида сўзлашуви ундан руҳланиш ҳиссини уйғотади. Ҳар бир халқни, миллатни ўз миллий манфаати бўлиб уни шакллантириш зарур.

Турли тарихий ва ижтимоий иқтисодий шароитлар, жумладан, Республикамиз худудидан ипак йўлининг ўтиши, ягона араб халифалигини ташкил топиши билан Форс, Араб, Турк халқларининг бирлашуви, Буюк Амир Темур империясининг ташкил топиши миллий маънавиятларнинг ўзаро алоқадорлигини вужудга келиши ва ривожланиши маънавий кўрсаткичлардир.

Айниқса ҳозирги кунда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида миллатлараро маданий — маънавий муносабатлар кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда.

1. Миллий ва умуминсоний маънавият, уларнинг ўзаро муносабати. Ҳар бир халқнинг маънавияти нафақат ўзининг миллий омиллари, шу билан бирга умуминсоний қадриятларнинг таъсири натижасида ҳам амал қилади. Шу маънода Президентимиз И.А.Каримов «Миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг маънавий ахлоқий негизларидан бири умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳисобланади» деган эди. (Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 78 — бет).

Дарҳақиқат, миллий маънавиятимизнинг сарчашмалари бошқа халқларнинг энг юксак қадриятларини ижодий ўзлаштириш анъаналари билан боғланади. Агар маънавиятимиз ва маданиятимиз тарихига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзбек миллий санъати, шеърляти, илми, ўтмишда араб, форс ҳатто юнон маданияти ундан баҳра олганлигига гувоҳ бўламиз. Демак, миллий ва умуминсоний маънавият тўғрисида гапириш учун етарли асослар мавжуд. Бу масала айримлик ва умумийликка яққол мисол бўла олади. Миллий ва умуминсоний маънавият ҳақида сўз борганда ҳам ана шу жиҳатлар бирлигини кўрамиз. Миллий маънавият муайян элат, халқ ва миллатга дахлдорлиқдир. Ҳар бир элат ва миллатнинг ўзига хос, унинг миллий Рухияти, яшаш тарзи, тарихий анъаналари ва фикрлаш қобилиятлари, табиатининг ифодаляйдиган маънавияти мавжуд. Маънавиятнинг миллийлиги масаласи, табиийки, унинг тарихан

шаклланганлиги, миллий мазмун, колоритга эгалигидир. Ўзбек халқи миллий маънавиятини характерлайдиган, ўзига хослигини кўрсатадиган хусусиятлар куйидагилар: Юксак инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, ҳамма миллат ва элат вакилларига иззат ҳурмат кўрсатиш, катталарга иззат — икром, мулоҳазалилик, шарм — ҳаёлилик, ҳамдардлик, маҳалладошлик, болажонлик, халоллик ва ҳоказолар. Буларки янада умумлаштирадиган бўлсак, маънавиятнинг хилма — хил жихат қирралари шаклда намоён бўлади: ҳаё ва андиша, вафо ва садоқат, ўктамлик ва ҳокисорлик, босиқлик ва ҳалм, фаросат ва заковат, балоғат ва фасоҳат, мардоналик ва масъулиятлилик ва бошқалар. Маънавият миллий онг, ижтимоий онг, мафкура, миллий маданият, эътиқод, имон, миллий ғурур, ифтихор каби тушунчалар билан яқин туради.

Маънавият шахснинг ўз — ўзини, ўз ҳуқуқини англаши, белгилаши ҳамдир. Миллатнинг маънавий қиёфаси унинг миллий онги ва рухиятида ифодаланadi. Ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси жамиятнинг моддий, ижтимоий тарихий шароитларга қараб бойиб бориши қонуний ҳодисадир. Маънавиятнинг муҳим унсури бўлган миллий онг нисбий мустақилдир, у жамиятнинг моддий ва маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришга фаол таъсир қилиши мумкин. Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида содир бўлади. Миллий онг ва англаш ҳар бир одамдан ўзининг қайси миллатга тегишлилиги, миллий тарихи, маданияти, мероси, урф — одатлари, тилини тўғри, ҳар тарафлама чуқур билишни талаб этади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасарруфида илмий асосланган бўлса, миллий ўз — ўзини англаш ҳисобланади. Миллий ўзлигини англаш, илмий, сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, у шубҳасиз миллий мафкурага айланади. Миллий мафкура эса миллий маданият, қадрият ва маънавият манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий қуроли бўлиб хизмат қилади. Миллий маънавият миллатчилик билан келиша олмайди. Миллатчилик маънавий қашшоқлик аломати, миллий онгнинг қусурдир. Миллатчилик, ўзга миллатларга, қолаверса ўз миллатига хиёнат қилишдир. Ўзга миллат манфаатини инкор этиш, уларни қадриятини менсимаслик, уларни камситиш бўлиб, ижтимоий адоват туғдирадиган иллатдир. Шу маънода Президентимиз маънавиятимиз ифодаси бўлган, «Миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан мутлақо холи» — деб таъкидлайди. (Каримов И. А. «Жамиятнинг мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. (Т. «Ўзбекистон» 1998 йил. 14—15 —бетлар).

Миллий маънавиятнинг негизини маданият ташкил этади. Миллий маънавият жамиятнинг моддий ҳаётини акс этгаради. Унинг пайдо бўлиши ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода маънавиятнинг пайдо бўлиши кишилик жамиятининг ривожини билан боғлиқ бўлиб унинг ривожланиши маънавий жихатдан қанчалик ривож топганлигини билдиради. Маънавият жамият аъзоларининг ҳар бир ҳаракатида, фаолиятида кўринади. Миллий маънавият юксак, ватанпарвар, донишманд шахслар фаолияти билан яратилади. Дунё тафаккури қаймоғи алоҳида шахслар тафаккурида жамланади ва яна шу шахслар фаолияти орқали тарқалади.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда, унинг манфаат ва эҳтиёжларини раванқ топтириш негизида ривожланади. «Мустақил Ўзбекистоннинг куч—қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар давомида асраб — авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашининг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун белгилаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт—шароит яратишдир». (Каримов И.А. «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. «Ўзбекистон» 1994 йил. 74 —бет.).

Миллий ва умуминсоний маънавиятлар ўзаро боғланган. Улар бир — бирига таъсир этиб туради. Умуминсоний маънавият миллий маънавиятлардан ўсиб чиқади, шунга қарамай, у мазмун жиҳатдан чуқур ва бойдир. Умуминсоний маънавият барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад интилишлари бирлигини ва умумийлигини ифодалайди. Миллий манфаатларни, миллий маънавиятни умуминсоний маънавиятга қарши қўйиш мумкин эмас. Миллий манфаатлар баҳонасида миллатпарастликни тарғиб қилиш, миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказиши. Умуминсоний маънавият барча халқ ва элатларга хос бўлган, уларнинг инсоний фазилатларини ифодалайдиган анъаналар, урф — одатлар, интилишлар, ғоялар, соғлом фикр, юксак дид билан баҳолаш қобилияти, шу асосда қилинадиган ҳаракат ва фаолият ва ҳ.к. бўлиб, ундан унумли фойдаланиш, умумбашарий муаммоларни тўғри ҳал қилишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Умуминсоний маънавиятларнинг устиворлиги айни бир вақтда миллий маънавиятни мустахкамланиб боришига ёрдам беради. Жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ҳозирги босқичида, бир томондан миллий маънавият, иккинчи томондан умуминсоний маънавиятнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида миллий муносабатларнинг халқаро муносабатлар даражасига кўтарилиши кузатиш мумкин. Бу билан умуминсоний қадриятларни роли ҳам ортиб бораётир. Бизнинг миллий маънавиятимизнинг кўпгина томонлари умумжаҳон маънавиятига айланиб кетганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бунинг ёрқин исботи сифатида 1990 йил Имом Ат Термизий таваллудининг 1200 йиллиги, 1996 йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Улуғбек, Навоий, Фарғоний, Ал Мотуридий, Исмоил Бухорий ва бошқа улуғ зотларнинг юбилейлари ЮНЕСКО раҳнамолиги ва иштирокида нишонланганидир.

Президентимиз И.А.Каримов Аҳмад Ал — Фарғонийнинг 910 йиллигига бағишланган маросимда шундай деган эди: «Унинг мероси инсоннинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди». Машҳур сайёҳ Христофор Колумб 800 йил ўтиб Аҳмад Ал — Фарғонийнинг ер меридианаси даражаси ҳақидаги фикрлари тўғрилигини эътироф этди, ойдаги кратерларнинг иккитаси Аҳмад Ал — Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади. Маънавиятимиз ўз заминида, қолаверса, умуминсоний маънавият ютуғлари таъсирида шаклланади ва камол топади. Айниқса, у Ҳиндистон, Хитой, Қадимги Юнонистон, Рим маданияти ва жаҳондаги бошқа маданиятлар таъсирида яна бойиб борган, улардан маънавий озуқа олган. Ўз навбатида ўзбек халқи маънавияти бошқа халқлар маънавиятига, умумжаҳон маданияти равишида катта ижобий таъсир ўтказди.

Европа олимларининг таъкидлашича, Европа шарқдан саводхонликни, фанлар ва уларни эгаллаш усулларини, дехқончилик ва чорвачилик илмларини, денгизда сузиш ҳунарини, ҳарбий техникани, тасвирий санъат ва меъморчилик сирларини, шеърини санъат жозибасини ўрганган. Шарқлик савдогарлар илк бор Осиё билан Европа ўртасидаги тижорат йўллари очиқдир. Бунга Буюк ипак йўли ёрқин мисол бўла олади. Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табиатни очмоқ учун калит тутқаздилар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Маънавият. 2. Мустақиллик. 3. Истиқлол. 4. Миллий маънавият.
5. Маънавиятнинг таърифи. 6. Маърифат. 7. Инсон ва маърифат. 8. Рух.
9. Ақл. 10. Маънавиятнинг таркибий асослари.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Маънавият тушунчаси.
2. Маънавиятнинг келиб чиқиши.
3. Маънавият ва маърифатнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
4. Маърифатнинг таркибий қисмлари.
5. И.А.Каримовнинг қайси асарларида маънавият ва маърифат тўғрисида фикрлар айтилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият» «Ўзбекистон» 1994 йил.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т. «Ўзбекистон» 1992 йил.
3. Турсунов И.Й. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш. Т. «Шарқ» 1996 йил.
4. Шарифхўжаев М. «Истиқлол истиқболлари». Т. «Ўзбекистон» 1993 йил.
5. Вафоев О. Маънавият тараққиёт омили. Т. «Ўзбекистон. 1996 йил.
6. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т. «Ўқитувчи» 1995 йил.
7. Юсупов Э. Маънавият мезонларига янгича ёндашув. Т. «Ўзбекистон овози» 1995 йил 22 апрель.
8. С.Отамуродов, Ж.Р, С.Хусанов. Маънавият асослари. Маъруза матнлари. Т. 2000 йил.

2-мавзу: Маънавиятнинг тарихий, назарий-илмий ва амалий заминлари. (4 соат)

РЕЖА

1. Қадимги Ўрта Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиш жараёнлари.
2. Ислом динида инсон маънавиятини масаласи. Тасаввуф таълимотида шахснинг маънавий қиёфаси.
3. Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти.
4. Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавиятга муносабат.

1. Ўрта Осиёда IX —XI, XI —XIV асрларда илм фан, дунёвий ва диний билимлар, маданиятни ривожланиш даври бўлган. Марказий Осиёда фан ва маданиятни ривожланишида Юнон маданияти ва фани катта таъсир кўрсатди. Рим ва Юнон фани маданиятини Форобий, Ибн Сино, Берунийлар танқидий ўрганишиб янада ривожлантиришди. Адабиёт, қомусий билимлар ривожланди. Инсонни улуғлаш, тарбиялаш билимларига алоҳида аҳамият берилди.

Гуманизм инсон муаммоси, маънавиятнинг асосини ташкил этади. Бунга илм, таълим-тарбия, билим олиш билан етишиш мумкин. Шу даврларда ахлоқни назарий ва амалий томонларига эътибор берилди.

Инсон ва ақл бир. Форобий фикрича назарий ақл нарсалар моҳиятини белгилайди. Ибн сино фикрича Инсон тана ва жондан иборат. Ақл билан англаймиз. Ақл коинот билан кўшилиб дунёвий ақлга айланади. Ақл инсон қалбига жойлашган ички моҳиятдир. Билим ва маърифат орқали инсон жаҳолатдан қутилади. Маънавий камолотга эришади. Камолотга эришиш йўли таълим ва маърифатдир — дейди.

Амир Темур ҳокимияти армияга ва ҳазинага таянади. Форобий фикрича: этика фанининг асосий вазифаси инсонни ақл заковатга етишиши учун ёрдамлашиши зарурдир. Комил инсон зехни тез, эсдан чиқармайдиган, сўзлари равшан, билим олишга қизиқиши керак. Одамларга ҳайрихоҳ, ҳалол бўлиш керак дейди.

А.Навоий ҳам ўз асрларида инсонларни ҳалол, ҳақиқатгўй бўлишга ундаган. Миллий онг ўзлигини билиши, бир миллат учун мансубдир. Марказий Осиёда етишиб чиққан буюк алломалар бошқа халқлар маданияти, маънавияти, фан ютуқларини ўрганди, бойитди, ривожлантирди ва қайтариб ўзларига йўналтирди. Натижада жаҳон маънавияти, фани, маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Марказий Осиёнинг уйғонишининг иккинчи босқичи XIV—XV асрларни ўз ичига олади. Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, бу давр маънавияти тизимида илмий — фалсафий йўналишлар билан бир қаторда бадий — эстетик тамойиллар ҳам кенг таркиб топади. Қозизода Румий, Улуғбек, Коший, Али Қушчи ва бошқалар устивор даражада фаолият билан шуғулланган бўлсалар, Саккокий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Беҳзод кабилар ижодида бадий эстетик ғоялар марказий ўрин тутуди.

Марказий Осиё уйғонишининг етуқлик даври деб ҳисобланган бу босқични Темур ва Темурийзодаларнинг сиёсий ҳукмронлиги даврига тўғри келишини таъкидлаш жоиз.

Тарихшунос олим Б.Ахмедовнинг қайд этишича, Темурийлар деб ном олган сулола Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжонда XIV аср 70 йилларидан XVI аср бошларигача ҳукмронлик қилади. XIV аср 40 йилларида Чигатой улусида феодал тарқоқликни кучайиб кетиши натижасида Амир Темур ҳокимият тепасига келади (1370), пойтахта Самарқанд бўлган марказлашган кучли салтанатни ташкил этади. Темур ва унинг авлодлари даврида туронзаминда маънавий — маданий тараққиётда сезиларли силжишлар бўлган.

Бинобарин, Амир Темур ҳам жамият ҳаётида маънавий омилнинг аҳамиятини ўзгача идрок этганлиги тарихдан маълум. Шу сабабли Темур салтанатида маънавий ҳаёт соҳасида улкан ишлар амалга оширилган.

2. Туркистон-Туроннинг - исломият ворисидир. Мовароуннаҳрда Араб халифалигининг амири Қутайба Ибн Муслим ва аскарлари томонидан 705-715 йилларда

мусулмончилик ёйилган, унгача юртимизда мусулмончилик бўлмаган деган фикрлар бир томонламадир. Ишончли манбаларнинг дарак беришича, Турон халқи авваллари ҳам икки марта исломни қабул қилган. Биринчи марта Нух алайҳиссаломнинг Туркуғли Ибн Ёфас алайҳиссалом ислом таълимотини Турон заминида кенг еиган эканлар Қуръони Каримда айтилишича, Одам алайҳиссаломдан бошлаб барча пайғамбарлар умматларини мусулмон бўлишга, аллохнинг бирлигига иймон келтиришга даъват этганлар. Муслим ва Мусулмон атамалари бирлик ва кўплик шаклида: ислом динига амал қилиш муслимлик ва мусулмонликдир.

Абдулғозийнинг «Шажараий Турк» асарида ёзилишича, ҳазрати Нух алайҳиссалом икки юз эллик ёшга етганида Худои Таоло уни пайғамбар қилиб юборди. Фақат саксон киши иймон келтиради. Бундан аччиқланган Нух алайҳиссалом иймон келтирмаганларни дуойибад қилади. Жаброил алайҳиссалом келиб Нух алайҳиссаломга дейди: «Худои Таоло сенинг дуоингни қабул қилди, ер юзидаги халқни сувга ғарқ қилмоқчи бўлди, кема ясагин деб амр қилди». Жаброил алайҳиссалом Нух алайҳиссаломга кемани ясашни ўргатади. Нух алайҳиссалом иймон келтириб, мусулмон бўлган кишилар билан кема ясайди. Шундан кейин ердан сув чиқади, осмондан ёмғир ёғади, тўфон бўлади. Нух алайҳиссалом кушлар ва ҳайвонларнинг ҳар биридан бир жуфтдан олиб иймон келтирган кишилар билан кемага минади. Ер юзидаги жонзот сувга ғарқ бўлади. Олти ой, олти кун деганда Худои Таолонинг амри билан тўфон қайтади. Кемадагилар омон қолиб Жуди деган тоғда кемадан курукликка ўтадилар. Шу ерда улар бемор бўладилар. Нух пайғамбарни учта ўғли, келини тузалади, бошқалар вафот этадилар. Шундан кейин Нух пайғамбар ўғилларига: «Одам фарзандларидан фақат уччалангиз қолдингиз, энди уччалангиз уч юртда турунг»—деб уларни уч томонга юборади. Ёфас алайҳиссалом отасининг амри билан Жуди тоғидан жўнаб кетди, Итил ва Ёйиқ дарёларининг ёқасини макон тутади. Шу ерда икки юз эллик йил яшайди, авлоди кўпаяди. Вафоти олдида ўрнига тўнғич ўғли Туркни қолдириб, бошқа ўғилларига бундай васият қилади: «Туркни ўзларингизга подшоҳ билинглар, сўзидан чиқманглар» — дейди. Ўғиллар ота васиятига содиқ қолиб, Туркни подшоҳ қиладилар. Турк одобли ва оқил киши эди. Ота мерос мамлакатларни кезиб чиқди. Иссиқкўл ерларини хушлаб қолиб у ерда яшади. Чодир ўтовни шу киши ихтиро қилади. То Алачахон подшоҳлик қилган давргача Турк авлоди мусулмон эди. Алачахон замонида юрт обод ва эл жуда бадавлат бўлиб кетади. Моддий нарсаларга сиғиниш бошланади. Вафот этган мусулмон солиҳ одамларга ўхшаш ҳайкаллар ясаб, унга сиғина бошладилар. Овқатларнинг олдини уни олдига кўя бошладилар. Юз —кўзини уни юзига суриб бошига кўтарардилар. Шу тариқа бутпарастлик пайдо бўлади. Бу Нух алайҳиссалом замонидан то Алачахон замонигача бўлган давр турк элининг мусулмончилик даври эди.

Турк эли иккинчи марта Ўғузхон замонида мусулмончиликка қайтган. Ўғузхон Алачахоннинг невараси эди, бобоси Мўғулхон, отаси қорахон мусулмон эмасдилар. Ўғузхон туғилгач уч кечаю уч кундаз онасини эммайди, ҳар кеча онасининг тушига кириб «Эй она мусулмон бўлинг, агар мусулмон бўлмасангиз, ўлсам ўламан сизни эммасман»,— дейди. Онаси унинг райига қараб, тангрининг бирлигига иймон келтирвади. Шундан кейин Ўғузхон онасини эмади. Онаси кўрган тушини ва мусулмон бўлганини бировга айтмайди. Чунки, қорахон замонида мусулмончилик ва мусулмонлик қаттиқ таъқиб этиларди. У пайтларда ўғли бир ёшга тўлмагунча унга от қўйилмасди. Уғузхон бир ёшга тўлгач, отаси қорахон юртга тўй бериб, бекларга бундай дейди: «Ўғлимиз бир ёшга етди унга не от кўярсизлар?», беклар жавоб бермасданоқ бир яшар ўғузхон тилга кириб бундай дейди: «Менинг отим Ўғуз турур»—тўйга келганлар барча катта кичик, ёшу қари бундан танг қоладилар. Уғуз тили чиққач аллоҳ сўзини такрор айтарди, лекин араб тилини атрофдагилар, ҳеч ким билмасди. Уғузхон балоғатга етгач, қорахон икки марта уйлантиради. Ўғузхон хотинларини мусулмон бўлишга даъват қилади, улар бу таклифга кўнишмайди, шу сабабли Ўғузхон уларга рўйхушлик бермайди. Кейин у мусулмон бўлишга кўнган бошқа қизга уйланади. Катта келинлари қорахонга Ўғузхон мусулмон бўлганини чақадилар. Ота—ўғил ўртасида низо чиқади, уруш бошланади. Ўғузхон ғолиб

келади. Отасининг бошига ўқ тегиб, ҳалок бўлади. Ўғузхон отасининг ўрнига тахтта ўтиради. Энди мусулмончиликка даъват қилади. Мусулмон бўлганларни сийлайди. Мусулмон бўлганлар Ўғузхонга келиб қўшиладилар. Ўғузхон ўзи тарбия қилиб, вояга етказган Қипчоққа кўп эл ва навкарлар бериб, можор, бошқирд элларини итоатда ушлашни буюриб, Дон, Итил ва Ёйиқ дарёлари хавзаларини юрт қилиб белгилаб, уни ўша ёққа юборади. Бу жойларнинг дашти қипчоқ дейилишининг боиси ана шундадир. Ўғузхон биринчи юришда Талас, Сайрам, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Балх, Гур, Бадахшон, Кашмирни забт этади. Иккинчи юришида Хуросон, Эрон, Ироқ, Ажам, Ироқи Араб, Озарбайжон, Арманистон, Шом ва то Мисргача бўлган ҳудудларни эгаллайди. Боши Сайрам охири Мисргача бўлган жойларга ҳокимлар қўйиб ўз юртига қайтди. Ўғузхон замони турк элининг мусулмонликка қайтиш даври эди. Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи»да ровийлар, тарихчи арбоблар маълумотига суяниб ёзадики, ер юзини Нуҳ алайҳиссалом авлоди ва аҳолиси томонидан эгалланиши билан уларнинг зурриёти ҳамда хешларининг ҳар бири ўртасида ибратли тартиблар, эътиборга лойиқ қондалар қурила бошлайди. Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом Жуди тоғидан пастга тушгач Аллоҳ таоло амри билан Машриқ томонга жўнайди, ўз падари бузрукворидан рухсат олиш асносида ундан, яъни Нуҳ алайҳиссаломдан дуо ўрганишларини сўрайди, токи ҳазрат қодир Аллоҳ ёмғир ёғишини сўраган Нуҳ алайҳиссалом унга исми аъзамни ўргатади. У исми аъзамни бир тошга нақш қилиб, Ёфас алайҳиссалом ҳазрати Борий таолонинг буюк исми нақш қилинган тош келтирар эканлар. Бугунги кунда ҳам турклар орасида ёмғир ёғдирувчи тош мавжуд, — деб давом этади. Мирзо Улуғбек у тошни Жада тоши, Яда тоши деб атайдилар. У арабча Хашарул Мутур дейилади. Хуллас ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом ёмғир дуосини Ёфас алайҳиссаломга таълим берадилар ва ўша тошни кўрсатадилар. Улуғ тарихчиларнинг ривоят қилишларича, ҳазрат Ёфас алайҳиссалом пайғамбари мурсал бўлдилар (мурсал—элчи демакдир). У ҳазратга нозил бўлган китобларда Яда илми ҳам зикр этилган эди. Демак Турк бобомизнинг оталари бўлмиш Ёфас алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг элчиларидан бири бўлиб, у кишига пайғамбарлик нишонлари учун Яда илми ҳам берилган экан. Демак муқаддас китобларда қайд этилишича, Ҳазрати Одам алайҳиссалом сифрида вдарфлар, Ҳазрати Идрис алайҳиссалом китобида илми нужум, Ҳазрати Иброҳим китобида санок илми (илми аъдод) Мусо алайҳиссалом тавротидида илми санъат ва тиб битилганини хотирага олсак, Ёфас алайҳиссаломга Яда илми берилганига ишониш вазифамиздир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳамма ўтган пайғамбарлардан афзалдирлар. Умматларнинг кўплигига ва иймон келтирганларнинг зиёдалиги билан фарқ қиладилар. Аммо ҳамма ўтган пайғамбарларга бирдай, баб —баробар иймон келтириш лозим.

Буюк турон халқининг исломга учинчи марта қайтиши у VII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Ҳазрати Умар халифалик даврида Сайд ибн Ваққос бошчилигида араб лашкарлари Шарққа юборилади, улар маҳаллий халқнинг исломни қабул қилишларига даъват қилганлар. Тарихдан маълумки, кейинчалик 705 — 715 йилларда Араблар Ўрта Осиёни тўла босиб олганлар. Исломгача, Ўрта Осиё халқлари буддизмга ва зардупгайлик динига эътиқод қилганлар. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»ни билувчи кохинлар бор эди. Улар она тилимизда Ўт оға дейилади, оташпарастрлар ибодатхонасида ҳамisha ёниб турувчи ўтлар бўлган. Ана шу оташпарастр аждодларимиз ислом динини дарҳол қабул қилмаганлар. Улар исломни тушуниб етиш учун анча вақт керак бўлган. Бунинг учун аввало тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим бўлган. Ислом шундай илоҳий қудратли динки, у ихтиёрий қабул қилинади, уни қуроли ишлатиб, мажбуран қабул қилдиришга ҳожат йўқ. Ана шу борада тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Амир кутайба ибн Муслим исломни мажбуран қабул қилдирган ҳоллари ҳам бўлган. Масалан, Самарқандда мусулмонлар билан оташпарастрлар ўртасида қон тўкилган ҳоллар ҳам юз берган. Бир гуруҳ самарқандликлар 705 — 710 йиллар орасида мусулмончилик шаҳарга зўрлик билан, қуроли

кучи билан олиб кирилди, деб халифаликка арз қиладилар. У ерда бу шикоят ислом маълумоти бўйича ўринли деб топилиб, диний адолат бўйича иш тутилади. Ислом аскарлари Самарқанддан олиб чиқиб кетилади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Амир кутайба ўтказилаётган таълимотни тарғиб қилувчи китобларни ёқишган. Абу Райхон Беруний «Осарул ал —боқий» асарида худди шу ҳолатни эслатиб ўтган. Буни қарангки, Амир кутайба аскарларига қаттиқ қаршилик кўрсатган Хоразм, Термиз, Фарғона каби Турон худудлари кейинчалик ислом динининг энг йирик марказлари бўлиб қолди. Мусулмон дунёсига буюк Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Фарғонийлар, Самарқандийларни етиштириб берди.

Энди Туронни шимолий, шарқий —шимолий, ғарбий — шимолий худудларида ислом дини ихтиёрий равишда қилич кучи билан эмас, балки ташвиқот, тарғибот ва мантқиқ кучи билан қабул қилинишини изохлаб ўтамиз. Маълумки, бу худудларда Ўғузхон замонларидан кейин орадан маълум бир вақт ўтгач, турк қабилалари ўртасида бутпарастлик ҳам, шамонийлар ҳам, чекка ўлкаларда эса мажустлар ҳам бор эди. Шамонийлик етакчилик қиларди. Аждодларимизнинг «Тангри» тушунчаси исломий «Аллоҳ» тушунчасига яқин келиб қолган эди. Улардан илоҳий тушунчаси мавжуд бўлган. Бутун борлиқни яратувчи, одамларни яхши ва ёмон тақдирларини белгиловчи тангри деб билганлар. Шимолий турклар бошларига бирор мушкул иш тушганда «тангри бир» дея илтижо қилганлар.

Тангри сўзи, ҳам кўл (осмон, само) ҳам аллоҳ маъноларини англатган. Улуғ ва танҳо бўлиш тангрига ишонувчи эътиқодларимизга, рухнинг абадийлигига, охират ҳаётига, яхшилик эвазига мукофот, ёмонликка яраша жазо берилишига ишониш тарғиб қилинади. Уларда арвоҳ тушунчаси ҳам бўлган. Яхши одам ўлганда руҳи кўкка тангри томонга учиб кетади, ёмон одам ўлганда эса, руҳи ер остига юборилади, деб ҳисоблашган. Шу тариқа жаннат ва дўзах тушунчалари пайдо бўлган. Она тилимизда дўзах —тамут, жаннат — учмоқдир. Учмоқ сўзининг луғавий маъноси ердан кўтарилиш, осмонга павроз қилишдир. Аждодларимизда бундай тушунчаларнинг мавжуд бўлиши қадимда туркхон, Ўғузхон замонларида уларни мусулмон бўлганликларини кўрсатувчи далиллардандир. Шундай анъанавий асослар ва айниқса тангри бирлиги ҳақидаги тушунча туроннинг катта **бир худудда** ислом динини ихтиёрий равишда қабул қилинишига омил бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамма якка худоликка ишонувчи динларнинг бир асоси исломдир. У азалий ва абадийдир. Маълумки, инсоннинг хулқи, тузалишдан кўра бузилишга мойилроқдир. Шу боис аллоҳ таоло ўз динини тирилтириб туради. Улуғ олим Абу Ҳамид Газзолий худди шу мавзуда махсус асар ёзиб, бу китобини «Диний билимларни тирилтириш», деб аташи ҳам бежиз эмас албатта. Дарвоқе, шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтишни лозим кўрамыз. Туронда ибодат қиладиган махсус бинолар — ибодатхоналар бўлмаган. Улар исталган жойларда кўкка боқиб дуолар ўқиб кетаверганлар. Мусавий ва Исавийлар ибодатхоналар, калисо ва черковлар, ўтпарастлар учун ўтхоналар бўлган. Улар ибодатларини мана шу бинода ўтаганлар. Ислом таълимотига кўра, ер юзининг ҳар бир пок жойида намоз ўқишга рухсат берилади. Камида уч киши биргаликда ўқиган намози жамоат намози мақомида ҳисобланаверади. Исломнинг бу борада кенглиги ҳам аждодларимизнинг азалий диний турмушлари тарзига мос келган эди. Биринчи масжид биноси Муҳаммад алайҳиссалом даврларида қурилган эди. Кейин бу анъана турмуш тарзи тақозоси билан бутун ислом дунёсига тарқалди, жумладан, туронда ҳам кенг авж олиб кетган.

Дин ва маънавият қадимдан бўлган. Динлар тарихини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инсон табиат кучларига эътиқод қила бошлагандан буён маънавият ҳам шаклланган. Динлар доимо инсон маънавиятни яхшилашга ҳаракат қилган, етаклаган. Мафкура ва дин, маънавият ва дин булар диний маънавият — дунёвий маънавиятдир. Дин доимо мафкура билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Ўрта асрларгача (XVI асргача)

динларнинг ўзи мафкура бўлган. Кейинчалик инсон томонидан ишлаб чиқилган мафкура жорий қилинган.

Ҳар қандай мафкура ҳам халққа осонликча сингдирилган эмас. Жумладан ислом мафкураси ҳам Ўрта Осиё халқлари турмушига куч билан киритилган. Пул берилган, солиқдан озод қилинган, қабул қилмаганлар жазоланган. Қуръони Каримда ахлоқ — одоб масалалари, оллоҳни топшириғи сифатида амалга ошириш буюрилган. Туронда кейинчалик инсон томонидан яратилган коммунистик мафкура ҳам куч билан жорий этилган.

Маърифат сўзининг луғавий маъноси билмоқ, ўқимоқ деган маънони англатади. Мазкур масалага исломда алоҳида эътибор берилган, ҳар бир муслимни илмли, билимли, ахлоқли, иймон эътиқодли бўлишга ундаган. Қуръони Каримда «Икра» сураси ўқигин, ўргангин деганидир. Исломда ўқишга катта эътибор берилган. Ҳатто «бешиқдан то қабргача билим ол» ўқигин, ўргангин дейилади. «Оллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даража ва мартабаларга кўтарар», 17 — сура 85 — оятда «Сизларга жуда оз илм берилган» дейилади. Ким кўп билса камтар бўлиши керак. Манманлик — маънавиятсизликдир.

Туронда XX аср бошларигача Қуръони Карим таълимотлари илм, фан сифатида фойдаланилган. Исломий таълимотни тарғиб қилувчи мактаб ва мадраслар бўлган. Кутубхона ва китоб дўконлари дин уламолари қўлида бўлган. Шу даврларда замонавий илмлар чекланган. Шундай бўлишига қарамай 16 асрларгача Туронда фан, маданиятни ривожланишида, аҳолини ахлоқли, одобли, маънавиятли қилиб тарбиялашда ислом минтақа маданиятини роли катта бўлган. Натижада Туронни бутун дунёга танитган алломалар етишиб чиққан. Қуръони Каримда кўпроқ назариядан амалиётга эътибор берилган. Умуман ислом кадриятларини 3 га бўлиш мумкин:

1. Қуръони Каримнинг минглаб оятлари инсонни улуғлашга бағишланади.
2. Ота—онани улуғлашга, катталарни хурмат қилишга бағишланган.
3. Минглаб оятлари ахлоқ, одобга, адолатпаврарликка, олий ҳиммат бўлишга, ватанпарвар, софдил, хушмумала бўлишга, халол, одил бўлишга бағишланган.
4. Ислом кадриятларининг маънавий, умуминсоний характери.

Булардан ташқари ислом кадриятларидан ҳайит намозлари, рўза, закот, фитррўза ва бошқа одатлари инсонларни маънавий ахлоқий руҳда тарбиялашга қаратилган. Масалан, ҳайит намозининг маънавий ахлоқий томони шундан йборатки, шу муддатда ўтганлар руҳи ёдга олинади. қабристонларга бориб, ўтганларни зиёрат қилинади, беъмолларни бориб кўрилади, урушганлар ярашади, бир — бирига мадад қўлини чўзади. Рўза ойида эса юқоридагилардан ташқари фитр рўза ва закот йиғилиб маҳалладаги ногиронлар ва мухтож оилаларга ҳам иқтисодий ҳам маънавий ёрдам кўрсатилади. Исломда рўза беш аъзоси билан яъни оғзи, қулоғи, кўзи, қўли, оёғи билан тугилсин дейилган. Бу талабнинг маънавий томони шундан иборатки, оғзи билан ёмон гап гапирмаслик, қулоғи билан эшитмаслик, кўзи билан номакул нарсаларга қарамаслик, қўлини ножўя ҳаракат қилмаслик, оёғи билан бормаслик кабилардир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ислом дини ва Қуръони Карим талаблари тўлалигича маънавият ва маърифатдир. Исломнинг барча кадриятлари эса умуминсоний характерга эгадир. Ҳеч бир миллатни ва элатни, халқни ажратмайди. Ҳаммаси бир сўз билан муслим деб аталади. Исломнинг барча урф — одатларида маънавий ахлоқий асослари борлиги учун ҳам у абадийдир.

Тасаввуф шарқ мусулмон халқларининг маънавий ҳаёти тарихида ўчмас из қолдирган ижтимоий — фалсафий оқимлардан биридир. У ўзининг 10 асрдан ортиқ тараққиёти давомида даврнинг ижтимоий, маданий, ғоявий ва ахлоқий талабларига мос равишда турли шакл ва йўналишларда ривожланиб келди. Тасаввуфнинг келиб чиқиши ва ривожланишига ўтишдан олдин уни нима маъно беришини англаб олиш керак. Тасаввуф — олим билан жоҳил ўртасида курашдан иборат бўлган қараш, қалбнинг нурга боғланишидир Аллоҳ мен қалбларингизда бўламан дейди. Дарвешлар қалбни поклаш

учун оллохга ўзини бағишланганлар. Дарвеш ҳақ ва ҳақиқатга ташналик дегани. Ҳақ мутлақ борлиқ тушунчаси билан боғлиқ. Бу дунё ҳақ эмас, оллохнинг ўзи ҳақ. Қўринадиган нарсалар реаллик эмас, ўзгарса реаллик эмас, рух ҳақиқий ҳақдир. Комилликка эришиш — комил мусулмон бўлиш демакдир. Ўзида жами яхшиликларни бирлаштиради, у комил инсон бўлиши мумкин. Бундай комил инсон учрайди. Бу фалсафий қарашлар инсонга қаратилган. (Дукчи Эшон, М.Халлож, Машраб, Бехбудий ва х.к.) Бизда тариқат 30 — йилларгача бўлган. Аммо улар Эрон ва Туркияда ҳозир ҳам бор. Бу тариқатнинг аҳамияти шундан иборатки, у инсон камолотига хизмат қилган. Шунинг учун ҳам уни ман қилиб бўлмайди. Ҳозир ҳам керакли. Боболаримиз тасаввуфда одамларни бахтли қилиш ва жамиятни тарбиялашга хизмат қилишни кўрганлар

Тариқат табиатни, оламни икки маъно ва шаклга бўлади. Маъно деб — парвардигорни, шакл деб қолганларни тушунади. Ботил инсон қалби билан боғлиқ нарсалар дейди. Улар ҳам иккита: ғойиб ва дунё илмига бўлинади. Булар бир — бири билан боғлиқ. Илм — бу шакл. Дунёни ақл билан билса бўлади, аммо аллоҳ илмини билиб бўлмайди. Ғойиб илмини Ладун илми дейилади. У авлиёлар илзш. Тақводор худодан кўриқиб эътиқод қилади. Аксинча худони сезиш керак, худодан жаннатни сўрамай, дўзах азобидан кўрқмай чоҳни севиш керак дейилади, тасаввуф илмида. Тасаввуф илмини исломдан ташқари дея олмаймиз. Тасаввуф мазҳаблар ўртасидаги курашлар жараёнида вужудга келган илмдир. Дарвешлар бошқа одамларга ибрат, кўзгу бўлган. Илгари подшолар дарвешлар олдида борган. Чунки дарвешлар подшога, мол дунёга, дабдабали ҳаётга қарши бўлган Ривоят: подшоҳга дарвеш таъзим қилмайди, мен сендан манфаатдор эмасмад дейди.

Сўфийлар ва дарвешлар назарида жаннат умидида тоат ибодат қилиш таманинг бир кўринишидир. Сўфий учун на дунёдан, ва на охиратдан тама бўлмаслиги керак. Ягона истак бу худонинг дийдоридир, холос. Машҳур сўфий Робия Адвия (714-801) тангрига муножатларида нола қилиб айтар экан: «Эй парвардигор, эй ёри азиз, агар жаннатинг тамасида тоат ва ибодат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан кўриқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзах ўтида куйдир — минг — минг розиман! Аммо сенинг жамолинг деб кунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма!» Тангри таолога курук, кўр — кўрона мутейликнинг хожати йўқ. Шунинг учун сўфийлар Оллоҳни жон дилдан севиш, васлига етишиш, лаззатланиш ғоясини тарғиб қиладилар. Сўфий дегани — жундан тўқилган мато кийган деган арабча сўздан олинган. Тасаввуф илми такомиллашувида Кубровия, Яссавия ва Нақшбандия таълимотлари асосий ўрин эгаллаган. Яссавий даврида зикр тутиш оммавий тусга кирган. Асарлар ёзилган. Профессор Нажмиддин Комиловнинг кўрсатишича, Сўфий арабча «сўф» сўзидан ҳосил бўлган деган фикрни билдирадилар. «Сўф» сўзининг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган матодир. Сўфийлар кўп ҳолларда жун чакман ёки қўй терисидан пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун уларни жун кийимлар (форсча — пашминапуш), яъни сўфий сўзининг «сўф» сўзидан ясалиши араб тили қонун қоидаларига мос келади.

Агар «сўф» сўзидан «сўфий» ясалган бўлса, ўз навбатида «сўфий» ва «тасаввуф», «мустасуф», «мутасаввуф» сўзлари ҳосил бўлган. Мустасуф сўзи ўзини сўфийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо асл мақсади амал—мансаб, мол—мулкка интилиш бўлган кишиларга нисбатан ишлатиладиган сўз бўлса, мустасуф тариқат ва ҳақиқатга муайян манзилларни эгаллаган, бироқ сўфий даражасига кўтарила олмаган кишидир. Мутасаввуф — қалбан сўфиёна ғояларга мойил, тасаввуфни эътиқод, мақсад қилиб олган, лекин тариқатнинг амалиётини ўтамаган, расман сўфий бўлмаган одам. Тасаввуфни тадқиқот мавзусига айлантирган кўп олимларни таъкидлашча исломдаги бу оқим 7 — асрнинг охири ва 8 асрнинг бошларида келиб чиққан бўлиб, у Муҳаммад пайғамбарнинг ҳамда дастлабки тўрт халифанинг яшаган даврига тўғри келади. Сўфийлик ислом дини асосида вужудга келиб, ўз таълимотини Қуръон ва Ҳадисларга асосланиб ривожлантирарди. Бироқ у ислом динига қадар бўлган эътиқодларнинг ҳамда динларнинг таъсирида ҳам ривожланди.

1. **Кубровия, Яссавия, Нақшбандия** тариқатлари 12 —асрда Ўрта Осиёда вужудга келган (яна) бир йирик тасаввуфий тариқат — «Кубровия» мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири Шайх Нажмиддин Кубро номи билан боғлиқдир. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар Абул Жаноб Нажмиддин Ал —Кубро Ал —Хиваки Ал — Хоразмий бўлиб 1145—1221 йилларда Хоразмдаги Хива шаҳрида туғилган. Нажмиддин Кубро ўз даврида «Шайхи валитарам» яъни валийлар тарбиялайдиган шайх номи билан машҳур бўлган. Нажмиддин Кубро тасаввуф фалсафаси ҳақидаги турли қарашларни, ҳақиқатни билиш жараёнига ёндошишнинг ўша даврларда ҳукмрон бўлган шакллари чуқур ўрганди. Олим Нажмиддин Комиловнинг кўрсатишича, Кубронинг хислатлари олами кабр, ва олами сағир ўртасидаги муносабатларни изоҳлашда яққол кўзга ташланади. Олами кабир — илоҳий олам, олами сағир эса —инсон. Ҳақиқатни билишда олами кабрнинг ўрни, аҳамияти катта. Инсон ички руҳий кечинмалар, тоат ибодат йўли билан олами кабрдаги илоҳий ҳақиқатни излайди, унга дили ва иймони билан аста — секин яқинлашаверади. Худони билиш, унинг бирлигини тан олиш, илоҳий қудратнинг моҳиятини дил билан англашга интилиш ҳам олами кабрнинг билиш йўлидир. Инсон олами кабрнинг бир қисмидир. Олами сағир ҳақидаги билимларсиз олами кабир ҳақидаги қарашларни ҳам тўла деб бўлмайди.

Тасаввуф мавҳум тафаккур, тарки дунёчилик доирасидан чиқиб, ҳақиқий инсон муаммосини ўргана бошлагач фалсафага айланди. Кубровия тариқати ўзидан олдинги тасаввуф таълимотидан инсон муаммосини кўпроқ ўртага қўйилиши билан ажралиб туради. Унда инсон фақат илоҳиётга интилувчи, ўзини бутунлай унутиб юборган мавжудот эмас, балки ижтимоий имкониятлари бор бўлган куч сифатида ҳам талқин этилади.

Кубровия тариқати мукамал диний, фалсафий таълимот сифатида Нажмиддин Кубро Миср, Эрон ва бошқа мамлакатларда юрган давридаёқ шаклланган ва кўпчиликка маълум бўлган.

2. **Яссавия** тариқати. Туркий ислом дунёсида буюк тасаввуф олим, шарқ тасаввуфида чуқур из қолдирган «Яссавия» тариқати асосчиси ва туркий классик шеърятнинг улуғ вакилларида бири бўлмиш Ҳожа Аҳмад Яссавий 12 асрда яшаб ижод этган. Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳижрий 5 —аср ўрталарида Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида туғилди. Унинг вафот этган вақти кўпгина қўл ёзмаларда ҳижрий 562, милодий 1166 йил деб қайд этилган. У 12 асрнинг энг кўзга кўринган суфийларидан бири бўлган. Унинг шуҳрати бутун Туркистонни, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни тутган, Яссавийнинг муридлари ҳам сон саноксиз бўлган. Яссавий тариқатида бойлик, бу дунё лаззатлари инobatга олинмайди, у қораланади. Чунки улар инсоннинг худога интилиши йўлида ортиқча ҳалал берувчи бир нарса. Ўткинчи бу дунёда бойликка хирс қўйиш, худога ишқ қўйишга ҳалал берувчидир, унга қарама — қаршидир. Шунинг учун бойликка интилишдан, умуман бу дунё лаззатларидан воз кечиш керак. Бошқача қилиб айтганда Яссавияда қўлни ҳам, дилни ҳам бу дунёдан узиб, уларни худога бағишлаш керак. Яссавий аллоҳ ишқида 63 ёшида ер остига кириб тоат —ибодатга берилади. Унинг фикрича оллоҳ жамолига мушаррафлик узлат, хилватга ўтишда зикри самодадир. Оллоҳ ишқида ёниш ва пировард натижада бу билан қўшилишга интилиш ҳар бир сўфийни олий мақсади бўлганлиги учун Аҳмад Яссавий ўзининг «Мавту қибла анта мавту» «ўлишингиздан бурун ўлингиз», «ўзлингиздан кечингиз» шиорини илгари суради. Шу сбабли бўлса керак Ҳазрат Навоий Аҳмад Яссавийни «Туркистон мулкининг Шайхул машойихидир» деб атаган.

Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, Яссавий тариқати чуқур инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳнаткашларга раҳм — шафқат руҳи билан суғорилган. Буни унинг шеърят тасдиқ этади.

3. **Нақшбандия** тариқати. Бу тариқатга Баҳовуддин Ибн Муҳаммад Ал —Бухорий Нақшбанд (1318—1389) асос солган. Баҳовуддин (диннинг нури, шуъласи, равшанлиги) унга кейинчалик берилган фаҳрий номдир. Нақшбанд (нақш солувчи, пул берувчи) унинг

отаси ва ўзининг касб хунари бўлгани учун шундай лақаб берилган. Нақшбанд 1318 йилда Бухоро ёнидаги қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилади. Ёш Баҳовуддин ўша даврдаги атоқли Мутасаввуф Саид Амир Кулолдан таълим олган.

Тасаввуфнинг мазкур билимдони, атоқли шарқшунос Й.С.Бертельснинг ёзишича, Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фикрлар ётади. Шунга биноан, Баҳовуддин Нақшбанд умри бўйи дехқончилик билан, ўз қишлоғида унчалик катта бўлмаган ерига буғдой ва мош экиб кун кечирган. У уйида ҳеч қандай мол — дунё ва бойлик сақламаган. Қишда қамишлар устида, ёзда эса буйра устида ётиб кун кечирган, уйида хизматкор ҳам бўлмаган. Нақшбандия тариқатининг бош шиори «дил ба ёру — даст ба кор». Бу демак, солиҳ ичида ҳамиша худога кўнгил қўйиши шарт. Нақшбандиянинг бошқа шиорлари ҳам ўзида дунёвийликни мужассам этади, шу тариқа бу тариқат тасаввуфни ҳаётга яқинлаштиради, уни меҳнат кишилари шароитига мослаштиради.

Баҳовуддининг тасаввуфга оид панд — насихатларидан иборат мақоматлари Хожа Муҳаммад Порсонинг «Рисолайи қудсия» Мақомати «Хожа Нақшбанд», Абдулмуҳсин Муҳаммад Боқир Алининг «Мақоми Ҳазрати Нақшбанд» китоби ва бошқалари сақланиб қолган. Ўрта Осиё халқлари хожа Баҳовуддин Нақшбандни жуда юксак кадрлайди. Халқимиз ул ҳазратга баланд эътиқод қўйиб, «Баҳовуддин — балогардон!» — дея беҳад эъзозлайди. Ўзбекистонимиз ҳозирги мустақиллик йўлида ривожланаётган бир шароитда «Яссавия», «Кубровия», «Нақшбандия» каби ўлкамизда вужудга келган тариқатлар ҳам ҳар томонлама чуқур ўргани олмоқда. Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккир, мутасаввуф донишмандларнинг поклик, тўғрилиқ, ҳудожўйлик, меҳр шафқат, ақлу — инсоф, иймон, меҳнатсеварлик каби илғор умумбашарий фикрлардан халқларимиз тўла баҳраманд бўла бошлади.

Тасаввуф борлиқ ҳақида

Тасаввуфнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти пантеистик табиатга эга Пантеизм сўзи лотинчадан олинган бўлиб, пан — ҳамма, теизм-худо деган маънони англатади. Шундан келиб чиққан холда пантеизм фалсафада табиат билан худони бирлаштириб юборувчи таълимот сифатида ишлатилади. Ҳамма нарсада худо борлигини айтади.

Тасаввуф оламни, барча мавжуд нарсаларни 2 га бўлади: зарфий вужуд (вужуди вожиб) вужуди мумкин. Зурурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали доно ва билувчи тангридир. Қолган ҳамма нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, ундан яъни зарурий вужуд бўлган тангридан келиб чиқади. Худо ҳамма нарсаларнинг сабачисидир, ёмон йўлга бошлаши, адолатсиз ҳукмлар чиқаришига олиб келиши мумкин. Бундан чиқадики, фақат маърифатли, адолатли шоҳгина халққа тинч ва фаровон ҳаёт яратиб бериши мумкин.

3. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк салтанати жуда катта ва маънавий, заминга қурилган, унинг давлатининг асосий устуни маънавийлик бўлган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Темурнинг инсон сифатидаги бу маънавий, ахлоқий дастурамали унинг давлат арбоби сифатидаги масъулияти ва дастурини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. Унинг фикрича салтанатни ўз илкида сақлайдиган давлат арбоби мустақиллик билан тахтга ўлтирмоғи, ҳар нарсага адолатпеша бўлмоғи, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақламоғи керак. Амир Темур ўз вазирлари олдида ҳам қатъий ахлоқий талаб ва мажбуриятлар қўяди, вазирлар қуйидаги 4 сифатга эга бўлган кишилардан бўлиши керак дейди.

У аслиқ, тоза наслиқ, ақл фаросат, сипоҳу раият аҳволидан хабар оладиган, уларга ҳушмуомалалиқ кўрсатадиган, сабр қаноатлик, тинчликсеварлик. Темур вазирнинг бурчи ва инсоний фазилати ҳақида гапирар экан, ўз ўрни билан мулоим вазир давлат шериги бўлади, дейди. Чунки давлат 3 нарса — мулк, ҳазина, лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг барчасини тадбиркорлик билан яхши тутди. Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳнинг жабр зулмини тўхтатиш тадбирини кўради. Лекин вазир нодон бўлса, салтанат ишлари тез муддатда тубанликка учрайди. Амир Темур ана шундай тарбия топган икки вазирга ишонч билан қарайди: Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва

Насриддин Махмуд ул аромийга ўзини доимо кузатиб туришларини, адолатсизлик қилса дарҳол тўхтатишни, кимнингдир ёлғон сўзларига ишонса ёки бегона кимсанинг мулкидан фойдаланган бўлса, дарҳол уни огоҳлантиришга ҳуқуқ беради.

Амир Темур салтанатида маънавий омиллар ҳақида сўз борганда ислом дини шариат қоидаларини ҳамиша қўллаб қувватлагани, уларга ривож берганлигини таъкидлашимиз керак. Ислонинг маънавий тарбиядаги мавқеига соҳибқирон алоҳида эътибор беради ва айтиш мумкинки у диний шариат ишлари тузугини тартибга келтиргандан сўнг салтанат корхонасининг тузугини тузишга киришади. Шунда ҳам қонун — қоидалар тизимини ислом динига муҳаббат билдирган ҳолда мустаҳкамлайди.

Амир Темур ёзади: «Яна тажрибамдан кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан тўра—тузикни боғламас экан, ундай салтанатнинг шукухи, кудрати ва тартиби йўқолади». Шу асосда у сайидлар уламолар, окилу донолар, муҳаддисларга катта хурмат билан қарайди. Иззат икромни жойига қўяди. ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришга, диний масалалардан таълим беришга тавсиф, ҳадис, фикрдан дарслар ташкил этишга, бу ишларга йирик олиму уламоларни жалб этишга, аини вақтда уларнинг устидан қатъий назорат ўрнатишга эътибор беради.

Ислом қонун қоидаларини, шариат талабларини билиш, уларнинг мазмунини дангал ечиш масаланинг бир томони, Амир Темур ана шундай маънавий таомойилларни ўз фаолиятида ҳар томонлама қўллаши, кишилар ва давлатчилик ишларини юргизишда уларга суяниб туриб, масалаларни ҳал этиши масаланинг бошқа бир муҳим томонидир. Бу соҳада Амир Темур Пири Таёбодийга илтимос қилиб, ундан йўл йўриқлар кўрсатишини ва панду — насиҳат қилишни сўраганлиги устозининг унга берган ўгитини эслаш муҳимдир. Шайх унга фотиҳа бериб бир чиғанок узук ҳадя этади. Узукнинг кўзига форсча «Рости Русту» деган сўзлар битилган бўлади, унинг маъноси ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан асрайди, омад келтиради дегани эди. Амир Темур умр бўйи бу маънавий бурчга содиқ қолади.

Амир Темур тўла равишда асосланган маънавий талаблар, эҳтиёжлар таомойилларига таянган ҳолда ўша даврда маънавий маданият тараққиётига катта ишонч билан қараганлигини ҳам таъкидлаш керак.

Тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, келтирилган 15000 дан ортиқ кулоллар, заргарлар, тикувчилар, меъморлар, тош йиғувчилар, ўк — ёй усталари, қуролсозлар, арғамчи эшувчилар ва бошқа ҳунармандлар ўртасида яхши алоқа ўрнатилди. «Турку тожик, арабу аҷамнинг турли тоифа қабиладан бўлган ва менинг паноҳимга қирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим», — дейди у.

Юқорида қайд этилган жиҳатлар, яъни Амир Темурнинг маънавият масалаларига жуда катта аҳамият бериши негизида унинг фан, санъат ва маданият арбобларига кўрсатган эътиборини моҳияти ётади. Бу ҳақда жаҳоннинг юзлаб тарихчию олимлари ёзиб қолдирганлар. Уларнинг эътирофича Амир Темур фалсафа, тарих, табобат, нужум фанларидан яхши хабардор бўлган. Шеърят соҳасида таъби юксак эканлиги ҳақида Навоий «Мажолисун нафоис» асарида шундай фикрларни беради. «Темур Кўрагоний... агарчи назм этмокка илтифот қилмайдурлар. Агар назм ва насрни андоқ хўб маҳал мавзейда ўқубдурларким, анингдек бир зайд ўқигани минг яхши айтганча бор».

Темур давлатни тараққий эттришда илм фаннинг аҳамиятини тўғри тушунтирган. Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, олиму фузалолар билан учрашувда уларга шундай мурожаат этган. «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан қадимги подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларни турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатингиз билан кўмаклашишингиз керак».

Амир Темурнинг, подшоҳларнинг сифатлари ва фаолиятларидан сўзлайдиган киссалар, тарихий воқеалар жуда қизиқтирган. Унинг тарих фанига бўлган муносабатларини шаклланишида қиссахон мавлоно Убайдуллонинг хизмати катта бўлганлигини ёзадилар. Шарофиддин Али Яздий «Зафарнома»сида қайд этишича, Соҳибқирон тарихий воқеаларни айниқса унинг ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган ходисалар тўғрисида ҳаққоний ёзишни талаб қилган: «Хар қандай воқеа, унга ўзгартириш киритмай, оширмай, камайтирмай, яъни аслида қандай кечган бўлса ўшандай кўрсатиб берилсин. Бирон кишининг аслиги ва мардлиги ҳақида ён босишга, ҳушомадгўйликка асло йўл қўйилмасин, айниқса ул ҳазрат Темурнинг шижоати ва қатъиятли эканига тааллуқли бўлган нарсадан ҳеч қандай муболаға қилинмасин деб буюрган эди».

Темур томонидан Қиссахон тарихчиларнинг нечоғлик ҳурмат қилинганлиги, Мавлоно Шамсиддин томонидан айтилган қуйидаги сўзлардан ҳам билса бўлади: «Менинг кадримни биладиган одам дунёдан ўтди, энди мен бошқалар хизматида ўз ҳурматимни кетгазмайман».

Амир Темур даврида нафис санъат соҳасида ҳам жуда кўп катта ишлар амалга оширилди. Самарқанд атрофида қурилган 12 та чорбоғ, 10 га яқин йўлдош шаҳарчаларининг қасрлари ранг баранг тасвирлар билан безатилганлиги маълум. Ҳар бир чорбоғ қасрини ўзига хос санъат қошонасига тенглаштириш мумкин. Академик И.Мўминовнинг ёзишича, «Мовароуннаҳр — Ўрта Осиёни алоҳида ўзига хос меъморчилик санъати хусусиятларини ҳамда Ўрта ва Яқин шарқда ривожланган- бадий тафаккурни ўзида ифодалайди».

Темур даврида мамлакатда ҳокимиятни бошқариш соҳасида муайян барқарорликка эришилади, олиб борилган ободончилик ишлари натижасида Самарқанд, Кеш, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарлар гуркираб ўсади, ҳунармандчилик, иқтисодий алоқалар ривож топади. Шунини таъкидлаш зарурки, бу даврда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари тараққий этади.

Соҳибқирон Амир Темур юбилейи муносабати билан чоп этилган илмий тадқиқотларда Темурий моддий маданиятнинг тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, яъни металл буюмлар ясаш, темирчилик ва бинокорлик соҳаларига асосий эътиборни қаратилади. Ипдан жун, зиғир, каноп толасидан ранг —баранг газмоллар ишлаб чиқарилади, айниқса Бухорода ва Самарқандда тўқиб чиқарилган олачаларнинг довуғи ошди. Самарқанднинг атласлари, қирмизи духобалари ва зардўзи либослари шухрати Шарққа ёйилганлиги таъкидланди.

Ҳунармандчилик ривож топишига чет эллардан келтирилган ижод аҳли ҳам катта ҳисса қўшади. Ибн Арабшоҳ «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» асарида: «Дунёнинг барча иқлимидан келган ўлка усталари ва ҳунармандлари ўз мамлакатларининг одатларига кўра турли либосларда устахоналар бўйича хилма —хил зебу зийнат, чамбар ва бош кийим кўринишидаги кўркам безаклар, ноёб буюмлар ва байрамона либослар, мато ва ўз соҳасининг маҳсулотларини тайёрлашда ҳар бир гуруҳ ўз мавқеига яраша эди» деб ёзади.

Айтиш мумкинки, Темурийлар даврида ҳунармандчилик соҳасини бу қадар кучайиб кетиши, маданий ва маънавий ҳаётнинг асосий белгиларидан эди. Меъморчилик соҳасида ҳам бундай кўтаринкиликни кўриш мумкин Темур томонидан Оқсарой пештоқиға ёздириб қўйилган «қудратимизни кўрмоқ истасанг, биноларимизга боқ» шиори бу соҳадаги фаолиятнинг кўлами ва аҳамияти тўғрисида муайян тасаввур бера олади.

Темур ва темурийлар даврида маънавий маданият соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Амир Темурнинг ўзи жамиятнинг маънавий ҳаёти дин, фалсафа, илму фан ва бошқа соҳаларга катта эътибор берганлиги айтиб ўтилди. Тарихчиларнинг ёзишича, Темурийзодалар Улуғбек (1394-1449), Султон Ҳусайн (1438-1506), Бобур (1483-1530) илм фан маданиятга ҳомийлик қилибгина қолмадилар, айна вақтда ўзларининг фаол шахсий илмий —фалсафий, бадий — эстетик ижодиётлари билан уни янада ривожлантиришга ҳисса қўшадилар.

Мовароуннахр илм фан ва маънавият тараққиётига Мирзо Улуғбекнинг қўшган хиссаси айниқса катгадир. Улуғбек мамлакат равнақ топишида илмий ва бадиий тафаккурнинг кучига каттиқ ишонган эди. Улуғбек дунёвий ва диний маданият тараққиётида маънавий меросни ўзлаштиришнинг аҳамиятини чуқур англаб етади, шу сабабли Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий ва Ибн Сино меросини чуқур ўрганadi.

Улуғбек илмгохларида ўша даврнинг йирик алломаларидан бўлган Шамсиддин Ҳавофий, қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Коший, Аловиддин, Али қушчи кабиларни сабоқ беришлари учун шарт — шароит ва имкониятлар яратади. Қозизода Румийни Мадраса устозлари раиси этиб тайинлайди. Дарҳақиқат, мадрасада ишлайдиган олимларни Улуғбекнинг шахсан ўзи тайинлайди.

Мирзо Улуғбек XV аср жаҳон астрономия фани соҳасида оламшумул тадқиқотлар олиб борган йирик алломадир. Тарихдан маълумки, Улуғбек 1424—1428 йилларда Самарқанд шаҳри яқинидаги, Обираҳмат деган жойда Расадхона қурдирди. Унинг 1437 йилда ёзиб тугатган «Зижи жадиди Кўрагоний», («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») асари ана шундай илмий кузатиш ва хулосалар негизида дунёга келади.

Мирзо Улуғбек табиатшунослик соҳасидагина эмас, балки тарихшунослик, мусиқа илмида ҳам ажойиб асарлар яратган. Унинг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари фикримизнинг далилидир.

Темурийзодалардан Ҳусайн Байқаро ҳукмронлиги даврида Ҳирот фан ва маданиятнинг марказига айланди. Олимлар, шоирлар, санъаткорлар ҳамиша унинг ҳомийлигида ижод этган. Албатта буларнинг барчаси мутафаккир Алишер Навоийнинг таъсирида бўлганлиги маълум.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида йирик аллома олимлардан машҳур табиб Ҳусайн, жаррох, созандалардан Саид Аҳмад, Устод Ҳусайн, Устод Қулмуҳаммад, наққош ва ҳаттотлардан Мирок Наққош, Камолиддин Беҳзод, мусиқашунос Фоний ва бошқалар ижод қилади.

Юқорида айтилганидек, Темурийлар даври маънавий ҳаёти нафақат темурийзодалар, балки улар даврида яшаган, уларнинг бевосита ҳомийлигида ижод қилган ва фаолият кўрсатган маданият арбоблари меросини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳақида сўз борганда улкан алломалар ва буюк донишмандларнинг номларини санаб ўтиш жоиздир.

Илм фан, табиатшунослик соҳасида Саъдудин Тафтазоний (1322 — 1392) ислом фалсафаси, мантиқ, шеърят ва араб тилига бағишланган 40 дан ортиқ асарларнинг муаллифидир.

Мир Саид Шариф Журжоний (1339—1413) 50 дан ортиқ асар муаллифи. Булар орасида унинг билиш назарияси ва мантиқ муаммоларини тадқиқ этувчи «Таърифлар», «Мантиқ усули» асарлари алоҳида ўрин тутади.

XIV аср охири XV аср бошларида яшаган Қозизода Румий — Улуғбекнинг устози Самарқанд мадрасасини ташкил этиб, бу ерда (1417 — 1420) раис ул-муаллимин мансабига тайинланади. Унинг тубандаги асарлари машҳур: «Ҳисоб ҳақида рисола», «Синус ҳақида рисола», «Амал дастури ва жадваллари тузиш», «Астрономия илми ҳақида» ва х.к.

Али Қушчи (вафоти 1474) йирик математик ва астроном сифатида Самарқандда шухрат топган. У 20 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, қуйидаги рисоалари машҳурдир: «Ҳисоб ҳақида рисола», «Қасрлар рисоласи», «Ҳисоб ҳақида», «Шарҳи зижжи Улуғбек» ва х.к.

Ғиёсиддин Али Коший (вафоти 1429) риёзиёт қомуси бўлган «Ҳисоб калити» билан шухрат қозонган. Унинг «Осмонлар нарвони», «Боғлар сайри» каби рисоалари ушбу давр Мовароуннахр илмий — адабий мухитидан салмоқли ўрин тугган.

Тарихшунослик соҳасида, Давлатшоҳ Самарқандий (1435—1495) «Таскират уш — шуаро» асарининг муаллифи. У муқаддас, етти қисм ва хотимадан иборат бўлиб VII - X

асрлардан XV асрларгача бўлган даврда яшаб ижод этган. 160 га яқин шоир ҳақида қимматли маълумот беради.

Низомиддин Шомий (XIV аср ва XV аср бошлари) тарихда «Зафарнома» асри билан машҳурдир. Асар бевосита Амир Темур таклифи билан битилади.

Шарофиддин Али Яздий (вафоти 1454) ўз даврининг етук тарихчи олими бўлиб, Марказий Осиё, Ислон шарқида «Зафарнома» асари билан шуҳрат қозонган. Маълумки, бу асар Амир Темурга бағишланган, бундан ташқари Унинг қуйидаги асарлари ҳам мавжуд: «Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли жома», «Устурлоб илми бўйича китоб», «Шеърлар тўплами», «Муншаот».

Абдурахмон Самарқандий (1413—1432) «Матлаъи Саъдаи» асарини ёзиб, унда XIV аср бошларидан XV аср ўрталдигача бўлган, яъни чингизийлардан Абу Саиддан бошлаб, Темурий Хусайн Бойқаронинг Ҳирот шахрини иккинчи марта ишғол қилишгача бўлган давр тасвирланади.

Мирхонд (1433—1498) ўрта аср мусулмон шарқи тарихининг йирик намоёндаларидан бирidir. Унинг энг машҳур асари «Равсат —уссафо», «Пайғамбарлар — подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи» ҳисобланади. Асар А.Навоийнинг ҳомийлигида ёзилган бўлиб, дунёнинг яратилишидан тортиб Султон Хусайн Бойқаро ва унинг фарзандларигача бўлган тарихни ўз ичига олади.

Хондамир (1473— 1534) она уруғи томонидан Мирхонднинг набираси бўлиб, унинг тарихшунослик ишларини давом эттиради Унинг асарларининг аксарияти А.Навоийнинг илтимоси билан битилган. Буларнинг энг машҳурлари қуйидагилар: «Ҳайрли ишлар аҳволида (жаҳон) хабарларининг хулосаси», «Вазирлар учун дастур», «Подшоҳларнинг асрдошлари», «Инсон хабарлари ва фардларидан дўстнинг таржимаи ҳоли», «Ҳабиб ус —сия», «Олийжаноб сифатлар», «Макору ул — ахлоқ», «Номан номи», «Атокли номлар».

Фалсафа ва тасаввуф илми соҳасида темурийлар даври маданияти тараққиётининг бу йўналиши ҳақида сўз борганда, Яъқуб Чархий (вафоти 1447) асарлари: «Дўстлик ҳақида рисола», «Фарз нарсалар ҳақида рисола», «Эътиқод», «Қирқ Ҳадис», Хўжа Аҳрор (1401-1490) асарлари: «Орифлар сўзидан парчалар», «Волибия».

Жалолоддин Даввоний (1427—1502) асарлари: «Ахлоқи Жалолоий», «Рухшунослик ҳақида рисола», «Мажос талқини ҳақида рисола», «Болаларни тарбиялаш усули», «Армияни бошқариш усули».

Хусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) асарлари: «Ахлоқи Мухсиний», «Футуватномаи султоний» ҳақида гапириш мумкин.

Бадий эстетик маданият соҳасида, Саккокий, Лутфий, Жомий, Навоий ва бошқаларнинг ижоди алоҳида ўрин тугади.

Темурийлар даври тасвирий санъати ҳақида гап кетганда, миниатюра рассомчилиги ривожланганини таъкидлаш керак.

Маълумки, рассомчиликнинг бу соҳаси шарқ тасвирий санъатининг ўзига хос мактаби ҳисобланади. Ўрта аср дostonлари, солномалари мазмуни ва ўзига хос тузулиши санъатнинг ана шу турида жонли ифода этилади.

Мусаввирлар мумтоз асарларидан уларни санъатни англаб етганликларини махсус бадий воситалар ёрдамида ифода этилади. Хуснихат ва санъаткорлар тўғрисидаги рисоланинг муаллифи қози Аҳмад (XVI ва XVII аср) бу ҳақда гапириб, «Санъат кишиларнинг ҳеч қайсисига мана шу мўйқалам соҳиблари каби кучли тафаккур ва истейдод нозиклиги насиб этмаганлигини қайд этган эди. (Қози Аҳмад. Трактат о каллиграфии и художников. — М. 1947, стр.177)

Тарихчиларнинг ёзишича, Амир Темурнинг қиёфасини миниатюра рассомлиги имкониятлари доирасида чизилган суратлар «Зафарнома»нинг илк битилган нусхаларида учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқ минатюра санъати бадиий адабиёт тарққиёти билан узвий боғланган, айниқса бунда шарқ шеърляти қахрамонлари қиёфасини чизишга алоҳида эътибор берилади.

Темурийлар даври бадиий эстетик маданияти тизимида қўлёзма китобни бадиий безаш санъатининг ривож топганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шубҳа йўқки, қўлёзма китоб инсонга ранг —баранг моддий ва маънавий маданият, эстетик фаолият натижаси ҳисобланади

4. Мустақилликдек табаррук неъматни янада теран ҳис этмоқ учун иқин мозийга бир назар ташламоқ зарур. Мўғул босқинидан анча давонлар ўтиб, чор Россиясининг истилоси Туркистон бағрида янги жиҳатлар очди. Оқибатда ижтимоий —сиёсий танглик янда кучайиб, иқтисодиёт таназзулга юз тутди, халқнинг асрий маънавияти илдизига болта урилди.

Зеро, бу ёвуз истило олдиндан тайёрланиб келган — Россиянинг Пётр биринчи, Николай Биринчи, Александр Иккинчи, Александр учинчи сингари императорлари шу маккор режани 200 йил мобайнида зимдан босқичма — босқич амалга ошириб борган.

1714-йилдан эътиборан бу борада жадал ҳаракатлар бошланиб кетди-аввал Преображенский полкининг поручиги княз Александр Икович Черкасский бошчилигида, 1715-йилда эса капитан Иван Иухголтс раҳбарлигида Хивага икки бор кетма —кет қўшин жўнатилди. Гарчи бу юришлар муваффақиятсиз тугаган бўлса —да, Россия ҳукумати режани амалга оширишдан батамом воз кечмайди. Ўша кезларда Пётр Биринчи Италиялик Флорие Беневелини Бухорога элчи қилиб жўнатар экан, унга «олтин конлари»нинг аниқ ўрни ва у ерга бориш йўлларини аниқлаш вазифасини топширади. Беневел Туркистонга келиб, тарих, жўғрофия, этнографияга оид кўпдан —кўп қимматли маълумотларни тўплайди. Табиийки Туркистонга истило ҳаракатларини бошлаш учун ана шу уч йўналиш —тарихий, жўғрофий, этнографик маълумотлар муҳим ўрин тутар эди. Худди ўша йилларда ҳукмронлик қилган Аштархоний Убайдуллахон (1702—11 йилларда ҳукмронлик қилган) саройида Хонқули гўпчибоши номли бир мусофир ҳам хизмат қиларди.

Унинг асли исми Андрей Родиков бўлиб, XVII асрнинг охирларида Бухоро кўшинига асир тушиб қолган, сўнг ҳалол хизматлари эвазига Убайдуллахоннинг меҳрини қозонган эди. Кейинги ҳукмдор Абулфайзхон (1711—47 йилларда ҳукмронлик қилган) Андрей Родиковни 1717 йилда Пётр Биринчи ҳузурига элчи қилиб юборади. Пётр биринчи Хонқули Тўпчибошига рус армиясининг полковниги унвонини «такдим этади. Шубҳасизки, бу унвон беҳуда берилмаган эди.

Яна бир олим жосус Николай Владимирович Ханиковнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам бизга масалани янада ойдинлаштириб беради.

Рус шарқшунос — дипломати Николай Хаников 1819 йил 24 октябрда Петербург шаҳрида туғилган. Дипломат А.Розенфельднинг ёзишича у икки йил университетга қатнаб мустақил равишда форс, турк ва араб тилларини пухтагина ўрганган. У Оренбургга генерал губернатор Василий Алексеевич Петровскийнинг (1795—1857 йилларда яшаб ўтган) ихтиёрига жўнаб кетди. Оренбург ўша пайтда Чор Россиясининг жанубидаги энг мустаҳкам қалъаси бўлишдан ташқари, Марказий Осиёдаги давлатлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш, савдо-сотик ишларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эди.

Шарқ ҳақида жуда кўп маълумотлар тўплаган Николай Хаников қадимдан туркийлар шаҳри бўлмиш Оренбургга келгач энди уни янада теранроқ ўргана бошлади.

1839 — 40 йилларда Оренбург генерал —губернатори Василий Петровский бошчилигида Хивага уюштирилган ҳарбий юришда Николай Хаников ҳам иштирок этиб, ўлка ҳақида маълумот тўплашга киришди.

1840 йил 3 августда амир Насруллохоннинг вакили Муқимбек Муҳаммад Саййид Оренбургга ҳукумат номидан илтимоснома олиб борди. Унда қуйидагилар сўралган эди: Бухорони инглизлар ҳамласидан ҳимоя қилишга кўмаклашиш; инглизлар билан биргаликда Бухорога ҳаракат қилаётган хиваликлар ҳужумини даф этишга ёрдам

кўрсатиш; Россия агар ҳарбий куч билан ёрдам бера оламса асирларни алмаштириш ва дўстлик алоқаларини ўрнатишда воситачилик қилсин ва ҳоказо.

Амир Насруллохоннинг илтимосига кўра 1841 йил август ойининг бошида ўлкадаги қазилма бойликларни аниқлаш баҳонасида тоғ мухандиси майор К.Бутенев бошчилигида «делегация» Бухорога келади. Бу ҳайъат орасида шарқшунос Николай Хаников ҳам бор эди.

Хуллас, август ойининг бошларида махсус «делегация» Бухорога келади. Амир Насруллохон Кўкон хонлигига қарши уруш эълон қилгани боис дипломатик музокаралар саккиз ой давом этади. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган делегация аъзолари 240 кун мобайнида Бухоро амирлиги, унинг ҳудуди, давлат бошқаруви тизими, ҳарбий кучи, мавжуд қалъалар сонини аниқлаш каби жосуслик ишларини амалга оширади.

Шу тариқа К.Бутенев бошчилигидаги делегация элчилик вазифасидан биронтасини ҳам бажара олмаса —да, махсус хуфя топшириқларни анча пухта бажариб, 1842 йил 9 апрель куни Россияга қайтиб келади.

Н.В.Ханиковнинг «Бухоро хонлигининг тавсифи» китоби илмда қанчалик юксак аҳамиятга молик бўлмасин, чор Россиясининг истилочилик сиёсати ва ҳаракати учун энг ишончли дастурлардан бири бўлиб хизмат қилгани шубҳасиз. Николай Хаников китобнинг кўп ўринларида машъум ниятини ошқора ҳам айтган. У Бухоро амирлигидаги сарбозлар ҳақида маълумот бериб чегараларининг мустаҳкам қўриқланмаслигини таъкидлаб бундай ёзади: «Оврўпача таълим олган аскарларга чегаранинг бундай қўриқланиши кучли тўсик бўла олишига ишониш қийин».

Бундан 150 йил муқаддам Россия Империясининг ҳарбий вазирлиги нашри «Военный журнал»да эълон қилинган бир мақола ҳарбий доиралар диққатига тушди. «Мўғул татарлар ва Ўрта Осиё халқлари санъатлари ва истилолари ҳақида» деб номланган бу мақола империя бош штаби генералитетидан ташқари Лондон ва Париждаги ҳарбий сиёсий доираларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унинг муаллифи бош штаб полковниги Михаил Иванин барчага жасур офицер ва ҳарбий санъат сифихи бўйича истеъдодли тадқиқотчи сифатида таниш эди. Мақола муаллифи 1839 йилги генерал В.Петровский раҳбарлигидаги рус қўшинларининг Хивани истило қилиш учун юришида бевосита иштирок қилган дала штаби бошлиғи бўлгани ҳам ҳарбий доираларнинг қизиқишини оширди. Ўрта Осиё, Кавказ, Туркияда масъул лавозимда махсус топшириқларни бажарган **М.Иванинга кейинчалик эълон қилган** қатор асарлари ҳам ўзининг чуқур илмийлиги, шахсий кузатуви, теран мушоҳада ва кенг қамровли фикр — мулоҳазалари билан муаллифга шуҳрат келтирди. 1857 йилдан генерал — майор ва бош штаби ҳарбий — илмий комитет аъзоси бўлган М.Иванин 1874 йилда ўзининг шоҳ асари «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» китобини ёзиб тугатди. Бош штабнинг ҳарбий — илмий комитети уни нашрга тавсия қилади ва китоб 1875 йилда генерал—лейтенант княз Голицен раҳбарлигида Санкт—Петербургда чоп этилади. Бош штаб генерал лейтенанти М.Иваниннинг бу асари ўз даври учун жуда долзарб аҳамиятга эга бўлади. Ўрта Осиё истилосини қарийб яқунлаган Россия империяси бу ўлкада мустамлакачилик сиёсати дастурини ишлаб чиқаётган айни шу маҳалда китобдаги мулоҳазалар ва тавсиялар жуда асқотар эди.

Муаллиф бутун жаҳон тарихида ўзига хос из қолдирган икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темурнинг ҳарбий санъати, салоҳияти ва сафарли йўлига тарихан адолатли баҳо беради. XVII —XVIII асрлардаги урушларда Осиёнинг ҳарбий стратегияси ва тактикаси ўша вақтдаги Европадан устун бўлганини тан олди. Хусусан, у Амир Темурнинг Россияга кўрсатган тарихий хизматини ҳаққоний кўрсатиб 1395 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва Амир Темур ўртасидаги жанг оқибатларини шундай таърифлайди: Шундай қилиб бу ислом ҳимоячиси, насронийларнинг бу дахшатли душмани Мухаммад пайғамбарни чин юракдан эъзозловчи бўлган зот Олтин Ўрданинг буткул кучсизланиши ва йиқилишининг асосий сабаҳиси бўлди ва бу билан Россиянинг

унинг зулмидан халос бўлишини ҳамда бу кудратли христиан давлатининг юксалишини тезлаштирди».

Генерал — лейтенант Иванин машхур Наполен Банопарт қўшинни тузилиши ва уруш тактикаси бобида кўп жихатдан Амир Темур меросидан фойдаланганлигини ва унинг стратегиясининг ижодий ўзлаштиргани хусусида ҳам одилона фикрлар айтади. Рус ва Европа олимларининг оғзаки ва энгил— елпи асарларига қарама —қарши ўларок генерал олим Иванин ўз асарларини илмий жихатдан бакувват замнига қуради, эхтиросга ва буюк давлатчилик туйғусига берилмай тарихда Амир Темурнинг тутган ўрнини холисона кўрсатади ва соҳибқиронни даҳолар даражасига кўтаради. Аммо бу ҳолат асар ғояси асосини ташкил қилмайди. Муаллиф ўз хулосасида кўзлаган мақсадини рўй-рост шундай баён қилади: «Ўйлайманки мабодо кудратли мусулмон мутаассиблиги портлаши юз берган ва шу билан бир вақтда Чингизхон ёки Амир Темур каби бир ДОХИЙ чиқиб қолган тақдирда бизга тахлид соладиган умумий хавфнинг олдини олиш мақсадида Ўрта Осиё сиёсий жихатидан унинг hozирги ахволида тутиб туриш учун биз Англия билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатларга асосланган ҳаракатлар қилишга келишиб олишимиз керак бўлади». Бу сатрлар ёзилган 1874 йил Ўрта Осиё Россиянинг мустамлакаси, Туркистон генерал — губернаторлигига айлантирилганини ҳисобга олсак муаллифнинг мақсадини тушуниб оламиз. У Туркистонни қоққ ўлка холида сақлаб туришга ундаётганини англаймиз, мусулмонларнинг озодлик ҳаракатларига қарши кучли Европа давлатлари ҳамкорлиги зарурлигига қилган ишорасини илғаб оламиз.

Хусусан генерал Скобелев «Англия билан яна бир қарич яқинлашиш учун Осиёдаги барча мулкларимиздан воз кечсак ҳам бўлади» деган, Туркистон генерал губернатори К.П.Фон Кауфман эса «Англия билан Россиянинг Осиёдаги душмани битта у ҳам бўлса мусулмончилик ва ёввойилиқдир» деб очик айтган.

Генерал — лейтенант Иванин китобининг ғоявий мазмуни ва асосий мақсадини лўнда шундай ифодалайди: «Фикримча, мен Ўрта Осиёнинг бу икки буюк сиймосини тўлиқ қурол — яроқлари истилолар учун қўллаган барча воситалари ҳам бутун дунёни забт этиш учун бўлган интилишлари билан биргаликда етарлича таърифладим ва буларнинг бири ярим ёввойи ҳолдаги халқлар ичида ҳам миллионлаб ёввойи чўпонларни ўз ҳукму — иродасига бўйсиндириб, улардан даҳшатли қўшинлар туза оладиган даҳо зотлар туғилиши мумкин эканлигини исботлайди». Муаллиф фикрини давом эттириб Россия ва Хитойнинг ягона Туркистон вужудга келмаслиги учун биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини шундай ифодалайди: «Ўрта Осиё, унинг халқларини ягона бир жамиятга бирлашишига йўл қўймайдиган воситаларга эга бўлган икки кучли давлатнинг тасарруфида ёки таъсири остидадир. Хитой моҳирона ва айёр сиёсати билан Ўрта Осиёнинг шарқий қисмини ўз қўлларида тутиб турибди. Ўрта Осиёнинг қолган қисми бизнинг тасарруфимизда қисман эса таъсиримиз остидадир. Агар бу икки давлат соғлом сиёсат юргизса ва Ўрта Осиё ҳукмдорлари ўртасидаги истилочилик ниятларини бостириш учун ахиллик билан ҳаракат қилса у ҳолда Осиё узоқ вақтгача қонли ларзалардан холи бўлиши мумкин».

Демак, муаллифнинг бош ғояси Осиёни яъни Амир Темур, Бобур, Нодиршоҳ каби саркадаларни етиштирган ўлкани доимо асоратда, истибдод исқанжасида ва Европада қарам ҳолда ушлаб туришдир.

Улар Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг Туркистон ўлкасини ўзлаштириш борасида мустамлака маъмурияти фаолиятини 1882 йилда тафтиш қилган махфий маслаҳатчи Гирс Туркистонда 2406000 аҳоли яшаганини ва улардан 1.200000 эркаклар эканлигини аниқлагани тасодифий эмас.

Россия империяси Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Н.И.Корольков ишлаб чиққан дастурни тўла — тўқис амалга ошира бошлади. 1898 йилда Андижон қўзғолонини бостирган Корольков Мингтепадан Андижонгача жойлашган ерлардаги барча аҳолини Россиянинг ички ноқарутопроқ ерларига кўчиришни тавсия қилган эди. «Бу тадбир, —

деб ёзган эди у Николай II га — сиёсий жихатдан катта ахамият касб этиб Фарғонадаги рус элементини кучайишига олиб келади».

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори худди шундай режа асосида иш тутиб, халққа расман империя ичкарасидаги мужикларни бу ерга чақириш ва «гуноҳкорлар» ерларини уларга тақсимлашни эълон қилди. Мингтепа қишлоғи тўпга тугилиб, иморатлари ер билан теп — текислангандан сўнг 450 хоналик қўрғон лойиҳаси режалаштирилди. Қурилиш ишларига маҳаллий аҳоли мардикор сифатида жалб этилди. Посёлкага «Марҳамат» номи берилди. Ҳакандаги Авғон боғ деган машхур зиёрат тажрибагоҳидаги аграномни 18 —май куни қўзғолончилар ўлдиргани учун ана шу жойда 500 хонадоннинг иморатлари боғ — роғлари ҳам ер билан текислаб ташланди. Қаршилиқ қилганлар отиб ўлдирилди. Андижон шаҳрининг боғу-бўстони Ҳаканд қишлоғи «Духовский майдони» деб аталган рус қўрғонига айлантирилди. У ўзбеклар ўртасида «Вайрона —вайрона» номи остида ёмон отлик бўлиб қолди.

Қизил империя йилларида Ўзбекистон тарихини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, марксча мафкурага таянган шўро ҳокимияти оёққа тура бошлаган пайтларидаёқ кенг халқ оммасининг манфаатларини ўзидан узоклаштирувчи тоталитар жамиятни барпо қилишга, ўлка халқларининг миллий хусусиятини барҳам топтиришга қаратилганди.

Октябр тўнтарилишининг илхомчиси В.И.Ленин шўро бошқарув тизими пролетар давлати аҳолининг кўпчилик қисми учун демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни таъминлаб берувчи тизимдир деб уқтирар эди. Бироқ шўро давлати тавсия этган ленинча ақидаларга таянган сиёсий демократизм ва иқтисодий, ижтимоий ва маънавий бошқарув ўртасидаги зиддиятлар яққол юзага чиқди. Бу мафкура аслида партия ва унинг дохийлари диктатурасини ўрнатишга қаратилган эди.

Сиёсий соҳада:

- халқ ҳокимияти институтларнинг тутатилиши маҳкама ва сайлаб қўйиладиган ташкилотлар вазибаларининг табақалашмаганлиги маҳкаманинг ўз қобиғига ўралашиб қолганлиги, халқдан ажралган ҳолда фаолият кўрсатиши;

- партиянинг мамлакатни бошқаришдек масъулиятли вазибани бажаришга амалда тайёргарлик даражасидан катъи назар унинг раҳбарлик қилишининг қонунийлаштирилиши;

- йўлбошчиликка даъво қилиш, номенклатурадаги ходимларнинг масъулиятсизлиги ва бўйсинмаслиги;

- табақаларга бўлинганлик;

- бюрократлашув, яъни тор доирадаги коммунист амалдорларнинг жамиятни бошқаришга ўтказилиши;

- демократияга барҳам берилиши - кенг халқ оммасининг онгли ижтимоий фаолиятдан, ташуббус кўрсатишдан четлаштирилиши.

Иқтисодий соҳада:

- ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқарувчидан бегоналаштирилиши, мулкчиликнинг давлат тасарруфига ўтказилиши, меҳнатнинг самарасиз юзаки тусда бўлиши, унинг пировард маҳсулотлар олишга эмас, балки ҳисобот беришга қаратилиши;

- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мафкура таъсирига олиниши;

- товарсиз, эквивалентсиз айирбошлаш; бу марказнинг қўшимча маҳсулотни ўз ихтиёри билан тортиб олиши. Ўзбекистон шўро метрополиясининг хом ашё етказиб берадиган қўшимчасига айлантирилди. Натижада давлатдан мустақил бўлган, юқори унумли ишлаб чиқариш меҳнатига қодир бўлган мулкчилик субъектлари тугатилди. Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг бир ёқламалиги ўзининг ҳалокатли экологик оқибатларини кўрсатди.

Ижтимоий—психологик соҳада:

- қўрқитиш, зулм қилиш вазияти вужудга келтирилди, «социализмга ёт» ҳисобланган ижтимоий синфлар ва қатламлар ёппасига тугатилди;

- онг ва фаолият назорат қилиб туриладиган бўлди;

- маънавиятга сиёсий тус берилди, ақл ва руҳий фаолият тарзига бутун давлат ҳокимиятини ҳурматлаш, унинг кадр — кимматини ўрнига қўйиш одати сингдирилиб, шахс ўз қиёфасини йўқота бошлади.

Мафкура соҳасида:

- режа асосида ишлаш, ҳаётнинг бошқарувчанлиги, яратувчилик меҳнати ҳақидаги ақидалар сингдирилиб, синфий манфаатлар ва кадриятларнинг миллий ва умуминсоний кадриятлардан устунлиги ҳақидаги фикрлар тарғиб этила бошлади.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида:

- миллатлар ва этник гуруҳларнинг ялпи тенглаштирилиши ҳамда ёппасига бирхиллаштирилишига қаратилган жадал байналмилалчилик сиёсатининг зўр бериб тарғиб қилиниши;

- халқнинг туб миллий илдизларидан, маънавий ахлоқий мероси ва инқилобдан олдинги ўтмишидан бегоналлашуви, олий ҳокимият томонидан туб миллий манфаатларини назар — писанд қилмаслиги ва унутиши, миллий онг шуурининг манқуртлаштирилиши;

- буюк давлатчилик шовинизмининг давлат даражасида намоён бўлиши ва ёппасига русчалаштириш сиёсатининг амалга оширилиши;

- миллий давлат мутсақиллигига интилишнинг ҳар қандай кўринишини куртаклигидаёқ бўғиб ташланиши;

Туркистонда XIX асрнинг 70 — йилларида Россиянинг мустамлакачилик тартибларига қарши халқ озодлик ҳаракатлари бошланган. Жумладан 1873—1876 йилларда Мулла Исоқ, 1898 йилда Мухаммад Али Собир ўғли (Дукчи Эшон) раҳбарлигида, 1892 йилда вабо касали тарқалиши муносабати билан Туркистон маъмурлари томонидан мусулмон қабристонларининг беркитиб қўйилиши натижасида бошланган умумхалқ қўзғолонлари мустамлакачилик сиёсатига қарши кучли зарба бўлди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, XIX асрнинг 60 — 90 йилларида Туркистонда бўлган барча халқ озодлик ҳаракатларининг марказида марифатпарвар зиёлилар турган.

XX асрнинг бошларига келиб, Ўзбекистондаги ислом дини жамоаларига, уларнинг раҳнамолари, зиёлиларига нисбатан мустамлакачилик сиёсатининг тобора янги чоралари қўлланила бошланди. Натижада бошқа жойларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам илғор ғоялар билан йўғрилган халқ миллий озодлик уюшмалари, ташкилотлари тузила бошланди. Янги ташкил топган шўро ислом, жадидлар уюшмаларининг тепасида ўз даврининг етук шайхлари, олимлари, маърифатчилари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашид ўғли, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат кабилар турган. Уларнинг мақсади Туркистон диёри халқларини мустамлакачилик зулмидан озод қилиб, мустақил ягона Туркистон давлатини барпо этиш эди. Ана шундай улуғ мақсад билан Туркистондаги барча маърифатпарвар, жамоалар, жадидлар уюшмалари бирлаштирилди. Мустамлакачилик даврининг мафкурачилари, шўро жамиятининг тарихчилари «Панисломизм», «Пантуркизм» деб атаган ана шу ташкилотларга Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашган аждодларимизнинг биринчи вакиллари ғоявий раҳбарлик қилган эдилар. Улар ҳеч қачон улуғ исломчилик, улуғ туркистончилик ниятида бўлмаган. «Панисломизм», «Пантуркизм» бу мустамлакачи мафкурачилар тарғиб қилган, уларнинг манфаатига мос иборалардир.

Орадан кўп вақт ўтмасдан М.Фрунзе кўмондонлигидаги қуроли кучлар «Махаллий меҳнаткашларга ёрдам бериш» ниқоби остида Хоразм ва Бухоро хонликлари худудларига бостириб кирдилар. Армия нафақат амир, хон ҳокимиятига қарши курашдилар, балки шунингдек, Хива ва Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги масжид, мадраса биноларини самолёт ва оғир қурооллардан бомбардимон қилдилар. Кўплаб ислом обидалари харобага айлантирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ислом динини қарор топиши ва ривожланиши тарихда биринчи марта XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида яъни

Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати шароитида унинг фаолияти ҳар томонлама чекланди, гаъкиқланди. Акс ҳолда Россияни мустамлакачилик сиёсати ўзига қулай йўл очиб, муваффақият қозона олмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз Олий Мажлиси иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» номли нутқида Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳитни ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласи эканлигига тўхталиб, қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқлари вакилларида иборат, ушбу мақсадларга хизмат қиладиган, жамоатчилик ҳаракатини тузиш ҳамда унинг «Туркистон— умумий уйимиз» деб номланиши айтилиши муҳим бўлишига ғоясини илгари сурди. Юртбошимиз кенг жамоатчилик, биринчи навбатда, ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқалар бундай муҳим ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага диққат эътиборларини, ташаббусларини қаратадилар деган умидни билдирди.

Эртанги кунимиз маънавиятимизнинг даражасига, у эса ўз навбатида, унинг уриб турган юраги — фалсафа илмининг қамрови ва етуқлигига боғлиқдир. Агар, маънавият моддий ҳаётни юксакликка кўтариш дастаги вазифасини бажарса, фалсафа бутун маънавият учун шундай дастак вазифасини бажаришга даъва этилган. Чунки, оламнинг сир—асрорини очиш, табиий, тарихий, маънавий жараёнлар тубида ётган моҳиятлар, қонуниятлар дунёсини кашф этиш, сабабларининг сабабларини, ибтидолар ибтидосини аниқлаш имконияти, бекиёс умумлашган, айти пайтда мазмунан энг бой тушунчалар билан иш кўрувчи фалсафа илмигагина берилган.

Қадимий Туронзамин халқлари Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, Абдулвафо Жузжоний, Умар Ҳайём, Насриддин Тусий, Қозизода Румий, Улуғбек, Коший, Али Қушчи, Алишер Навоий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа умумий маънавий аждодларининг табаррук номлари билан ҳақли равишда, бирдай фахрланадилар.

Аммо инсониятнинг маънавияти ҳазинасига ўзининг бебаҳо дурдоналари билан бетакрор ҳисса қўшган халқларимизни тақдир ҳамиша ҳам эркаламади. Минг афсус ва надоматлар бўлсинким, буюк алломаларимизнинг бебаҳо кашфиётлари, мерослари узок даврлар мобайнида уларнинг ўз ватанларида унутилишга маҳқум этилди.

Марказий Осиё мамлакатларини қамраб олган миллий истиқлол истиқболлари нафақат маънавиятимиз, фанимиз жумладан, минтақа ижтимоий, фалсафий фикри ривожининг қудратли омили бўлишга, балки мустақиллигимизни мустаҳкамлаш эҳтиёжларининг ўзи ҳам уларнинг жиддий заминига таянишни тақазо этишга даъват этилгандир.

Бу ҳол Туронзамин маънавияти, ижтимоий — фалсафий фикрларнинг кечаги хусусан уларнинг мустабид шўролар тузуми шароитидаги аҳволига танқидий назар ташлашимизни тақазо этмокда.

Негаки, айти мана шу даврда жамиятнинг бошқа жабҳалари каби минтақамиз халқлари муштараклигини маънавий негизи — ижтимоий — фалсафий фикри ҳам кишанбанд қилинган эди.

Аслида, халқимизнинг фалсафий мероси бошқача тақдирга лойиқ эди. Шарқ, шу жумладан Марказий Осиё халқлари фалсафий фикрини ғарбникидан пастга уриш, уни камситиш ҳоллари бўлган экан, демакки бунинг асл сабабини янги даврдан бошлаб, ғарбнинг Шарқ устидан ҳукмронлик қилиши, унинг бунга томон интилиши, сайи ҳаракатлари доирасидан ахтармоқ зарур. Мабодо, маънавиятимизнинг бундан буён ҳам кейинги 100 йилликлар давридагидек, аянчли аҳволга тушиб қолишини истамасак, тарихдан тегишли аччиқ сабоқлар чиқариб мустақилликни қўлдан бермасликка, бунинг учун нимаики талаб қилинса шуларни уйдлашга, жумладан мазкур тақдир томон олийжаноб мақсад йўлида халқларимиз, давлатларимиз фаолиятларининг муштараклигини таъминлашга қодир бўлмоғимиз зарур.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Маънавий мерос. 2.Ворислик. 3.Девони луғати турк. 4.Махмуд қошғарий. 2.Ўрхун, Енисей. 6.Кушон. 7.Мовароуннахр. в.Тасаввуф. 9.Нақшбандия. Ю.Кубровия. 11. Ясавия.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Маданий мерос ва ворислик тушунчаларини бир—биридан фарқлари.
2. Маданият ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги.
3. Миллий маънавиятимизнинг тараққиёт босқичлари.
4. Ўтмиши бой маънавиятимиз вакилларини айтиб беринг.
5. Маънавиятни жамият тараққиётидаги ўрни ва ахамиятини айтиб беринг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» Т., «Ўзбекистон» 1997 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон» 1—жилд, 1996 йил.
3. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Т. «Ўзбекистон» 2—жилд.
4. Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир. Т., «Ўзбекистон!» 1996 йил.
5. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар-тараққиёт омили. Т. «Ўзбекистон» 1995 йил.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. “Маънавият”. Т, 2008 й.
7. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил.
8. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. «Ватан туйғуси» «Ўзбекистон» 1996 йил.
9. Ўзбекистон мустақиллик йилларида (1991-1996). Иқтисодий таҳлил. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил.
10. Турсунов И. Истиқболга интилган қалблар нидоси Т. 1993 йил.
11. Ўзбекистон мустақиллик омиллари. (студентлар учун эслатма) Т. «Ўзбекистон» 1995 йил.
12. Ўзбекистон мустақилликнинг 5 йили. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил.
13. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил.
14. Раҳмоков Т. Маданий инқилоб иллатлар ва сабоқлар. «Мулоқот» 1993. 9-10 сон.
15. Ғофуров Г. Занжирланган онг ва маданият. «Мулоқот» 1993. 9-10 сон.
16. Отамуродов С. Миллий муносабатларнинг сиёсий жиҳатлари. Т. 1996 йил.
17. Зиёев Ҳ. Совет даврида қандай тузум ҳукм сурган эди? «Мулоқот» 1993. 9-10 сон.
18. Хонназаров К. Энди марказ ўзимиз. «Мулоқот» 1993. 1—сон.
19. Эркаев А. Мустақиллик ва маданий мерос. «Мулоқот» 1993. 1—сон.
20. Шокаримов С.И., Ҳакимов А.Ҳ., «Маънавият ва маърифат асослари». Андижон 1998 йил.

3-мавзу: Маънавият тараққийетининг мезонлари. (2 соат)

РЕЖА

1. Маънавий баркамол, комил инсон тушунчалари.
2. Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқатли шахс маънавияти мезонлари.
3. Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш ва миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс баркамоллиги мезонлари.

1. Комил инсон тушунчаси ўрта асрларда ишлаб чиқилган бўлиб, мусулмон Шарқида асосан исломий нуқтаи назардан таърифлаб келинган. Аслида «комил инсон» тугунчасининг дунёвий мазмуни борлигини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Унинг фалсафий маъноси умуммиллий аҳамиятга эга ва умуминсоний кадрият сифатида асрлар давомида сайқал топиб, ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» деган асарида Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини чуқур тушинишнинг истамаслик кайфиятини танқид қилган эди.

«Комил инсон» тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Ибн ал —Арабий, Хусаин Воиз Кошифий, Сайдий Абдулқодир Гилоний, Азизиддин Насафийларнинг рисоаларини кўрсатиш мумкин. Ибн ал —Арабий наздида комил инсонни Аллоҳ нурдан яратган. Ислом илмининг билимдонлари кўрсатишича, илоҳий нур барча мавжудотлардан, ҳатто ер ва осмондан ҳам аввал яратилгандир.

Арабийнинг фикрига қараганда тангри таоло илоҳий нурдан аҳли аввални яратди ва унинг суврату шаклини «Комил инсон» қиёфасида зухур этди. Шу маънода Аллоҳ одамни раҳмон суратида яратди, деган ҳадис мавжуд. (қаранг Комилов Н. Тасаввуф. Т. 1996 1—китоб 145 —бет).

Ибн Арабийнинг Таъкидлашига кўра, комил инсоннинг ердаги тимсоли ҳазрати пайғамаримиз Мухаммад Саллолоху Васалламдир. Ул зот вужудида аклий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Алишер Навоий «Ҳайратул аброр»идан олинган қуйидаги байтда Мухаммад Алайхиссаломнинг Одам атодан бурун борлиги айtilган: «Улки одамдин бурун ул бор эди, ҳам Ноиби, ҳам соҳиби асрор эди». Бу ҳикмат замирида Аллоҳнинг одамга бўлган буюк мухаббати ётади.

Кетма — кетлиги жиҳатдан олам биринчи, одам иккинчи барпо бўлди, лекин оламни яратишдан мантиқан кўзланган мақсад одам эди. Одам — мақсад, олам — воситадир. Буни Азизиддин Насафийнинг «Комил Инсон» рисоласида ҳам кўриш мумкин. У айтадики «инсон олами сағир (кичик олам), илоҳий ва моддий олам биргаликда олами кабир» (улуғ олам)дир.

Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуддир, инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхасидир.

Насафий комил инсонга таъриф бериб, «комил инсон, деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар», дейди. Бошқача айтганда комил инсон шундайки, унда тўртта нарса камолга етган бўлади:

Яхши сўз. Яхши феъл. Яхши ахлоқ ва маориф.

Демак, олим наздида, комил инсон **биринчидан**, реал одам, у яхши сифатларни эгаллаш орқали комиллашади. **Иккинчидан** комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга киритилади. Комил инсон халққа яхшилик келтиради, кишилар мушкулини осон қилади, оламни эса анча кулфатлардан сақлайди. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ.

Тасаввуфда комил инсон, бир томондан худо билан одамлар ўртасидаги воситачи, илоҳий амир, ғойиби асрорни оддий одамларга стказувчи улуғ зотдир. Иккинчидан, Пайғамбардан бошқа зотларга комил инсон истилоҳи шартли равишда, ҳурмат — эҳтиром белгиси сифатида қўлланилади.

Тасаввуф аҳли айтадики, эркин фаолият учун инсонга ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб қомилликка эришуви мумкин. Азизиддин **САҒИЙ** «камолотни икки белгиси бор, биринчиси — яхши ахлоқ, иккинчиси — ўз ўзини танишдир» — деб таъкидлайдилар.

Биз юқорида қомил инсон ғояси шариат ва тасаввуф илмида қандай қўйилганлиги тўғрисида баъзи тафсилотларни баён этдик. Қомил инсон тушунчасининг илмий фалсафий жиҳатдан тавсифладик. И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида...» асарида «Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи қаби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир», — (ўша асар 36 —бет) деган эди. Дарҳақиқат, дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам мавжуд. У дин ва диний турмуш тарзи билан ёнма — ён яшаб ривожланиб келган деган фикрни уқтиради. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг асосий Конституциясида дунёвий давлат қуриш назарда тутилганлиги учун боғча, мактаб, олий ўқув юртлири ва бошқа муассасалардаги таълим — тарбия тизими жараёнида илмий — фалсафий дунёқараш шакллантирилади.

Ёшларда дунёқараш илмий-фалсафий йўналишда бўлиши, диний дунёқараш эса республикада дунёвий давлат манфаатлари доирасида ривожланиши керак. Чунки илмий-фалсафий дунёқарашда диний ва миллий экстремизмга қарши ўзига хос тўсиқ юзага келади. Айни пайтда айтиш лозимки, қомил инсон тўғрисидаги илмий фалсафий таълимот ўз моҳияти, ижтимоий вазифаси ва мақсадлари билан диний-тасавуфий қарашлардан фарқ қилади.

Қомил инсон тўғрисидаги назария ва усулбият методология жиҳатдан Ўзбекистон Президенти асарларида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Таълим тўғрисидаги қонун»да, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва бошқа ҳужжатларда таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш соғлом, барқамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилган.

Маънавияти бой, юксак ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган, чуқур ва замоанвий билимга, кенг илмий — фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон, қомил инсон бўлади.

Одам қандай ҳулқ ахлоқий ва маданий сифатга эга бўлса, фаолият тарзини намоён этса, унинг кадр қиймати ҳам шунчалик юксак бўлади. «сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки оила тарбиясида доимий таъсирчан куч оиладаги муносабат, оила муҳити, оила аъзоларининг ўзаро алоқаси, ота — она, ака — ука ва бошқаларнинг ҳулқ атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқа ҳолатлар бола қамолотига таъсир қиладиган омиллардир. Оила қанчалик тартибли, яхши ҳулқ — атворли, унинг аъзолари ўзаро муносабатлари самимий бўлса, оила тарбияси ҳам шунчалик самарали бўлади.

Тарбиянинг анъанавий ва замонавий турлари ва усуллари кўп, шулардан бири шажаравий тарбиядир. Бу тарбия усули орқали аждодлар билан фахрланиш ҳисси шакллантирилади, уларга нисбатан муносиб бўлишга даъват этилади.

Ислолда ҳар бир мусулмон ўзининг етти пуштини билиши кераклиги таъкидланади.

Маънавий етукликнинг шартларидан бири инсоний сифатларнинг уйғун бўлиши масаласидир. Киши ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқила сўзи билан амалий фаолияти, тили билан дили бирдай бўлиши етуклик мезони ва шарт шароитидир. Бир ҳақимдан бахтиёр ким? Деб сўрадилар. У «Уч нарсанинг уч нарса билан, яъни фикрни тўғрилиқ билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан беъзаган киши бахтиёр», деб жавоб берди.

Буюк юнон файласуфи Суқрот ўз насиҳатларидан бирида шундай дейди: уч нарсани барбод қилмаслик учун уч нарсани эҳтиёт қилинг. бошдан айирмаслик учун тилингни сакла, намоздан айирмаслик учун таҳоратни сакла. юракдан айирмаслик учун ғазабланишдан эҳтиёт бўл.

Ёшларни соғлом фикрлашга, айниқса мустақил фикр юритишга ўргатиш зарур. Шарқона тарбияда ўзининг гапини, фикраларини ўтказишга интилиш, ёки манманлик ҳамма вақт ҳам қўллаб — қувватланмайди. Кўпинча катталар ўз фикраларини ўтказишга уринадилар, шунга қарамай мустақил фикри бор одам одатда «фикрли одам» дейилади.

Мустақиллик шароитида тўғри маънодаги мустақил фикрлаш ҳар бир ёшнинг қобилияти, оламга фаол муносабатини, малакасини таркиб топдиришда муҳим маънавий омил эканлиги таъкидланади. Президентимиз «Тафаккур журнали» муҳаррири билан қилган суҳбатида «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр қийматини билладиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз» деган эди.

Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда озод ва хур инсон бўлиб яшайди»,—деб таъкидлаган эди. (Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга ҳичмат қилсин. 21 —22 бетлар)

Фикр тафаккурни келтириб чиқаради ва у ўйлаш, муҳокама юритиш маъноларини билдиради. Мутафаккир сўзининг ўзаги ҳам «фикр»дир. Лекин ҳар қандай фикрлайдиган кишини мутафаккир деб бўлмайди. Бундай фазилатга эга бўлган киши ҳар бир нарсани ақл билан, мантиқ юзасидан тарозига солиб кўради.

Баркамол инсон тушунчасига кирадиган муҳим талаблар Шарқ тафаккурида алоҳида тизимни ташкил қилади. улар шахснинг босиқлиги, ниминлиги, бағрикенглиги, камтарлиги, одамоҳунлиги, умуминсонийлик руҳининг кучлилиги, серфарзандлиги, кекса ва ёшларга меҳр шафқатлилиги билан характерланади.

Комил инсонни таркиб топтириш тушунчаси янги инсонни тарбиялаш билан узвий боғланган ва унинг асосий талабларидан келиб чиқади. Бунда ёшларимизда миллий ифтихор туйғусини таркиб топтириш ва чуқурлаштириш аҳамияти фавқулудда катта аҳмият касб этади. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданияти ва маънавий меросидан, унинг: жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссасидан гурурланиш ҳиссиётидир.

Президентимиз И.А.Каримов асарларида комил инсон тушунчаси ва уни тарбиялашнинг йўли —йўриқлари, моҳияти, тамойиллари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унинг халқнинг ўтмиши ва келажаги, шон —шухрати ҳақидаги ҳар бир фикрида комил инсон ғояси, уни вояга етказишга юклатилган мулоҳазалари чуқур маъно топади. Комил инсон тарбияси мустақилликка эришган мамлакатимизда давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилинган.

Демак Президентимизнинг сўзлари билан айтганда «Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». (Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998 йил 6 —бет.)

2. Энг яхши дўст — Она, энг яхши мамлакат — Ватан, деган халқ мақолига назар ташлар эканмиз, «Ватан» сўзи нақадар кенг, нақадар улуғ маъно эканини ҳис қиламиз. Тўғри, «Ватан остонадан, киндик қони тўкилган маскандан, она алласидан бошланади».

Ватан деб аталмиш туйғу ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало кўз ўнгимизда гўзал, жаннатмакон — Она Ўзбекистонимиз гавдаланади.

Қадим Туркистоннинг марказида икки азим дарё: Амударё ва Сирдарёлар оралиғида жойлашган муқаддас ватанимиз шаънига қанчалик ҳамду санолар ўқисак оз. Ватанимиз дунёга пурвикор тоғлари, азим дарёлари, шифобахш, ноёб ўсимликлари, камёб хайвонлар, битмас-туганмас бойликлари, чўп тикса дарахт бўлиб ўсадиган унумдор тупроқлари билан, энг муҳими меҳнатсевар ва сахий кўхна туркнинг бош бўғини бўлган ва танти дунёга «ўзбек» деб ном таркатган халқи билан машҳурдир.

Ўзбекистон геграфик жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил этади. Дунёдаги энг қадимги таракқиётлардан бири ана шу ерда ташкил топган. Қадимги замонларда буюк ипак йўли шу ердан ўтган. Халқимизнинг тарихи ўз

илдизлари билан асрлар қаърига бориб етади ва 3 минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Шу дарвлар ичида аждодларимиз чет эл босқинчиларига қарши курашган. Шу она заминни, Ватанни ҳимоя қилишда жонларини фидо қилганлар.

Ватанимиз Спитамен, Тўмарис, Муқанна, Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик каби халқ қаҳрамонларини, Ибн Сино, Беруний, Форобий, Ал-Фарғоний, Ал—Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюк даҳоларни, Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд, каби пири комиллар, Навоий, Бобур, Машраб каби алломалари билан дунёга донг таратган.

Массагетлар қабиласининг бошлиғи Тўмариснинг ўз халқига мурожаатини эслайлик. «Эй массагетлар. Мен сизларни Эрон босқинчиларига қарши урушга олиб кетмоқдаман. Шу доим эсингизда бўлсинки, орқангизда аёллар, болалар, кексалар, она замин —Ватан бордир. Урушга бораётганлар, агар биз енгилсак кулбаларга ўт қўйингиз, чунки келгуси авлод жангда қилич, ўт зарбидан қаҳрамонларча ҳалок бўлди деб эсласин, кўрқоқ ношуд сифатида эмас».

Тарихда номлари дostonга айланиб қолган бундай фарзандларнинг фаолияти ватанпарварликнинг энг олий намунасидир. Ватанпарвар энг аввало мард бўлади. Унинг қалби кенг, саҳоватли, сахий ва феъли атвори ибратлидир. Бундай мардлар учун халқи, эли, она замин муқаддасдир, ундан кейингина ўзи туради.

Чингизхон, Ботулардан Ватанни ҳимоя қилиш учун жонини фидо қилган Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, ёв тифига кўксини тутган Муқанна, Сарбадорлар, Спитамену, Таробийлар жасорати саодатини халқимиз абадий юрагида сақлайди.

Шарқда шундай бир ривоят бор. «Қадимда бир донишманддан халқни қандай қилиб итоаткор кулларга айлантириб идора қилиш-мумкин» деб сўрабдилар. Шунда ўша донишманд: «Сен шу халқнинг одамларини эмас, тарихини ўлдир, шунда миллатда ғурур ўлади ва халқнинг ўзи кулга айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади»,—деб жавоб берган экан.

Шу ўринда яна бир ривоятни келтириб ўтиш жоиз. Эрамиздан аввалги IV асрда Грек — македония қўшинлари Мовароуннаҳрга бостириб киради. Лекин уч йил шиддатли жанглардан кейин ҳам улар халқни ўзига бўйсиндира олмайдилар. Кунлардан бир куни А.Македонский Самарқанд даврвосидан чиқиб, узоқ термулганича қандай қилиб бу ўжар халқни узимга бўйсиндирсам экан, деб ўйланиб қолади. Шунда олис бир кишлокда қуюқ бир тутун чиқаётган эмиш. Македонский соқчиларни олиб, ўша тутун чиқаётган томонга боради. Қараса, бир томонда кампирлар, бир томонда ёш аёл ва қизлар қозонда бир нарса пишираётган, қозон атрофида эса ўйин кулги авжида эмиш. Бир томонда эса кекса чоллар ва ўспиринлар дастурхон атрофида гурунглашармиш. А.Македонский оқсоқоллардан рухсат сўраб дастурхон атрофига ўтирибди. Ва уларга мурожаат қилиб: «Мен уч йилдан бери бу ўжар халқни ўзимга бўйсиндира олмаяпман сабаби нимада экан» дебди. Шунда оқсоқоллардан бири «Сен бизнинг урф — одатларимизни, тилимизни, динимизни оёқ —ости қилмоқдасан, шунинг учун халқимиз сенга асло бўйсунмайди» дебди.

Бу ерда Наврўз байрамини нишонлаётган экан, Искандар Самарқандга қайтгач маҳаллий халқни урф —одати ва динига тегмаслик учун фармон бергандан кейингина халқ қаршилиги пасайган экан. Бу ривоятларни чуқур мушоҳада қилиб кўрсангиз, унда шарқ муҳитига хос оғир, босиқ, кенг маънолар оламини ихчам шаклда ифодаловчи фалсафа борлигини кўрасиз.

Ватан ҳдқида сўз кетганда юқорида номи зикр этилган босқинчи Искандар ўлими олдидан онасига қарата гапирган гапларини эслаб ўтиш кифоя: «Онажон, мен дунёнинг кўп мамлакатларини босиб олдим, катта бир давлат ташкил этдим. Битмас — туганмас бойликларга эга бўлдим. Афсуски, шунча давлат ва бойликлар сизнинг оёғингиз тагида ётган Ватаннинг бир сиқим тупроғига арзимас экан»—деган эди. Бундан кўринадики, Ватан ҳар қандай ўзга юртдаги давлатдан, ҳар қанча беҳисоб бойликлардан афзал.

Халқимизда: «Ким онасини севмаган, —ким Ватанни севмаган» деган нақл бор, «Биз ким мулки Турон, амири Туркистонмиз. Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз» деган бобақалонимиз Амир Темур. Миллатнинг дардларига дармон бўлиб, унинг роҳати, садоқатини, мустақиллигини сақлаш учун курашиб келган буюк саркарда ҳам шу юртнинг фарзандидир. У Ватанни мўғул босқинчиларидан озод қилишга, марказлашган давлат тузишга, илм — фанни ривожлантиришга, каналлар қазилшга, хур ўлкага, маданият ўчоғига айланттиришга асосий куч — қувватини сарфлади.

Ўзининг ақл—заковат, саҳоват, донолиги, ақллилиги билан ҳаммани лол қолдирган Сароймулкхоним, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отинлар ҳам бизнинг ватанамиз фарзандларидир.

Туркистонни руслар томонидан босиб олинаётган ва ундан кейинги даврларда ўз миллатини, ғурурини, миллий қадриятларини, хуллас ватанни ҳимоя қилган кишиларга «Босмачи» тамғаси босилди.

Ўз Ватанини озодлиги йўлида қурбон бўлган А.Қодирий, У.Носир, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларни шўролар ҳукумати томонидан «Халқ душмани» миллатчи сифатида қатағон қилинди.

Ватан, она замин, эл юрт, миллат ҳақида исломда кенг ўрин берилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ёзилишича ўз ватани учун курашда қурбон бўлган киши охиратда етмиш одамни шафоат қилиши мумкин ёки олтмиш одамни дўзах оловидан сақлаб қолиши мумкин.

Аллоҳ таолонинг олдида шундай фаришталар борки, улар кечаю — кундуз Аллоҳга ҳамду — санолар айтиш билан машғулдирлар. Охиратда эса Ватан учун жонини фидо қилган кишиларга фаришталардан юқорироқ жой берилар экан. Эмишки, душман, юртга ёв бостириб кирибди, подшоҳга эса: Мол мулкларингизни олиб кетишмоқда» девдилар. Шоҳ эса: «Майли олақолишсин» дебди. Ҳукмдорга яна хабар қилибдилар» «аҳли аёлларимизни чўри қилиб олиб кетмоқдалар». Ҳукмдор бунга ҳам индамабди. Ҳукмдорга яна айтибдилар: «Ёғий Ватанни босиб олмоқда». Шунда ҳукмдор: «Ҳар хил етишмовчиликка, хорликка чидаш мумкин, аммо Ватанни оёқ — ости қилишга чидаб бўлмайди». Ҳамма жангга деган экан.

Демак, «Хуббул Ватан —минал иймон», яъни «Ватанни севмоқ — иймондандир».

3. Миллий ўз —ўзини англаш нима? Миллий ғурурчи? Миллатга садоқатлилиқ нима?

Миллий ўз —ўзини англаш бевосита миллат тушунчаси билан боғлиқ. Миллат нима? Миллат деб: 1)муайян ҳудудий бирлиги, 2)тил бирлиги, 3)маданиятда кўринадиган руҳият бирлиги, 4)умумиктисодий уйғунлиги ва муштараклигига эга бўлган кишиларнинг тарихан ташкил топган белгисига айтилади. Бу белгилар бирданига ташкил топган эмас.

Дастлаб қабилавий бирлик келиб чиққан вақтда ҳудудий, тил, рухий бирликлар шаклланган бўлади.

Элат ва халқ каби бирликларда бу белгилар янада ривожланади. Миллатнинг келиб чиқиши ва ривожланишида иқтисодий ҳаёт бирлиги катта роль ўйнайди.

Миллатнинг яна бир ажралмас хусусияти унинг давлат билан ўзаро боғлиқлигида. Давлат миллатга нисбатан анча аввал келиб чиққан. Дастлабки давлатлар кулдорлик муносабатлари даврида пайдо бўлган.

Миллат ижтимоий тараққиётнинг кейинги даврига мансуб бўлган бирликдир. Миллат давлат ташкилоти билан мустаҳкам боғланган. Давлат қудратли бўлса, миллат ҳам қудратли бўлган.

Миллат ва давлат ривожда тарихий шахсларнинг роли катта. Жаҳон тарихи Александр Македонский, Чингизхон, Амир Темур, Заҳириддин Бобур каби ажойиб саркардаларни биледи. Миллат ўз йўлбошчисига эга бўлса, миллат тақдири кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлган.

Шахснинг тарихдаги роли масаласида турли — туман қарашлар мавжуд бўлсада, тарихий шахслар миллат ва халқ ҳаётида етакчи ролни ўйнаб келганлар. Миллат тақдирида йўлбошчининг роли ва ўрни катта. Амир Темурнинг XIV асрда саркардалик ва давлат раҳбари сифатидаги даҳолиги туфайли теурийлар давлати барпо бўлди.

Миллат ҳаётида тилларнинг роли катта. Туркий тил энг қадимги тиллардан бири. У миллат ва давлат келиб чиққунга қадар ҳам мавжуд бўлган. Давлат ва миллат пайдо бўлгач, тил янада раvнақ топган.

Ижтимоий онгни ўзгариши миллатнинг, миллий ўз — ўзини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш негизида рўй бериши мумкин. Миллий ўз — ўзини англаш нима? Миллий ўз — ўзини англаш муайян миллатга мансублиги, миллий, тарихий, маданияти, урф — одатлари, миллий моҳияти, рухияти иқтисодиётини билиш демақдир. Миллий ўз — ўзини англаш илмий — сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, у миллий мафкурага айланади. Миллий мафкура миллий сиёсатнинг етакчи омили бўлиб хизмат қилади.

Миллий уйғониш мафкураси миллатнинг яшаш ҳуқуқи, иждодларнинг урф — одатлари, миллий мансублик, фуқаролик ҳуқуқи, анъаларини эъзозлаш ҳуқуқи, тарихий — миллий ёзувни тиклаш, ўз тилини давлат тилига айлантириши, ўз миллатини ва жаҳон маданиятини ютуқларини эгаллаш ҳуқуқи, миллий иқтисодий устунликка эришиш ҳуқуқи каби муҳим ҳаётий масалалар мажмуасидан иборат.

Миллий онглик миллатнинг туб манфаатлари моҳиятидан иборат. Унинг тушунмаслик ва инкор этиш миллатчиликни келтириб чиқаради. Миллатчилик ўзга миллатларга ва ўз миллатига мунофиқлик ва худбинлик билан қарашдир. Миллатчилик деб ўз миллатининг манфаатларини мутлоқлаштириш, ўзга миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаслик, уларнинг қадриятларини ерга уриш, камситиш, адолатсизликка йўл қўйишлик ҳолатига айтилади. Миллатчилик бирор бир миллатнинг манфаатини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан, ҳуқуқ ва эркинликларни чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир.

Миллатчилик миллий туйғудан фарқ қилади. Бу масалаларда бир қатор тушунчаларни бир — биридан фарқ қилиш керак. Масалан: миллий туйғу, миллий ифтихор, миллий характер, миллий рухият (психология), миллий маҳдудлик, миллий худбинлик, миллий ўзликни англаш ва ҳ.к.

Миллий туйғу — ўз миллатининг миллий руҳи, ва характери, миллий ҳис туйғулари, психик, темперамент, ва феъл атворлари каби маънавий ходисаларнинг инсон ҳаётий фаолиятида намоён бўлишидир.

Миллий ғурур, миллатнинг ўз қавми ютуқларидан мамнуният қиссидир. Ўз миллий давлати, ўз конституцияси, давлат мадҳияси, давлат герби, байроғи учун ич — ичидан севиниши, кўнглининг тўлиши, мамнун бўлишдир. Ўта ғурурланиш ёки миллатини камситиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Ўзига ортиқча баҳо қўйиш, гердаймоқ, кеккаймоқ, миллат шаънига ишлайди. Ҳадисларда айтилишича, Оллоҳ энг ёмон кўрган шахсалардан бири такаббурликдир. Ҳатто мачитга гердайиб кирган одамнинг намози қабул бўлмас экан. (қаранг: Ватан туйғуси, 29 — бет).

Миллий ифтихор — миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис этишидир. Миллий ифтихор миллат моқеаларини қалбидаги бирлик, қон — қардошлик, тил, маданият, иқтисодиёт ва истиқбол учун қониқиш ҳиссиёти кучли руҳий ҳолатдир.

«Ватан туйғуси» китоби муаллифлари ёзганларидай, миллий бирдамлик туйғуси миллий онгнинг асосини ташкил этади.

Миллий бирдамлик етук ва мукамал маънавий фазилат сифитида, миллий онги ривожланган мамлакатлардаги миллатларда тўлароқ намоён бўлади. Маҳаллийчилик ва гурҳбозлик миллий бирдамлик ҳиссиётининг кучсизланишига олиб келади. Президентимиз таъкидлайдики, «умумий ишимизга ҳалақит берадиган маҳаллийчилик,

гуруҳбозлик ҳолатларига фаол чек қўйиш лозимлигини» англаб етиш зарур. (Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» 103 —бет).

Миллий характер, миллий туйғу, миллий руҳият ҳисобланади. Бирок, улар маълум даражада бир —биридан фарқ қилади, миллий характер — миллатнинг миллий қатъияти, азму —қарори бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради.

Миллий туйғу тез ўзгарувчан маънавий ҳодисалар туркумига киради.

Миллий онгда миллий туйғу, миллий психологик, мафкура ва турли ижтимоий ҳодисаларга берилган баҳолар мужассамлашади. Миллий туйғулар миллатнинг туб манфаатларини тўла ифодалайди. Миллий онгда, мафкурада миллатнинг туб манфаатлари акс эттирилади. Миллий туйғуга асир бўлиб қолиш хатоликларга олиб келиши ҳам мумкин, лекин уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Миллий туйғуларни ижтимоий — иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларига суяниб, умуминсоният манфаатлари асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий қадр — қиймат ўзига ҳурмат бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда, халқаро муносабатларда кўринади.

Ҳатто сўзда ҳам миллатнинг қадр — қийматини камситиб бўлмайди. Миллий қадр — қиммат миллатнинг мавжудлиги, моддий ва маънавий бойликлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, унинг шаъни, ор — номуси ҳамжихатлигидир.

Миллий маҳдудлик миллатнинг ўз қобиғида қолиш, соф миллий анъаналардан бошқа ҳар қандай ақидани инкор қилишга асоланади, миллатлараро ўзаро ёрдам ва бошқа ҳамкорликка ишонмайди.

Миллий худбинлик — маҳдудликдан ҳам ёмон, ўзга миллатларни камситишга қаратилган, ўз миллатини алоҳида мумтоз устунликларга эга деб билишдир.

Ўзбекистон истиқлолининг энг катта ютуқларидан бири турли миллат ва элатлар орасида ўзаро ҳамфикрлик ва тотувликни таъмин этилишидир. Барча фуқароларда ягона оила, Ўзбекистон тақдири учун масъулият ҳисси ётади.

Уларнинг тили, маданияти ва анъаналарининг ривожланиши қонун билан қафолатланади.

Шундай қилиб миллий ўз —ўзини англаш, миллий ифтихор Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий ислохотларни юксак даражада олиб бориш соҳасида улкан маънавий омил ролини ўтайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг энг катта ютуқларидан бири шуки, кўп миллатли мамлакатда миллатлараро тотувлик тўла таъмин этилди. Барча фуқароларнинг ягона оила, бутун мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ортди. Энди одамлар қайси миллатга мансублигидан қатъи назар Ўзбекистон фуқароси эканлиги билан фахрланади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, тили ва маданиятини ривожлантирилиши қонуний қафолатланганлиги истиқлолнинг катта ютуғи бўлди. шу чора тадбирлар Ўзбекистон Истиқболи, мустақиллик учун масъуллик бурчини англашга имкон бермоқда.

Қонун устиворлигига асосланган демократик жамиятнинг ривожланишида манфаатдор бўлган турли миллат вакиллари, Ўзбекистон фуқаролари, мустақилликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлаш зарурлигини чуқур англамоқдалар.

Бу моддий бойликлар ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ — овқат етиштириш мустақиллигини қўлга киритиш, ғалла мустақиллигига эришиш, ёнилғи фондларини яратиш каби соҳаларда ипмоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий томонларни кунт билан ўрганиш, улардан фойдаланиш, миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, биргаликда Ватан тақдири учун қайғуриш ишларда умумий мақсад учун курашга тайёр бўлиш ҳиссиётини тарбиялайди.

Ҳозир республикамызда 100 дан ортиқ миллий маданий марказлар ишлаб турибди. Ўлар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий — маданий, маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнида ижобий роль ўйнамоқда. Халқнинг бирлиги, жипслиги

ва осойишталиги хақида гапирар эканмиз, бу бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканлигини таъкидлаш жойиз.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Миллий ўз-ўзини англаш, 2. Миллат, 3. Давлат, 4.Миллий онг, 5.Миллий уйғониш, 6.Миллий тарих, 7.Миллий маданият, 8.Миллий туйғу, 9.Миллий ифтихор, 10.Миллий ғурур, 11.Миллий характер, 12.Миллий руҳият, 13.Миллий маҳдудлик, 14.Миллий худбинлик. 15.Миллий бирдамлик, 16.Миллий ҳис-туйғу, 17.Миллий кадр-киммат, 18.Миллий мафкура.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Миллатларнинг вужудга келиши ва унинг асосий белгилари.
2. Давлат, унинг асосий белгилари.
3. Миллат ва давлатни ривожланишида тарихий шахсларнинг роли.
4. Миллий тил—туркий тиллар ва уларни қадимий шакллари.
5. Миллий давлат рамзларида ўз аксини топади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият» Т. «Ўзбекистон» 1994 йил.
2. Каримов И.А. «Туркистон умумий уйимиз» Т. «Ўзбекистон». 1995 йил.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. “Маънавият”. Т, 2008.
4. Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н, «Ватан туйғуси» Т., «Ўзбекистон» 1996 йил.
5. Баҳромов Ж. «Шахснинг миллий ўзлигини англаш қонуниятлари» Самарқанд. Зарафшон. 1995 йил.
6. Хўжамуродов И., «Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш», Т. 1991 йил.
7. Каримов Б, Миразимов К. «Миллат равнақи ва тил муаммолари», Т. 1992 йил.
8. «Маънавият асослари». Ўқув услубий қўлланма. Т. 2000 йил.

4-мавзу: «Диншунослик» фанига кириш. (2 соат)

РЕЖА

1. Диншунослик фанининг предмети ва вазифалари.
2. Диннинг пайдо бўлиш масаласи. Динлар таснифи.
3. Диний тафаккурнинг шахсий ва ижтимоий илдизлари.

1. «Диншунослик» фанининг мақсади, предмети, тузилиши, унинг ёшлар дунёқарабини шакллантиришдаги роли

Собиқ СССРда «Илмий атеизм асослари» курси ўқитилиб, асосий эътибор динларни танқид қилиш, диний имон-эътиқодни қоралаб, унинг ўрнига худо ва бошқа илоҳий кучларни инкор қилувчи, яъни худосизликка ўргатувчи атеистик билимлар талабалар онгига, руҳиятига ва дунёқарашига сингдирилар эди. «Илмий атеизм асослари»ни ўз вазифасидан чалғитиб, уни сиёсат учун хизмат қилишига уриниб, дин ва диний эътиқодни жамият ҳаётидан ва талабалар қалбидан бутунлай суриб чиқаришга ҳаракат қилинганда кўпинча виждон эркинлиги қонун-қоидалари кўпол равишда бузиларди. Бу эса айрим хушёрроқ талабаларнинг пинҳоний, баъзан эса очикдан-очик норозилигига сабаб бўлар, аҳолида илмий атеистик тарғиботга нисбатан ишончсизлик пайдо қилар, оқибатда «Илмий атеизмнинг» обрў-эътибори тушиб кетган эди.

Турғунлик йилларида миллий камситишга асосланган «ўта байналминаллик» сиёсатига амал қилиниши туфайли диний урф-одатлар, маросимлар, ҳатто миллий расм-русумлар ҳам камситилиб, уларнинг йўлига турли тўсиқлар қўйилиб, уларга амал қилишга имкониятлар йўқ қилинган эди. Умуминсоний қадриятлар камайиб, маънавий қашшоқланиш сари йўл очилган эди.

1991 йилда СССР парчаланиб, сўнгра эса бутунлай тарқаб кетди. Унинг ўрнида мустақил давлатлар вужудга келди. Жумладан, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгани тантанали равишда эълон қилинди. Эндиликда ҳар йили 1 сентябрь Мустақиллик куни сифатида байрам қилинмоқда. Ана шу тарихий воқеадан кейин-ги ўтган даврда Ўзбекистон жаҳонга маълум бўлди. Республикамиз 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди, дунёдаги кўпгина давлатлар билан алоқалар ўрнатди. Мамлакатимизда жуда кўп корхоналар вужудга келди, мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштириш амалга оширилмоқда, фуқароларнинг кадр-қиммати ошиб, улар Ватан туйғусини яққолроқ ҳис қила бошладилар, ўзбеклар ва бошқа миллатларнинг тенглиги, миллий ифтихори ўсиб бормоқда.

Хусусан, демократик ва инсонпарвар жамият қураётган Ўзбекистонда диний эътиқод эркинлиги амалга оширилди. Жуда кўплаб масжидлар, мадрасалар, диний мактаблар, уюшмалар ва жамоалар вужудга келди, кўплаб диний адабиётлар чоп этилмоқда, диний байрамлар, маросимлар, урф-одатлар тикланиб, амал қилмоқда. Бу маънавий янгиликлар халқимизнинг руҳиятига (психологиясига) ижобий таъсир кўрсатди. «Халқимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи, - деб ёзади президентимиз И.А.Каримов, - халқимизнинг маънавий уйғонишидадир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади. Наврўз тиклангани, ҳайитлар тиклангани савобли ишлар бўлди» (Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат «Ўзбекистон» 1992 й. 6-7 бетлар).

Жамият ҳаётида дин пешволари ҳам актив қатнашмоқдалар. Халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қаддини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имом-хатиблар давлатимизга яқиндан ёрдам бермоқдалар, улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва ниҳоқлардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар.

Мана шундай ижтимоий-сиёсий вазиятда, шарт-шароитларда динга бутунлай янгича муносабат шаклланди. Натижада «Илмий атеизм»ни ўқитиш тугатилди, унинг ўрнига «диншунослик» курси жорий этилиб, мана бир неча йилдан буён бу фан олий ўқув

юртларида ўқитилмоқда. Бу ўзгаришдан халкимиз хурсанд бўлди, талабалар бу предметни кизиқиб ўрганмоқдалар. «Диншунослик»нинг мақсади талабаларга диннинг фалсафий, назарий, тарихий ва амалий хусусиятларини ўргатишдир. Модомики, минг йиллардан буён мавжуд бўлган турли динлар, диний дунёқараш, урф-одатлар мавжуд экан, бу жаҳон халқларида динга эҳтиёж мавжудлигини, диннинг одамлар учун фойдаси ҳадсиз эканлигини кўрсатади. «Диншунослик»нинг мақсади дин тўғрисидаги объектив ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб беришдир. «Диншунослик»нинг мазмуни динларнинг фалсафий, назарий жиҳатларини очиб бериш, динлар тарихини ёритиб бериш, динларнинг ижтимоий функцияларини турли жиҳатда тушунтиришдир.

«Диншунослик»ни ўрганар экан, талабалар ахлоқан ва маънавий жиҳатлардан ўз онгини кенгайтирадилар; улар дунё воқеа ва ҳодисаларига, жамиятдаги мураккаб инсоний муносабатлар моҳиятини янада синчковроқ бўлиб тушунадилар; улар динларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини яққолроқ англаб етадилар; ўзларида иймон-эътиқод эркинлигига онглироқ муносабатни шакллантирадилар, яъни бу фаннинг талабалар дунёқарашини учун аҳамияти бекиёс.

Маълумки, дин янги мафкурамиз тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, «Диншунослик»ни ўқиган талабалар мафкурамиз мазмунини чуқурроқ тушуниб етадилар, мамлакатимизнинг актив ривожлантирувчилари, онгли фуқаролари бўлиб етишадилар.

«Муайян дунёқараш, дунёни англаш нуқтаи-назаридан ифода этилган ғоялар, дастурлар, ахлоқ-одоб маромлари ақлли одам ишончи (имони) га айланса қадрланади, эъзозланади. Имонли одам ўз ихтиёри билан қабул этган ғоялар, тимсолларни муқаддас билиб, ҳаётини уларсиз тасаввур эта олмайди, оч, яланғоч қолишга, барча маҳрумликларга, ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади, аммо ўз иймонига хилоф келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди». (Қаранг: И.Каримов. Имон ва инсон. Т., «Фан» 1991 й. 4-бет.).

«...миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Имом Ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг ўша мавзуга дахлдор асарларини назарда тутишман». (Қаранг: Баркамол авлод орзуси. «Шарқ» нашриёти матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент-1999, 36-бет).

Уларнинг шарафига маҳобатли ҳайкаллар қўйилди, саройлар, мадрасалар мактаблар қайта тикланди, уларнинг таваллуд йиллари юбилейлари ўтказилди, асарлари нашр этилди ва ҳ.к.

Хулоса қилинганда, «Диншунослик» курсининг мақсад ва мазмуни бу фаннинг ижтимоий-сиёсий ва дунёқарашлик характерида эканлигини, ҳар бир динга ишонган одамнинг иймон-эътиқоди мазмунини яққол кўрсатиб беришдир.

«Диншунослик» фанининг, бизнингча қуйидаги асосий хусусият ва йўналишлари борки, уларни бир бутун, яхлит ҳолда олиб қаралгандагина бу фаннинг бахс мавзусини тўғри ва тўла баён қилиб, мазкур фаннинг моҳиятини, мазмунини мақсадларини яққол сезиб, тушуниб олиш мумкин бўлади.

«Диншунослик»нинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. «Диншунослик» фани динларнинг моҳиятини ва дин тушунчасини таърифлаб, уни изоҳлаб, тушунтириб беради. Диний онг, ижтимоий онг шаклларида бири сифатида олиб қаралиб, уни тарихий ҳодиса деб ҳисоблайди; бу билан барча динлар инсоният тарихи билан боғланганлиги, одамларнинг динга бўлган эҳтиёжи туфайли келиб чиққач, улар аста-секин бир тизим қиёфасига кириб давом этаётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Динларнинг келиб чиқиш, ривожланиш ва эволюцияси ўзининг туб сабабларига, яъни илдизларига эгаки, «Диншунослик» шу хусусиятни ҳам назарда тутди ва уларни кўрсатиб беради. Бу билан ҳозирги замонда мавжуд бўлиб турган турли динлар қадим

замонларда вужудга келган бўлсалар ҳам, нима учун улар ҳамон мавжуд бўлиб турибди деган саволга аниқ жавоб беради.

«Диншунослик» динларнинг қандай таркибий элементлари борлигини ҳам кўрсатиб беради. Ҳар қандай миллий ва жаҳон динларида диний тасаввурлар, диний ҳаракатлар, диний психология ва диний ташкилотлардан иборат тўртта узвий боғланган элементлар мавжуд бўлиб, улар яхлит ҳолда диний ибодатларни бажарадилар, уларда диний ҳис-туйғулар мавжуд; диний уюшмаларга эса диний ташкилотлар раҳбарлик қиладилар деб ҳисоблайди ва уни тушунтириб беради.

«Диншунослик» фани ҳар қандай дин жамиятда : а) хом хаёлий, яъни компенсаторлик; б) тартибга солувчилик; в) ин-теграллаштирувчилик-бирлаштирувчилик ва г) коммуникатор-лик, яъни алоқадорлик каби функцияларни бажаришини ту-шунтириб беради. Бу функциялар ҳақида кейинги мавзуда батафсил баҳс юритилади, ҳозирча уларни эслатиб ўтилади, холос.

2. «Диншунослик» фани барча динларнинг келиб чиқиш тарихини баён қилиб беради. Маълумки, ҳеч бир ҳодиса ёки воқеа сабабсиз рўй бермаганидек, динлар ҳам ер юзида одамлар томонидан вужудга келтирилган энг қадимги, ибтидоий жамиятда шаклланган ижтимоий онг шаклидир. Динлар тарихи ғоят мураккаб ва узоқ тарихий жараёнлардан иборат бўлиб, ҳозирги даврда мавжуд бўлиб турган динларнинг барчаси ўзининг келиб чиқиш, ривожланиш ва ўзгариб бориш тарихига эгаки, «Диншунослик»да ана шулар тўғрисида ҳам баҳс юритилади.

«Диншунослик» динлар тарихини ёритаётганда уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир қилганлигини, бир-бири билан алоқадорлигини таъкидлайди. Шунингдек, динлар тарихини ўрганиш учун археология, этнография, тарих фанларининг берган маълумотлари, бадиий адабиёт, санъат асарларининг аҳамиятини, нодир моддий-маданий намуналарининг муҳим тарихий ашёвий далиллар эканлигини, айниқса, диний ёзувлар, муқаддас китоблар, машҳур уламоларнинг асарларини, ҳадисларни; турли диний руҳдаги расм-русумларни ҳам кўрсатиб ўтилади. Шу тариқа динлар тарихи тўғрисида яхлит ва бир бутун тасаввурлар яратилади. Булар «Диншунос-лик»нинг иккинчи муҳим хусусиятини ташкил этадики, кейинги мавзуларда бу хусусият тўғрисида атрофлича маълумотлар баён этилади.

3. «Диншунослик» фанида динларнинг энг муҳим назарий-фалсафий тизимидан иборат бўлган диний таълимотлар хусусида баҳс юритилади. Динларнинг бу хусусияти диний мафкура ва дунёқарашнинг моҳиятини асослаб беради. Айниқса, миллий ва жаҳон динлари мавзуларида бу хусусият тўғрисида кенг маълумотлар берилади. «Диншунослик» диний таълимотлар илоҳий кучлар ҳисобланувчи худолар, фаришталар, пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар, мўъжизакор яратилиш ҳодисалари, ҳикматли панд-насихатлар, гуноҳ ва савоб, жаннат ва дўзах қабиларга қаратилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу масалада турли диний афсона ва ривоятларнинг ҳам ўрни борлиги кўрсатиб ўтилади.

4. «Диншунослик» фани динларнинг амалий томони-диний маросимлар, урф-одатлар, расм-русумлар ва турли одат-удумлар хусусида ҳам баҳс юритади. Чунки булар ҳам динларнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Маълумки, диннинг маросимчиликдан иборат амалий томони диндорлар ҳаётида ғоят актив рол ўйнайди. Диний маросимлар диндорлар руҳиятига кучли таъсир қиладди, уларнинг кундалик ҳаётида муайян тартиб ўрнатади, ҳаёт кечириш тарзини белгилайди. «Диншунослик» диний урф-одатларнинг келиб чиқиш тарихига эътибор беради, бу диний расм-русумларнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш учун хизмат қилишини ҳам таъкидлаб ўтаркан, бу одатлар нисбатан барқарор, муқим турадиган муҳофазакор куч сифатида амал қиладди, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга диний маросимлар ўз мазмуни, бажарадиган вазифаларига кўра шод-хуррамлик ёки қайғу-аламли ҳолатларни ифода этишига алоҳида эътиборни қаратади. Диний маросимчилик диний тасаввурлар ва диний руҳият билан чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг яхлит тизими динларнинг нисбатан оммавийлашган осонроқ томонидир, деб алоҳида таъкидлаб ўтилади.

5. «Диншунослик» фани барча динларда муҳим тарбия-ловчи мазмун диний ахлоқ-одобларда мужассам бўлганлигини кўрсатиб беради. Диндорлар диний ахлоқ руҳида тарбия олиб, хушмуомала, очиқ-ойдин фикрли, одамийликнинг кўпгина фазилатларига эга бўлиб етишадилар. Инсоф ва адолат, ҳалол-ҳаромни ажратиш, ўзаро ҳурмат, катталарга иззат-ҳурмат, ногирон, муҳтожларга мурувват кўрсатиш, илмли, маърифатли киши бўлиш, яхшилик қилиш, ота-оналарни беҳад ҳурмат қилиш, оила ва жамоат орасида ўз бурчини адо этиш каби умуминсоний, дунёвий қадриятлар динда юқори даражадаги ахлоқий талаблар, деб қаралади. Муайян маънода дин ахлоқ тўғрисидаги тушунча сифатида ҳам тушунилган. «Диншунослик» фани миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида диний ахлоқнинг ўрни ва роли борлигини тан олиб, диний ахлоқдан шахс тарбиясида самарали фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратади.

Аммо диний ахлоқ сиёсат ва мафкуравий жиҳатлардан қаралганда синфий-табақавий аҳамият касб этадики, «Диншунослик»да бу маънода диний ахлоқда умуминсоний қадриятлар даражасида турадиган ахлоқ-одоб нормаларининг устунлиги таъкидлаб ўтилади, ана шу хусусият ҳам бу фан эътиборида туради.

6. «Диншунослик» диннинг муҳим хусусиятларидан бири бўлган диний ҳуқуққа алоҳида эътибор беради. Маълумки, қулдорлик жамиятидан бошлаб давлатлар келиб чиққан бўлиб, бу сиёсий куч хусусий мулкчиликка асосланган ўз иқтисодий базисига хизмат қиладиган ҳуқуқ ва қонунларини жорий қилган эди. Ўша даврлардан бошлаб диний ҳуқуқ ҳам пайдо бўлиб, бу ҳуқуқлар диний ёзувларда, ҳадисларда, анъаналарда, таъқиқланган ва руҳсат этилган кўрсатмаларда, диний ҳужжатларда, турли диний жамоа, уюшма, мазҳаблар фаолиятида аста-секин шаклланиб борган. Масалан, Ислом тарихида шариат қонун ва ҳуқуқлари худди шу тариқа, VII-XII асрлар давомида шаклланиб, сўнгра ҳуқуқ нормаларига айланган эди. Диний ҳуқуқлар устидан диний ташкилотлар назорат ўрнатган бўлиб, бу ҳуқуқлар мулкка муносабатни, диний жамоа, ижтимоий табақа, гуруҳ ва имтиёзли шахслар манфаатини белгилаб берган. Диний ҳуқуқларда ахлоқ-одоб қоидалари, уларга амал қилиш тартиблар ҳам белгилаб қўйилган. Диний ҳуқуқларда маросимларга амал қилиш қоидалари ҳам кўрсатилган. Диний ҳуқуқларда маросимларнинг жамиятдаги мавқеига қараб уларнинг ҳуқуқлари гоҳо жуда кенг ва кучли бўлган, гоҳо эса уларнинг ҳуқуқлари чекланиб қоларди. Умуман, «Диншунослик»да диннинг мана шу хусусиятига ҳам алоҳида масала сифатида қаралади.

7. «Диншунослик» фани динларнинг тархий типлари, турли шакллари, йўналишлари, мазҳаблари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бир-бири билан боғланган томонлари пайдо бўлиш сабаблари, диндорлар ҳаётидаги ва жамиятдаги ўрни, фаолият кўрсатиш масалаларини ҳам алоҳида қараб чиқади, шулар тўғрисида ҳам баҳс юритади. Шу муносабат билан «Диншунослик» фанида аввало диннинг ижтимоий-фалсафий моҳияти кўрсатилиб ўтилади, сўнгра ибтидоий тузумда пайдо бўлган энг қадимги динлар ҳисобланувчи тотемизм, фетишизм, анимизм, сеҳргарлик (магия, шаман) динларини, улардан кейинги уруғ-қабилалар дини бўлган политеизм, яъни кўп худолик динларини, сўнгра миллий давлат динларини, монотеистик, яъни якка худолик динларини кейин эса жаҳон динлари бўлган буддийлик, христианлик ва ислом дини атрофлича баён этилади. Бу динларнинг ҳар бири ўз тарихий шарт-шароитлари, ўз давридаги талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлса-да, аввалгилари кейин келиб чиққанларига кучли таъсир кўрсатган эди. Масалан, энг қадимги, нисбатан соддагина анимизм дини ҳам жаҳон динларига таъсир қилган. Бу ҳақда кейинги мавзуларда кўриб ўтамиз. Бу жиддий масала ҳам «Диншунослик»да муҳим ўрин олган.

8. «Диншунослик» фани яна бир муҳим масала бўлган диний манбалар, муқаддас ёзувлар, ҳужжатлар: Таврот, Библия, Авесто, Трипитака, Ведалар, Қуръон, ҳадислар каби дин учун жуда муҳим тарихий ёдгорликлар хусусида ҳам баҳс қилади. Чунки, «Диншунослик» агар бу масалани четлаб ўтса, ўз вазифасини тўла бажармаган ҳисобланади. Талабалар эса ана шу манбаларни мустақил ўрганишлари, бу фанни

ўзлаштириш ва ўз билим доираларини чуқурлаштириш, кенгайтириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутишлари лозим.

Диний манбалар асрлар давомида яратилган бўлиб, уларда диний масалалар ҳужжат ва далил асосида системага тушириб юқори услубий маҳорат билан вужудга келтирилган. Бунга Қуръон ва пайғамбар Муҳаммаднинг мўътабар ҳикматлари бўлган «Хадис»ларини мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

«Диншунослик» фани диний, тарихий манбаларга таянган ҳолда ўз назарий ва амалий томонларини баён этсагина, у ишонарли ва эътиборли бўлиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда бу фан ўқитилади, ўқитилмоғи керак.

Шундай қилиб, «Диншунослик» фанининг юқоридаги ўзаро узвий боғланган 8 та хусусиятларини, яъни унинг бахс мавзусини (предметини) кўрсатиб ўтилди. Булардан маълум бўладики, мазкур фан жиддий ва муҳим фандир.

Энди «Диншунослик»ни ўқитишда илмий-услубий талаблар хусусида ҳам айрим мулоҳазаларга тўхталмоқ жоиздир. Аввало, мазкур фаннинг ўқитилишида, унинг мавзуларини баён этишда диалектиканинг объективлик, ворислик, умумий алоқадорлик, сабабийлик ҳамда тараққиёт тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда, объектив ҳақиқат мезонига асосан, холисона иш тутмоқ, илмий-ғоявийликни сақлаган ҳолда, шу фаннинг тарбиявий савиясини оширган ҳолатда ўқитиш ҳозирги давр талабларига мос бўлади, деб ўйлаймиз.

Мантиқий хулосаларга, баён қилиш изчиллигига, давр, тарихий, географик ва миллий этник жиҳатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда дастурдаги материалларни баён қила билиш ҳам муҳим услубий талабларга мос тушади ва аксинча, унга амал қилмаслик «Диншунослик»нинг ўзига хослигини ҳисобга олмаслик бўлур эди. Чунки «Диншунослик» фани динлар тўғрисида бахс юритар экан бу билан бевосита диндорлар иймон-эътиқоди, нозик ҳис-туйғулари, миллий ва диний ғурури билан ҳисоблашишга тўғри келадики, бундай ҳолатда ғоят хушёр бўлиш лозим.

2. Динга ишонадиган, унинг талабларини мунтазам бажариб юрадиган кишиларни диндорлар дейиш мумкин. Ҳозирги даврда диндорларни динга амал қилиши, диннинг назарий ва амалий, ҳуқуқий қоидаларини, ахлоқ-одобларини билиш даражаларига қараб уч гуруҳга ажаратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб диндорлар - уламолар, руҳонийлар, диний ташкилотлардаги дин пешволари, диний таълим-тарбия муассасаларида ишлаб турган муаллим ҳамда мударрислар, диний китоблар, журналлар, газеталар нашриётида ишлаётган ходимларнинг юқори қатламидаги кишилардир. Мазкур гуруҳдаги диндорлар дин бўйича назарий ва амалий, илмий тажрибаларга эга бўлиб, улар диннинг тарихини, ақидаларини, маросимларини, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларини яхши билишдан ташқари уларни тушунтириб бера оладилар, шарҳлайдилар, тарғиб-ташвиқот қиладилар, диний ишларни уюштирадилар ва раҳбарлик қиладилар. Масалан: бу гуруҳдаги диндорларга Ўзбекистон мусулмонлари диний Бошқар-маси ҳайъати раиси, муфтиси, имом-хатибларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Диндорларнинг иккинчи гуруҳига мансуб диндорлар диннинг назарий томонларини яхши билмайдиган, аммо диний маросимларни актив бажарадиган, диний ишларда бошқош турадиган, уларни тарғиб этадиган, диний дастурлардан, диний жиҳатдан манъ этилган ёки руҳсат қилинган тартиб қоидалардан яхшигина хабардор, динга ихлоси баланд бўлган диндорлардир. Улар маҳаллаларда диндорларнинг олдинги сафида юрадилар.

Учинчи гуруҳдаги диндорлар динга ишонадиган, диний қоидаларни бошқалардан эшитган ёки диний маросимларни анъанавий одат сифатида бажарадиган, динга ҳам, илм-фанга ҳам ишониб юрадиган, диний ишларда унча актив бўлмаган, диний эътиқоди ҳали пишиб етилмаган диндорлардир.

Биринчи гуруҳга мансуб диндорлар диндорларнинг умумий сонига нисбатан жуда озчиликни ташкил этадилар. Иккинчи гуруҳга мансуб диндорлар биринчи гуруҳлардагига нисбатан анча кўп миқдорни ташкил этадилар. Учинчи гуруҳдаги диндорлар энг кўпчилик

диндорлардир. Бу уч гуруҳдаги диндорлар орасидан кейинги йилларда учинчидан иккинчи гуруҳга ўсиб ўтаётган диндорлар кўпайди, улар асосан ёш жихатдан кичик, янги диндорлардир. Бу у уч тоифа дин аҳллари ўзаро алоқада бўлиб, айрим диний масалаларни шарҳлашда баъзан келиша олмайдилар. Масалан, ваҳҳобийлар анъанавий диндорларга нисбатан норозилик ҳолатларида бўл-дилар, кейинги пайтларда эса улар орасида келишмовчилик кучайди.

Биз диний активлик рўй берган бир даврда яшаётимиз. Ҳозир жамиятда динга бефарқ, унга мутлақо ишонмайдиган кишилар жуда оз. Бундан 5-10 йиллар аввал собиқ СССР даврида динга ишонмай юрган айрим зиёлилар, партия, Совет, комсомол ходимлари, раҳбариятда юрган кишилар ҳозирги кунларда активроқ диндорларга айландилар.

Диндорлик - ўз дунёқарашида, иймон-эътиқодида, психо-логиясида, турмуш тарзида, ахлоқ-одобида, кундалик ҳаёт кечиретишида, оилада, меҳнат жамоаларида, жамотчилик орасида, маиший турмушда, ўзининг барча хатти-ҳаракатлари-да тўла равишда диний талаблар, тартиб-қоидаларга амал қилишни англатади.

Жамиятнинг характери, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлар, маданият даражасига қараб диндорлик айрим даврларда юқори ёки паст бўлиши мумкин. Масалан, Ўрта асрларда феодализм шароитида диндорлик энг юқори даражага чиққан бўлса, капитализм ва социализм жамиятларида унинг даражаси нисбатан анча паст бўлди. СССР ва КПСС барҳам топиб, миллий мустақиллик амалга ошган, демократия кенгайган XX асрнинг 90-йилларида эса яна диндорликнинг юқорига кўтарилиши рўй берди. Масалан, Ўзбекистонда исломга ихлос кучайди, минглаб янги масжид-лар, ўнлаб мадрасалар, юзлаб диний мактаблар очилди, диний маросимчилик фаоллашди, диний адабиёт кўпайди, мусулмон давлатларининг халқаро обрўси ошди, ўзаро алоқалари кучай-ди ва ҳоказолар. Қисқаси дин, диндорлар, диндорлик ҳам инкорни инкор қонунига бўйсунди, шу қонун асосида амал қилади.

Диний онг ҳар бир диндор одамнинг ёки диний жамодаги кишиларнинг якка шахс ёки ижтимоий онги бўлиб, бу онгнинг асоси илоҳий кучларда, илоҳийликка асосланган дунёқараш, мафкура, ғоя, фикр, тушунча, тасаввур, хотира, хаёл, ирода, идрок, иймон, эътиқод, ахлоқ ва психика кабилар яхлитлигидан иборат маънавиятдир.

Диний онг кўпчилик диндорларнинг онги, якка шахс онги хусусиятига эга бўлади. Якка шахснинг диний онгининг даражаси ўша диндор кишининг яшаш тарзи, шахсий қобиляти, қизиқиши кабилар билан боғлиқ. Бу ҳол диндорлар психикасини келтириб чиқаради.

Ижтимоий, диний онгнинг ўсиб боришини диний ташкилотлар фаолияти, диний тарғибот-ташвиқот, диний адабиётлар, диний мазмун ва шаклдаги санъат ва адабиёт, диний маросим-лар, диний мафкуравий ҳаракатларнинг таъсири, сафарбарлик кучи ҳал қилади.

Диний онг бошқа ижтимоий онглари билан алоқада бўлади, улар ўзаро бир-бирига таъсир қилади. Диний онг диний дунёқараш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Диний дунёқараш, умуман, дунёқарашнинг тарихий турла-ридан бири бўлиб, унинг асосий белгиси илоҳий, ғайритабиий кучларга ишониш ва уларга сиғиниш, бутун олам, барча мавжудот, инсоният дунёсини худо яратганини ва бошқари-шини эътироф этиш, худога, руҳларга эътиқоддан иборатдир. Диний дунёқараш мафкурада кулдорлик тузумидан бошлаб қатнашган. Бизнинг янги мафкурамиз тизимида ҳам диний дунёқарашнинг кўпгина таъсири, хусусиятлари мавжуд. Айниқса, инсоний фазилатларга ёт ва зарарли бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, бузуклик, қон тўкиш, ўғирлик каби ярамас иллатлар диний ахлоқда қораланади, уларга қарама-қарши ҳалоллик, эзгулик, ўзаро ҳурмат кўрсатиш; катталарни, ота-оналарни иззат қилиш каби фазилатлар улуғлаб келинган. Янги мафкурамизда диний дунёқарашнинг ана шу хусусиятлари меросий жихатдан қабул қилинган.

Дин ибтидоий жамиятнинг қуйи босқичида, тахминан бундан 50-40 минг йил аввал шаклланган. У кейинги жамиятларда турли тарихий тип ҳамда шаклларда ривожланиб келган. Динни келтириб чиқарган туб сабаблар, яъни илдизлар учта: ижтимоий, психологик ва гносеологик илдизлари мавжуд.

Диннинг ижтимоий илдизи жамият ҳаёти билан, айниқса, у ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиб бориши даражаси, ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусияти билан билвосита алоқадордир; у жамиятнинг устқурмасида актив элемент ҳисобланади, диний ташкилотлар давлат ишларига баъзан бевосита аралашади, баъзан эса давлат ва сиёсатдан бутунлай ажратиб қўйилган ҳолатда ҳаракат қилади. Синфий жамиятларда меҳнаткаш табақа ва гуруҳларга турмуш қийин-чиликларига, ижтимоий зулмларга, қашшоқлик азобларига чидаш, сабр-тоқат билан яшашга даъват этувчи ғоявий куч бўлган ҳукмрон гуруҳ кишиларни инсоф ва адолатга, мазлумларга раҳм-шафқатга, хайр-эҳсонли бўлишга чақиради, жамиятларда синфий бўлинишни эмас, балки диний биродарликни, миллий айримачиликни эмас, балки худонинг бандаси ва пайғамбарнинг уммати сифатида барчанинг бирдамликда яшаши зарурлигини таъкидлайди.

Ижтимоий жиҳатдан дин яна диндорнинг шахсий ҳаётида юз бериб турадиган касаллик, оилавий можаролар, фарзандсизлик, беақл фарзандларнинг ярамас ишлари кабилардан сиқилиши каби ҳолатлар диний ҳис-туйғуларни кучайтиради ва мустаҳкамлайди.

Ҳар қандай диннинг гносеологик, яъни дунёни билиш назарияси билан боғлиқ илдизи ҳам мавжуд. Диннинг бу илдизи оламдаги воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини, уларнинг ички моҳиятини билиш мураккаб ва қийин бўлиши билан боғлиқ. Табиат ва жамиятда рўй берадиган ўзгаришлар сабабли кўп минг йиллар мобайнида инсонлар учун сирли туйилган; натижада одамларнинг ақли заиф ва чекланган, дунёнинг барча сирлари биргина худога маълум, ундан бошқа ҳеч ким дунёни билмайди деган хулоса келиб чиққан.

Диннинг гносеологик илдизи фалсафий жиҳатдан скептицизм билан чамбарчас боғлиқ. Бу оқим оламни билиш мумкинлигини шубҳа билан немис файласуфи Иммануэль Канн инсон ўз сезгиларидан ташқарида нима борлигини била олмайди, ташки олам қандайдир билиб бўлмайдиган сирли «нарса ўзида» мавжуд бўлиб, у фазо ва вақтдан ташқаридаги руҳларга, худоларгагина маълум, деб ҳисоблаганлар.

Фан далиллари, инсоният тўплаган амалий тажрибалар ва хулосалар, инсонда ақл ва тафаккур борки, бу қудратли маънавий омиллар оламнинг сирларини бирин-кетин очаетир.

Диннинг психологик илдизи ҳам бўлиб, бунда одамларда-ги ташқи олам воқеаларидан, жамиятда рўй бераётган турли ҳодисалардан изтиробланиши, эзилиши, ғам-ташвишга тушиб қолиши, кўркув ваҳима, умид ва ишонч, шодланиш ёки руҳан тушқинлик ҳолатлари диннинг келиб чиқиш ва мавжуд бўлиб туришида катта куч ҳисобланади. Диний панд-насихатлар, турли диний маросимлар ҳам диний психология билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, ҳар қандай диннинг келиб чиқиши, яшаб туриши ва амал қилиши ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизлари билан изоҳланади.

Ҳозирги даврда, яъни XX аср охирида юз берган сиёсий ўзгаришлар, миллий фаоллашув ва демократия, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ қийинчиликлар шарт-шароитлари натижасида диний фаоллик сезилмоқда. «Илмий атеизм»дан диний эътиқодга қайтиш жараёни кескин юз бермоқда.

Жамият ҳаётида амал қилаётган динлар шунчаки нодонлик ва жаҳолатпарастлик оқибати эмас, албатта. Дин ўз ташкилий тизимига эга бўлган мураккаб ва ўта мосланувчан ғоялардан иборат бўлиб, дин жамиятни уюштирувчи, йўналтирувчи, сафарбар этувчи, интизомга солувчи ғоявий куч ҳисобланади. Диний шиорлар айрим инқилобий ҳаракатларни, баъзи даврларда Ғазовот ва салб урушларини, миллий-озодлик ҳаракатларининг байроғига айланган. Диннинг: 1.Хом-хаёл-яъни компенсаторлик, 2.

Тартибга солувчилик, 3. Интеграллаштирувчилик, 4. Коммуникаторлик деган ижтимоий функциялари бор.

Компенсаторлик функциясида дин одамларга улар эриша олмаган нарсаларга, бахтларга илоҳий хаёллар, таскин орқали эриштиришга уринади. Масалан, қийналиб яшаган кишилар «у дунёда» жаннатда яшайдилар, худо уларни бу дунёда эмас «у дунёда» бахтли қилади деб таскин беради.

Дин ўз ақидалари орқали дунёнинг яратилганлигини, одамларнинг илоҳий тақдири, охират куни кабилар тўғрисида тасаввурлар вужудга келтирган ва мафкура яратган. Диннинг тартибга солувчилик функцияси, кишиларнинг хулқ-атвори, ахлоқий ҳаракатлари диний меъёрлар асосида бошқарилишини акс эттиради. Шунингдек, динга ижтимоий тузумни сақловчи ва мустаҳкамловчи интегралловчи, жамият билан шахснинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи коммуникативлик функциялари ҳам хосдир. Диннинг бу функциялари диний ташкилотларнинг фаолияти билан узвий бирликда бўлса-да, бири-бирига айнан мос келмайди. Диний ташкилотлар ижтимоий муассаса сифатида ўз ривожланишида нисбий мустақилликка эга бўлиб, ҳам диний, ҳам иқтисодий ва ахлоқий-тарбиявий вазифаларни бажаради. Худди мана шу йўсинда муайян диний ташкилотлар ижтимоий масалалар буйича мавжуд жамиятга мос мавқеда туради. Масалан, мустақил Ўзбекистонда диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда, асосан, диний ишлар билан шуғулланмоқда. Улар жамиятимиз ҳаётида актив иштирок этиб, кўпроқ тарбияловчи рол ўйнамоқда.

Ҳозирги давр ва дин муносабатини сиёсатнинг ўзгариши билан боғланган ҳолдагина тушунмоқ мумкин. Сиёсатимизда миллий ўзликни англаш, келажакда буюк давлат куриш, энг ривожланган давлатлар даражасига кўтарилиш, ҳорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва икки томонлама фойдали алоқалар олиб бориш, қўшма корхоналар куриш, илм-фан, техника, санъат, адабиёт, кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, спорт соҳасидаги алоқалар; мамлакатимиз ичида эса тинч-тотувликни сақлаб туриш, фуқаролар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг таълим-тарбиясини янги, замонавий талаблар асосида олиб бориш, миллий кадриятларни тиклаш каби ишлар олиб борилиб, истиқбол сари ривожланмоқдамиз. Мана шуларнинг барчаси диннинг жамиятдаги фаоллигини оширди. Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари Бошқармаси ҳориждаги мусулмон давлатлари, улардаги диний ташкилотлар билан фаол алоқалар олиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳудудидаги Баҳовуддин Нақшбанд, Мулла Бозор Охун, Ахмад Яссавий, Имом Исмоил ал-Бухорий мақбаралари қайта таъмирланди, улар халқимизнинг зиёратгоҳларига айланиб қолди. Макка ва Мадина шаҳарларига ҳажга боришлар авж олди ва ҳ.к. Давр маънавиятнинг бошқа соҳалари қатори диний иймон-эътиқод учун ҳам кенг имконият яратди.

Шундай қилиб, мавзудан умумий хулоса қилганда, дин ижтимоий онг шакли бўлиб, у тарихий ҳодиса ҳисобланади, маданиятнинг ажралмас қисми, одамлар руҳий ва ижтимоий ҳаётининг муҳим хусусиятлари, ёшлар тарбияси учун катта восита ҳисобланади, дунёқарашнинг алоҳида тарихий типидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Илмий атеизм, Диний онг, ижтимоий онг, дунёқараш, Форобий, Ибн Сино, Ахмад Яссавий, Таврот, Библия, Қуръон.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Диний онг нима?
2. Диншуносликни мақсади.
3. Фаннинг предмети нималардан иборат.
4. Диннинг жамиятдаги ўрни.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...”. Т. “Ўзбекистон”. 1997й.
2. Мўминов А.К. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т. 1999 й.
3. Радугин А.А. Введение в религиоведение. Москва 1996 г.
4. Фромм Э. Психологический анализ религии // Фромм Э. Иметь или быть? М. 1990.
5. Закон божий: Вторая книга оправослав пою вере. Волгоград. 1987.

5-мавзу: Диннинг ибтидоий шакллари. Зардуштийлик. (2 соат).

РЕЖА

1. Диний онг асосларининг шаклланиши.
2. Тотемизм, Анемизм, Шаманизм (магия), Фетишизм.
3. Зардуштийлик дини.

Юқорида айтиб ўтилганидек, «Диншунослик асослари» динларнинг тарихини ҳам баён этади. Аввалги мавзуда диннинг моҳияти кўрсатиб ўтилди. Фалсафий жихатдан ҳар қандай ҳодиса ўзининг сабабларига эга бўлиб, маконда рўй беради. Дин ва унинг тарихи ҳам бу назарий қоидага бўйсинади. Диннинг дунёвий илмий изоҳига кўра, у ерда пайдо бўлган. Одамлар ҳаёти билан боғланган, жамиятда амал қилади, кишилиқ тарихи билан алоқада яшайди. Диннинг турли тарихий шакллари мавжуд.

Турли диний манбаларда дин азалдан мавжуд бўлиб келган, худо эса ҳамма нарсаларни: осмон ва Ерни, коинотни, барча одамларни, мўъжизавий йўқликдан бор қилиб яратгани айтилган. Демак, диннинг тарихи жамият тарихидан аввал бошланган, деган хулоса келиб чиқади.

Илмий адабиётларда кўрсатилишича, диннинг тарихи 50-40 минг йилдан кўп эмас, жамиятнинг тарихи эса 3 миллион йилдан зиёд. Демак, у тарихий ҳодиса, дин ибтидоий жамиятнинг қуйи босқичида келиб чиққан. Биз бу иккинчи қарашни анализ қилсак, диннинг пайдо бўлишидан дарак берадиган археологик ва этнографик ашёвий далилларга мурожаат этмоғимиз керак. Археология фани одамлар яшаган турли тарихий даврларда ер остида қолиб кетган қадимий манзилгоҳларни қовлаб топади, улардан уй-рўзғорга, зеб-зийнатга, иш қуролларига, кийим кечакларга, меъморчиликка, санъатга оид турли буюмлар, ноёб топилмаларни аниқлайди-лар, баъзан кўҳна қабрлардан дафн қилиш қоидалари, қабрдаги жасад ёнида ов қуроллари, еб-ичиш идишлари, тақинчоқларга ҳам дуч келинган, баъзан эса қуш ва ҳайвон-ларнинг, афсонавий маҳлуқларнинг, фаришта, маъбудаларнинг ҳайкаллари, турли нарсалардан ясалган шакллари, ниқоблар топилганки, уларнинг айримлари диний мазмунга эга бўладилар. Масалан, Наманган вилоятининг Поп шаҳридаги «мунчоқли тепа» деган қадимги манзилгоҳдан 1984 йилда археологлар бир нечта қабр топдилар. Жасадлар эрамиздан аввалги II-I асрларга оид бўлиб, улар ов қуроллари, овқат идишлари, зеб-зийнат буюмлари билан бирга дафн этилгани маълум бўлди. Демак ўша даврларда одамлар «у дунё»да қайта тирилишга, унда яна яшашларига ишонганлар, яъни ўша даврдаги кишиларда диний онг мавжуд бўлган.

Этнография фани уруғ-қабилалар, элат ва миллатларга хос бўлган турли урф-одатлар, расм-русумлар, маросимий удумларни, улардаги тартиб-қоидаларни, этнографик жихатдан аҳамиятга эга бўлган кийимлар, рақс ва қўшиқлар, юз ниқоблари, озик-овқат турларини ўрганади. Ушбу фан ҳам диний урф-одатларга оид кўпгина маълумотлар тўплаган.

Дин жамият ҳаётидаги меҳнатнинг овчилик, чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик каби тарихий турлари, одамларнинг касб-кори билан боғлиқ ҳолда ҳам шаклланиб борган. Пирга сиғиниш шу тарихи пайдо бўлган. Оиланинг ҳомийси ҳисобланган маъбудаларга сиғиниш рўй берган. Омад ҳомийси Фортуна, бахт келтирувчи Хизр тўғрисидаги ривоятлар ҳам ана шундай вужудга келган, Ўтиб кетган авлодлар руҳига сиғиниш энг қадимги диний тасаввурлардан ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг пастлиги, меҳнат қуролларининг ни-ҳоятда соддалиги, дунё тўғрисида, ҳатто одамнинг ўз анато-мияси ва физиологияси, руҳий ҳолатлари тўғрисидаги билимларнинг камлиги кишиларнинг табиат кучларига тўла қарамлиги, улар олдида кўрқув, ожизлик, ибтидоий кишилар онгида турли-туман афсонавий диний тасаввурларни келтириб чиқарган.

Одам ўз ожизлигини сезгач, ўз аҳволини англаб етган вақтдагина, шу ночорликни энгиб ўтишга мададкор илохий кучларга эҳтиёжни ҳис-туйғусида сезиб олгачгина дин келиб чиққан.

Атрофдаги барча нарсалар турфа рангларга, хосса-хусусиятга, мукамалликка эга бўлишдан ташқари, йил фасллари, тун ва куннинг ранг-баранг тарзда намоён бўлиши, ой шакллариининг ўзгариши, юлдузларнинг тун бағрида гўзал ярқираб туриши, уларнинг ҳар хил шаклларда кўриниши, осмоний жисмларнинг учиб юриши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг чиройли қиёфаларда мавжуд бўлиб яшаши, вулқонларнинг отилиши, ер бағрида маъданли шифобахш сувларнинг чиқиб туришлари, одамнинг кўриш, эшитиш, там, маза, ҳидларни ажратиш каби сезги аъзоларининг мутаносиб тарзда мавжуд бўлиши, одамнинг тушида ғаройиб воқеаларни кўриши каби ҳолатларни диний адабиётда тўғридан-тўғри худонинг қудрати, ажойиб усталик билан яратиб қўйганига ишончли далиллардир, деб талқин этилади. Фанда эса булар табиий танланиш, яшаш учун курашда шаклланган табиий оддий объектив ҳодисалар деб ҳисобланади. Динларнинг келиб чиқиш тарихи ҳозиргача тўла, аниқ очилмаган илмий муаммолардан бири дейиш мумкин.

Энг қадимги динлар табиат кучларини илохийлаштириш асосида келиб чиққан бўлиб, уларда худолар, пайғамбарлар, илохий ривоятлар шаклланган эмас эди. Лекин бошиданок ўша динларда табиатдаги ҳайвонларни, ўсимликларни, айрим дарё-лар, тоғлар, осмон жисмлари, авлодлар руҳини илохийлаш-тириш, уларга бағишланган турли маросимлар мавжуд бўлган.

Ўша даврда тотемизм, анимизм, фетишизм, зардуштий-оташпарастилик, магия (сеҳргарлик) динлари келиб чиққан.

ТОТЕМИЗМ. Тотемизм сўзи Америка хиндуларининг «О тотем» деган сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида бу сўзнинг маъноси «унинг уруғи, қариндоши» демакдир. Тотемизм дини овчилик ва чорвачилик билан шуғулланган уруғ ва қабилалар орасида пайдо бўлган энг дастлабки дин эди.

Маълумки, одамлар тирикчилиги ибтидоий жамиятда дастлабки даврларда табиатда мавжуд бўлган ўсимликларга ва ёввойи ҳайвонларни овлаб истеъмол қилишга боғлиқ эди. Овчилар энг кўп овлаган ҳайвон ёки қушларни, жониворларни алоҳида ҳурмат қилганлар. Аста-секин одамлар ўз уруғ-авлодлари ана шундай ҳайвонлар билан қон-қариндош бўлган, ҳатто шу ҳайвонлардан келиб чиққанмиз деб, ўйлаганлар.

Тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимлик одамлар уруғининг ҳомийси деб, тотемнинг «ёрдамига» кўз тикканлар, рақс сеҳри билан, баъзан эса маросимлар қилиш йўли билан тотемга таъсир қилиш мумкин деб тасаввур қилганлар. Масалан, махсус маросимда тотем ҳисобланган ҳайвонни сўйиб, унинг қони ва гўштидан табаррук ва муқаддас таом сифатида истеъ-мол этишган. Бундан асосий мақсад тотем билан қон-қариндошликни янада мустаҳкамлаш бўлган. Ов кўп бўлган вақтларда тотем-ҳайвонни «хурсанд» қилиш, унга миннатдорчилик рамзи сифатида юзларига ўша ҳайвоннинг расми солинган ниқоб кийиб, терисини ёпиниб, сирли рақсга тушишган, ўша ҳайвоннинг юриши, ётиши сакрашига монанд ҳаракатлар қилишган. Овлари ўнгидан келмай қолган пайтларда эса тотемни савалаб, жазолаш маросими ўтказишган. Бу маросимларни ўтказишдан асосий мақсад тотемнинг куч-қуввати уруғ аъзоларига ўтиб, келажакда ҳам тотем уруғнинг ҳомийси бўлиб қолишига эришмоқ бўлган.

Тотем бўлган ҳайвон ёки қушлар, ўсимликлар турли минтақаларда, турли уруғларда турлича булган. Кўпинча кен-гуру, туякуш, айик, шер, йўлбарс, маймун, сигир, тоғ эчкиси, балиқ, илон, ҳакка, қалдирғоч, фил, хўкиз, от, хўроз, бургут, кийик, мусича қабилар тотем ҳисобланган. Уруғлар номи тотем бўлган ҳайвон, қуш ёки ўсимлик номи билан аталган. Ҳозир австралиялик туб-жойлик аҳоли уруғлари кенгуру, оқ хўроз, қора хўкиз деб номланади. Америкадаги хинду уруғлари Катта Илон, Бургут кўз, Қора сиртлон каби номлар билан аталган.

Ўзбек ва тожик халқлари орасида от, ит, мушук, лайлак, мусича, қарға, калдирғоч, илон каби ҳайвон ва қушлар тўғрисида турли диний мазмундаги ривоятлар мавжудки, бу ҳам тотемизм қолдиғи ҳисобланади.

Рим шахрини қурган ака-ука Ромул ва Румулларни ит эмизиб катта қилган, деган афсона асосида Рим шаҳрида она итга ҳайкал ўрнатилган.

Рига шаҳрида эса хўрозга ҳайкал ўрнатилган, чунки латиш қабиласига хужум қилаётган душман ҳақида ана шу хўроз хабар қилиб, қабилани душмандан сақлаб қолган, деган ривоятлар бор.

Россияда подшоҳ Романовлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда давлат миллий байроғида бургут расми бўлган. Буларнинг барчаси тотемизм билан боғлиқ.

Тотемизм дини ўзидан кейин келиб чиққан динларга ҳам таъсир қилган. Ҳиндистон республикасидаги миллий ҳиндуизм динида оқ фил, маймун, сигир, илон тотемлари хануз мавжуд.

Туркий халқларда ҳам бўрига сиғиниш мавжуд.

Ислом динида ҳайвонларни калтаклаш таъқиқланган. Арабларда туғадиган туяни қаровсиз қолдириш катта гуноҳ ҳисобланган. Ислом динидаги бу таъқиқлар ҳам тотемизм таъсирида вужудга келган. Буддизм ва христиан динларида ҳам тотемизм қолдиғи бор.

Тотемизм дини табиатни, айниқса, ўсимлик ва ҳайвонлар-ни асраш, атроф-муҳитни мусоффо сақлаш, экологик тарбия учун фойдали, деб ҳисоблаш мумкин.

АНИМИЗМ. Одамлар кузатувчан бўладилар. Қадимги замон кишилари ҳам табиат ва жамиятдаги турли ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб борганлар. Ҳар йили баҳорда ўсимликлар ва дарахтлар уйғониши юз бериб куртак ёзади. Одамлар ухлаб уйғонадилар, ҳушидан кетиб яна ҳушига келадилар, айрим ҳайвонлар қишда ухлаб баҳорда уйғонади, қиш фасли «ўлик» мавсумдир, баҳор қайта тирилишдир.

Бу воқеаларни билишгач, одамлар барча нарса ва предметлар ўлиб-тирилиб турадилар деб ўйлай бошлаганлар.

Анимизм жамиятда қачон ва қаерда ана шундай тасаввурлар пайдо бўлган бўлса, ўша жойда ва даврда келиб чиққан диндир.

Анимизм бундан 40-30 минг йил илгари пайдо бўлган.

А н и м а сўзи лотинча бўлиб, «жон, руҳ» деган маънони билдиради. Анимизм энг қадимги динлардан бири бўлиб, у аввало жон, руҳни ўлмайдди, тана эса ўлади, деган тасаввурдан пайдо бўлди. Анимистик таълимот қайта тирилиш танага жонни қайтиб кириши сабабли рўй беради, деб ҳисоблайди.

Анимизмга кўра жон ва руҳ ҳар бир нарса ва предметда, ҳар бир ўсимлик ва ҳайвонда, ҳар бир одамда мавжуд. Жоннинг кучи руҳий бўлиши, абадул-абад барҳаёт қолишида-дир. Анимизм ҳар бир кишида унинг ҳаёти ва онгининг манбаи жон ва руҳий қуввати бўлиб, жон билан руҳ одам туғилмасдан аввал мавжуд бўлади, тана пайдо бўлгач унга кириб ҳаёт бағишлайди, деб таъкидлайди.

Дастлабки даврларда анимистик тушунчада жонни соя ёки нафас олиш билан айнан бир нарса деб билар эдилар. Жон турли халқларда турлича тасаввур этилган. Масалан, Шимолий Американинг туб жой халқларида соя номи билан, нафас олиш номи билан аталган.

Одамнинг танаси, анатомик жиҳатдан, асаб, қон, томир, мия, юрак, жигар, ўт пуфак, қора талоқ, ўпка, буйрак, мускул, суяк, тери кабилардан иборат. Ҳаёт кечириш учун одамнинг бутун танасидаги аъзолари соғлом бўлиб, улар куч-қувват билан ишлаб туриши керак, чунки ҳар бир тана аъзоси ўз вазифасини бажаради, улар тана оладиган ҳаво, озиқ-овқат, турли минераллар туфайли яшайди, лекин танада жон деган махсус аъзо йўқ. Масалан, юрак бор, ўпка бор, аммо жон, руҳ эса учрамайди. Тананинг хужайраларида тинимсиз молекуляр ҳаракат мавжуд, қон бутун тана бўйлаб айланиб, ҳаётгий озуқа ва бошқа омиллар билан таъминлаб туради. Катта ёшдаги одамларда 4-5 литр қон бўлади, ёш болаларда эса бу ҳажмдан озроқ қон бор. Одамда қизил, қора, оқ қонлар бўлиб, уни шартли равишда жон деб ҳисоблаш мумкин. Бу фикрнинг тўғрилигини қони камайиб

кетган ёки фожиа туфайли қонини кўп йўқотган кишиларга дарҳол қон группасига тўғри келадиган тоза қон қуйибгина ҳаётини сақлаб қолиниши исботлайди. Демак, араблар ўйлаганидек жон - бу қон. Аммо гўё капалакка ўхшаш жон ҳам, руҳ ҳам одам танасида мавжуд эмас. Жон, руҳ ҳақидаги тасаввурлар ҳаёт ва ўлим, сўниш ва жонланиш, эскилик ва янгилик ўртасидаги муносабат, алоқаларнинг ғоят мураккаблиги сабабли, бу жараёни англашдаги хато хулосалар туфайли келиб чиққан, дейишга тўла асослар бор. Билим ва амалий тажрибаси кам ибтидоий одамларда (баъзан ҳозирги одамларда ҳам) воқеалардан умумий хулоса чиқариш қобилияти заиф эди. Анимизм дини одамда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, предмет ва ҳодислар хусусиятларини умумийлаштириш ва мавҳумлаш-тириш қобилияти пайдо бўлгандан сўнггина таркиб топган. Жоннинг ўлмаслиги тўғрисидаги абстракция ҳам шу қобилиятнинг кучли бўлмаган давриларида келиб чиққан бўлиши керак. Қадимги анимизм асосида одамлар оламни иккига: «у дунё» ва «бу дунё» га ажратадилар. Реал табиий дунё устидан ғайритабиий дунё ҳукмронлик қилади, деган қараш ҳам ўшанда шаклланган.

Агар қаттиқ момақалдироқ, кучли бўронлар, сув тошқин-лари, даҳшатли zilзила, вулкон отилишлари, одамларнинг ўлими каби воқеалар содир бўлса, яна шу ҳодисалар пайтида жон ва руҳлар жунбошга келдилар, қаҳр - ғазабга кирдилар, деган ўй-хаёллар келиб чиққан.

Жон ва руҳни одамларга худо беради, жонни қайта оладиган ҳам худо, деган ишонч анимизм риовжланишининг кейинги даврларида вужудга келган. Анимизм динининг муҳим хусусияти - руҳлар абадий айланиб юриши, одам руҳи кўзга кўринмасдан, жисмсиз ҳолда ўз уйига келиши, ҳали барҳаёт қариндошларини кўриб туриши, уларни яхши ёки ёмон ҳодисалардан ғойибдан огоҳлантириб туриши мумкин, деган таълимотидир.

Жон ва руҳлар тўғрисидаги анимистик дин ўзидан кейин келиб чиққан кўпгина динларга таъсир қилган. Буддизм динида олам уч қаватдан иборат ҳисобланади. Биринчи қаватдаги олам энг юқори олам бўлиб, унда мутлақо руҳий осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф покланган руҳларгина мавжуд дейилади. Руҳни асло билиб бўлмайди. Иккинчи олам қаватида руҳ қафасдан чиқиб покланади, учинчи қават оламда одамлар ва ҳайвонлар мавжуд бўлиб, бу оламда руҳ қафасда яшайди.

Ислом динида ўлгандан кейин тирилиш тўғрисидаги таълимот берилган. Охиратда барча вафот этган кишилар қайта тирилади. Улар худо томонидан сўроқ қилинади, улар савоб ёки гуноҳ ишларига қараб жаннатга ёки дўзахга дохил бўлади-лар, дейилган.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа мусул-мон мамлакатларида ўлган кишиларнинг арвоҳига атаб қурбон-лик маросими ўтказилади, хайр- эҳсон, садақа бериш одатлари мавжуд. Булар ҳам анимизм одатларидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек вафот этган кишилар кийи-ми, зеб-зийнатлари, овқат-озиклари, ҳарбий ва ов қуролилари, баъзан ўлган подшолар хизматкорлари билан дафн қилиниши археологлар томонидан (масалан, Сурхондарё вилоятидаги «Сополли тепа» деган жойдан топилган қадимги қабристонда одамлар жасади ёнида ов қуролилари, овқат идишлари, тоғ эчкиси, қурбақа ҳайкалчалари) топилган. Булар ҳам анимизм динига хос эди. Ўзбек оилаларида вафот этган киши уйида оқшом пайтида арвоҳга атаб чироқ ёкиш одати ҳам анимизм динининг ҳамда оташпарастлик динининг урф-одатларидир.

Кейинги йилларда руҳлар тўғрисида кўпгина янги мулоҳазалар вужудга келди. Хусусан, руҳлар ёки «боболар» билан мулоқотда бўладиган экстрасенслар, янги чиққан «та-биб»лар касалларни даволаш сеанслари ўтказишлари кенг рақлама қилинмоқда. «Ўлимдан кейинги ҳаёт» деган Раймонд Моудиннинг китобида руҳлар тўғрисида ғаройиб фикрлар айтилди-ки, бу кўп шов-шувга сабаб бўлди.

Анимизм дини одамларнинг оламдан ўтган авлодлари хотирасини унутмасликка ўргатади, шаҳидлар хотирасига қўйилган ҳайкаллар, уларнинг рўйхатларда қайд этилиши, қабрларини тиклаш, рамзий қабрларга «мангу олов» ёкиш қабилар ҳам анимизм билан боғланиб кетади.

Анимизм дини тарихи янада чуқурроқ ўрганиш лозим бўлган илмий муаммо бўлиб, бу масалада жиддий тадқиқотлар олиб бориш лозим, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, бундан 30-40 минг йиллар аввал анимизм дини келиб чиққан бўлиб, бу дин ундан кейин пайдо бўлган динларга таъсир қилади, ҳозирги даврдаги диндорлар онгида анимизмга хос тасаввурлар ҳамон мавжуд.

ФЕТИШИЗМ. Португалча «фетико» сўзи ўзбекчада «ясалган» дегани бўлиб, фетишизм динининг моҳиятини яққол ифода қилади. Фетиш, яъни одамлар қўли билан ясалган айрим нарса ва предметларда сирли илохий куч-қудрат мавжуд, деб ўшаларга сиғинишни келтириб чиқарган. Фетишларда касаллик, инс-жинсларни даф қилиш, ёмон кўздан сақлаш, яхшилиқ қиладиган, омад келтирадиган хосиятли хусусиятга эга бўлган сирли томонлар бўлади, деб тасаввур қилинган. Фетишлар хилма-хил предметлар; бут, хоч, афсонавий фаришталар, маъбудалар, авлиёларнинг расмлари, ҳайкаллари пайғамбарларнинг соч толалари, кийимлари; тумор, кўзмунчоқ, тасбех, айрим мақбаралар, сағаналар, қабрлар, чорвадорлар орасида ҳайвон калла суяклари, шохлари, кўз тикан, исирик, дўлана каби ўсимликлар, дарахт шохларига боғланган алаф дейиладиган турли рангдаги латталар; Таврот, Инжил, Қуръон, Ҳадис каби мукаддас китоблар бўлиши мумкин.

Илми-амал, ирим-сиримларга оид: қайчининг очилиб қолиши, супургини тикка қўйиш, кечки пайтда тирноқ олиш, кечасида уй супуриш, жасадни тунаб қолиши ҳам фетиш бўлиши мумкин.

Дуолар ёзилган қоғозни латтага тикиб уч, тўртбурчак шаклида тумор қилиб тақадилар. Гўё шу тумор «ёмон кўз»дан, «инс-жинс»лардан, хавфли касалликлардан сақлайди, омад келтиради. Тумор ёш болалар кийимига тикиб қўйилади, чақалоқлар бешигига осиб қўйилади, хотин-қизларнинг бўйнига тақилади, ҳатто машиналарга осилади.

Энг кўп тарқалган фетишлардан бири кўзмунчоқдир. Кўз-мунчоқлар тошдан қилинади. Тош тешилади, бўялади, қора ранга оқ кўз қилинади. Кўзмунчоқлар болалар билагига, бешигига, кийимларига осилади, тикиб қўйилади, боғланади. Хотин-қизлар исирғасига бир-иккита кўзмунчоқ қўшиб тақа-дилар. Шахсий енгил машиналарга ҳам исирик, тумор, кўз-мунчоқ осиб расм бўлган.

Христиан динида Исо пайғамбарнинг бут-ҳочга михлаб ўлдирилиши ифодаланган, бут-ҳочга сиғиниш кенг тарқалган. Бундай бутлар деярли барча черковларда, христиан руҳонийларининг кийимларида, диндорларнинг уйларида учрайди. Хоч кичик ҳажмда бўйинга тақилади, хочни ўпиб тавоб қилинади.

Исонинг онаси Биби Марям расмига сиғиниш ҳам кенг тарқалган. Хоч ҳам энг кўп тарқалган фетишлардан ҳисоб-ланади. Барча христианлар, айниқса католиклар хочга ихлос қўйишган. Салибчилар, рицарлар кийимида хоч расми солинган эди. Поплар кийимида ҳам хоч расми бор. Черковлар, ибодат уйлари, монастирлар пештоқида хоч бор. Христиан қабрлари устига хоч қўйилади. Фетишизм дини гарчи қадим замонларда пайдо бўлган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз кучида. Масалан, Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Эрон, Миср, Сурия каби давлатларнинг байроғида ярим ой, юлдузлар тасвири бор, чунки осмон жисмлари илохий куч сифатида исломгача бўлган даврларда фетишлар эди. Масжидлар, мадрасалар устига ярим Ой рамзи қўйилган. Қабрлар устига ҳам баъзан ой, юлдуз расми туширилган тошлар ёки ёғоч ўрнатилганки, буларда ҳам фетиш маъноси мавжуд, Маълум маънода улуғ сиймолар, олимлар, саркардалар, дохийларга ўрнатилган ҳайкаллар, мавзолейлар ҳам фетишлар ҳисобланиши мумкин.

Фетиш ҳисобланган кўпгина асотирлар, камёб буюмлар, предметлар айна пайтда санъатга мансуб бўлиб маданият ютуқларига қиради. Масалан, рус рассомлари ишлаган авлиёлар расми туширилган иконалар ана шундай санъат асарларидир. Шунинг учун фетишга қирадиган кўзмунчоқ, тумор, хоч кабиларни айрим ёшлар динга ишонгани учун эмас, балки бир тақинчоқ, зеб-зийнат буюми деб тақиб юрадилар.

Ислом динида, ундаги анъанавий, илк ислом фундаментализми, воҳҳобизм фетишизмга бидъат деб салбий қарайди. Илоҳий қудрат фақат Аллоҳ бўлиши керак, деб ҳар қандай бошқа нарсага сиғинишни ёқтирмайдилар. Ҳозирги даврда қабр устига қўйилган панжара, тошлар ваҳҳобийлар томонидан бузиб ташлаш воқеалари мавжуд.

Шундай қилиб, фетишизм энг қадимги ибтидоий динлар-дан бири, лекин бу диний тасаввурлар ҳамон сақланмоқда.

ШОМОНИЗМ. Шомонизм - ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида пайдо бўлган қадимги диний эътиқодлардан биридир. Унинг ўзига хос хусусияти - кишилар орасида гўё турли руҳлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар (бизнинг маҳаллий шароитда шомонлар - бахшилар, фолбинлар, парихонлар, кўчирикчилар, дуохон, азойимхонлар деб аталади) қобилиятига ишонишдир. Шомонларда касални даволаш, одамлар қисматини каромат қилиш, табиатда хоҳлаган ўзгаришлар қилиш каби мўъжизакор сирли қобилият бор, деб ўйлашган.

Сеҳргарлар магия, яъни афсунгарлик ҳатти-ҳаракатлари билан кишиларда руҳий кўтаринкилик ҳолатини юзага келтиришлари мумкин. Афсунгарлар одатлари ва дуолари хунар-касба, ҳарбий ишларда, чорвачилик, деҳқончилик, савдо ишларида, тиббиётда кенг қўлланилган.

Шомон дўмбираси ёки бошқа мусиқий асбобларда муно-жот куйлари, сирли дуолар, ғайриодатий рақс ҳаракатлари, турли расм-русумлар жазаваси тутиб, ҳолдан тойгунча бажарилади. Масалан, зикр тушиш ҳушдан кетгунча давом этади.

Шомонларнинг худди шу ҳолда маросим ўтказишини «Санников ери» деган кинофильмдаги шомоннинг оқ кийикни қурбон қилиш кадрларида яққол кўриш мумкин. Шомонлар ҳо-зир янги номда экстрасенслар деб аталади. Масалан, Кашпи-ровский, Чумак, Фарғонадан чиққан Қизлархон кабилар замо-навий шомонлардир. Шомон ҳаракати одам руҳиятига таъсир қилишга, уларни ўз ҳатти-ҳаракатига ишонтиришга асосланган.

МАГИЯ (Сеҳргарлик). Шомонизм билан магия-сеҳргарлик жуда яқин бўлган динлар ҳисобланади. Магия диний психологиянинг ўзига хос амал қилиши бўлиб, бу дин сеҳр, афсун кучи билан инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатиш мақсадида бажариладиган сеҳргар ҳатти-ҳаракатидир.

Сеҳргарлик ҳаракатининг шакллари турлича бўлиб, улар ҳаётнинг ҳар хил соҳасида қўлланилган. Муҳаббат сеҳри, ишлаб чиқариш магияси, душманни енгиш сеҳри - авраш каби турли ибодат ва ҳаракатлар анча кенг тарқалган. Меҳнат ва ишлаб чиқариш магиясига турли сеҳрли маросимлар бағишланган. Масалан, ҳар бир мусулмон киши бирор ишни бошлашдан олдин «Бисмиллаҳи-р-Раҳмони-р-Роҳим», яъни «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман» деган ниёт қилади. Деҳқонларимиз биринчи ер ҳайдашни ёки уруғни экиш олдидан қурбонлик маросими ўтказадилар, экин-тикинларга Аллоҳнинг барокати ато қилишини тилайдилар.

Оила-никоҳга бағишланган кўпгина сеҳргарлик маросимлари, расм-русумлар ва одатлар мавжуд. Масалан, келин-куёв бошидан тангалар, қандлар сочиш, уларнинг оёғи остига оқ поёндоз солиш, ширин чой ичириш, келиннинг оёғини куёв босиши ёки аксинча, келин куёв оёғини чаққонлик билан босиб олиши каби қизик одатларда келажакда оилавий ҳаётни яхши, аҳл, ширин, бой-бадавлат бўлишига кўмаклашади деган мақсадлар кўзда тутилган.

Овга боришдан аввал ҳайвонлар расмига ёки терисига усталик билан найза санчиш машқи ёки сеҳрли ҳаракат рақси энг қадимги овчилар ҳаётида кенг тарқалган.

Халқимиз ўртасида чилёсин қилиб касални даволаш одати ҳам тез-тез ўтказилади. Бу маросим сеҳргар-бахшилар томонидан ўтказилади. Одатда бирорта қўй ёки эчки сўйилади, унинг қони бемор кишининг кўкрагига, қорнига, оёқ-қўлларига, пешонасига суртилади, ним қоронғу хонада Қуръоннинг Ёсин сурасини қирқ марта тиловат қилиб, касал кишига дам солинади, унинг атрофида «ҳа чиқ, ҳа чиқ!» деб зикр рақсига тушилади, сирли дуолар ўқилиб мусиқа чалинади, хипчин билан касални енгилроқ даражада савалаб,

«унинг ичига кириб олган инс-жинслар» ҳайдалади. Касал руҳига таъсир қилишга мўлжалланган бу сеҳрли маросимдан сўнг касал ё тузалади ёки вафот қилади. «Чилёсиндан чиқибди ёки чиқа олмабди» деган хабар эл орасида шу одат туфайли келиб чиққан.

Сеҳргарлик дини ҳозирги замонда ҳам фолбинлик шаклида; дам солиш, иситмасовутма, қайтарма қилиш, «илми-амал», «олдини бойлаш» каби шаклларда халқ орасида сақланмоқда.

Умуман ибтиодий жамиятда тотемизм, анемизм, фети-шизм, шомонизм ва сеҳргарлик каби дастлабки динлар пайдо бўлган, улар асосан табиат кучларини илоҳийлаштирган, аммо бу динларда худолар, пайғамбарлар, муқаддас китоблар пайдо бўлмаган эди. Ибтиодий динлар улардан кейин келиб чиққан динларга кучли таъсир қилган, уларнинг айрим кўринишлари ҳозир ҳам мавжуд. Ов билан, чорвачилик билан шуғулланган халқларга айрим ўсимликлар ва осмон жисмларини илоҳийлаштириш хос бўлса, хунармандлар учун пирларга, маъбудаларга сиғиниш хос эди.

Афсунгарлик, жоду, дуохонлик, авлодлар руҳига сиғиниш ҳам ўша даврдаги динларга хос эди. Дин маданият тизимида кирган кўпгина маросимларни ўша илк даврларда вужудга келтирган.

Ибтиодий жамиятнинг емирилиши оқибатида эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда қулдорлик жамияти вужудга келиб, у янги эранинг бешинчи асрига қадар давом этди.

Инсоният тарихида қулдорлик тузумида дастлабки синфий антогонистик муносабатлар, хусусий мулкчилик муносабати ҳукмронлик қилган, дастлабки давлат даражасидаги сиёсий кучлар пайдо бўлган эди.

Ишлаб чиқариш жараёнида овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик, савдогарлик, меъморчилик, ҳарбий кучлар, уруш ҳаракатлари, оилавий муносабатлар, ижтимоий ҳаётда синфий ва табақавий бўлиниш, санъат турлари, спорт мусобақалари, ақлий ва жисмоний меҳнат турлари пайдо бўлиши натижасида диний тасаввурларда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди.

Тарихий жараёнларнинг объектив ривожланиш қонуниятлари ҳали инсон томонидан англаб етилмаганлиги, табиат ва жамиятда содир бўлаётган яхши ва ёмон воқеа-ҳодисалар сабаблари одамлар учун номаълум бўлганлиги учун ана шу сабаблар илоҳиётдан кидирилган, шунга мувофиқ келадиган мифологик образлар, ривоятлар тўқилган. Шу тариқа илоҳиётнинг олий образлари - Худолар тўғрисида, маъбудалар ҳақида тасаввурлар пайдо бўлган.

Политеизм, яъни грекчада поли-кўп, теос-худо - кўп худолик дини қулдорлик даврининг классик дини эди. Сиёсий ҳокимият, ҳукмрон табақалар, қулдор зодагонлар, саркарда-лар, подшолар сиёсатида ва ижтимоий мавқеида мос келадиган худолар ва илоҳий ҳомийлар ҳам тўқилган. Натижада Осмон, Қуёш, юлдуз, ёруғлик ва зулмат, ой, йил фасллари, сув, шамол, ўрмон, тоғ, бўрон, денгиз, Ер ости, деҳқончилик, узумчилик, ўтлоқлар, ҳайвон ва ўсимликлар, уруш, адолат, омад, оила, муҳаббат, гўзаллик худолари, маъбудалари, бош худолар, яхшилик, ёвузлик худолари каби кўпдан кўп худоларга сиғиниш вужудга келган.

Оилада оналар мавқеи ва ҳуқуқининг емирилиши, унинг ўрнига ота ҳукмронлигининг ўрнатилиши натижасида хотин худо ва маъбудаларни эркак худолар орқага суриб юборди.

Одамлар Ер юзида таркиб топган: ҳукмронлик ва тобелик, қон-қариндошлик, эрхотинлик, вафодорлик ва вафосизлик, жиноят ва жазо қабилар осмондаги худолар орасида ҳам тўла равишда мавжуд деб ўйлаганлар. Худолар ҳам туғилади ва ўлади, уйланади, ака-ука бўлади, деб тасаввур этганлар. Турли соҳалар бўйича алоҳида-алоҳида худо ёки маъбуда ҳукмронлик қилади, деб ўйлаганлар. Ерда юз берадиган барча воқеалар Осмондаги ёки Ер остидаги худолар хоҳиши билан бўлишига қаттиқ ишонишган. Худо ва маъбудаларга атаб кўпдан кўп маросимлар ўтказилган. Уларни гавдалантирадиган

ривоятлар, хайкаллар, ибодатхоналар яратилган. Фарқи шунда эдики, одам, жамиятдаги воқеалар ўткинчи бўлса, худолар ҳаёти ўрнига бошқа худолар келар эди.

Қадимги греклар дини (христиан динигача бўлган даврлардаги) политеизм - кўп худоликнинг классик намунаси-дир. Осмон эгаси, бош (понтион) худо Зевс қадимги греклар-нинг олий худоси эди. Унинг укаси Посейдон денгизлар худоси эди, яна бир укаси Аид ер ости худоси, Зевснинг рафиқаси (хотини) Гера эр-хотинликнинг ҳомийси эди. Арес - уруш худоси, Афина - донолик маъбудаси, Аполлон - Қуёш худоси ва санъат ҳомийси, Артемида - Ой маъбудаси ва овчилик ҳомийси, Дионис - узумчилик, виночилик ва айшу ишрат, ҳосил, деҳқончилик худоси эди. Грек худоларининг «ҳаёт йў-сини» ўзларининг ҳаёт йўсинидан кам фарқ қилади. Масалан, грек жангчилари жанг олдидан Худо - Аресга сиғиниб ундан ғалаба қозонишга кўмак-мадад кутадилар. Агар урушда зафар қозонсалар Арес шарафига катта, тантанали, байрамона Маросим ўтказадилар. Ер ости худоси Аид салтанатида вафот қилган олий табақа вакили жони-руҳи яхши нуфузли ўринни эгалласа, куллар, қашшоқ кишилар жони-руҳи аянчли аҳволда яшайди. Яъни Ер юзида тенглик бўлмаганидек, охиратда, Ер остида ҳам тенглик бўлмайди.

Қадимги римликларда ҳам грекларники каби кўп худолар мавжуд эди. Римликларнинг бош худоси Юпитер, уруш худоси Марс, Юпитернинг хотини Юнона, Донолик маъбудаси Венера, энг эъзозланадиган худолар эди. Римликлар аجدод руҳига ҳам сиғинганлар. Римликлар томонидан босиб олинган эронликлар худоси Митра, Миср маъбудаси Исида ҳам Рим худолари қаторида хурмат қилинган.

Политеизм миллий давлат динларида ҳам сақланиб қолди. Шундай қилиб ибтидоий ва қулдорлик тузумларининг динлари дин тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Худолар мададкор бўлган даврлар бирин-кетин ўтиб борди. Худолар тўғрисида тасаввур ва таълимотларда ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Диний маданият ҳам тинмасдан ривожланишда давом этди.

Шарқ, хусусан Туркистон билан Эрон халқларининг фал-сафий фикрлари тарихини зардўштийлик дини ва унинг ёзма манбаси бўлган «Авесто» китобисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур дин ва «Авесто» тўғрисида Шарқ ва Ғарб олимлари жуда кўп яхши маълумотлар қолдирганлар. Масалан, марҳум академик Иброҳим Мўминов «Авесто» Туркистон, Эрон, Озарбайжон халқларининг шу мамлакатларни араблар томо-нидан босиб олгунга қадар (VII-VIII асрлар) бўлган даврлари-да яратилган фалсафий, руҳий, этнографик, табиатшунослик соҳаларидаги билимларнинг ёзма манбаси, деб ҳисоблайди.

Шарқ халқлари орасида жуда машхур бўлиб келаётган «Шоҳнома» достонининг муаллифи Абдулқосим Фирдавсий эса ўзининг «Шоҳнома»си ва «Гуштоп» достонининг алоҳида бобларини «Авесто»га бағишлаган, Туркистон ва Эрон халқларининг ислом дини кириб келгунгача бўлган дини зардўштийлик дини эди. Бу диннинг асосчиси пайғамбар Зардўшт деган хоразмлик олим эди. Зардўшт Шарқнинг донишмандлар пешвоси, биринчи файласуфи, нотиғи, шоири, дин қонуншуноси ҳисобланган. Тадқиқотчи олимларнинг кўрсатишича, Зардўшт эрамиздан олдинги VI асрда яшаган. У Хоразм ҳокимлигига қарашли чорвадорлик билан шуғулланган Спитама уруғидан бўлган. Отасининг Паурушаспа, онасини эса Дугдава деб аташган. Болалигиданоқ от ва туя боқиш билан шуғулланган. Зардўшт чорвадор қавмлари орасида юриб, уларнинг урф-одатлари, диний расм-русумларини ўргангач, ҳар хил эътиқоддаги кишилар билан суҳбатлашган.

Маълумки, қадимги ота-боболаримиз турли-туман дин-ларга сиғинишган, улар билан боғлиқ бўлган кўпгина маросим-ларни бажаришган. Зардўшт бу қадар кўп динларга сиғиниш ўз халқини бирлаштиришга халақит қилишини тушунган. У қаби-лалар орасида тез-тез содир бўлаётган низо, қирғин уруш-ларнинг негизи ҳам диний эътиқод масаласи билан боғлиқ эканини ҳис қилган. Турлича дунёқарашдаги кекса кишилар билан бўлган суҳбат, баҳслар натижасида Зардўшт кўп худоликнинг зарарини тўла тушуниб этади ва йигирма ёшида ўзининг нортуясига миниб (Зардўшт - сариқтуя эгаси демак-дир) қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб юриб, яккахудо-лик ғоясини тарғиб этади. У уч ўғил, уч қизи билан оиласини хавф остида колдириб, ягона худо - Ахурамазда ҳақидаги

таълимотларни, тасаввурларни шакллантириб тартибга солади. У қабила, уруғчилик эътиқодларига қарши якка худолик ғоя-сини тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу ишда Зардўшт инсон руҳиятига яқин турадиган халқ шеъриятидан усталик билан фойдаланган. Зардўшт илгари сурган ғоянинг асосини икки босқич ташкил қилади: мутлоқ ғоя - Ахурамаз-данинг яккаю-ягоналигини тан олиш. Яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлғончилик, зулмат билан нур ўртасидаги доимий кураш ҳақидаги таълимот. Зардўшт таълимоти тобора халққа кучли таъсир ўтказётганини сезган мухолифлари унга қарши қатъий курашга киришадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардўшт бир гуруҳ тарафдорлари билан Эронга қочиб ўтади ва ўз таълимотини узил-кесил шакллантиради.

Зардўшт шоҳ Гуштаспнинг вазири Фрашаштраннинг кизи Кавовига уйланган бўлиб, унинг Иставатра, Урвататнара, Хваречитра исми уч ўғли ҳамда Френи, Трити, Поуричиста исми уч кизи бўлган. Эронда Доро 1 ҳукмронлик қилган даврларда (эрамиздан аввалги 522-486 йиллар) сосонийлар сулоласининг расмий дини зардўштийлик бўлган.

Фирдавсий билан Берунийнинг тасвирича, Зардўшт биринчи бўлиб ўз диний таълимотини Эрон шоҳи Гуштаспга асослаб бериб, унинг эътиборини қозонади. Гуштасп фармонига кўра Зардўшт 1300 бобдан иборат панднома - «Авесто»ни олтин тахтачаларга ёзиб шоҳнинг оташқадаси (олов ёниб турадиган ибодат уйи) хазинасига топширган. Шундан сўнг шоҳ пайғамбарнинг ихлосманди сифатида янги диннинг фидоий тарғиботчисига айланган. Бу борада Амударёнинг иккала соҳилидаги юртларнинг ҳокими Аржанс акаси Гуштаспнинг аждодлар эътиқодидан қайтишда айблаб, унга қарши уруш эълон қилади. Тенгсиз урушда Аржанс ўлдирилади. Натижада Эронда ҳам, Туронда ҳам оташпарастилик - зардўштийлик дини тўла жорий этилади. Зардўштнинг илтимоси ва шоҳ Гуштаспнинг фармонига асосан Эрон ва Турон мамлакатларининг барча шаҳар ва қишлоқларида оташқадалар - ибодатхоналар қурилади ва уларда ибодат маросимлари мунтазам адо этила бошланади. Ана шундай оташқадалардан энг каттаси Бухорода эди. Моҳируз деган мачит илгари зардўшт ибодатхонаси бўлган. Зардўшт 77 ёшида ибодат пайтида кўп худолик тарафдори Братавахш томонидан чопиб ўлдирилди. Аммо унинг таълимоти исломгача қўшгина шарқ мамлакатларида муқаддас диний эътиқод бўлган эди. Ҳозир ҳам жанубий Ҳиндистонда 100 мингдан зиёд, шимолий Эронда бир неча минг киши зардўштийлик эътиқодига амал қилади.

Марказий Осиё (Туркистон) халқларининг турли маросимларида ҳозир ҳам оташпарастилик динининг анъана-ларини учратиш мумкин. Баъзи удумлар юзасидан шам ёқиб қўйиш, тўйларда гулхан ёқиб, унинг атрофида базм уюшти-риш, келинни кўчада гулхан ёқиб кутиб олиш ва уни олов атрофидан айлантириб ўтиш, чавандозларнинг катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, қабрлар устига чироқ ёқиш ва бошқа расм-русумлар оташпарастилик билан боғлиқдир.

«Авесто» зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг дастлабки 1300 боби Зардўшт томонидан эрамиздан аввалги 548-529 йилларда ёзилган. Кейинчалик Эронда оташ-парастилик дини уламо-коҳинлар томонидан тўлдирилиб, такомиллаштирилди. Бу китоб 12 минг ҳўкиз терисидан ишланган териға ёзилган. Македониялик Александр Македонский шарқни забт этганда «Авесто»нинг нодир нусхасини Эладага (Греция-нинг шимолий қисми) олиб кетган, керакли бобларини грек тилига таржима қилдирган, қолган бобларини эса куйдириб ташлаган. Эрамизнинг биринчи асрида ашконийлар ҳукмдори Валагес Аршакид ва III асрда Хусрав Парвиз, шопури Хурмузд даврларида «Авесто» бир неча бор кўчирилган, қайта тиклан-ган(бир қисми холос).

Кўп йиллар «Авесто» китоби ёзилган жой, мамлакат қаер-далиги олимлар ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлиб келди. Лекин «Авесто»да Марв, Бактрия, Хирот, Сўғд, Нисо, Хоразм, Сеистон, Амударё атамалари мавжудлигини ҳисобга олиниб «Авесто»нинг

Туркистонда (Туронда) ёзилган, деган хулосага келинди (XX асрнинг 80-йилларида), чунки, «Авесто»да Амударё ҳақида мулоҳазлар кўп учрайди.

7-асрда араблар Эронни босиб олган вақтда зардуштийликка садоқатли бир неча минг маҳаллий аҳоли жанубий Ҳиндистонга қочиб кетадилар. Улар ўзлари билан «Авесто»нинг тўртдан бир қисмининг энг нодир нусхаларини, маданият, эътиқодга доир ёдгорликларини ҳам олиб кетганлар. 1723 йили инглиз олими Жорж Боужа «Авесто»нинг бир нусхасини Оксфорд колледжининг кутубхонасига олиб бориб топширади. Бир неча йил оташпарастлар орасида юриб, уларнинг қадимги тили ва одатларини ўрганган француз олими Анкетиль Дюпперан 1711 йили «Авесто»нинг бир қисмини сўз боши, асл матн ва таржимаси билан нашр этади. Бу ишлар оқибатида Фарбий Европада «Авесто»га қизиқиш ва уни ўрганиш авж олиб кетади.

Ҳозирги даврда «Авесто»нинг қўлёзмаси Ҳиндистондаги Бомбей шаҳрида Кома шарқшунослик илмгоҳида сақланмоқда. Бу илмгоҳ зардуштийларнинг маданий маркази бўлиб, шу жамоа маблағига ишлайди. «Авесто» 1615 йилда Парфиёна ёзувида кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат. Бизга етиб келган «Авесто» куйидаги қисмлардан иборат:

1. Ясна - ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби Зардушт кўшиқлари - Гот мадҳияларидан иборат.

2. Яшт - оташпарастларнинг худони тавсиф этадиган махсус оҳанглар асосига қурилган мадҳиялари.

3. Вендидод - девларга, зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунларнинг матни, қадимги дostonлар, афсоналарнинг мазмуни, парчалар сақланган афсонавий қахрамонларнинг исмлари зикр этилган.

4. Вис парад - Бутун борлиқ худоники. Ибодатлар тўплами, ибодат қоида-тартиблари.

«Яшт» ҳамда «Вендидад»да Зардуштнинг шахсияти, руҳий олами, ижтимоий келиб чиқишига оид даллилар, зардуштийликнинг тарқалиши йўлидаги зиддиятлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, у илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича му-камал маълумот берадиган улкан, энг қадимги манба ҳисоб-ланади. Грек олими Плиний (эрамиздан аввалги 3-асрда яшаган) «Авесто»ни 2 миллион байтдан иборат ғоят муҳим китоб деган эди. Биз «Авесто»дан Туркистон, Эрон, Озарбайжон халқларининг энг қадимги марсимлари, урф-одатлари, расм-русум, эътиқод ибодатлари пайтида айтадиган кўшиқлари, диний маросимларда ижро этиладиган махсус кўшиқлари, минглаб халқлар оҳанглари ҳақида маълумотлар оламиз. Бундан ташқари китобда қадимги халқ оғзаки ижодига тааллуқли дostonлардан парчалар мавжуд: Жамшид, Каюмарс, Митра, Анахита, Ардивиссура, Заххак, Фаридун, Баҳром сингари кўплаб тарихий шахслар образлари, асотирлар билан боғлиқ атамалар тўғрисида хабарлар мавжуд. Шунингдек, «Авесто»да «Мавзуи сухан» - алоҳида хижо ва қофияли шеър ҳақида ҳам маълумот берилган.

Унда чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик билан боғлиқ жуда кўп лавҳалар, мулоҳазалар баён этилган. Халқига ҳамиша ғамхўр бўлган пайғамбар Зардушт курғоқчилик келиб, кўплаб чорва моллари қирилиб кетаётганидан ташвишга тушган ҳолда, бу офатдан қутқаришни илтижо қилиб худо Ахурамаздага ёлворади. «Авесто»да эрамиздан аввалги 2 минг йилдан янги эранинг VII асригача бўлган даврдаги Турон ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё соҳилларида яшайдиган халқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар берилган. Чунончи, китобда аждод-авлодларимизнинг касб-кори, савдо-сотиғи, қўшни халқлар билан сиёсий ва маданий алоқалари, тижоратлари баён қилинган. Ҳар бир касб, ҳунар эгасининг жамиятда тутган ўрни алоҳида қайд этилган. Деҳқонлар билан чорвадорлар жамият моддий бойликларини яратувчи кучлар сифатида таърифланган.

Бундан ташқари, мазкур китобда иқтисодий ҳаёт, география, астрономия, илми-нужум, ижтимоийёт, биология, фалсафа ва тиббиётга доир кўплаб қимматли маълумотлар

мавжуд. «Авесто»даги тиббий далиллар ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари рим, юнон ва араб табобатидан кўхна ва узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Ундаги тиббий маълумот кўпроқ «Вендидод»нинг турли жойларида учрайди. Ундаги тиббий фикрларни қуйидагича баён этиш мумкин:

1. Ташрех (анатомия) ва мижоз (физиология).
2. Касалликлар ҳақидаги маълумотлар.
3. Беморликни олдини олиш воситалари.
4. Беморларни даволаш йўллари.
5. Табибларнинг ахлоқи ва табобатга оид баъзи қонун-қоидалар.

«Авесто»да инсон организми-танаси мушак, суяк, тери, асаб, бадан жуни, томир ва қонга (асаб ва мия ерга, бадан туки дарахтга ўхшатиш), бадандаги томирларни қора қонли томирлар, қизил қонли томирлар ва оқ, яъни қонсиз томирлар (асаб) га бўлишган. Баданнинг қуввати эса жон, виждон, равон (тан), идрок ва азалий (қадимий) рух каби 5 қисмга бўлинган. Мижозни эса ҳарорат (иссиқлик), рутубат (совуқлик), бурудат (намлик) ва курукликка бўлишган. «Жигар қон манбаи бўлиб, ўнг томонда жойлашган», дейилади. «Авесто»да ер, сув, замин, уй ҳайвонлари, бадан, кийим-кечаклар, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда қабристон-ларни шаҳар ва қишлоқлардан узоқроқ жойларда ташкил қилиш, уларни девор билан ўраб қўйиш, мурдани ювадиган (ғассол) кишилар махсус гигиенага риоя қилиши, мурда теккан кийим, палос, ерларни қатрон қилиш хусусида фикрлар мавжуд. Инсон ёки ҳайвон жасади тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудуқларни бир неча марта қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш) таъкидланган. «Унинг (арик) устига уч марта ёмғир ёғиб ўтсин, сўнгра у олдингидек инсон ва ҳайвон ичадиган ариққа айланади» - деб ёзилган. Ахурамазда: ўт-ўланлар ҳамда мевали дарахтлар экилган, сувлари ҳамшиша равон бўлган замин энг яхши ердир. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргар-дон юрадиган (рўшнолик тополмайдиган) ер энг ёмон замин-дир, деб таълим берган, дейилади ана шу манбада. Ерни, сувни ифлос қилган шахслар 400 қамчи уриб жазога тортилганлиги хабар қилинган. «Авесто»да авлодаларимиз экология талаб-ларига жиддий эътибор берганликлари, касалликларнинг олдини олишга оид маълумотлар бор.

Атроф-муҳит тозаликларини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Аҳлатларни беркитиш, ифлос жойларни тупроқ, шағал, қум билан қўмиб ташлаш - шу йўл билан микробларни ўлдирилиб ёки камайтирилган, тарқаб кетишга йўл қўйилмаган;

2. Олов (оташ), иссиқлик ва совуқлик йўли билан йўқотиш. «Авесто»да олов - покловчи ва офатни кеткизувчи восита эканлиги баён қилинган. Олов муқаддас ҳисобланиб, унга сиғинилган. Шу сабабли оташпараст, оловга сиғинувчилар бизнинг аجدодларимиз эди;

3. Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфаид, мехак, садаб, пиёз, алоэ, сандал) тутатиш йўли билан.

Бу воситалар ҳозир ҳам микробларни йўқ қилишда ишлатилади. «Вендидод»нинг 5 бобида шамол, ҳайвон, парранда, пашша орқали турли касалликларнинг тарқалиши қайд қилинган. Касаллик тарқатадиган ҳайвон ва ҳашаротларни йўқотишга даъват этилган ҳолда «Авесто»да уй ҳайвонларини асрашга даъват кучли бўлган, «Вендидод»да «овчи итни ўлдирган киши 1000 барсум руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги бериши лозим. Шунингдек, у 1000 та эчкимар, 1000 та сув қўнғизи, касал тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим», дейилган.

«Вендидод»нинг 5 ва 17-бобларида доимий бадантарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қўлни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тирноқларни тез-тез олиб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан доим тўқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиши зарурлиги уқтирилган. «Авесто»да иссиқ-лик, совуқ ҳаво, очлик ва руҳий изтироб, бузилган таомни ейиш, тозалikka риоя қилмаслик, ёмонлик худоси Ахриман юборган қурт, пашша, ёмон

хаво касалликларнинг асосий манбаи дейилган. Унда 9999 касалликни Ахриман пайдо қилди, дейилади.

Эркак зурриёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишар эди. Баъзан бундай эркакни қопга солиб калтаклашган. «Авесто» да яқин қариндошларнинг ўзаро никоҳланиб оила қуриши манъ этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп болалик оиалаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бир йўла 2-3 та фарзанд туққан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилган.

«Вендидод»да касалликларни: режим, парҳез, дуо, дори, жарроҳлик йўллари билан даволаш айтилган ва доривор ўсимликларнинг номи берилган: шира, барг, гўшт, дон бута, пиёз, илдиз кабилардан фойдаланиш кўрсатилган. Улар заъфарон, коски, кунжут, кўкнор, зира, пиёз, седана, саримсоқ, қатрон, турп, хурмо, сабзи, беҳи, шакар, асал, зайтун, мойи ва бошқалардан тайёрланган. Жарроҳликда беморга асал шаробига наша қўшиб бериб, беҳуш қилиб кесишган, Гиппократнинг (Букрот) табиблар қасамёди ҳақида-ги фикрдан бир неча аср аввал «Авесто»да табибларнинг махсус қасамномаси келтирилган: табобат рамзи - илон захар солаётган идиш-жом тасвири ҳам илк бор шу китобда тасвир-ланган. Унда қадимги кишиларнинг ўртача умри 800-900 йил бўлиши, айрим одамлар яшаш шароити, муҳитига қараб 1800 йилгача умр кўриши мумкинлиги айтилган.

Хуллас, қадимги аждодларимиз яратган «Авесто» дунёдаги энг қадимий, ноёб билимлар хазинасидир. Унда оламдаги барча диний билимлар, дунёвий, табиий ижтимоий фанлар бўйича кенг мазмунли мулоҳаза ва фикрлар мавжуд. «Авесто» эҳтимол энг биринчи фалсафий асардир, Шарқ ва Туркистон халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи-нинг чуқур ва бақувват ўқ илдизи «Авесто» саҳифаларига бориб тақалишига ҳеч шубҳа йўқ. Биз доно аждодларимизнинг бой маънавий маданияти, кучли фалсафий ақл-заковати билан ҳар қанча фахрлансак арзийди!!!

МОНИЙ ТАЪЛИМОТИ (216-277 ЙИЛЛАР). Маркизий Осиёда эрамиздан аввалги V асрдан янги эрамизнинг IV асригача қулдорлик тузуми ҳукмрон эди. V асрда эса феодализм шаклланди. Моний Эронда 216-277 йилларда яшаган файласуф, монизм таълимотининг асосчиси ва тарғиботчисидир. У 242 йили Эрон подшоси Шопур I нинг подшолик тожини кийиш маросимида ўз таълимотини баён қилган. Унинг таълимоти фалсафий мазмунида дуализм мавжуд бўлиб, Моний Само Нури элчиси ҳисобланган. Унинг таълимотида христианлик билан зардўштийлик қоришмаси асос ҳисоблана-ди. У борлиқнинг 2 мустақил субстанция: ёруғлик, яхшилик, руҳ олами билан зулмат, ёвузлик оламининг ўзаро курашини тарғиб этувчи зардўштийлик ғоясини олган, христианликда эса мессионерлик (яъни гуноҳлардан холос этувчи пайғамбар, элчининг келиши, адолатли жамият ўрнатилиши тўғрисидаги) таълимотини олиб ҳар иккисини умумлаштирган. Моний олам иккита деб ҳисоблади. Унингча, биринчи оламда худо, иккинчи олам кураши ҳалокат билан тугайди. Натижада материя енгилиб руҳ озодликка чиқади. Моний таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Инсон 2 та унсурдан (руҳ - Нур фарзанди ва жисм - зулмат фарзанди) иборат мавжудот бўлгани учун зулмат кучларига қарши курашда нур кучларига ёрдам бера олади. Монийнинг ижтимоий таълимотида пессимизм, пассивлик руҳи мавжуд. Моний таълимотида урушмаслик ва мол-дунё йиғмаслик ғояларини тарғиб қилгани учун зардўштий коҳинлари ва Шоҳ Баҳром I Монийни 275 йилда зиндонга ташладилар ва 277 йилда қатл қилдилар. Моний издошлари мамлакатларда кенг тарқалган эди. 296 йилда Рим императори Диоклетян монийликка қарши фармон (эдикт) эълон қилди. Моний таълимоти майда секталарга ажралиб кетди. Улардан бири моздакийлик деб аталди.

МАЗДАК ТАЪЛИМОТИ (470-529 ЙИЛЛАР). Моздакийлик таълимотининг асосчиси моздакийлар ҳаракатининг раҳбари Маздак халқ оммасининг зардўшт коҳинлари ва зодагонларига қарши курашни бошқарган. Бу ҳаракат таъсирини пасайтириш мақсадида Эрон шоҳи Кубод I (488-531) Маздакни қўллаб қувватлаган эди. Маздак Кубод ҳукмронлиги даврида аввал оташгоҳларнинг бирида коҳин, кейинчалик бутун Эрон

бўйича бош коҳин бўлган. Коҳинлар ва амалдорларнинг иқтисодий, сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлгандан сўнг Қубод I Маздак билан алоқани узган. 529 йили маздакийлар ҳаракати бостирилган. Маздак қатл этилган.

Маздакизм диний-фалсафий таълимоти (5-6 асрларда) Эронда кенг тарқалган. Маздак таълимотига кўра оламда бўладиган воқеа, ходисалар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи эзгулик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғулик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади. Маздакизм ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган маздакийлар ҳаракатининг мафқураси сифатида хизмат қилган. Маздакийлар ҳаракати бостирилган бўлса ҳам (6 аср) Маздак таълимоти кейинги асрлар давомида Эрон, Марказий Осиё ва Озарбайжондаги деҳқонлар, шаҳар камба-ғалларининг феодал зулмига қарши, кейинчалик Марказий Осиёга Ислом тарқалгач, унга ва араблар истилосига ҳамда ҳокимиятига қарши (Муқанна, Бобак кўзғолонлари) курашнинг ғоявий байроғи бўлиб хизмат қилди.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Тотемизм, Анимизм, Фетишизм, политеизм, магия, маъбудлар, рим худолари, Зевс, Афлия, Аид сет, Посейдон шовлон.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Дин қандай келиб чиқди?
2. Тотемизм нима?
3. Анимизм қандай эътиқод?
4. Шомонизм эътиқодини мақсади?
5. Кўп Худолик ҳақида гапириш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У, Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т. 1998.
2. Диншунослик асослари. Т. “Ўзбекистон”. 1995 й.
3. Хайруллаев М, Шоахмедов М. Маданият ва мерос. Т. 1973.
4. Хамидов Х. Зардушт яратган дин ва маданият. Ёш куч. 7-8 сонлар. Т. 1992
5. Кривелов И.А. История религий. М. 1989.

6-мавзу: Миллий динлар. (4 соат).

Режа:

1. Яхудийлик дини.
2. Қадимги Хитой миллий динлари: конфуцийчилик ва даосизм.
3. Қадимги Ҳиндистон миллий динлари: хиндуизм ва жаинизм.

Қулдорлик ва феодализм тузумларида миллий этник жихатдан ташкил топган давлатлар вужудга келди. Ҳар бир давлат худудидаги асосий миллат дини миллий-давлат дини ёки миллий дин деб аталди. Миллий-давлат дини фақат битта миллатнинг диний эътиқоди бўлиб, шу диннинг маросимлари, худолари, пайғамбарлари қонун-қоидалари, маросимлари, ахлоқ, ҳуқуқ асослари, қоидалари айнан шу миллат учун дин бўлиб, бошқа миллат, давлат учун бу дин ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Миллий динлар узоқ эволюцион ўзгаришни бошидан кечирганлар. Миллий динлар миллий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Миллий динлар ўзлари учун:

1. Ахлоқий камолот тарбиясини амалга оширади;
2. Миллий характерни, миллий руҳиятни шакллантиради;
3. Миллий онгни ўстиради, миллий қадриятни ривожлан-тиради;
4. Миллий бойликларнинг кўпайиши учун ундан тежаб фойдаланишни, адолат билан тақсимлашни билвосита яхшилади;
5. Миллий ҳамжиҳатликни, миллий ўзликни тушунишни, миллий ғурурни шакллантиради;
6. Миллий озодлик курашларини ғоявий жихатдан таъминлашга хизмат қилади;
7. Миллий маданиятни ривожлантиради.

Миллий динлар ибтидоий тузумдаги тотемизм, анимизм, фетишизм, шомонизм, сеҳргарлик, авлодлар руҳига сиғиниш динларига ҳамда политеизмнинг қоришмаси асосида вужудга келганлиги учун айрим миллий динларда кўп худоларга, айрим миллий динларда эса якка худога сиғиниш шаклланган.

ЯХУДИЙЛИК. Яхудийлик (идуаизм) динининг асосчиси Аллоҳнинг пайғамбари хазрат Мусо алайҳиссаломдир (милоддан аввалги 1666-1546. 120 ёш).

Иуда “шукур” деган маънони беради. Яхудийлик (идуаизм) динининг номи эса қабиланинг илк бошлиғи бўлган Яхудо (Иуда) номидан келиб чиққан.

Яхудийликнинг таълим беришича, Худо Ях ва Исроил халқи билан икки томонлама шартнома “аҳд”-орқали боғланган бўлиб, шунга кўра яхудийлар ўзларини “Худо” томонидан танлаб олинган мумтоз халқмиз, бу аҳд бўйича Худо фаластин ва унинг атрофидаги барча ерларни бизга беришга ваъда қилган, бу ерлар бизга “ваъда қилинган ердир” деган эътиқодда яшаб келганлар ва ҳозир ҳам ана шу ақидани маҳкам тутиб, тинмай кураш олиб боради.

Яхудийлик дини Мусо алайҳиссалом 80 ёш пайтларида (1586 йилда) Аллоҳ таоло томонидан ваҳй этилган (Беш китоби-таврот)дир. Яхудийликнинг барча қонун-қоидалари Мусога нозил қилинган Тавротда муфассал баён қилинган. Бундан ташқари, Тавротнинг тафсири ва яхудийлик динининг ақида ва маросимлари ёзилган Талмуд китоби ва Муқаррас забур (Пслатир) китоби ҳам бу диннинг муқаддас китоблари ҳисобланади.

Яхудийлик сон-саноксиз маросимларга, буйруқларга, байрамларга эга бўлган дин. Бу диннинг талабига кўра ҳар бир диндор 365 тақиқни ва 248 буйруқни, жами 613 ахли маъруф ва наҳий мункарни билиши керак.

Яхудийлар туя, чўчка, қуён, от, эшак гўштларини емайдилар. Улар ейдиган ҳайвонот гўштида қон доғи бўлиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яхудийларда моллар фақат ўз ишига уста қассоблар томонидан сўйилади.

Яхудий эркакларининг кийимлари узун, бир хил матодан тикилган бўлиши, боши хатто уйқуда ҳам бирор нарса билан беркитилган бўлмоғи лозим. Диний маросим бажарилаётганда, кийимнинг устидан албатта ёпинчиқ ташланиши шарт.

Ҳафтанинг шанба куни дам олиш қатъий талаб этилади. Бу кунда ҳеч қандай юмуш, иш билан шуғулланилмайди, овқат пиширилмайди, олов ёқилмайди, қўлда бирор нарса кўтариб юрилмайди, пулга қўл теккизилмайди.

Болаларга диний таълим 5-6 ёшидан оқ берилади. Таврот ва Талмуднинг асосий ақидалари мажбурий тарзда ёдлаттирилади.

Яхудийликда аёл кишига эрининг итоаткор кулидек қаралади. Ҳар бир яхудий эркак хар куни Худодан уни аёл қилиб яратмаганига шукроналар айтиб дуо қилади. Аёл киши эса ўз дуосида ўзини эрига итоат этувчи қилиб яратганлиги учун Худога миннатдорчилик билдириб юради.

Яхудийликнинг талаблари, маросимлари жуда кўп ва оғир бўлганлиги, яхудийларнинг бошқа миллат вакиллари билан никоҳга кириши ман этилганлиги, ўзларини барча халқлардан афзал-мумтоз билиб, ўжар, миллатчи, ирқчи ва худбин бўлганликлари учун шундай қадимий тарихга эга бўлган бу дин жаҳон динига айлана олмаган.

“Сионизм” атамаси Иерусалим (Қуддус) яқинидаги Сион (синяй) тоғ-тепалиги номидан олинган. Бу тоғ тепаликда Мусоги Таврот илоҳий китоби нозил бўлган ва унда Довуд а.с. нинг қароргоҳи жойлашган. Шунинг учун бу тоғ муқаддас саналган.

Сионизм дастлаб яхудийларнинг антисемитизм, яъни уларни жаҳон миқёсида таъқиб этилишларига қарши тузилган ҳаракат бўлиб, 1897-йилда Швейцариянинг Базель шаҳрида сиёсий оқим-таълимот сифатида ташкил топган.

Милодан аввалги 63-йилда Рим империяси яхудий давлатларини босиб олгандан кейин, яхудийларнинг дунё мамлакатларига тарқалишлари фаол давом этган. Улар Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Европа мамлакатларига, ўрта асрларга келиб, Европа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетишган. Улар борган жойларда маҳаллий аҳолининг тили ва маданиятини ўзлаштириб олганлар, аммо ўзларининг дини, маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолдилар. Ҳудийлар борган мамлакатларнинг кўплари яхудийлар ҳуқуқларини чегараловчи қонунлар қабул қилганлар.

Бу сиёсий оқимнинг мақсади дастлаб бутун дунёдаги яхудийларни бир ерга тўплаб, қадимги ягона яхудийлар давлатини қайта тиклаш бўлган. Кейинчалик у яхудийларнинг реакцион-миллатчилик, шовинистик мафқурасига айланиб кетган.

Яхудийлар ўзларини “Олий миллат” деб, улар яшайдиган ерлардаги ҳамма халқлар, миллатлар яхудийларга душмандирлар деган ирқчилик ғояларини эълон қилганлар.

Ниҳоят, асрлар бўйи жабрланган халққа иккинчи жаҳон тугагандан сўнг Мурруват кўрсатилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1947-йил Қарорига биноан фаластинда Исроил давлатини тузилишига рухсат берилди. Шундай қилиб, 1948 йил 14-майдан бошлаб Буюк Британия мандатидаги фаластин мустақил деб эълон қилиниб, Исроил давлати ташкил топди ва иудаизм, яъни яхудийлик бу давлатнинг расмий дини деб эълон қилинди. Сионизм эса давлат мафқурасига айланди.

Сионизмнинг кейинги асосий мақсади. Бутун дунё яхудийларини Исроилга тўплаб, уларни сионистик руҳда қайта тарбиялаш, бу давлат худудини янада кенгайтириб қадимги давлатларини қайта тиклаш бўлди.

1968 йилда Қуддусда сионизмнинг 27-конгрессида сионизм ташкилот сифатида расман жорий этилди, дунёдаги ҳамма яхудийларни фаластинга кўчириб, у ерда Буюк яхудийлар давлатини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

1934 йилда Россиянинг Хибаровски вилоятига қирувчи Биробижон миллий тумани, шаҳари яхудийларга автоном вилоят қилиб берилган. Ҳозирги вақтда у ерда яхудийлар деяри қолмаган.

ИУДАИЗМНИНГ АҚИДАЛАРИ.

1-ақида: «Қадимий аҳд» ва Талмуднинг (Талмуд Тавротдаги ва халқ оғзаки айтиб юрган дуолар тўплами) муқаддаслигига ишониш ва уларга эътиқод қилиш тўғрисидаги таълимот.

2-ақида: Ягона худо Яхве (Иегова)га сиғиниш, унга иймон келтириб эътиқод этиш тўғрисидаги таълимот.

3-ақида: Худо Яхве Исроил давлатини Ер юзидаги жаннат қилиб яратган ва Яхудий миллатини олий ирқ, танлаб олинган мумтоз миллат қилиб яратгани тўғрисидаги таълимот. Шу-нингдек Яхудий халқи худонинг энг севган бандаси эканига ишонишдир.

4-ақида: Ғойиб бўлган пайғамбарлар мадҳининг Ер юзига яна қайтиб келиши, унинг ёмон одамларни жазолаши минг йил давом этадиган адолатли жамият яратиш тўғрисидаги таълимотларидир.

Иудаизм ўрта асрларда ўзининг эски мазмунини сақлаб қолган ҳолда бироз ўзгарган. XI-XII асрларда иудаизмда ҳукмронлик қилган раввинлар унинг кўп томонларини қайта ишлаб чиқдилар. Ўрта асрнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири бўлган раввин Маймонд иудаизмнинг 13 та асосий ақидасини тузиб чиқди. Бу ақидалар куйидагилардан иборат: 1) оламини яратувчи худо бор; 2) у битта; 3) у жимсиз; 4) у ибтидосиз; 5) фақат худонинг бир ўзига сиғиниш керак; 6) табиий сир - ҳақиқат; 7) Мусо пайғамбарларнинг энг улуғи; 8) тора (таврот), яъни инжилнинг биринчи беш китоби Мусога худо томонидан берилган; 9) Мусонинг қонунларини бошқа қонунлар билан алмаштириб бўлмайди; 10) Коинот худонинг иродаси билан бошқарилади; 11) яхшиларга яхшилик, ёмонларга жазо бор; 12) Исроилга ҳалоскор келади; 13) ўлганнинг тирилиши ҳақиқат.

Маймонд ёзган бу 13 та ақида орқали иудаизмнинг янада кучайтириш, унинг феодализм манфаатларини кучлироқ ҳимо-ячисига айлантириш, динни шаккоклик ва куфрлардан ҳимоя қилиш иудаизмни замонавий қилишга уриниш эди. Янги ақидаларда иудаизмнинг ҳалоскорлик вазифасини кучайтириш ҳам мақсад қилиб олинган.

Бу ақидаларда Яхудийларнинг ўз миллий динларида мустаҳкам туришларига даъват қилиш ҳам кўзда тутилган эди.

5-ақида: Охират мавжудлигига ишониш.

Таврот ривоятларига кўра, худо бутун олам, ундаги жонли ва жонсиз нарсаларни олти кунда йўқдан бор қилиб яратган. Жумладан, худо Адам ва Ева (эркак ва аёл) одамларни ҳам лойдан яратиш ўз руҳидан жон ато этган, улар дастлаб жаннатда яшашган. Сўнгра улар шайтоннинг гапига кириб жаннат тартибини бузишиб, гуноҳ қилишган, худо уларни жаннатдан ҳайдаб юборган. Дастлабки одамлар гуноҳкор бўлгани учун улардан тарқалган болалар ҳам туғма гуноҳкор бўладилар, чўқинтириш маросими ўтказилиб боладаги туғма гуноҳ ювиб юборилади, деган тасаввурлар иудаизмда кенг тарқалган, кейин бу тасаввурлар христианларга ҳам ўтиб қолган.

Тавротни «Қадимий аҳд» дейилишига сабаб эса куйидаги ривоятда баён этилган. Гўёки эр.ав. XII асрда Синай ярим оролидаги Сино тоғида яхудий қабила бошлиқлари билан худо Яхве ўртасида келишув аҳдномаси тузилган. Унга кўра худо яхудийларни олий ирқ ва ер юзининг ҳукмрони, Исроил мамлакатини эса Ер юзидаги жаннат қилиб яратган. Бунинг эвазига эса барча яхудийлар Яхвега иймон келтиришлари, у юборган китобга асосан пайғамбар Мусога уммат бўлиб яшашлари, бунинг белгиси сифатида синагогаларда ибодат қилиш, раввинларга ҳурмат кўрсатиш, уларга хизмат қилиш, ўз ҳукмронлигига садоқат кўрсатиш мажбуриятлари юкланган. Бу аҳднома 5 та китобда ёзилган, яъни Тора тўпламида баён қилинган. Библия (Инжил)нинг дастлабки 5 та китобидан иборат қисмини «Қадимий аҳд» дейилади.

Иудаизмда бир қатор маросимлар мавжуд, Яхве бандалари ўз диний ибодатхонларини «студия»лар деб атайдилар, улар, асосан, диний адабиёт, панд-насихатларни ўқиб ўрганадилар.

Иудаизмдаги расм-русумларнинг тартиблари, ижозат ва тақиқлар, гражданлик, оилавий, турмуш, никоҳга оид кўрсатмалар, асосан, Талмуд тўпламида баён қилинган. Унда 600 дан зиёд тоат-ибодат, урф-одатлар кўрсатилган. Масалан, хатна қилиш қоидаси, рўза тутиш тартиблари, жаноза, дафн қилиш, марҳумнинг хотирасига бағишланган маросимлар, чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик, савдогарлик соҳаларидаги удумлар ва бошқа муҳим ҳаётий маросимлар хусусидаги фикрлар баён қилинган.

Масалан, рўза тутган яҳудий тухум, сут, гўшт истеъмол қилмайди. Азадор киши қора кияди. Азадор эркаклар қирқ кунгача соқолларини олдирмайди. Зино йўлига кирган аёл жазоланади, ҳатто у диний жамоадан ҳайдалади.

ИУДАИЗМ ДИНИДАГИ ИБРАТЛИ МАРОСИМЛАР НАМУНАЛАРИ.

Садақа бериш одати тўғрисида Инжилдаги Матто баён этган муқаддас хушхабарда шундай дейилган: «Эҳтиёт бўлинглар, савобли ишингизни одамларга кўрсатиш учун ҳамманинг кўз ўнгида қилманглар. Акс ҳолда осмондаги Отангиздан мукофот ололмайсизлар».

Шундай қилиб, сен бировга садақа бермоқчи бўлсанг, ўтган-кетганга жар солма. Иккиюзламачиларгина одамлардан олқиш олиш учун ибодатхоналарда ва кўча-кўйда шундай қиладилар. Сизларга айтайин: булар ўзларига яраша мукофотни олиб бўлдилар. «Сен садақа бераётганингда, чап қўлинг ўнг қўлинг нима қилаётганини билмасин. Яъни сенинг муруватинг яширин бўлсин. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи отанг сени аниқ тақдирлайди». (Қаранг: Инжил. Таврот. Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби. Туркия Муқаддас китоб жамияти-1995 йил, 12-13-бетлари).

Ибодат маросими. «Сен эса ибодат қилаётганингда ўз хужрангга кир ва эшикни беркитиб, яширин бўлган отангга ибодат қил. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи Отанг сени тақдирлайди. Сизлар эса бундай ибодат қилинглар:

Бизнинг осмондаги Отамиз!
Сенинг муқаддас исминг улуғлансин,
Сенинг шоҳлигинг келсин,
Осмонда бўлгани каби,
Ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин.
Бугунги ризқ-рўзимизни бергин.
Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек,
Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин.
Бизни васвасага дучор қилмагин,
Аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.
(Салтанат, куч-қудрат ва шон-шухрат то абад Омин.)»

Қаранг! (Инжил, 13-бет)

«Рўза ҳақида. Рўза тутаётганингизда иккиюзламачилар каби қовок осилтириб юрманглар. Улар рўза эканларини одам-ларга билдириш учун ўзларини авзойи бузук қилиб кўрсата-дилар. Сизларга чинини айтайин: улар ўзларига ярашасин олиб бўлдилар. Лекин сен рўза тутганингда, ўзингни ювиб-тараб юргин, токи рўза тутганинг инсонларга эмас, балки яширин бўлган Отангга ошкор бўлсин. Яширин бўлганларни кўрувчи Отанг эса сени аниқ тақдирлайди.» (Қаранг: Инжил. 14-бет).

«Худодан сўраш одати: «Сўраб туринг, сизга берилади, излаб туринг, топасизлар. Таъкидлатиб туринг, сизга очилади.» (Қаранг: Инжил. 16-бет).

Никоҳ ва ажралиш маросими. «Тавротда ўқимагансизлар-ми? - деди Исо. Парвардигор бошданоқ одамларни эркак ва аёл қилиб яратди ва деди: «Эр киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб олади ва иккови бир тан бўлади. Шунга кўра улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланадилар. Худо бирга қўшганини бандаси ажратмасин. Бағри тош одамлар бўл-ганингиз учун Мусо сизларга хотинларингиз билан ажралишга ижозат берган. Лекин бошдан бундай эмас эди. Мен сизларга шуни айттайин: ким бевафоликдан бошқа сабаб туфайли хотиндан ажралиб, ўзгага уйланса, зино қилган

бўлади. Шу-нингдек, эридан ажралган хотинга уйланган ҳам зино қилган бўлади.» (Қаранг Инжил. 48-бет).

Хатна маросими. «Худо Иброҳим пайғамбар билан аҳд тузганда: «Сенга ва сендан кейинги авлодларининг куйидаги аҳдга риоя қилишингизни буюраман, орангиздаги ҳар бир эркак хатна қилинсин. Сизлар аъзонгиз учидеги терини кестириб, суннат бўлинглар. Ана шу Мен билан сизларнинг орангиздаги аҳднинг белгиси бўлади.» (Қаранг: Инжил. Тавротдан. Ибтидо. 643-бет).

Қурбонлик маросими. «Худо Иброҳимни синаб, унга: Ўзинг севадиган ягона ўғлинг Исҳоқни олиб Муриё ерига кет. У ерда Мен сенга айтадиган тоққа чиқиб ўғлингни қурбон қил,-деди. Уч кун юриб, Иброҳим қурбонлик қилинадиган жойда ўғли Исҳоқни ўтин устига ётқизди ва пичоқ билан сўймоқчи бўлди. Шу пайт осмондан фаришта учиб келиб: Эй Иброҳим, ўсмирга қарши қўл кўтарма, унга ҳеч ёмонлик қилма. Мен энди биламан, сен Худодан қўрқасан, яққаю ягона ўғлингни ҳам Мендан аямадинг, - деди. Иброҳим бир орқасига бурилиб қараса, чакалакда шохлари ўралиб қолган кўчқорни кўрди. Иброҳим бориб кўчқорни олиб келди ва уни ўғли ўрнига сўйиб куйдирди.» (Қаранг: Инжил. Таврот, Ибтидо. 633-634-бетлардан).

КОНФУЦИЙЧИЛИК. Конфуцийчилик қадимги Хитойда эрамиздан аввалги VI-V асрлар пайдо бўлди. Кейинчалик диний мазмун касб этган бу таълимотга маърифатпарвар Конфуций (Кун-Цзи 551-479 йил-лар) асос солган.

Конфуцийчилик таълимотида дунёқараш масалаларига эмас, балки ижтимоий-ахлоқий муаммоларга кўпроқ ўрин берилади. Унда «ахлоқли киши» бўлиш, донишмандлардан таълим олиш ҳақидаги ғоя илгари сурилади. Конфуцийчилик таълимотига кўра жамиятда ҳукм сурган «Жень» инсонпарварликка риоя қилмоғи лозим. Инсонпарварлик камтарлик, онглилик, босиқлик, меҳрибонлик, одиллик, сахийликдан иборат. Инсон «Жень» қонунини ўзлаштириш учун жамиятда тутган ўрнига қараб «Ли» нормаларини бажариши талаб этилади. Жамиятдаги ахлоқий нормалар, анъаналар, урф-одатлар шунга мувофиқ белгиланади. Паст табақа «ахлоқи улуг» бошлиқларига итоат қилиши Ли билан оқланган.

Конфуцийчиликда кишиларнинг юқори ва қуйи табақаларга ажратишда уларнинг бойлиги ёки ижтимоий келиб чиқиши асосий рол ўйнамайди, бунда юксак ахлоқий фазилатнинг хизмати катта, дейилади. Бироқ бу ҳукмрон ва қарам табақаларга ажратиш бутунлай инкор этилади, деган гап эмас. Конфуцийнинг фикрича табақаларга ажратиш тартиби эски анъаналарга асосланиши ва у давлат томонидан бошқарилиши лозим. Номларнинг тўғриланиши, Чжен-мин сиёсати бўйича ҳамма нарса ва ҳодисалар ўз исмига мос келиши керак. Ана шунда ҳамма ўз ҳуқуқи ва мажбуриятини билади.

Эрамизнинг бошида конфуцийчиликка диний ғоялар киритилди ва у диний таълимот сифатида талқин қилина бошланди. Конфуцийнинг қабри ёнига кўплаб ибодатхоналар қурилди, унга қурбонликлар қилина бошланди. Шу тариқа Конфуций худо даражасига кўтарила бошланди. XX аср бошларига келиб Конфуций шарафига қурилган ибодатхоналар сони кўпая борди.

Конфуцийчиликда олий илоҳий куч осмон ҳисобланиб, Хитой ҳукмрони эса худодар билан инсонлар ўртасидаги воситачи, осмон ўғли деб талқин қилинди. Хитой император-ларини ҳатто худо даражасига кўтаришган. Конфуцийчиликда аждодлар руҳига сиғиниш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан қурбонлик қилиш, туғилиш, оила қуриш, дафн қилиш ва бошқа маросимлар ғоят тантанали бажарилади. Бу маросимлар давлат ҳокимлари, оила ёки уруғ бошлиқлари томонидан бошқарилади.

Конфуцийчиликда қохинлар бўлмаган дастлабки даврлар-да ҳеч қандай муайян таълимот ҳам бўлмаган.

Конфуцийчиликнинг ҳамма асосий қонунлари 13 та китобда, шарҳи эса 40 жилдда баён қилинган. Буларнинг энг аҳамиятли қисми 9 та китобдан иборат. Булар: «Сишу» (Тўрт китоб) ва «Цзин» (Беш китоб). Бу қонунлар ҳам «муқаддас» халқ донишмандлари манбаи ҳисобланади.

Конфуцийчилик тарафдорлари диний китоблардаги таълимотга қатъий риоя қиладилар ва бу таълимот мавжуд тузумнинг енгилмаслигини тарғиб қилганлиги учун Хитой феодализмнинг асосий мафкуриси бўлиб қолади.

ДАОСИЗМ. Даосизм - эрампдан аввалги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган фалсафий таълимот. Даосизм таълимотининг асосий ғояси моддий оламдаги предмет ва ходисалар турли-туманлигининг моҳиятини таъминловчи, уларнинг мавжудлик сабаби ва манбаини ташкил этувчи «дао» тўғрисидаги тасаввурдан иборат. Эрампнинг II асрида бу таълимот асосида диний қарашлар ҳам шаклланди ва у даосизм номи олдиди. Бу дин қадимги дунё файласуфи Лао Цзи номи билан боғлиқ бўлиб, унинг «Дао де Цзи» китобидаги таълимотга асосланади.

Даосизмда материалистик ва стихияли диалектика элементлари ҳам мавжуд. У дунёдаги барча предмет ва ходисалар ўзгаришда, ҳаракатда, баъзи нарсалар тикланса, бошқалари сўнади, деб таълим беради.

Аммо Қоҳинлар (руҳонийлар) бу таълимот асосига диний ғояларни қўйиб ғоят кўп руҳ ва худоларга ибодат қилишдан иборат диний тизимни яратдилар. Бу динда Қоҳинлар «даос» номи билан аталади. Улар учун роҳиблик, дарвешлик қилишдан ташқари, оила қуриш ҳам маън этилмайди.

Шу тариқа даосизмда оламни бошқарувчи уч худодикдан иборат худолар пантеони (Шан-ди, Лао-цзи, Пан-гу) пайдо бўлди. Даосизм дастлаб йирик мулкдор ҳокимиятига қарши бўлиб, камбағаллар манфаатини ҳимоя қилади.

Кейинчалик эса у ҳукмрон синфнинг ғоявий ғуролига айланади. Манжурлар сулоласи Цин ҳукмронлиги даврида (1644-1511) даосизм диний таълимоти инқирозга учрайди. Ҳозирги вақтда даосизм динига эътиқод қилувчилар жуда оз қолди.

Даосизмнинг ижобий томони - авлодлар хотирасини, уларнинг руҳини эса сақлашдир. Чунки вафот этган авлодлар руҳига ҳурмат кўрсатиш келажак маънавиятини таъминлашга хизмат қилади.

СИНТОИЗМ. Синтоизм (синто - худолар йўли демакдир) Японияда кенг тарқалган анъанавий миллий диндир. Бу дин илк феодализм даврида (VI-VII асрлар) ривожланган ва уруғчилик, қабилачиликка хос анимистик ва шомонизм маросимлари йиғиндисидан иборат ҳолда вужудга келган. Синтоизм таълимотида Японияда жорий этилган ижтимоий-сиёсий тарғиботнинг мустаҳкамлиги ва ўзгармаслигига, куёш тангриси-Аматэрасунинг наслидан деб ҳисобланган япон императори- Микадо ҳокимиятининг илоҳийлигига ишониш, император аждодларини муқаддас деб тан олиш, аждодлар шарафига тайинланган оила-уруғ маросимларини бажариш қабилар асосий ўрин эгаллайди. Синтоизмнинг пухта ишланган ақида-лари йўқ. Диний маросимларни каннушлар деб аталадиган алоҳида қоҳинлар ижро этадилар.

Каннушлик вазифаси наслдан наслга ўтади. Ҳозирги вақтда японларнинг кўпи синтоизм билан буддизмни тенг кўриб, ҳар иккала динга эътиқод қилади. Ҳаётий маросимлар: туғилиш, никоҳ қабилар синтоизм ибодатхоналарида бажарилса, дафн этиш ва марҳумни хотирлаш маросимлари буддизм ибодатхоналарида ўтказилади.

Синтоизм билан буддизмнинг бир-бирига таъсири кучли. Синтоистлар буддизм дини учун ибодатхоналар қуриш билан қаноатланмадилар, балки ўрта асрларга келиб синто-будда қўшма ибодатхоналари вужудга кела бошлади. Синтоизмнинг ўзига хос хусусияти ўзи тарғиб қилган худога сиғиниш, бошқа миллат кишилариининг бу динга сиғинишини манъ этишдан иборат. Синтоистларнинг муқаддас китоби бўлмаган, аммо ибодатхоналарда ёзилган диний афсоналар учраб туради. VII асрга келиб оғзаки диний афсоналар асосида «Кодзика» («Қадимги ишлар тўғрисидаги ёзувлар») номли диний китоб пайдо бўлди, унда асосан императорлар сулоласининг келиб чиқиши илоҳийлаштирилди. VIII-X асрларда сиғиниш қоидалари ишлаб чиқилди ва худолар номи рўйхатга олинди. 1886 йилдан 1945 йилларгача синтоизм Япониянинг давлат дини ҳисобланди. Натижада диннинг тузилиши ҳам ўзгарди, илоҳий руҳлар ўрнига император шахси улуғланди.

XIX асрнинг охирларига келиб бу дин ўзининг аввалги обрўсини йўқота бошлади. Синтоизм дини 1945 йилда давлат-дан ажратиб қўйилди. Бунга асосий сабаб япониянинг иккинчи жаҳон урушида енгилиши эди. Императорнинг обрўси тушган-лиги бу диннинг ҳам мавқеини тушишини билдирди. Чунки якка худо осмонда, ерда эса унинг рамзи император ҳокимияти эди. Ҳозирги даврда синтоизм динига эътиқод қилаётган японлар унча кўп эмас, аммо бу диннинг замонга мослаштиришга ҳаракат кучлидир.

Синтоизм ахлоқ нуқтаи-назаридан ибратли дин бўлиб, у билимли, интизомли, миллий ғурур, ватанни севиш каби инсоний фазилатларни, кадриятларни улуғлайди.

Маълумки, ана шу ахлоқ миллат ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада Япония урушдан кейинги йилларда ҳар жиҳатдан ривожланиб, дунёдаги энг ривожланган давлатга айланди. Оқибатда 1980 йилдан бошлаб Японияда яна синтоизм дини қайта тикланди. Токио шаҳрида бош ибодатхона очилди, император оиласи на шу ибодатхонага бориб аждодлар руҳига сиғинди, қурбонлик маросими ўтказди, кўп хайр-эҳсонлар қилди.

Синтоизм дини ҳар бир кишида поклик ва озодаликка риоя қилиш кўникмасини вужудга келтиради. Эстетик дид ҳам шу диний талаблар орқали ўсиб борди.

Ўрта денгизнинг шарқий қирғоқларига жойлашган қадим-ги Иудея ва фаластин давлатлари территорияларида араб ва яҳудий қабилалари авлодлари истикомат қилишади.

Иудаизм аввал яҳудий қабилаларининг энг кучлиси бўлган Иуда қабиласининг политеистик дини бўлган. Иудаизм -қадимги динлардан бўлиб, эрамиздан олдинги XIII асрда яҳудийларнинг миллий дини сифатида вужудга келди. Иудаизм ўзининг асосий ақидаларини бевосита ўша даврда мавжуд бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм, сеҳргарлик ва политеистик динларнинг қоришмаси сифатида, кулдорлик даврининг хусусий мулкчилик муносабатларига асосланган базиси ва ягона давлат ҳокимияти, унинг бошида турган подшонинг илоҳийлаштирган усқуртманинг инъикоси ўлароқ ишлаб чиқилган дастлабки монотеистик дин эди. Демак, иудаизмнинг пайдо бўлиши ва мустақил монотеистик дин сифатида майдонга чиқиши марказлашган яҳудий давлатининг ташкил топиши билан узвий боғлиқир.

Ҳозирги даврда Ёсир Арофат бошчилик қилаётган фаластин Араб давлатининг худудларида чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи яҳудий ва араб қабилалари эрамиздан аввалги 2 минггинчи йилларда осмон жисмларини, айрим ҳайвонларни илоҳийлаштириб уларга сажда қилганлар, арвоҳларга ишонганлар.

Диний адабиётларда ва дин пешволари таълимотида яху-дийлар олий насл-насабли халқ, шунинг учун уларга олий ирқ мумтоз халқ бўлишини худонинг ўзи ато қилган, дейдилар. Бундай қарашни исботлаш учун асрлар давомида жамиятдаги содир бўлаётган жуда кўп ижтимоий ҳодисалар бу динга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, у миллий динлигича сақланиб қолди, деган фикр таъкидланади.

Аслида эса ҳамма нарса ва ҳодисалар ўзгариб турганидек, иудаизм ҳам ўз мазмун ва шакллариини ўзгартирди, замонга мослашди.

Иудаизм политеизмдан монотеизмга ўтгунча бир қанча тарихий жараённи бошдан кечирди. Бу дин тарихи ибтидоий жамоа тузумидан кулдорлик тузумига ўтгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Мана шу тарихий даврда яҳудий қабилалари кўп худога эътиқод қилганлар. Ҳар бир қабила, уруғ алоҳида худонинг номи билан боғланган. Моддий олам ҳодисаларнинг ҳар бир гуруҳи, ҳатто шаҳарларнинг ҳам ўз худоси бўлган. Масалан, Иудаизм динининг муқаддас китоби Таврот ёзувларида: «Сенинг шаҳарларинг қанча бўлса, худоларинг ҳам шунчадир», дейилган. Иудаизмда Яҳудий миллатининг йўлбошчилари ва пайғамбарлари ҳисобланган Исо (Иисус Христос), Навин, Иброҳим (Авраам), Мусо (Моисей), Исҳоқ (Исаак), Ёқуб (Иақав), Юсуф (Иосиф), Сулаймон, Довуд, Нух(Нои) ва бошқаларга политеистик динлар ҳукмронлик қилган даврларда маҳаллий қабилавий худолар сифатида эътиқод қилинган. Масалан, Моисей (Мусо) Иуда қабила-сининг пайғамбари, Яхве (Иегова) эса шу қабила худоси эди.

Эрамиздан аввалги X асрда яхудий қабилалари ўртасида синфий табақаланиш рўй бериши ва қулдорлик муносабатларининг вужудга келиши жараёнида мавжуд қабилавий динлар асосида иудаизм шаклланди.

Фалсафа таълимотига кўра, ер юзида содир бўладиган во-қеа-ҳодисалар жамият ҳаётининг ўзгаришлари, маънавиятдаги барча ўзгаришлар табиий-тарихий жараён ҳисобланади. Дин соҳасидаги эволюцион ўзгаришлар ҳам мана шу объектив диалектик тамойилга бўйсинади.

Шунга кўра, яхудий қабилалари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тараққиёти билан иудаизмда бўлган ўзгаришлар ўзаро боғлиқ эди. Қабилалар иттифоқи юз бериши натижасида қабилавий худолар ўрнига битта худога эътиқод қилиш ҳам шакллана бошлаган. Бунда паст ва юқори даражада турадиган худолар пиллапояси пайдо бўлади. Фаластиндаги Рувит, Симон, Левин ва Иуда сингари энг машҳур қабилалари обрўси кўтарилган. Буларнинг ичида Иуда қабиласи кучли бўлиб, бу қабиларни ўзига бўйсиндиргач, унинг Яхве худоси ҳам барча худолардан юқори турувчи бош худо ҳисобланди. Уни якка-ю ягона худо деб тан олинди. Бунга қадар политеизмда яхве тоғлар, чакмоқ, момақалди роқ ва сув худоси ҳисобланарди. Иудея деб ном олган қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши муносабати билан Яхве ҳам Осмон ва Ер юзини, барча нарсалар ва ҳодисларни яратган, бошқариб турган ягона худо деб, тасаввур қилина бошланди. Шу тариқа Яхведан бошқа худоларга эътиқод қилишга барҳам берилди. Яхве шарафига атаб Қуддус (Иерусалим) шаҳрида ҳашаматли ибодатхонаси Ногота қурилган. Яхудий миллий давлати иудаизмни расмий давлат дини деб қабул қилди. Иудаизм синфий ва ижтимоий жиҳатдан яхудий миллатининг ҳукмронлигини муқаддаслаш-тирди. Иудаизмда диндорлар тепасида раввин деб аталадиган руҳоний «ота»лар туради. Иудаизм ибодатхоналари синого-галар дейилади, булар исломдага масжидларга, христианлик-даги черковларга тўғри келади.

Иудаизмнинг келиб чиқиш тарихи, ақидалари (таълимотлари, фалсафий-назарий асослари), маросим, урф-одатлари, ахлоқий қарашлари, ҳуқуқий ва қонун тизимлари, ундаги пайғамбарлар, авлиёлар тўғрисидаги маълумотлар, ривоятлар, ибодат дуоларининг барчаси Таврот китобида (Таврот - илоҳий қонун демақдир) баён этилган. Таврот худо Яхве томонидан пайғамбар Мусога осмондан ваҳий қилинган муқаддас китоб ҳисобланади. Қуръонда Тавротни илоҳийлиги ва муқаддас китоблиги айtilган. Масалан, Қуръоннинг «Бақара» (Сигир) деб номланган иккинчи сурасининг 53-оятда: «Сизлар ҳақ йўлини топишингиз учун Мусога китоб ва фурқонни (яъни Тавротни) берганимизни эсланглар», дейил-ган. «Бақара» оятларининг қарийб учдан бир қисмини «аҳли китоблар» (Таврот ва Инжилга иймон келтирганлар), хусусан яхудийлар ҳақидаги маълумотлар ташкил қилади». (Қаранг:Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима, Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти».Тошкент.1992 йил, 6-7 бетлар). Тавротни «Қадимий аҳд» ҳам дейилади.

Сионизм-Сион тоғлари номидан олинган. Қадим замонда тузилган аҳднома тўғрисидаги Таврот ривоятлари асосида ишлаб чиқилган иудаизм динининг замонавий кўринишидир.

Сионизм пайдо бўлган вақтдан бошлабоқ иудаизмнинг яхудий халқи «худонинг арзандаси»дир, деган даъвосини байроқ қилиб олди. Сионизм ўзаро боғланган иккита мақсадни ишлаб чиқиб, шу мақсадларни изчил амалга ошириб келмоқда. Бу мақсадлар: 1) тарихий сабабларга кўра турли томонларга кетиб ўша жойларда кўп асрлардан буён яшяётган яхудийларни ўз юртларига, яъни аждодларининг ватанига қайтариб келиш ва Исроил давлатини Ер юзидаги жаннат қилишга хизмат қилдиришдир; 2) агар яхудий миллатига мансуб бўлса-ю, аммо ўзи яшаб турган аввалги жойидан Исроилга кўчиб кела олмаса, майли ўша жойидан туриб Исроил давлатини иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳарбий жиҳатлардан қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшишга даъват қилишдир.

Шундай қилиб иудаизм ва сионизм миллий динлар тизимидаги энг йирик дин бўлиб, иудаизм дастлаб келиб чиққан монотеистик дин эди. Иудаизм христиан, ислом ва

бошқа динларга баракали таъсир қилади. Иудаизм кичик миллат бўлган Яҳудийларни кўп асрлар давомида миллат сифатида сақланиб қолишига, бу миллатнинг маданиятини сақлаб қолишда катта хизмат қилиб келмоқда. Динлар тарихида иудаизм ўз ўрнига эгадир.

ҲИНДУИЗМ. Ҳиндуизм эрамининг VI асрида Ҳиндистонда вужудга келган эди. Ҳиндларнинг миллий дини Ҳиндуизм кенг тарқалган бўлиб, унга 80 фоиздан кўпроқ Ҳиндлар сиғинадилар. Ҳиндуизм эраминдан олдин мавжуд бўлган брахманизм, ведизм, тотемизм, анимизм каби динлар эволюцияси натижасида шаклланди. Ҳиндуизм турли эътиқодлар, урф-одатлар ва маросимлар, маҳаллий диний эътиқод ва қарашларнинг мураккаб комплекси сифатида пайдо бўлиб, уруғ-қabila динлари элементларини, буддизм, сикхизм, жайнизмнинг асосий ғояларини ўзига ўзлаштириб олган. Ҳиндуизм ўзининг ягона бажарадиган ташкилотига эга эмас.

Ҳиндуизм инсоннинг туғилганидан то вафот этишигача бўлган ҳуқуқ ва вазифаларини белгилаб ва чеклаб қўяди. Шунинг учун унда маросимчиликка кенг ўрин берилган. Ҳиндуизм кишиларнинг ижтимоий тенгсизлигини оқлайди. У руҳнинг ўлмаслиги ва кўчиб айланиб юриши (сансара таълимоти), қайта туғилиши (карма таълимоти), гуноҳ ишлар учун жавоб берилиши, жаннат ва дўзах каби ақидаларни ўз ичига олади.

Ҳиндуизм политеистик дин бўлиб, унда кўп худолик элементлари сақланган. Диндорлар тасаввурида бош худо Брахман коинотнинг иждоқори ва яратувчисидир. Бундан ташқари Ҳиндлар Вишну ва Шива деган худоларга ҳам эътиқод қиладилар. Ҳиндуизм таълимотида худонинг уч қиёфадаги кўриниши тасаввур этилиши (тримурти) энг олий, яқка худонинг уч хусусияти, деб талқин қилинади.

Ҳиндуизм таълимотида, олам пайдо бўлиб, емирилиб, йўқ бўлиб туради, яъни оламнинг яшаши прогрессив эмас, аксинча, регрессив характерга эга бўлиб, ҳар бир давр оламнинг юксак ривожланган чўққисидан бошланиб, унинг инқирозга учраши билан битади, инсонлар гуноҳга ботиб кетгач олам тугайди.

Ҳиндуизм таълимоти жамиятнинг табақаларга бўлинишини акс эттиради. Бу диннинг карма қонуниятига асосан у инсон ҳаётида 4 та асосий мақсад бор, деб тушунтиради. Булар:

1) дхарма - оила ва жамиятда диний талабларни тўла бажариш;
2) артха - фойдали ишлар қилиш, зарур моддий неъматларга эга бўлиш;
3) кама - муҳаббат туйғуларига эришиш, бу ҳис-туйғуларни қондириш;
4) мокша - ўзгариш занжиридан бутун-лай озод бўлиш.

Вишнуизм ва Шивоизм оқимининг вакиллари ўз худоларига бағишлаб минглаб катта-кичик ибодатхоналар қурганлар. Бу динга эътиқод қилувчилар муқаддас жойлар, дарёлар ва бошқа ҳар хил «муқаддас» нарсаларга сиғинадилар. Ҳинд халқи орасида ёвуз руҳларга эътиқод қилиш кенг тарқалган. Улар турли ҳайвонлар: хўкиз, сигир, маймун ва илон қабиларга ҳам сиғинадилар, уларни муқаддаслаштирадилар. Масалан, Ҳиндуизм тарафдорлари сигирни сахийлик, бойлик манбаи ва гўзал аёл тимсоли деб ҳисоблайдилар. Руҳонийлар сигирни сўймаслик ва гўштини емасликни тарғиб қиладилар. Аммо Ҳиндуизм сигир сутини ичишни ва сигирни хўжалиқда иш ҳайвони сифатида фойдаланишни таъқиқламайди.

Ҳинд халқи учун Ганг дарёси муқаддас ҳисобланади. Ҳиндуизм динига эътиқод қилувчилар Банорас шаҳрини ҳам муқаддаслаштиришган. Ривоятларга кўра, гўё Ганг дарёси қирғоғида киши вафот қилса нариги дунёдаги ҳаёти анча енгиллашар эмиш.

Ҳиндуизм - оила-никоҳ масалаларига нисбатан ахлоқий жиҳатдан ёндашади. Энг олий табақа-брахманлар (коҳинлар) олий зодагонлар билангина никоҳга ўтиши мумкин. Энг паст табақа кишилари - бу Шудралар. Улар ялангоёқ, қашшоқ, паст, ёмон ахлоқли кишилар Шудралар билан олий табақа вакиллари никоҳга кириши мумкин эмас. Ўрта табақа - Вайши-лар бўлиб, улар савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлардан иборат. Улар ўзаро никоҳда бўлиши мумкин.

Ҳиндуизмнинг муқаддас ёзувлари Ведалар (эр.ав. 2 минггинчи йиллар ўртасидан бошлаб пайдо бўлган). Ведалар -«билимлар» демакдир. Ведалар: 1) гимн ва дуолар; 2)

маро-симларда ижро этиладиган мадҳия кўшиқлари; 3) курбонликка оид қоидалар; 4) ёвуз кучларга қарши бўлган дуолар ва афсунлар.

Упанишадаларга - «сирли таълимотлар» эр.ав. 1 мингинчи йиллар бошларида пайдо бўлган ахлоқий рисоалар: «Маҳабҳарата» ва «Рамайна» дostonлари, турли хикматли ҳадислар киради.

Ҳиндуизм зўрлик ишлатиш, қон тўкиш, азоб бериш кабиларни таъқиқлайди. XIX асрнинг бошларида Ҳиндистонда бошланган миллий озодлик ҳаракатининг мафкурасида ҳиндуизм актив рол ўйнади. Махатма Ганди яратган озодлик ҳаракатининг диний фалсафий асосида ҳам ҳиндуизмнинг қон тўкмаслик, зўрлик ишлатмаслик ғоялари ётарди. Пассив норозилик гандизмнинг ахлоқий фалсафаси эди. Ҳиндуизмнинг миллатни худбинликка, улуғ миллатчилик - шовинистик сиёсат-га йўналтиришга уринган ўта реакцион кучлар ҳам пайдо бўлган. Ҳиндуизм Ҳиндистондан ташқарида яшайдиган ҳиндлар орасида, хусусан, Бангладеш, Непал, Шри-Ланка каби мамлакатларда ҳам тарқалган.

Ҳиндуизм табиатни севишга, ватанпарвар бўлишга, авлод-лар хотирасини эъзозлашга ўргатади. Ҳиндуизм ёмонликка қарши ёмонликни қўллашни эмас, балки уни яхшилик билан енгилш мумкинлигини ўргатадиган дин ҳисобланади. Ҳиндуизм тинч-тотув, осойишта яшашга даъват қилади.

Ҳиндуизм ибодатхоналари ғоятда юксак эстетик дид билан ҳашаматли қилиб қурилган. Уларга Қуёш худоси, мусиқа маъбудаси, гўзаллик, саҳийлик, рақс маъбудалари, афсонавий фаришталар тасвири ва ҳайкалчалари қўйилган. Ибодатхона-ларда жарангдор қўнғироқчалар чалинади. Уларда мусиқий кўйлар мавжуд бўлиб, руҳонийлар ширали нутқлари билан ваъзхонлик қиладилар, турли урф-одатлар ўтказилади. Хуллас, ибодатхоналарга кирган кишига руҳий тасалли, яхши кайфият ато этилади.

ЖАЙНИЗМ. Жайнизм - бу диннинг асосчиси сифатида эътиқод қили-надиган ярим афсонавий пайғамбар-жин номи билан аталган бўлиб, бу миллий дин Ҳиндистонда эраиздан олдинги VI асрда пайдо бўлган. Жайнизм брахманизмдаги (брахманизм дини Ҳиндистонда эр. ав. X-XI асрларда келиб чиққан эди) кишиларни табақаларга ажратиш ва табақалар асосида одам-ларнинг ижтимоий тенгсизлигини илоҳийлаштириш системасига қарши пайдо бўлган. Жайнизм таълимотида 24 та пайғамбарга, айниқса, улардан охиригиси бўлган пайғамбар - Вардхамана Махавирага сиғиниш талаб этилган. Жайнизмда жоннинг ўлмаслигига, унинг бир моддий шаклдан иккинчисига кўчиб юришига ишониш ғояси марказий ўринни эгаллайди.

Инсоннинг Ер юзасида қиладиган ҳар қандай ҳаракати ва иши ана шу жон билан тана бирлигида содир бўлади. Жонни гуноҳдан сақлаш учун ҳаётда тўғри йўлни тутмоқ, яъни дин тарғиб қиладиган барча ҳаққатларга, талабларга сўзсиз итоат этиш ва эътиқод қилиш зарур. Жайнизмда ахинса ҳақидаги қоида мавжуд бўлиб, унга кўра дунёдаги барча тирик мавжудотларга нисбатан зўрлик ишлатиш қаттиқ таъқиқланади. Жайнистлар гўшт емайдилар, энг мутаассиб диндорлар эса фақат тўрдан ўтказилган сувнигина истеъмол қилиб, парда орқали нафас оладилар.

Жайнизм диндорларга нисбатан қаттиқ чеклашлар ўрнатганлиги сабабли ҳозирги кунда бу дин тугаб бормоқда. Шу сабабли жайнизмни ислоҳ қилиниб замонга мослашга ури-нишлар бўлмоқда. Жайнизм табақаланишни қоралаб, инсонлар тенглигини илоҳий асосда ўрнатиш тўғрисидаги дин бўлганлиги унинг ижобий хусусиятидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Хиндуизм, шайнизм, синхизм, даосизм, конфуцийлик, синтоизм, иудизм, сионизм, зардушт, маздак, монийлик.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Хиндуизм қачон пайдо бўлади?
2. Маздак таълимоти қандай эди?
3. Авестода Ясна, Яшт атамалари нимани англатади?
4. Талмуд қандай китоб?
5. Даосизм қандай эътиқод?

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У, Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т. 1998.
2. Диншунослик асослари. Т. “Ўзбекистон”. 1995 й.
3. Кулоков А.Е. Религии мира. М. 1996 сс 150-173.
4. Яхудий Ой қуёш памидори. М. 1990.
5. Беруний А.Р. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар.1-том. Т. 1969.

7-мавзу: Жаҳон динлари. Буддавийлик. (2 соат).

Режа:

1. Жаҳон динлари хусусиятлари. Буддизмнинг вужудга келиши.
2. Буддавийлик таълимоти.
3. Буддавийликдаги оқимлар.

Дин тарихидаги муҳим давр жаҳон динлари: буддизм, христианлик ва исломнинг пайдо бўлишидир. Улар ўтмишнинг миллий динларидан фарқли ўлароқ миллатлараро хусусиятга эга. Ибтиодий тотемизм, анимизм, фетишизм, сеҳргарлик ва политеизм динлари халқлар тарихида кескин бурилишлар қила олмаганлар. Аммо жаҳон динлари халқлар тарихида жиддий тарихий-ижтимоий ўзгаришлар қила олган динлар эди.

Фейербахнинг, инсоният давлари бир-биридан дин соҳаси-да рўй берган ўзгаришлар билангина фарқ қилади, деган даъ-воси бутунлай нотўғри. Ҳозиргача яшаб келаётган жаҳоншумул уч дин: буддизм, христианлик ва ислом тўғрисида гап боргандагина улў тарихий бурилишлар дин соҳасидаги ўзгаришлар билан биргаликда юз берган деб баралла айтиш мумкин. Ўз-ўзидан пайдо бўлган эски қабилавий ва миллий динлар тарғибот характеридаги динлар эмас эди ва мазкур қабила ёки халқнинг мустақиллиги йўқ қилинган пайтдаёқ бу динларнинг ҳам қаршилиқ кўрсатишга сира кучи етмас эди. Фақат мана шу бир мунча сунъий суратда пайдо бўлган динлар хусусида, айниқса христианлик ва ислом хусусида гапирганда, умумий тарихий ҳаракатлар диний тус олади, деб айтиш мумкин. Масалан, арабларнинг ягона давлати ислом ғояси асосидагина шаклланди.

Шундай қилиб, жаҳон динларининг келиб чиқиши турли халқлар ҳаётида юз берган жиддий тарихий ўзгаришларга боғлиқ эди. Масалан, буддизм, эрампиздан олдинги VI асрда Шимолий Ҳиндистонда ташкил топган кулдорлик давлатининг ғоявий мафқураси сифатида пайдо бўлган эди. Жаҳон динларининг иккинчиси христианлик эса эрампизнинг I асри ўрталарида Рим империяси инқирозининг олдини олиш, бу омонат империя худудларидаги турли-туман халқларни, қулларни бирлаштириш, уларнинг озодлик ҳаракатларини бостириш орқали империяни сақлаб қолишнинг мафқуравий воситаси сифатида IV аср ўрталарида император Константин томонидан давлат дини, деб эълон қилинган.

Ислом дини арабларнинг турли қабилаларини бирлаштириб, марказлашган араб давлатини барпо қилиш эҳтиёжининг маънавий қуроли сифатида вужуда келтирилган.

Жаҳон динлари вужудга келишининг тарихий йўллари икки йўналишда борди:

Биринчидан, аввал бирор миллатнинг давлати олиб борган босқинчилик (кўпинча бу урушлар дин йўлидаги муқаддас жиҳод уруши деб ҳисобланган) урушларида босиб олинган халқларга мажбуран ўша динни қабул қилдириш орқали жаҳонга тарқалган. Масалан, Ислом дини Марказий Осиёдаги кўпгина вилоятларда VIII аср бошларида араб халифалари олиб борган босқинчилик уруши воситасида маҳаллий халқларга мажбуран қабул қилдирилган эди. Бу ерда ҳам халқларни бирлаштира оладиган ягона мафқурага эҳтиёж сезилган. Шу жараён христианликнинг жаҳонга тарқалишида ҳам мавжуд эди.

Иккинчидан, жаҳон динлари айрим халқлар мессионерлар ташвиқоти, шу диннинг ўша халқларга маъқул бўлганлиги оқибатида ихтиёрий равишда қабул қилганлиги учун шаклланди-ган. Россия халқлари 988-йилда Византия давлатидан хрис-тианликни ихтиёрий равишда қабул қилган. Бошқирлар ҳам исломни ихтиёрий қабул қилганлар. Ҳозирги даврда Японияда ислом дини ихтиёрий тарқалмоқда.

Жаҳон динлари ўрта асрларда - феодализмда ғоят кучайиб, барча ижтимоий онг устидан ҳукмрон бўлиб қолган эди. Феодал давлатлари динга жуда катта ҳуқуқлар бериб, жуда кўп диний ташкилотлар (масжид, черков, мадраса, диний семинариялар, монатириллар, қаландарлар, дарвешлар уюшма-лари, диний мактаблар вужудга келиб, омманинг онги,

руҳияти, турмушига доим таъсир қиларди. Барча фуқаролик, мулкӣ муносабатлар, адлия ишлари ҳам диний маъмурият ихтиёрида эди) тўғридан-тўғри давлат аппарати тизимидан ўрин олган эди.

Жаҳон динларининг ҳар бири ўз ҳудудларида маданиятга ижобий, айрим санъат турларига эса салбий (масалан, фанга, ислом эса ҳайкалторошлик, жонли нарсаларнинг расмини олишга қарши курашди) таъсир қилди. Умуман диннинг маънавий ва моддий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши жаҳон динлари даврида яққол сезилди.

Жаҳон динлари халқларни бир-бирига яқинлаштирди, савдо ишларини кучайтирди (масалан «Буюк ипак йўли»), нисбатан тинчлик ўрнатди, ўзаро урушларни камайтирди, кўпгина халқларни бирлаштирди. Бу жаҳон динларидаги ижобий хусусиятлардир.

Буддавийлик - энг қадимги динлардан бири. У эрамиздан олдинги VI асрда (руҳонийлар ҳисобида 544 йил - диннинг афсонавий асосчиси вафот этган йил) шимолий Ҳиндистонда ривожланган кулдорлик жамияти юзага келиб, йирик давлатлар ташкил топаётган шароитда вужудга келди.

Буддавийликка ҳозирги даврда 700 млн. киши эътиқод қилади. Буддавийликнинг ватани Ҳиндистондан уни бошқа динлар, хусусан ҳиндуизм деярли сиқиб чиқарган. Ҳозирги вақтда буддавийлик Хитой, Монголия, Япония, Шри-Ланка, Непал, Бирма, Кампучия, Таиланд, Лаос, Вьетнам, Индонезия ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

Ривоятларга кўра, Будда чексиз қайта туғилиш натижа-сида турли кифада - подачи, раққоса, курувчи, шох, ҳатто худо шаклида намоён бўлган. У шу олий мақсадга эришиш учун обрўли Шакья қабиласини танлаган эмиш. Ана шундан бу диний ривоятда Будда - Гаутама номи кенг тарқалган.

Гаутама ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ривоятларга кўра, у хинд қабиласи хукмронларидан бирининг ўғли бўлган ва зурриёдсиз малика Майя ғойибдан ҳомиладор бўлиб, уни 45 ёшида туққан. Гаутама туғилишида мўъжиза рўй берган. Таби-ий ҳодисалар - ер қимирлаши, чақмоқ чақиши, момақалди роқ гулдирашидан ташқари, чақалоқ туғилган заҳоти етти қадам кўйган ва гапира бошлаган.

Гаутаманинг отаси Мони ўғлини дин йўлига бағишлашга рози бўлмай, унга яхши маълумот берган ҳамда яхши шароитларда тарбиялаган ва у ҳеч қандай қийинчилик кўрмай ўсган, ўзининг донолиги, кучлилиги ва эпчиллиги билан ҳаммани ҳайратга солган. Вақтлар келиб, у бир кўр чолга дуч келган, касал ётган кишини, ўликни кўргандан сўнг ҳаётининг моҳияти, мақсади, оғирликлари, касаллик ва ўлим ҳақида ўйлай бошлаган. Бинобарин, ҳаётнинг беҳудалигини англаб, тарки дунё қилган, дарвеш йўлига кирган, бу билан у гўё кишилар бошига тушадиган кулфатлар, азоб-укубатлар сабабларини моҳиятига тезроқ етиб, улардан қутилиш йўлини топмоқчи бўлган. Ниҳоят 35 ёшида «ҳақиқий илоҳий билим»ни топганлигини эълон қилган. Шундан сўнг у Будда деб ном олган («будда» сўзи илоҳий ҳақиқатга эришган, деган маънони англатади). Гаутамага шу тариқа 4 та илоҳий ҳақиқат сири очилган, улар буддизм таълимотига асос қилиб олинган.

Гаутама ҳақида тўқилган ривоятлар, биринчидан, бу динни кишилар ўртасида кенг ёйишга, обрўсини кўтаришга хизмат қилган бўлса, иккинчидан, буддизмнинг ғайритабиий келиб чиқишини «асослаш» билан эзилувчи оммани азоб-укубатлардан қутқаришга диний изоҳ беришдир.

Ҳар қандай динлар каби буддизмнинг ҳам келиб чиқиши сабабини халқларнинг яшаш шароити ва ҳаётидан, муайян даврдаги ижтимоий муносабатлардан қидириш лозим.

Қадимий Ҳиндистонда буддавийлик шаклангунга қадар мураккаб синфий муносабатлар мавжуд эди. Кишилар олий, ўрта ва қуйи табақаларга ажратилиб, олийга - брахманлар, ҳарбийлар, ўрта табақаларга - ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар, энг қуйи табақага эса қора халқ, хизматкорлар киритиларди. Қуйи табақа кишиларининг ҳаёти ниҳоятда оғир эди. Улар ижтимоий тенглик у ёқда турсин, диний тенгликка ҳам эришиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Бу хол катта норо-зиликка сабаб бўлди. Бундан ташқари, жамиятни касталарга, олий ва паст тоифаларга ажратиш мавжуд бўлиб, брахманизм дини кастачиликнинг ҳимоячиси ва ғоявий қуроли эди.

Буддавийлик кулдорлик жамиятида брахманизм мазҳаб-ларидан бир сифатида пайдо бўлди. У брахманизмнинг жон-нинг кўчиб юриши, жаннат ва дўзах ҳақидаги ақидаларни сақлаб қолди. Брахманизмнинг жамиятни касталарга бўлини-ши тўғрисидаги таълимотига қарши чиқиб, барча кишилар дин соҳасида тенг ҳуқуқли деб эътироф қилди. Буддавийликнинг диний тенглик ҳақидаги ғояси одамларнинг касталарга бўлиниб кетишига қарши курашда ижобий рол ўйнади. Бироқ буддавийлик бу курашга диний-мистик тус бериб, кишилар «азоб-укубат чекишда ва ундан халос бўлишда» ҳам тенгдирлар, деб ҳисоблайди. Бу ҳолат диний ҳиссиётларни сингдиришга хизмат қилди.

Буддавийлик диний таълимотининг асосий манбаи трипитака (луғавий маъноси «уч сават») деб ном олган диний ёзувларда акс этган. Диний таълимотда Будда учта саватда таълимот қолдирган, деб тасаввур этилади. Биринчи сават -Виная-Питака дейилади ва у будда роҳиблик жамоасини ташкил этиш тартиб-қоидалари, панд-насихатлар, ахлоқ нормалари баёнидир; иккинчи сават - Сутта-Питака дейилиб, унда дуолар, дostonлар, афсоналар баён этилган; учинчи сават - Атхидамме-Питака бўлиб, диний фалсафий-ахлоқий ғоялар баёндан иборат. Буддавийлик, ҳамма нарсанинг асосида билиб бўлмайдиган руҳ ётади, дейди. Дунё реал мавжуд эмас, у фақат кишиларнинг хаёлида, билиб бўлмайдиган руҳнинг намо-ён бўлишида, деб таълим беради. Буддавийликдаги Нирвана таълимоти «муқаддас ҳақиқат» деб аталади. Унга кўра: 1) ҳаёт ва турмуш азоб-укубатларининг сабаби - кишиларнинг истаклари ва нафсларида; 2) азоб-укубатдан қутулиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафсларини тийишлари, Будда кашф этган ақидаларга амал қилишлари зарур. Буддавийлик азоб-укубат тушунчасини мутлақлаштиради, борлиқнинг барча кўринишларини, унинг моҳиятини, ҳар қандай ҳаёт тарзини азоб-укубат деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам буддавийлик Нирванани борлиқнинг интиҳоси, деб ҳам тушунади.

Буддавийлик таълимотига кўра, жонли мавжудотларнинг ўлиши уни ташкил этган дҳарма (элемент, заррача)ларнинг ажралиб кетиш жараёнидир. Бу дҳармаларнинг янгидан бирикиши илгари қилинган «савоб ва гуноҳ»лар билан боғлиқ дейилган. Дҳарма Нирвана даражасига етгандагина қайта туғилишларга барҳам берилиб, азоб-укубатдан бутунлай халос бўлади.

3) Буддавийлик таълимотига кўра азоб-укубатлардан халос бўлишнинг энг мақбул йўли роҳиблик (зоҳидлик) жамиятига (сангха) ўтиш ҳисобланади. Одам жони-руҳи гуноҳдан тозалангач, мутлақ сокинлик олами бўлган Нирванага доҳил бўлади.

4) Роҳиблик бошқа динларга қараганда буддавийликда аввалроқ вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда буддавийлик мазҳабларидан бўлмиш Хинаяна тарқалган мамлакатлар халқларининг ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнамоқда.

Роҳиблар буддавийликка эътиқод қилувчилар орасида жуда катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлиб, уларга итоат этиш ва айтганини бажариш зарур, деб ҳисобланади. Буддизмда бир нечта мазҳаблар пайдо бўлди. Булардан энг йириги 1 асрда ажралган Ҳинояна («Кичик арава» - тор йўл маъносида) Шри-Ланка, Бирма каби мамлакатларда кенг тарқалган. Маҳаяна («Катта арава» - кенг йўл маъносида) Тибет, Япония, Мўғулистон ҳамда Олтой ва Узоқ Шарқда яшовчи баъзи халқлар ўртасида кенг тарқалган. Буддавийлик Тибет ва Мўғулистонда ҳам тарқалган бўлиб, у ламаизм деган ном билан юритилади. Буддавийликнинг бу мазҳаби маҳаллий халқлар ўртасида қадимдан мавжуд бўлган диний тасаввур ва урф-одатларни ўзлаштирган. Ламаизмда буддавийликка хос тасаввурлар билан бир қаторда, Буддавийликнинг яна қайтиб келиши ва ер юзида адолатли ҳокимият ўрнатиши тўғрисидаги башоратга кенг ўрин берилган. Ламаизмни кўчманчи халқ ҳаётига мослаштирашга уриниш мавжуд. Ундаги ибодат қилиш тартиби ҳам анча соддалаштирилган.

Буддавийлик таълимотида олам уч босқичли деб таърифланади. Биринчи олам энг юқори олам бўлиб, унда мутлақо осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф руҳгина мавжуд дейилади. Бу олам руҳнинг маконидир. Буддавийликнинг таълим беришича, илоҳий руҳни мутлақо билиб бўлмади. Биринчи оламда руҳ материядан ташқарида, у ҳаракатсиз осуда

яшайди. Иккинчи олам, ривоятларга кўра, рухий мавжудотлар билан тўла жаннат бўлиб уни бодисатва дейилади. Бу оламнинг ҳоқими Амитабадир. Амитаба оламида рух гуноҳидан халос бўлган, лекин энг олий оламга, яъни нирванага - мутлақо бўшлиқ ва осойишталик оламга кўтарилмаган авлиёлар яшайди. Буддалар кишиларга будда таълимотини ўрганиш, яхши йўлдан бошлаб бориш учун ерга юборилар экан. Учинчи олам энг қуйи олам бўлиб, унда одамлар ва ҳайвонлар яшайди. Бу оламдаги рух қафасда яшайди. У материянинг чангалида туради ва озод бўлиш ҳамда юқори оламга кўтарилишга ҳаракат қилади. Рухнинг юқори оламга кўтарилиши одамлар қиладиган савобли ишларга боғлиқ. Агар одам будда таълимотига эътиқод қилса, яхшиликка интилса, унинг жони қайта туғилишлардан сўнг жаннатга ва ундан нирванага кўтарилади. Ёмонликка мансуб гуноҳкор кишиларнинг руҳи эса қуйи дунёда азобланиб, кафан ичида юраверади, юқори оламга ҳеч қачон кўтарилма олмайди. Агар инсоннинг будда таълимотига зид ишлари кўпайиб кетса, хирс ёки товламачиликка берилиб, ундан қутила олмаса, бундай одамнинг руҳи бир неча қайта туғилишлардан кейин ер остидаги дўзахга тушади ва унда абадий азобланади. Буддавийликда қайта туғилиш деганда янгидан пайдо бўлиш тушунилмайди, балки илгари ўлган одамларнинг жисмидан тарқалган дҳармаларнинг янги асосда бирлашиб, келажак авлодга ўтиши тушунилади. Шунинг учун, будда дини инсон келажак авлоди учун ҳам жавобгар деб ҳисоблайди.

Агар одам яхши бўлса, будда таълимотига тўлиқ риоя қилса, бой ва эътиборли бўлса унинг дҳармалари асосида қайта туғилган одам ҳам бой ва бадавлат, софдил бўлади. Аксинча, одам ёмон камабағал, қашшоқ бўлса, будда таълимотига риоя қилмаса, унинг дҳармаларидан пайдо бўлган одам ҳам камбағал, қашшоқ бўлади. Бунинг сабаби авлодлар ёмон ҳаёт кечиргани учун берилган жазодир. Буддавийлик ўзининг бу таълимоти билан жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик ва жабр-зулмнинг туб моҳиятини илоҳий тақдир билан изоҳлайди.

Ҳиндистонда қулдорлик барҳам топиши билан буддавийлик брахманизмга тобора яқинлашиб борди, кейинчалик ҳиндуизмга қўшилиб кетди. XI-XII асрларда буддавийлик Ҳиндистонда ўз таъсирини деярли йўқотди.

Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда буддавийликнинг ёпилиши Кушонлар салтанати раванқ топган даврлар (эр.ав. II аср. янги эр. I асрлари) билан боғлиқ. У ҳозирги Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва Синьцзян ҳудудларини ўз ичига олади. Кушонлар даврида буддавийлик Ҳиндистондан Марказий Осиёга, бу ердан эса «Буюк ипак йўли» орқали Узоқ Шарққа ёйилган. Буддавийликни Ҳинд савдогарлари, сайёҳлари, миссионерлари дунёга тарқатганлар.

Марказий Осиё халқлари буддавийликни қабул қилиб, будда динига оид ёдгорлик иншоотлар, ибодатхоналар, монастирлар каби ўзига хос иморатлар бунёд қилганлар. Масалан, Тоҳирийлар давлатининг пойтахти Балх шаҳрида будда динига оид юзга яқин монастир бўлиб, уларнинг уч мингта монахи бўлган, кўпчилик аҳоли эса буддага ибодат қилган. Марказий Осиёда буддавийликдан ташқари ўша даврларда яна зардўштий дини ҳам мавжуд эди. Будда динига оид ибодатхоналар Фарғонада, Самарқанд яқинида, Поп туманидаги Чодак қишлоғида, Қирғизистон ва Туркманистоннинг жанубий туманларида топилган. Шундай қилиб буддавийлик ўлкамизга эрамининг бошларида кириб келди.

Ламоизм (тибет тилида «лама»-олий самовий, деган маънога эга бўлиб, зоҳидларни шундай деб аталади) VII-XIV асрларда таркиб топган.

Тибетда буддавийликнинг Маҳаяна йўналишидаги оқими бўлиб, у ерда ҳукмрон дин бўлиб келган. XVI асрнинг охиридан бошлаб ламаизм Мўғулистонда, XVIII асрнинг бошидан эса Бурятиястонда кенг тарқалган. 1741 йилда барча ламалар Россияга содиқ фуқаро бўлиб қолишга қасам ичадилар ва ўз диний таълимотини тарғиб қилишга расмий ижозат оладилар. Дастлабки ламалар XVII аср ўрталарида Жунгориядан Россияга кўчиб келган қалмиқ қабилалар билан бирга келганлар ва Россия фуқаролигини қабул қилганлар. Қалмиғистон, Бурятиястон руҳонийларидан Тува руҳонийлари - ламалари VII асрларидаёқ пайд бўлганлиги билан фарқ қилади. Бироқ туваликлар ламаизмни уларнинг

азалий дини бўлган шомонизм билан қисмангина қўшишган холос. Ламаизм таълимотида 7 та асосий ақида бор.

Биринчи ақида: бурхонлар тўғрисидаги таълимот. Ламаистларнинг худолари ва сурати бурхонлар атамаси била аталади.

Иккинчи ақида: «муқаддас китоблар» тўғрисидаги таъли-мот. Ламачилар иккита тўплам китобни «муқаддас» билиб эъзозлайдилар. Уларнинг биринчиси Ганжур (тибетча-ваҳий-лар) 108 жилдли ва иккинчиси Данжур (тибетча-шарҳлар) 225 жилдли. XIV асрда тибет тилида ёзилган бу матнлар Трипитакадан қилинган таржималарни ҳам, ламачи рухонийлар яратган асарларни ҳам ўз ичига олади.

Учинчи ақида - энг майда, ғайритабиий ўлмас зарралар бўлмиш драхмаларнинг бирикишидан иборат жон тўғрисидаги таълимот. Дҳармалар таналарни вужудга келтиради, тана ўлади, аммо жон ўлмайди.

Тўртинчи ақида - дунёнинг манзараси тўғрисидаги, нариги дунёдаги ҳаёт тўғрисидаги таълимотдир. Ламаизм таълимотига кўра, нариги дунё икки босқичга бўлинади: сансара - киши жони ўзгариб турадиган чексиз занжир. Нирвана - бунда айниқса, тақводор жони ором топади.

Бешинчи ақида - диндорлар билан бурхонлар ўртасидаги зарур воситачи сифатидаги лолалар тўғрисидаги таълимот. Буларнинг кўплари жонли худолар ёки хублиганлар - бошқача шаклда гавдаланувчилар деб қаралади.

Олтинчи ақида - муқаддас уруш тўғрисида бўлиб, бу уруш оқибатида буддист бўлмаган кишиларнинг ҳаммаси йўқ қилиниши керак.

Еттинчи ақида - азоб чекиш тўғрисидаги ақида, Ламаизм ҳам буддизм каби Ердаги ҳаётни азоб чекиш деб ҳисоблайди. Унинг сабабларини эса асло йўқ қилиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Ламаистлар фаолиятини амалга оширадиган марказлар дацанлар бўлиб, уларда ламалар ҳар кун ибодат қиладилар.

Оддий ламаистлар ўз уйларида ибодат қилишлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Ламаистлар ибодатларни оддий шаклга киритиш учун ҳаракат қиладилар. Масалан, Мўғулистонда, Бурятияда, махсус диндорлар авлодлари хотирасини эслаш маросимида пул тўлаб турли рақамли шарлар ёки патталарни шу қурилмага ташлайдилар, айланиб чиққан ўша патта ёки шарни олиб, уни қўлларига, пешоналарига теккизиб ламага қайтиб берсалар ниятлари ижобат бўлган ҳисобланади.

Буддавийлик ва Ламаизмда буддага сиғиниш, вазъхонлик эшитиш, Гаутаманинг туғилиши, нурга тўлиши, тарғиботи ва ўлими билан боғлиқ бўлган «муқаддас» жойларни зиёрат қилиш, буддизм обидалари сақланадиган ибодатхоналарнинг устунларига сиғиниш асосий маросимлар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Бирмада 17-асрда қурилган ибодатхона ва 6 метрли олтиндан ясалган будда ҳайкали булиб, бутун дунё буддистлари шу ибодатхонага ҳажга борадилар.

Буддавийлик таълимотини тартибга солиш мақсадида 1971 йилда Бирмада буддистларнинг махсус ибодатхонасида Трипи-таканинг турли таржималари ва Вариантларини таққослаш натижасида ягона матн ишлаб чиқилди. Янги матн мазмуни 729 мармар плитага туширилди. Бу ёзувлар сақланган ибодатхона бутун дунё буддистларининг муқаддас ва зиёратгоҳ жойига айлантирилди. Буддизм рухонийлари халқаро миқёсда буддизм мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда буддизмнинг турли ташкилотларини бирлаштирмоқдалар, буддистларнинг халқаро конференциялари, съездларини ўтказмоқдалар.

Буддавийликнинг бир неча халқаро ташкилотлари мав-жуд, шулардан энг йириги 1950 йилда ташкил топган, жаҳон буддистлари қардошларидир.

Буддавийлик Христиан ва Ислом динларига кучли таъсир кўрсатган. Хусусан, охират тўғрисидаги, қайта тирилиш, руҳ ва жоннинг ўлмаслиги, ҳайвонларни азоблаш гуноҳлиги, қон тўкмаслик каби таълимотлар буддавийликдан кейинги динларга ўтган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Моноэстик дин, будда, махана, Нирвана, Лама, Ашока, Медитация Трипитака.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Трипитака қандай китоб?
2. Буддавийлик қаерда пайдо бўлди?
3. Буддавийлик этикоди қандай?

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У, Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т. 1998.
2. Диншунослик асослари. Т. “Ўзбекистон”. 1995 й.
3. Кулоков А.Е. Религии мира. М. 1996
4. Мифы народов мира В2-Хтомах. М. 1973.

8-мавзу: Христианлик. (4 соат).

Режа:

1. Христианликнинг вужудга келиши.
2. Христианликнинг таълимоти. Инжил.
3. Христианликдаги оқимлар: вужудга келиши, ўзига хослиги.

Жаҳон динларидан бири Христианлик бўлиб, бу диннинг номи Ииусис Христос, бола худо - пайғамбар номидан олинган. Дунёдаги барча христианлар Ииусис Христос (Исо)нинг умматлари ҳисобланадилар.

Ҳозирги даврда христианлик энг кенг тарқалган дин бўлиб, Америка, Австралия, Европа, Осиё қитъаларида ва бошқа жойларда 2 миллиард христианлар мавжуд. Бу дин монотеистик ва жаҳон динидир. Христианлар дунёнинг 254 мамлакатида яшайдилар.

Христианлик янги эранинг 1 асри ўрталарида Рим империясининг Шарқий вилоятларидаги Иудея (ҳозирги Исроил), кичик Осиё (ҳозирги Туркия) ва Фаластин ҳудудларида яшайдиган мазлум халқлар ва қуллар орасида иудаизмнинг фирқаси сифатида пайдо бўлиб, сўнгра ундан ажралиб чиқди ва янги динга айланди.

Христианлик тарихи яхши тадқиқ этилган. Жумладан, Инжилда, Иоан Богословнинг «Ваҳийнома» асарида, Б.Спи-нозанинг «Илоҳиёт ва сиёсатга оид рисола»сида, Л.Фейербах-нинг «Христианликнинг моҳияти» асарида ва бошқа манбаларда христианликнинг келиб чиқиш тарихи, унинг ақидавий таълимоти, маросимлари, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари, ривоятлар баён этилган.

Христианлик 325 йилда Рим империясида расмий мафкура ва давлат дини деб расмий равишда эълон қилинган эди. Христианлик расман тан олинган даврдаги тарихий шарт-шароит қуйидагича эди:

1. Рим кулдорлик давлатининг қулларга ва босиб олинган мазлум халқларга нисбатан қаттиқ жабр-зулм қилишига қарши олиб борилган озодлик урушлари ва кўзғолонлар бирин-кетин мағлубиятга учраб, улардан шафқатсиз ўч олиниб жазолашлар оқибатида умумий руҳий-маънавий инқироз пайдо бўлган. Қуллар синфидан бўлган Спартак етакчилигида эрамиздан аввалги 73-71 йилларда Римдаги кўзғолон бостирилгач, 6 минг кул Римга олиб борадиган йўллар четига қурилган хочларга миҳлаб ташланган. Шундан кейин қуллар билан мазлум халқлар тез орада самовий ҳалоскор - пайғамбар Исо келиб бизни озод қилади, сабр-тоқат қилиш, ибодат билан шуғулланиш керак, деб янги динга умид боғладилар. Ўша фожеа оқибатида умумий умидсизлик авж олган. Спартакнинг мағлубияти, - деган эди тарихчи Шарль Энтен, - Исонинг ғалабаси эди.

2. Қачонлардир шон-шуҳратга, куч-қудратга тўлиб-тошган Рим кулдорлик давлати эрамизнинг I-III асрларига келиб инқирозга юз тутди. Қулчилик ўрнига феодал тартиблар ўрнатилди бошланди. Қулдорлар ва бошқа юқори табақалар орасида ижтимоий айниш кучайиб, маънавий бузилиш, айшуишратга берилиш ўсиб борди.

3. Рим давлати ҳудудларида яшаётган турли уруғлар, қабилалар, элат ва халқлар ўз худоларига, пайғамбарларига, урф-одатларига сиғинар эдилар. Ғоявий-мафкуравий бирлик бўлмаганлиги ҳам Рим қудорларига халқ устидан сиёсий ва ғоявий ҳукмронлик қилишни тобора қийинлаштирарди. Рим давлати учун ягона худо, ягона пайғамбар, ягона дин асосидаги мафкура зарур эди. Бу аҳвол шаклланиб келаётган христианлик жамоаларига эркинлик бериш, уларда клирларнинг раҳбарликни қўлга олиши, ана шу мақсадни ифодаладиган ақидалар ишлаб чиқишга олиб келди.

Худди ана шу учта тарихий сабабга кўра христианлик нисбатан тезроқ шаклланиб борди, у кўпчилик орасида кенг тарқалди, юқори ва қуйи катламдаги кишилар орасида эътиқод, иймонга айланди. Янги дин юқори табақа учун мазлумлар устидан ҳоким бўлиш йўллари очиқ берди, халқни эса тинчлантирди.

Христианлик ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Унинг фалсафий-мистик назарий асосини яҳудий файласуфи, Александриялик Филоннинг фалсафий таълимоти, Рим стоикларидан

Сенека-нинг фалсафаси ташкил қилади. Христианлик бевосита яхудий миллий диннинг кўп хусусиятларини мерос қилиб олди. Унда қадимги Шарқ динларининг кўпдан-кўп унсурлари қайта ишланган ҳамда ўзлаштирилган. Масалан, қадимги Ҳиндистон-нинг хиндуизм динидаги уч қиёфа билан намоён бўладиган худолар: Брахман, Вишну, Шива христианликдаги уч қиёфали ягона худо (ота худо, муқаддас рух, бола худо) шаклида тасаввур этилган. Христианлик ибодатларида шам ёқиш оташпарастлардаги оловга сиғиниш, авлодлар руҳи-арвоҳига жин чироқ ёқиш одати; тотемизм динидаги тотем ҳисобланган ҳайвонлар гўштини истеъмол қилиш ва у билан қон ва тана орқали янада яқинлашиш расм-русуми; фетишизмдаги айрим предмет ва нарсаларни илоҳийлаштириш эса христианликдаги бутпарастликда яққол намоён бўлади.

Хусусан, файласуф олимлар Сенека билан Филонларнинг фалсафий-ахлоқий қарашларининг христианлик мафкурасини ишлаб чиқишга кўрсатган таъсирига алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Сенека (эр.ав. 4 йилда туғилган ва янги эранинг 65 йилида вафот этган) ўз фалсафасида моддий бойликлар тўплаш, ноз-неъматларни истеъмол қилиш кабиларни бу дунёнинг беҳуда оворагарчиликлари деб эълон қилиб, улардан воз кечишни тарғиб қилади. У бу талабни жонни қутқариб қолиш йўлидаги биринчи қадам деб билди. Дунё, Сенеканинг фикрича, инсониятни келаётган ҳалокатдан қутқариб қолишга қудрати бўлган илоҳий ҳокимга муҳтождир. Филон (эрамиздан аввалги 1 асрнинг охири, янги эранинг биринчи ярмида яшаган) грек-рим фалсафасини яхудий дини билан кўшишга уриниб, худо билан одамлар ўртасида турувчи илоҳий воситачи борлиги ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққан эди. Бу воситачи «Калони худо» бўлиб, у кишиларни тўғри йўлга солиб юбориш ва уларни ҳаммадан қудратли худо билан таништириш учун тангрининг ерга юборган фарзандидир.

Христианлик евангелияларини (ҳадисларини, хушхабар-ларини) ёзган авлиёлар Сенека ва Филоннинг бу ғояларидан фойдаланганлар. XIX асрда Германияда яшаган диншунос олим Б.Бауэр умрининг охиригача мана шу масала билан шуғулланиб келди. У ўз тадқиқотларига яқун ясаб, қуйидаги хулосага келди: «Йил ҳисобимизнинг 40-йилида яшаган Искандариялик яхудий Филон жуда ҳам қариб қолган чоғида Христианликнинг ҳақиқий отаси бўлди, римлик Стоик Сенека эса, христианликнинг амакиси бўлди».

Стоиклар фалсафаси қадимги Грецияда эрамиздан аввалги IV асрдан янги эранинг IV асригача давом этган. Рим империяси даврида стоиклар фалсафаси диний фалсафага айланди. Стоиклар ахлоқ масалаларига кўпроқ эътибор бериб, уни тақдирга ишониш руҳида талқин этдилар. Улар жоннинг танадан ташқарида яшашини, инсоннинг тақдирига тан беришини, зоҳидлик кабиларни ҳимоя қилиб чиқдилар. Стоиклар таълимоти христиан динининг ахлоқини шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Мана шу икки файласуф, яъни Сенека билан Филон таълимотлари асосида шаклланган дастлабки Христианлик ақидаларида одам туғма гуноҳкор эканлиги; ҳайвонларни қурбонлик қилиш йўли билан эмас, балки ўз қалбини худога қурбон қилиш йўли билан тавба қилиш; дунёвий роҳатларнинг ҳаммасига нафрат билан қараб, нафсни тийиш; у дунёдаги яхши турмушга умид қилиш; одам ўлдирмаслик, яқин кишиларига яхшилик қилиш ғоялари шаклланган эди.

Христианликнинг халқ орасида тез тарқалишига Рим давлатининг қўл остида бўлган шарқ мазлум халқларининг диний руҳиятига мос бўлган қадимги Шарқ динларидан фойдаланганлик ҳам тасъир қилди. Масалан, Мисрнинг қадимги Худоси Озирис ўлиб-тирилиш рамзи бўлган деҳқончилик худоси эди. Шу сабабга кўра, Мисрда христианлик тарқалганда хочга тортилиб ўлган, сўнгра қайта тирилган Исо ҳақидаги ақидага Миср халқи тезгина ишонди. Ривоятга кўра, Озирис ўз акаси-ёвузлик худоси Сед билан бўлган урушда ҳалок бўлади. Озириснинг хотини Изида Озирисдан хомиладор бўлган ҳолда вафот қилади. Аммо нариги дунёда Изида қайта тирилиб ўғил туғади, унга Гор деб исм қўяди ва ўз ўғли билан яна бу дунёга қайтиб келади. Гор урушиб Седни енгади ва Озирисни тирилтиради. У бутун дунёда адолатнинг қозисига айланади. Худди шунга

ўхшаб Исо ҳам қайта тирилиб, осмонга чиқиб кетган ва у яна Ер юзига қайтиб келиб минг йиллик адолат ўрнатади, деган ақида христианлар орасида тарғиб қилинади.

Зардўштийликдаги ёруғлик, яхшилик ва ҳаёт худоси Ахурамузданинг ёвузлик, зулмат ва ёмонлик худоси Ахримон устидан ғалаба қилиши; Эронликларнинг ёруғлик худоси Митранинг образи ҳам Рим ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, бу ғоя ҳатто дастлабки даврларда христианликнинг жиддий рақиби бўлган.

Биби Марямнинг Исога ғойибдан ҳомиладор бўлиши ҳақидаги таълимоти ҳам шарқий динлар таъсирида пайдо бўлган. Масалан, Будда, Сурия подшоси Саргос, Миср худоси Гор ва бошқалар ғойибона ҳомила натижасида туғилганликлари ҳақидаги ривоятлар таъсирида Биби Марямда ғойибона ҳомила пайдо бўлиб кейин Ииусис Христос (Исо) туғилган, деган тасаввур вужудга келганлигига ҳеч шубҳа қилинмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, христианлик қурама дин бўлса ҳам, унда ўзига хос бўлган кўпгина хусусиятлар ҳам мавжуд. Янги белги ва хусусиятлар ўша даврдаги бошқа динлардан христианликни юқори туришига олиб келган. Христианликнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардир:

Биринчидан, христианлик Рим империяси ҳудудларида мавжуд бўлган диний-этник тафовутларни бартараф қилган; Иккинчидан, христианлик диний расм-русумларни ва ҳокимлик пиллапояларини йўқ қилганлиги сабабли бу динни қуллар, озод қилинган собиқ қуллар, заминдор колонлар, шаҳар ва қишлоқ камбағаллари ёқтириб қолганлар. Улар худо ва дин олдида юқори табақалар билан тенг бўлганликларидан хурсанд эдилар; Учинчидан, христианлик дастлабки таълимотларида одамларнинг ирқий, миллий, жинсий, ижтимоий, табақавий томонлардан ҳуқуқий тенгсизлик асосида ажратиши қаттиқ танқид қилиниб, демократик руҳга эга бўлган, у «заҳматқаш-ларни» қутқаришга ваъда берганлиги учун, христиан руҳонийлари бу динни энг инсонпарвар дин, деб кенг тарғиб қиладилар. Одатда, Христиан дини Исо инқилоби бўлди, деб ташвикот этилади.

Маълумки, жамият тарихида ҳамма ижтимоий даврларда ҳам кўпчилик кишилар камбағал, кашшоқ, маданиятда ва билимда анча орқада қоладилар ва аксинча, озчиликни ташкил этадиган бой-бадавлат, маданиятли ва билимли кишилар мавжуд бўлади. Христианлик гарчи «христиан маданияти»ни ривожлантирган бўлсада, у дунёвий мазмундаги антик маданиятга нисбатан салбий муносабатда бўлди, черковнинг мистик маданияти руҳида одамларга эстетик тарбия беради.

Христианлик яширин жамоаларига юқори табақа вакиллари ҳам киргандан кейин улар бу жамоаларда раҳбарликни қўлга олдилар. Уларда клирлар, яъни епископ, поп, дьякон, прасвитер - руҳоний отахонлар таъсири кучайиб борди. Дастлабки даврларда Христиан жамоаларида, асосан, камбағал кишилар, хусусан, қуллар кўпчиликни ташкил этган. Клирлар раҳбарлигида ўрмонларда, ташландиқ вайроналарда, айрим хонадонларда яширин ўтказиладиган йиғилишларда ғойибдан самовий ҳалоскор пайғамбарнинг келаётгани тўғри-сида суҳбатлашганлар, муқаддас китобларни ўқиб муҳокама қилиб, изоҳлаш, эҳсоний овқатланиш маросимлари, яъни кечки пайтдаги биргаликда овқатланишлар ўтказиб келинган. Лекин у вақтларда мол-мулкни тўла умумлаштириш, жамоа бўлиб меҳнат қилиш тўғрисида гап бўлмаган. Христиан жамоалари ичида қаттиқ интизом ўрнатилган. Исонинг қайтиб келишини пассив равишда кутиш ва мўмин-қобил бўлиб юриш, бу дунёда адолат ўрнатилиши мумкин эмаслигига, у дунёда эса бахтга эришишга ишонч орта борган сари бу динга ҳукмрон табақалар ҳам ихлос қўйдилар. Бу ўзгаришлар христиан жамоаларини яширин ҳолатдан очик ҳолатга ўтиб фаолият кўрсатишга олиб келди.

Император Константин 313 йили христианларнинг таъқиб қилишни бекор қилди ва 325 йили христианликни Рим империясининг давлат дини даражасига кўтарди. 325 йили Константин бошчилигида Никей шаҳрида христианларнинг 1-жаҳон йиғилиши бўлди. Йиғилиш христиан динининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқди. Худони уч шахснинг (ота худо, муқаддас рух, ўғил худо) бирликда ифодаланиши қабул қилинди. 381 йили

христианларнинг Константинополда бўлиб ўтган 2-жаҳон йиғилишида чўқиниш ва қайта тирилиш ҳақидаги янги ақида қабул қилинди.

Христианлик давлат дини бўлгач унга жуда кўп ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди. Жумладан, барча шаҳар ва қишлоқларда руҳонийлар «руҳоний оталар» сифатида халққа христианлик хизматини ўтказиш, диний маросимларга раҳбарлик қилиш, диний таълим бериш, тарғибот қилиш, халқ устидан маънавий назорат ўрнатиш, черков мол-мулкани, тушган хайр-эҳсонларни тасарруф қилиш, ўз шахсий бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқларига эга бўлдилар. Мамалакатда черков, монастыр, костёл каби диний ташкилотлар учун ҳашаматли бинолар қурилди. Улар қўнғироқлар, хайкаллар, иконалар, бутлар, минбарлар, диний адабиётлар, биодат буюмлари, предметлари билан безатилди, мусиқа асбоблари, муножот кўшиқлар айтадиган хор жамоалари юзага келтирилди. Диний мактабларда, монастырларда кўплаб руҳоний роҳиблар ва роҳибалар бўлиб, уларда ер майдонлари, ҳунармандчилик, тўқимачилик цехлари вужудга келтирилди. Диний ташкилотлар обрўси ортиб бориб турли лавозимлар (масалан Рим папаси, кардинал, патриарх, аббат, архиепископ, поп, епископ кабилар вужудга келди. Ҳатто ўрта асрларда католик диний ташкилотлари маҳаллий ҳокимларга бўйсунмаслик даражасига етиб борди. Оила-никоҳ, ажралиш, судлов ишлари ҳам аста-секин диний ташкилотлар ихтиёрига ўтиб кетди. Масалан, Рим папаси Ғарбий Европадаги давлатларнинг ички ишларига католик черковлари воситасида аралашарди. Аббатликлар эса Рим папасининг ана шу давлатлар ичидаги таянчи бўлиб қолди. Дин мустақил маънавий кучга айланиб, одамлар фикри ва руҳияти устидан ҳоким бўлиб қолди.

Библия (Инжил) мудаизм ва Христианлик динларининг умумий муқаддас манбаи ҳисобланади. Библиянинг эрамиздан аввалги даврларда яратилган қисми Таврот бўлиб, уни «Қадимий аҳд» дейилади. У яхудий миллий динини асослаб берган эди.

Библиянинг «Янги аҳд» деган қисми христианликни асослаб берган муқаддас манбаи ҳисобланади. «Янги аҳд» инжилномалар тўплами бўлиб, уларни Исонинг апостоллари (яқин ёрдамчилари) Матфей, Марк, Луко ва Иоанн, шунингдек, яна 21 та инжилномаларини бошқа авлиёлар ёзишган, деган маълумотлар сақланиб қолган. Ушбу инжил номалари асосида Иоанн Богословнинг «Ваҳийнома»си яратилган. Уни илмий ўрганилганда христианликка оид инжил номалари яхудий диний адабиётига, черков қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган Мусо, Ёноҳ, Ездра ва бошқаларнинг ваҳийномаларига бевосита ўхшашлиги исботланган. Бироқ христиан илоҳиётчилари «Янги аҳд»ни худо Исога юборган деб ҳисоблаб, Инжил номаларини христианликнинг турли оқимлари манфаат-мақсадларига мослаб турли даврларда турли муаллифлар томонидан ёзилганлигини инкор этадилар.

Христианликнинг биринчи ёзма ёдгорлиги тахминан эрамизнинг 68-йили иккинчи ярми ва 69-йили биринчи ярмида ёзилган Апокалипсис (Иоанн Богословнинг «Ваҳийномаси») эди. Христианлик яхудий динидан ажралиб, ундан тобора узоқ-лашиб, Рим империясидаги турли миллатлар орасида ёйила-верди. Бу жараён апостоллар (саҳобалар)нинг номаларида ўз ифодасини топган. Уларни апостоллардан Пётр, Иуда, Иоанн, Иаков ва Павел ёзган деб тахмин қилинган. Инжилномалар текширилганда, улардан баъзилари ибодат дуолари тўплами бўлса, баъзилари эса христиан ахлоқ-одобига бағишланганлиги аниқланган. Бу номалар I асрда ва II асрнинг 30-40 йилла-рида пайдо бўлган. Мазкур номаларда христианлик яхудий динидан фарқ қилиши, бу фарқ христианлик черкови ва бошқа ташкилотларнинг вазифалари хусусидаги фикрлардан ҳам сезилиб туради. Бу номаларда ғойибдан ҳомиладор бўлган Биби Марямдан туғилган ва хочга тортилиб қатл этилган одам қиёфасидаги худо Ииусис Христос тўғрисида маълумотлар бор. Исо Қуддус, кана, Кафарнаҳум, Байтлахм, Носира шаҳар-ларида ваъз айтган. Иордан (Ўрдун) дарёсида чўқинтирилган. Жалила (Генисарет) кўли бўйида ҳалойиққа панд-насихат қилганлиги тўғрисида Инжилда ёзилган. (Қаранг: Инжил. Туркия. Муқаддас китоб жамияти 1995 й 25-30 бетлар).

Эрамизнинг II-III асрларида христианликнинг турли жамоаларида бир неча ўнлаб турли инжиллар мавжуд бўлган. Кейинги рухонийлар Рим империясида христианлик ҳукмрон динга айланган босқич учун энг мақбул бўлганларини, ўз ижтимоий дастурларига тўғри келадиганларидан 4 тасини танлаб олганлар. Инжилларни танлаб олинганда Рим тарихи, ҳукуқи, турмуши, географиясини, урф-одатларини яхши ҳисобга олинганлиги кейинчалик маълум бўлган. Шунинг учун инжиллар бир неча марта қайта ишланган. Рим давлати талабларига мослаштирилган. Черков пиллапоёлари ташкил топгандан кейин Исо қатл қилиб ўлдирилган ва у қайта тирилиб осмонга чиқиб кетгандан кейин III аср бошларида «Янги аҳд» нинг сўнгги китоблари - Авлиё апостолларнинг амаллари ёзилган. Унда апостолларнинг олий рухонийлик амали бўлган епископлик ва бошқа рухонийлик унвонларини бевосита Исонинг ўзи уларга инъом қилганлиги ҳақида кўп гапирилган. Шундай қилиб «Янги аҳд» эрамизнинг I-IV асрларида вужудга келтирилиб, христианликнинг муқаддас манбаи сифатида қабул қилинган.

Иисус Христос тўғрисидаги ривоятлар ундаги эътиқод, ишонч христианликдаги асосий таълимот дейиш мумкин. 1948 йилда Ўлик денгиз яқинидаги фаластин маркази Хирбет Қумран ғорларидан тасодифан топиб олинган ҳужжатларга асосан Исо тарихий шахслиги тўғрисида газеталарда шов-шувга сабаб бўлган мақолалар эълон қилинди. «Қумрон қўлёзмала-ри» деб аталган бу ҳужжатлар христианлик тарихига қизиқиш-ни кучайтириши аниқ эди.

Исо Исроил фарзандларига (қадимги яҳудийлар ўзларини шундай деб атаганлар) худо томонидан юборилган пайғамбар бўлиб, Илоҳий ҳалоскор мессия («машиах» деган қадимги яҳудийча сўздан олинган бўлиб, «Помазонник», яъни илоҳий ҳалоскор, худонинг вакили демакдир) тез орада келишини аллақачон башорат қилганлар. Айтишларича, у инсониятни барча гуноҳлардан ҳалос этиш ва ўз жонини қурбон қилиб бошқаларнинг гуноҳини ювиши керак экан. У ёвузларни ва адолатсиз кишиларни жазолайди, одамларга янги қонунлар беради. Ер юзида роҳат-фароғат, адолат ўрнатади. Қудратли мессия сеvimли Исроил халқига бош бўлиб, уни ташқаридан келган римлик истилочилардан озод қилади, деб тасаввур этилган.

Инжил ривоятларига кўра, яҳудиянинг Назарет вилоятидаги Вифлеем шаҳрида яшайдиган яҳудий Юсуф (Иосиф) фаришта Жаброил томонидан «муқаддас рух»дан унинг хотини Биби Марям бўлажак пайғамбар Исони туғиши ҳақида олдиндан огоҳлантирилган. Марям олдиға муқаддас рух келади. Ундан Исо туғилади. Исони онаси Марям Вифлеем шаҳри яқинидаги ғорда туғади.

Яҳудиянинг подшоси Исонинг туғилганидан хабардор бўлган. Ўша вақтдаги подшо Ирод Вифлеемда туғилган барча гўдақларни ўлдиришга фармон берган. Бироқ, худо томонидан юборилган фаришта Исони, онасини ва барча Юсуф оиласини Ироддан яшириб Мисрга яширин ҳолда ўтказиб юбориб қутқариб қолади. Шундан кейин Исони ҳеч ким кўрмайди ва фақат 30 ёшга киргандан кейингина Исо халққа кўриниш беради. Шундан бошлаб, Исо ўз тарғиботчилик фаолиятини бошлайди. У бир қанча содик шогирдларини-апостолларни ўз ёнига олиб, улар билан бирга янги динни тарғиб қилиш учун бутун мамлакат бўйлаб сафарга чиқади. Худди шу вақтда апостол Иоанн ҳалоскорнинг келганлиги тўғрисида хабар тарқатади. Исо ва унинг шогирдлари Иордан дарёси яқинида Иоанн билан учрашиб қоладилар. Иоанн уларни Иоардан дарёси сувида ювинтириб, чўқинтиради. Иоанн Исони чўқинтираётган пайтда осмондан нидо келиб: «бу менинг севикли ўғлим, менинг илтифотим ана шунда», деган овоз эшитилган эмиш. Бу тўғрида апостол Матфей ёзган инжилнинг 3-сура, 17-оятда ёзилган.

Исо ўз фаолиятида мўъжизалар кўрсатган: жумладан, у ўликни тирилтирган, кўрларни, майиб-мажруҳларни даволаган, жиннилардан инс-жинсларни ҳайдаб чиқарган, қутириб тўлқинланиб турган Тевериадия кўли тўлқинларини устидан чўкиб кетмасдан юриб келган. Исо ўз сафдошлари билан ҳамма жойда қохинлар қўллаб-қувватлаб турган Исроил давлат дини иудаизмни қаттиқ танқид қилиб юрганлар. Рассомлар Исонинг елкасига қизил елкапўш-плашч ёпинган, яланг оёқ, сочлари ўсиб елкасига тушган ҳолда

биринчи марта халққа кўриниш беришини, кўл устидан келаётганини, унинг онаси кўлида турган гўдаклигини, Мисрга от миниб қочиб кетаётган Марям ва боласининг расмларини ишлаганлар. Ҳайкалтарошлар эса Исонинг хочга михлаб ўлдирилаётган пайтдаги азобланиб турган ҳолатини ишлаганлар. Бу расм ва ҳайкаллар кўпгина черков ва монастырларда, китоб ва журналларда, иконаларда ифодаланган. Бу нарсалар фетишизмга айланиб, музейларда намойиш этилган.

Исо дастлабки вақтларда иудаизм динининг инсон ҳаётини чулғаб олган кўпдан-кўп (600 га яқин) чеклашларини ва амалларини қатъий равишда бажаришни худога кераги йўқ, улар ўрнига худога самимий ва астойдил эътиқод қилинса бас, деб тарғибот юргизган. Инжилда Исони беозорлик, кечирувчанлик, яқин кишиларни севиш, мўминлик тимсоли этиб тасвирланган. Инжилда тасвирланишича, худо ўғли камбағал дехқон, дурадгор қиёфасида, ўз қабиладошларининг нафрат, таъқиб ва қувғинига учраган, бу қийинчиликларга чидаб, бардош берган, руҳоний ва қоҳинлар ҳақоратига индамасдан кетаверган; ювош, қул либосида гавдаланиб, худога энг яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлган тимсол сифатида ёқиб қолган, барча христианларни ундан ўрناق олишга даъват қилинади.

Исо айтган асосий ғоялар: тез орада худонинг салтанати бошланади, у ҳамма одамларга эмас. Фақат Исонинг илоҳийлигига ишонадиган, уни худонинг ўғли эканлигини тан оладиган ва ҳамма нарсаларда унинг кўрсатмаларига амал қиладиган кишиларгагина насиб бўлади, деганлар. Худонинг адолатли жамиятида яшаш энг аввал машаққат чекканларга, мазлумларга ва «заҳматқашлар»га худонинг инъомидир. Исо тепаликда туриб: «Мўминлар масъуддирлар, чунки уларнинг жойи жаннатдадир. Йиғлаганлар масъуддирлар, чунки таскин топадилар. Ювош кишилар масъуддирлар, чунки улар ерни мерос оладилар», деб ваъзхонлик қилган. Бу Матфей Инжилнинг 5-сурасидаги 3-5 оятларида келтирилган.

Исо ўзининг ўша вазъхонлигида яна маънавий ва моддий қашшоқликни, меҳнатқашларнинг итоаткор бўлишини, жан-натда роҳат-фароғатда яшашининг асосий шарти, деб эълон қилиб, улардан қуйидагиларни талаб қилган: душманларин-ғизни севингиз, сизларни лаънатловчиларни дуо қилингиз, сизларга нафрат билан қаровчиларга хайр-эҳсон қилингиз, сизларни ранжитувчилар ва қувғин қилувчилар учун ибодат қилингиз. Бу ҳақда Матфей Инжилнинг 5-сура, 41-оятда хабар берилган. Бу кўрсатмалар христианликнинг ижтимоий ва ахлоқий таълимотларидир. Исо бойлар бу дунёда роҳат қилсалар ҳам, у дунёда қилмишларига жавоб берадилар, бойларнинг жаннатга тушишлари игнанинг тешигидан туяни ўтиши билан барабар, деб таълим берган. Бундан хайр-эҳсонли бой-бадавлат кишилар истиснодир.

Исо ҳамма одамлар худо олдида тенг, деб эълон қилган, лекин у ҳокимлик ҳуқуқини худо берган бўлиб, Давлат ҳукмига, маҳаллий ҳокимлар амрига бўсуниш худо амрини бажаришдир, деган.

Исо уч йил давомида тарғибот олиб борган. Лекин Яҳудия ҳокими Понтий Пилат Исони тутиб берган кишига 200 тилла пул беражагини эълон қилгач, Исонинг энг яқин апостоли Иуда сотқинлик қилиб, уни тутиб берган. Понтий Пилат ва яҳудий руҳонийлари Қуддус шаҳрида Исони суд қилиб хочга михлаб ўлдиришга ҳукм қилганлар. Ҳукм Голгофа тоғида қийнаб ўлдириш орқали ижро этилган.

Шу тариқа ўз жонини қурбон қилган Исо уч кундан кейин мўъжиза билан қайта тирилган, у яна 50 кун даъват-тарғибот олиб боргач, отаси худо олдида осмонга чиқиб кетган, у қиёмат куни қайтиб келади, деб тасаввур қилинади.

Лекин Ииусис Христос (Исо) тарихий шахсми ёки афсонавий шахсми - бу муаммо ҳозиргача узил-кесил хал қилингани йўқ.

Аввалги мавзуларда айтиб ўтилганидек, ақидалар дин ти-зимида энг муҳим фалсафий-назарий таълимотлар сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Диний тасаввурлар, тушунчалар, диний дунёқарашдаги назарий ғоялар ана шу ақидаларда ифода қилинади.

Христианлик ақидалари ҳам бундан истисно эмас, албатта. Христианлик диний таълимотининг воқеликни сирли, илоҳий қилиб тасвирловчи асосий ақидалари бир неча асрлар давомида таркиб топган.

Бу ақидалар қуйидагилардир:

1-ақида: Христианликнинг иймон калимасига кўра диндорлар - ота худо, ўғил худо ва муқаддас рух («муқаддас учлик») бўлиб гавдаланадиган ягона худога эътиқод қиладилар. Демак, христианлик монотеистик дин эканлиги шу ақидадан маълумдир. Ота худо кўриниб турган олам (фариш-та)ларни яратган, деб ҳисобланади. Исо унинг инжилдаги «таржимаи ҳоли» билан бирликда Ўғил худо ҳисобланади. Муқаддас рух-православиеда ота худодан, католиклар эса ҳам ота-худодан, ҳам Ўғил худодан келиб чиққан, деб ҳисобланади.

2-ақида: Христианлик учун энг муҳим ақидавий ғоя худонинг гавдаланиш ақидаси бўлиб, унга биноан Исо худолигича қолган ҳолда, гўё Мария исмли қиздан (Биби Марям онадан) туғилган пайғамбар деб эълон этилади. Бу ақида Исога мансуб деб ҳисобланадиган барча инжил панд-насихатларга «илоҳий ҳақиқат»ларга хос ҳурматни кучайти-ришга хизмат қилади.

3-ақида: Гуноҳни ювиш ақидасига катта ўрин берилган, бунга асосан Исо бутга михланиб тортган азоблари ва ўлими билан ўзини одамларнинг гуноҳлари касрига ота худога қурбон қилган ва шу тариқа бу гуноҳларни ювган Бу билан у гўё одамзоддаги «гуноҳ ҳукмронлигидан халос бўлиш» йўлини очиб берган.

4-ақида: Исонинг қайта тирилиши ақидаси христиан диний таълимотида марказий ўрин эгаллайди. Бу тирилиш келгусида одамларнинг ҳаммаси тирилишининг (ислом динидаги охират-қиёматдаги одамларни тирилиши каби) гарови деб таъкидланган.

5-ақида: Осмонга чиқиб тушиш (Исломда меърож) ақидаси христианларни Исо тирилгандан сўнг осмонга, Ота худо ҳузурига чиққанлигига ишониш. Мазкур ақида орқали ердаги ҳаёт одамни охиратда кутадиган мангуликка нисбатан ҳеч нарсага арзимаиди, деган ишонч уқтирилди.

6-ақида: Христианликнинг «худо олдида ҳамма одам тенгдир», деган бу ақидаси ижтимоий тенгсизликни бекор қила олмаган тасаввурдагина барчаги тенглик ҳуқуқини берган эди. Бу тенглик охиратда амалга ошишини кутишга диндорлар даъват этилган.

Христианлик барча одамларнинг биринчи гуноҳ қилиш тенглигини эътироф қилади. Тўғри, христианликда мулкий тенглик ва умумийлик тўғрисида фикрлар бўлган, аммо оддий диндор меҳнаткашлар ва қуллар билан табақа вакиллари бўлган диндорлар орасида қарама-қаршилик келтириб чиқарган ана шу тенглик ғоялари инжилномаларда йўқ бўлиб кетган.

Христианлик ақидалари Таврот асосида яратилган. Ота-худо бутун оламни ва одамларни яратиши тўғрисидаги ақида ҳам Тавротнинг «Ҳаёт» деб аталган биринчи китобидан олинган.

«Ҳаёт» да дунёни яратилиши ҳақида шундай дейилган:

«Дастлаб худо осмон ва ерни яратди. Ер кўринмас ва бўм-бўш эди, унинг усти чексиз ва қоронғи эди. Ва худонинг руҳи сувга тушди. Шундан кейин худо ёруғликни яратган ва уни зулматдан ажратган. Шу билан бирга яратишнинг биринчи куни йўқликдан самовий заминни, ер қитъаларини, денгизларни, тоғларни, осмон ёриткичларини, Қуёш, Ой, сайёраларни, юлдузларни яратган.

Шундан кейин худо ўсимликларни, ҳайвонларни яратган, ниҳоят, яратишнинг сўнгги олтинчи кунида у одамни бунёд этган. Ва худо одамни ўз қиёфасида яратган. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди». (Ҳаёт, 1-сура, 21-оят)

Бу йўқдан бор қилиб яратиш вақтида кўплаб чалкашликлар мавжуд. Масалан: «Ҳаёт» китобидаги 1-сурада эркак ва аёл бир вақтда яратилган дейилган. 2-сурада эса аввал эркак, кейин унинг қовурғасидан аёл яратилган, дейилади. Адам ва Ева дастлабки одамлар бўлиб, улар жаннатда яшашган, лекин шайтоннинг гапига кириб жаннат тартибини бузиб (улар манъ қилинган билим дарахти мевасини истеъмол қилишган),

ундан ҳайдалганлар - биринчи гуноҳ юз берган. Шундан кейин улардан тарқалган барча одамлар туғма гуноҳ билан дунёга келганлар, деган ғоя олға сурилади. Чўқинтириш маросимида муқаддас сувда ана шу гуноҳни ювиб ташланади. Дин пешволари оламни яратишдаги ҳар бир кун миллион-миллион йилларга тенг бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа динлар каби христианликда ҳам кўпгина маросим ва байрамлар мавжуд. Диндорлар ҳаёти ва турмушида, диний ташкилотлар иш фаолиятида христианлик маросимлари ва байрамларининг кўпи тантана, шодлик, хурсандчилик кунлари бўлса, айримлари совук, ғамгинлик, марсиявий ҳолатлар ҳисобланади. Маросимлар ибодат, сиғиниш, руҳий покланиш мазмунига эга бўлиши билан ажралиб туради.

Ибодат қилиш вақтидаги диний сирли ҳолатдаги вазият, черковнинг тантанали ва сирли беазаги, мусика, муножот, кўнғироқ овози, ёниб турган шам ва мой чироқлари, худога мадҳиялар, олтин суви берилган ёрқин ризолар, бутлар, деворга ишланган суратлар ва скульптура, руҳонийларнинг сиғиниш буюмлари ва ибодат қилувчиларнинг ўзлари устидан қиладиган сеҳрли ирим-сиримлари - буларнинг ҳаммаси диндорлар руҳиятига, қаттиқ таъсир қилиб уларни маҳзун ҳолатга солади, иродасини букиб, яратган худога эътиқодини кучайтиради, эмоцияни оширади, сирли ва сеҳрли «у дунё»нинг лаззатлари тасаввурини яққолроқ намоён қилади. Маросимлар ҳар қандай диннинг энг актив элементи бўлиб, улар кишилар руҳий ҳаётида қаттиқ ўрнашиб қолади.

Маросим ва байрамлар: а) диндорларни ҳамкорлик руҳида тарбиялайди; б) диндорлар орасида тартиб-интизомни мустаҳкамлайди; в) диндорларнинг вақти, моддий ҳаракат-ларини талаб қилади; г) диндорлар иймон ва эътиқодини кучайтиради; д) улар миллий ва байналминал маданиятнинг бир қисмига айланиб, умуминсоний қадриятларни кучайтиради. Бу хусусиятларнинг барчаси христианлик маросим ва байрамларида ҳам тўла амал қилади.

Христианлик маросимлари асрлар мобайнида аста-секин шаклланиб борган, улар қуйидагилардир: чўқинтириш, причащение (нон ва вино истеъмол қилиш), миропомазание (черковларда чақалоқни чўқинтиргандан кейин хушбўй мой сурқаш), елосвящение (соборга олиб келиш), никоҳ (гулчам-бар кийдириш, никоҳ узуги тақиш кабилар), тавба қилиш (гуноҳларига пушаймон бўлиш), руҳонийликка қабул қилиш, Пасха, рождество Христово, троица байрамлари. Христианлик маросимларини таинстволар деб аталади. Бу маросим ва байрамлар барча христиан йўналишларида мавжуд, фақат уларни шакли ва вақти турлича холос.

Чўқинтириш маросими христиан динининг энг муҳим ва асосий маросимидир. Бу маросим черковда ўтказилади. Маросимнинг асосий моҳияти туғма гуноҳдан болани халос қилиш, уни христианликка доҳил қилиш, унга христианча исм қўйиш, уни черков қавмига, яъни аҳоли рўйхатига ёзиб қўйишдир.

Маросим ўтказиш учун янги туғилган болани черковга олиб келишади. Бу ерда руҳоний унинг юзига қарата уч марта куф-суфлайди, дажжолларга қарши афсун ўқийди. Шайтондан юз ўгиришга, уни пуфлашга ва унга туфлатишга чакиради. Бу ишларнинг ҳаммасини чақалоқ номидан чўқинтираётган эркак ёки аёл, яъни чақалоқни «чўқинтираётган отаси ёки онаси» бажо келтиради. Шундан кейин поп чақалоқни уч марта сувга ботириб олади, чақалоққа зайтун ёғи суртайди, унинг бошидан бир тутам сочини кесади ва болага исм қўйиб беради. Ривоятга кўра Исо пайғамбарни Йордан дарёсида авлиё Иоанн Чўқинтирувчи чўқинтирган.

Чўқинтириш маросими қадимги Ҳиндистон, Рим, Миср, Кичик осие ва бошқа давлатлар худудларида яшаган халқлар орасида ҳам мавжуд бўлган. Христианликда чўқинтириш маросими янги эранинг 1-асри охирида пайдо бўлган. Би-ринчи христиан жаҳон соборининг (4-аср) қарорига муво-фик, бу маросим ҳар бир христиан учун мажбурий деб топилган ва «эътиқод симболи»га киритилган. Шу вақтдан бошлаб «чўқинтирилган» сўзи «христиан» деган сўз билан тенг маъно касб этган. Христианлар бошқа диндаги ҳамма кишиларни «чўқин-маганлар» («Исони танимаганлар») деб атай бошлаганлар.

Никоҳ маросими ҳам черковда ўтказилади. Бу маросим оила қуриш маросимидир. Черковда ўтказилган никоҳ христиан оиласининг қонуний асоси ҳисобланади. Никоҳ пайтида поп келин-куёвга оқ фотиҳа беради, уларни қўша қариб, ували-жували бўлишини худодан тилайди, келин-куёвга шоҳона жиға тақади, уларга ёниб турган шамни ушлаб туришни буюради. Уларнинг юзларига крест билан соя солади, исирик-бухур тутатади (ёки исирикқа ўхшаш хушбўй хид тутуни солади). Келин билан куёв бир-бирларининг бармоқ-ларига никоҳ узуги тақишади, поп уларни бир-бирига вафодор, ғамхўр, иттифок бўлиб яшаб, турмуш кечиришга даъват қилади. Оилани бузиш, ажралиш ҳам черков руҳсати билангина бўлади.

Тавба қилиш маросими ҳам черковда бўлади. Тавба қилишда гуноҳ қилиб қўйган ҳар бир христиан ўз гуноҳидан пушаймон бўлади. У гуноҳини кечиришни худодан сўраб беришни попдан илтимос қилади. Тавба қиладиган шахс попга ҳеч бир гувоҳсиз, у билан юзма-юз, тиз чўккан ҳолда ўзининг ҳамма гуноҳларини батафсил сўзлаб беради. «Бузук ниятлар»дан қаттиқ пушаймон бўлиб тавба қилади. Поп гуноҳкорга насиҳат қилиб, уни тўғри йўлга солади ва «муқаддас руҳнинг кучи» билан уни гуноҳларидан пок қилади. Шу хизмати учун черковга гуноҳкор шахс ҳақ тўлайди. Поп эса унга «гуноҳдан пок бўлганлиги» ҳақидаги индульгенция ёрлиғини беради. Бу маросим диндорларни ҳалол яшашга чорласа, черковнинг эса диндор устидан назорат қилиб туришига кенг имконият яратиб беради.

Причащение маросими христиан динининг асосий маросимларидан бири ҳисобланади. Бу маросимни гўёки Исонинг ўзи тайин қилган эмиш. Причащение маросимидаги асосий мазмун шуки, нон билан винони сирли равишда диндорлар биргаликда истеъмол қилади, бунда нонни Исонинг гўшти, винони эса унинг қони деб тасаввур қилинади. Исога янада яқинлашиш учун, у билан бир тан, бир жон бўлиб кетиш учун шу маросим ўтказилади. Машҳур руҳоний ва файласуф олим ўрта асрларда яшаган Фома Аквинский, Причащение-нинг ҳар бир заррасида Исо бордир, деб таълимот беради. Христианликнинг причащение маросими қадимги замон-лардаги тотемизм динидаги тотем-ҳайвонни қурбон қилиб, унинг «муқаддас» қони ва гўштини истеъмол қилиш мароси-мининг янги шаклидан бошқа нарса эмас.

Христианликда яна дафн маросими, бутларга, хочларга, авлиёлар жасадига, муқаддас жойларга, айрим иконаларга сиғиниш маросим-одатлари ҳам бор.

Христианлик байрамлари, яъни энг муҳим диний воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ бўлган алоҳида кунлар, барча христианлар учун байрам тантаналари мавжуд. Черковлар байрамларга жиддий ва катта эътибор бериб келаётир.

Исо пайғамбар туғилган куни (рождество) байрами черков ҳаёти ва диндорларнинг турмушида кўзга кўринарли ўринда турадиган, миллионлаб кишиларнинг тантанали байрамларидан ҳисобланади. Черков таълимотига кўра бу байрамни худо Исо шарафига бағишлаб байрам қилишни тавсия этган. Католик руҳонийси ва олими Дионисий кичкинанинг мўлжалига кўра Рим шаҳрига асос солинганига эраמידан аввалги 754-йилдан бошланган. Исо туғилган кунни мисрликлар 6 январда нишонлаганлар. Рождество байрами олдидан диндорлар уйларидаги барча нарсаларни ювадилар, полларини артиб чиқадилар, устки кийимларни қоқадилар, ҳаммомда чўмиладилар, тоза кийимларни киядилар. Италияда рождество куни уйларида эски кийимларни, нарсаларни, буюмларни кўчага ирғитиб юборадилар, шу қутлуғ байрамда ҳатто урушлар тўхтатилган. Айрим аразлашиб юрган кишилар ярашганлар, беморлар ҳолидан хабар олиб, уларга совғлар беришган. Исо инсониятни гуноҳидан озод қилиш учун ўз жонини фидо қилиш, ер юзида адолат ўрнатиш учун туғилган деб тасаввур қилинади ва унинг туғилган куни байрам қили-нади. Кўпгина давлатларда рождество куни президентлар ўз халқига мактуб йўллаб, байрам билан табриклайдилар. Рим папаси бутун христианларни табриклаб, уларни тинч-тотув яшашини, ҳар бир оилада бахт-саодат бўлишини тилайди. Халқ ўйнаб-яйрайди, бу уларнинг ҳақиқий байрами ҳисобланади. Ҳозирги вақтда мусулмон давлатларидаги дин

бошқармалари бошлиқлари ҳам (Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари диний хайъати раиси, муфтийси) христиан дини пешволарига табрик-лар йўлламоқдалар.

Пасха байрами христианларда айниқса катта тантана билан ўтадиган байрамдир. Пасхадан олдин эҳтиросли ҳафта деб аталган ҳафта келади, бу ҳафта давомида диндорлар рўза тутадилар, зўр бериб ибодат қиладилар. Бу ҳафта охири худога эҳтиросли, мунгли мурожаат оҳангида ибодат қилиш билан якунланади. Ундан кейин пасха байрами бошланади. Қувончли ҳафта деб аталган бу ҳафта давомида байрам кун-лари руҳонийлар ва черков учун «иш» кунлари бўлиб, улар диндорларга ҳалоскорлик ғояларини, пасха байрами қандай келиб чиққанлигини тушунтириб берадилар. Улар пасха ва эҳтиросли ҳафта инсоннинг машаққат чекканлиги, ўлими ва қайта тирилишини хотирлаш учун белгиланган деб ҳисоблайди-лар. Қадимги ўлиб тирилишга, ўладиган танаю, ўлмайдиган жон (рух) га ишониш тўғрисидаги апима-анимизм динини таъсири ва шу дин асосида пайдо бўлган мисрликлардаги Озирис, финикияликлардаги Адсоинс, фиригияликлардаги Аттис, греклардаги Дионис каби ўлиб тириладиган худолар, улар билан боғлиқ байраму урф-одатлар, турли ривоятлар асосида инсоннинг ҳам ўлиши ва қайта тирилиши, унинг ўз умматларининг гуноҳларидан поклаш учун чеккан азобию машаққатлари тўғрисидаги тасаввурлар ҳамда уни таърифлаш, хотирлашга бағишланган байрам келиб чиққан.

Христанлар бу байрамнинг «пасха» деган номини яҳудийлардан олганлар. Чунки, қадимги човадор яҳудийлар баҳор байрамини «Песах» деб аташар эди, унда ёвуз руҳларнинг раҳмини келтириш учун биринчи туғилган кўзичоқни сўйиб, қурбонлик маросими ўтказишар эди. «Песах» деган яҳудийча (Иврит тили) сўзнинг маъноси «Раҳмини келтириш» маъносини билдиради. Кўзичоқ ўрнига ўзини қурбон қилган Исонинг чеккан азобларини хотирлаб пасхадан аввалги «эҳтиросли ҳафта» ўтказилган.

Пасха байрами ҳалоскор Исонинг тирилишини тилаб, тантанали ибодат ўқиш билан бошланади. Пасха вақтида поплар черков минбарларидан туриб, тантана билан: «Бир-биримизни кучоқлаб, ўпишайлик, бизни ёмон кўрадиганларни кечирайлик»,-деб хитоб қиладилар. Исони қайта тирилиб қайтиб келиши эса барча вафот этган христианларнинг қайта тирилиши ва аршу аълода боқий ҳаёт кечирилишининг асосий шарти ҳисобланади. Пасха байрами салб юришлари, диндорларнинг тантанавор намоёишкорона кўчалардан ўтиши барчанинг руҳан шодлиги, ўйин кулгилари, жамоанинг зиёфатлари билан ўтадиган ҳақиқий байрамидир.

Рождество, пасха байрамлари христиан байрамлари бўлсада, бу байрамлар христианликдаги турли йўналиш ва секталарга маҳаллий анъаналар, қадимги миллий динлардаги байрамлар билан уйғун равишда ва қўшилган ҳолда вақти, айрим шакллари жиҳатидан фарқ қилган ҳолда ўтказилади.

Бир бутун дин бўлган христианлик турли тарихий шарт-шароитлар, бу диннинг маҳаллий ҳукмдорлар манфаатларига, кулдорлик, феодализм ва капитализм тузумлари шароитига мослаштиришга қилинган ҳаракатлар туфайли турли йўналиш-лару секталарга бўлиниб кетган. Ички инқироз ва ташқи ҳужумлар натижасида (герман қабилалари) Рим империяси 3-4 асрларда Ғарбий ва Шарқий қисмларининг ажралиб кетишига олиб келди. Рим империясининг Ғарбий қисмида майда мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улардаги сиёсий ҳокимиятга нисбатан черковлар ҳукмронлиги устунроқ бўлиб, уларнинг Рим шаҳрида жойлашган бош черковга тобеълиги сақланиб қолди. Лекин Шарқий вилоятлар Византия империя-си тизимида ягона давлат бўлиб, давлат сиёсий ҳокимиятига бўйсинарди. 1054 йилда Византия худудидаги черковлар Рим марказий черковидан ажралиб кетди. Шу тариқа христианлик икки йўналишга - католиклар ва православие йўналишларига бўлинди.

16-асрда буржуа синфи ва капитализм тузуми манфаатларига мос келадиган яна бир янги йўналиш - протестантизм вужудга келди. Булардан ташқари ана шу йўналишлар ичида христиан уюшмалари, жамоалари, яъни секталари ҳам пайдо бўлди.

КАТОЛИЦИЗМ (Католик) йўналиши. Католицизм христианликдаги энг кенг тарқалган йўналиш бўлиб, бу йўналишга 800 миллионга яқин киши сиғинади. Католицизм

(грекча - католикос деган сўздан олинган, ўзбекча маъноси - умумий, бутун дунё черковларига оид, деган мазмунга эгадир) йўналишидаги диндорлар дастлабки вақтда Мисрдаги Александрия архимандратини тан олган монофизит-лар деб аталарди.

Католицизм йўналишида барча диний маросимларни бажариш, дуоларни ўқиш, Библия («Янги аҳд») матнини ўқиш лотин тилида олиб борилади. Лотин тили қадимги Рим Лотикия аҳолиси гаплашадиган тил бўлиб, у лотикия қабиласининг тили эди. Рим аҳолиси Тибр, Аниен дарёлари, Апенин тоғ тизмалари ва Тиррен денгизи ўртасидаги водийда яшовчи лотик қабиласига мансуб эди. Ҳозир лотин тили «Ўлик» тил ҳисобланади, аммо лотин алфавити аксарият Европа, Америка, Австралия ва бошқа китъаларда яшайдиган аҳоли грамматикасига асос бўлган. У тиббиёт, математика, кимё, физика каби фанларда символлик белги сифатида ишлатилади. Ўзбекистон республикасида ҳам лотин алифбосига ўтиш бошланди.

1962 йилда 2-Ватикан собори диний ишларни миллий тилларда олиб боришга рухсат берган, аммо лотин тилида олиб бориш ҳамон давом этаётир.

Католицизм йўналиши тарихи IV-XX асрларни ташкил қилиб, деярли 16 асрдан буён мавжуддир. Бу давр мобайнида католицизм ақида ва маросимлари, руҳоний ва черковлари қулдорлик, феодализм ва капитализм жамиятлари учун бажонидил хизмат қилиб келаётир. Христианликнинг бу йўналиши замона руҳига, ўзгарган тарихий шарт-шароитларига усталик билан мослашиб яшамоқда. Католицизмнинг аҳолини турли қатламлари, синфлари ва тоифлари орасида таъсири катта.

Католицизм марказдан бошқарилади. Рим шаҳрида Ватикан ва Рим папаси барча католик черковларга раҳбарлик қилади.

Католицизмнинг ақидалари:

1) Католиклар илоҳиётида (ақидалар) илоҳий троицага: ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳга эътиқод қиладилар. Католиклар «муқаддас руҳ», «ота ва ўғил» худодан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар.

2) Католиклар муқаддас китобни, яъни Тавротни ва муқаддас ривоят ёки анъаналарни диний таълимот манбаи, деб ҳисоблайдилар. Католик черкови фақат лотин тилида ёзилган Тавротни эътироф қилади. Тавротни фақат руҳонийларгина изоҳлаши ва шарҳлаши мумкин. Католик анъаналарни папалар ёки собор йиғинларида «авлиё ота»лар чиқарган янгиликлар билан тўлдириб туришни тан оладилар. Бу билан католицизм замонага мослаштириб берилган.

3) Христианликнинг бошқа йўналишларидан фарқ қилиб, католицизмда Рим папаси худонинг расули эканлиги тўғрисидаги махсус ақидага амал қилинади. Католицизм папани черковнинг бошлиғи деб ҳисоблайди, уни «Исо-нинг ноиб (вориси)» ва «Апостол пётрнинг ўринбо-сари» деб атайдилар.

4) Католицизмда аъроф тўғрисидаги ақида бўлиб, унга кўра аърофда (жаннат билан дўзах оралиғида) гуноҳкорларнинг руҳлари тириклик вақтларида ювилмай қолган гуноҳларидан тозаланиб, жаннатга кириш имкониятига эга бўладилар, деб тушунтирилади.

5) XIII асрда католик илоҳиётчилари томонидан «савоб ишлар» заҳираси тўғрисидаги ақида ишлаб чиқилди. Унга асосан гуноҳ қилган кишилар черковдан, ҳақ тўлаб, кечирим сўраб, гуноҳининг кечирилгани тўғриси-даги гувоҳнома-идульгенция олиши мумкин. Черков идульгенция нарҳини белгилаб чиқди. Масалан, ўз отасини ёки онасини, хотинини, акасини, укасини, синглисини ўлдиргани учун 5 ёки 6 гросс, ёки «ўғирлик қилгани учун, ўт кўйганлик учун 8 гросс» ҳақ тўлайди.

6) Исонинг онаси Биби Марямга «руҳоний она» деб сифиниш ҳам кучли эътиқод рамзи ҳисобланади.

Католикларнинг диний маросимлари

Католикларнинг маросимлари жуда тантанали ўтиши билан ажралиб туради. Маросимларнинг кўпи черков ва монастирларда ўтади, уларда мусиқа асбобларидан орган

чали-нади, якка ашулалар ва хор муножотлар айтилади. Бу диндорлар ҳиссиётига таъсир этиб, уларда диний завқ уйғота-ди. Маросимлар:

1) Момо Ҳавога (Ева) ва Биби Марямга сиғиниш маросими аёллар орасида кенг тарқалган бўлиб, бу маросимда «аёллар Момо Ҳаво сизларга доимо ҳомийлик қилади», деган ғоя мужассам бўлган.

2) «Авлиёларга» сажда қилиш, табаррук нарсаларга ва мумиёланган авлиёлар жасадига сиғиниш маросими ҳам мавжуд, Масалан, Ғарбий Европа черковлари ва монастирларида диндор кўриб сиғинсин деган мақсадда гўёки Исонинг сочи, тирноқлари, кийимлари, қизил плаши, Момо Ҳавонинг сути, Исо михланган хоч қўйилган. Уларда яна авлиёлар: Матфей, Лука, Пётр, Юлианларнинг жасади намойиш қилинади, диндорлар уларни таоф қиладилар.

3) Турли вақтларда бутларни янгилаш, «йиғловчи» бутлар, ўзи ёнадиган шамлар, мўъжизали даволаш каби мўъжизалар кўрсатиш ҳам кенг тарқалган.

4) Христианликдаги асосий маросимлар: тавба қилиш, причашчение, никох, чўқинтириш ҳам католиклар томонидан маросим ва байрамлар деб амал қилинади.

5) Католик черковларида диний хизмат пайтида, авлодлар хотирасига шам ёқиш одати ҳам кенг тарқалган.

Рим папаси католицизми бошқа христианлик йўналишларидан қатъий марказлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Католик черкови тепасида Рим папаси туради. Папа-лотинча ота дегани бўлиб, папа барча католикларнинг «руҳоний отаси» ҳисобланади. Папа ўз сиймоси, эътиқоди билан, ахлоқ-одоби, билимдонлиги, художўйлиги билан барча католикларга намуна ҳисобланади. У гуноҳдан холис ердаги худонинг вакили, бош руҳоний деб тушунилади.

Папа кардиналлар, яъни олий даражадаги руҳоний-ларнинг вакиллари коллегияси томонидан умрбод муддатга сайланади. Папалик мансабига номзод бўлган руҳоний овозларнинг камида 2/3 қисмини ва яна ошиқча бир овоз олиши керак. Сайловдан ўтган киши ўзининг илгариги исмидан воз кечади ва ўзига янги исм олади.

Католицизмнинг кўп асрлик тарихи давомида папалик мансабига 300 га яқин киши сайланган. Улардан 31 таси папалик лавозимига нолайик, ярамас ишлар қилган. Лекин папанинг «гуноҳсиз»лиги ҳақидаги ақида 1870 йилда бўлиб ўтган Ватикан черков собори томонидан тасдиқланган. Ҳозирги папа 1978 йилда сайланган Корол Вайтилла - Оанн Павел 11 бўлиб, у 1920 йилда Польшанинг Краков шаҳрида туғилган йирик руҳонийдир. У христиан ахлоқига оид 400 га яқин китоб ёзган. Иоанн Павел II даврида Рим папасининг обрўси кучайди, янги черковлар очилди. Ватикан хазинаси бойиди, католик черковлари турли христиан-демократлар орқали сиёсатда актив қатнашмоқдалар.

Ватикан Рим шаҳрида 44 гектар майдонга жойлашган папалик давлати бўлиб, унинг давлатга хос ўз байроғи, герби, чегараси, полицияси, олий органлари мавжуд. Папаликнинг олий диний ташкилотини Рим Қурияси дейилади. Қурия йиғилишларида барча католик черковлари бажарадиган қарорлар қабул қилинади. Ватиканда Рим папаси академияси мавжуд бўлиб, унда дин ва фан, ахлоқ ва ижтимоиёт, экология ва инсон ҳуқуқларига оид бўлган масалалар билан шуғулланадиган олимлар ишлайдилар. Рим папаси XIII асрда яшаган италиялик руҳоний, файласуф Фома Аквинскийнинг «муқаддас рух зарралари барча моддий нарсаларда яширин равишда мавжуд, фаннинг вазифаси уларни очиб фактлар тўплаш, фактлардан умумий хулосалар, назарий умумлашган тушунчалар чиқариш эса диннинг вазифаси, динга фан хизмат қилиши лозим, улар иттифоқ бўлиши керак», деган таълимотни Неотомизм номи билан ривожлантираётир. Фома Аквинскийни папаликнинг пири ҳисоблайдилар.

Аммо минг йилдан зиёд давом этган ўрта асрда папа қошида даҳшатли инквизиция суди иш олиб бориб, у католицизм ғояларига қарши чиққан таълимотларни бадъат деб, фанни эса шаккоклик ҳисоблаб, олимларни таъқиб қилди. Минглаб кишиларни қаттиқ жазолаган. Инквизиция 9-12 миллион кишини жазолаган. У Ватикан ва папанинг энг кучли қуроли эди. 1540 йилда испан дворяни Игнатий Лойола томонидан

тузилган Иезуитлар диний ордени папалик таянчи бўлиб, ўзларини оддий кишилардан ажралмайдиган кийим кийган. Яширин иш олиб борадиган иезуитлар юқори табақа орасида тарғибот олиб бориб, католик черкови учун хайр-эҳсон қилиш, папаликни қўллаб-қувватлаш, бидъатларни аниқлаш каби хуфёна ҳаракатлар қилганлар.

Католицизм Германия, Испания, Италия, Франция, Польша, Белорусь, Украина, Латвия, Литва, Эстония; Африка, Америка мамлакатларида ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, 35 минг иезуитлар, 27 минг францисканцлар, 21 минг солезианцлар, 18 минг христианлар биродарлиги, монахлар бирлашмаси ҳамда кўп мингли руҳонийлар орқали ишлайди. Ватикан ва Рим папаси турли мамлакатларда жойлашган радиотелекомпания-лар, 50 дан ортиқ тилда босиладиган юз миллионлаб нусхали журналлар ва диний китобларга эгадир. Католик университетлари, коллежлари, диний мактаблари, ҳатто ясли-боғчалари мавжуд.

Ватикан ва Рим папаси умумбашарий муаммолар - уруш ва тинчлик, экология, спид, рак касалликлари, инсон ҳуқуқлари, очарчилик ва қашшоқлик, ялпи қирғин қуролларини таъқиқлаш каби масалаларни ҳал қилишга оид қалқаро симпозиум, конференцияларда актив қатнашди.

Ватикан ва Рим папасининг сиёсати «Христиан социализми», «Христиан демократияси»ни бутун дунёда ўрнатишдир.

Шундай қилиб христианликнинг йирик йўналиши бўлган католицизм диндорларга хизмат қилмоқда.

Православие йўналиши. Рим империяси 395 йилда икки қисмга бўлиниб кетди. 1054 йилда эса христианлик католицизм ва православие йўналишларига ажралди. Рим империясининг шарқий вилоятларида феодаллашиш жараёни секинлик билан борди. Византияда императорлик ҳокимияти сақланиб қолди. Черков доимо подшолар қарамоғида турар эди. Рус демократ ёзувчиси В.Г.Белинский айтганидек, православие руҳонийлари «ҳар доим дунёвий ҳокимиятга хизматкор бўлиб келганлар».

Император Константин ўз империясини мустаҳкамлаш мақсадида черковни давлат муассасасига айлантирди. Патриарх амалда дин ишлари вазири бўлиб қолди. Православие деб аталишига сабаб: Библиядаги қадимги ақидаларни изоҳлаш ва шарҳлаш эркинлиги ҳуқуқига эга бўлган (право на слово-ўз фикрига эга) демакдир.

Православие черковлари бошлиқларининг собор мажлиси император (подшо) томонидан чақирилиб, унинг ёки тайинланган дунёвий амалдор раислигида ўтказилиши ҳам православие ҳар бир давлатга артокефаль, яъни мустақил черков эканини кўрсатади. Масалан, жаҳон христиан православие собор йиғинининг 6 таси ана шундай ўтган эди. Фақат 787 йилда Никей шаҳрида ўтказилган еттинчи собор йиғилишида император патриарх сифатида қатнашган эди. Жаҳон соборларининг қарорлари император тасдиқлагандан кейингина кучга кирарди.

Православие патриархлари баъзан подшо ёки императорлар назоратидан чиқиб кетишга ва улар устидан ҳукмронлик ўрнатишга уриниб кўрардилар, аммо бунга эриша олмасдилар. Масалан, Константинополь патриархи шундай мақсадда Римнинг беш руҳонийсидан мадад олишга ҳам ҳаракатлар қилгану, аммо ўз ниятига эриша олмай, император қўлида кўғирчоқ бўлиб қолаверган.

Православие черковлари кимнидир авлиё деб эълон қилмоқчи бўлса бунга подшо рухсатини олишга мажбур эди ёки император хоҳлаган руҳонийни авлиёликка кўтаришга тўғри келарди. Масалан, Россия подшоси Иван Грознийнинг ёшгина ўғли Дмитрийни подшо Василий Шуйский талаби билан авлиёлар қаторига киритилган.

Православиенинг ақидавий таълимотлари. Православие ақидаларидан иборат таълимотлар жаҳон собор йиғилишлари томонидан қабул қилинган эътиқод рамзларидир.

1-ақида: бир танада уч қиёфада намоён бўладиган ота, ўғил худоларга, муқаддас руҳга иймон келтириб, улар дунёни иккита қилиб яратгани, барча нарсаларни йўқдан бор қилгани ва оламнинг эгаси, бошқариб турадиган ягона ҳокими мутлоқ деб ишониш, Муқаддас руҳ - ота худодан пайдо бўлган деб тасаввур қилинади. Исонинг оёқ қўлидан

михланиб ўлдирилиши ва тирик ҳолда осмонга чиқиб кетганлиги, у яна Ер юзига қайтиб келиши, адолатли жамият ўрнатишга ишониш.

2-ақида: черков гуноҳдан поклиги, ақидаларнинг ўзгармаслигини эътироф этиш ақидаси. Бу ақидага кўра черковни дастлаб Исо барпо этган, сўнгра у ўзидан кейин ўрнига авлиё Пётрни қолдирганлиги учун черковлар гуноҳдан холи-фориғ ҳисобланади. Православие йўналишидаги рухонийлар ва художўй такводорлар диний ақидалар худонинг инояти билан бандаларини тўғри йўлга бошловчи «муқаддас ҳақиқатлар» бўлганлиги учун улар ҳеч ўзгармайди, абадул-абад туради, уларни озайтириш ҳам, кўпайтириш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

3-ақида: Исонинг онаси Биби Марямга, авлиёлар ва черков деб эълон қилган рухонийларга сиғиниш ақидаси ҳам кучли таълимот ҳисобланади.

Православие маросимлари. Худди католик йўналишидаги каби православиеда ҳам маросимларга катта аҳамият берилади. Православие маросимларининг кўпи черковда ўтади. Католик черковларида ибодатлар пайтида диндорлар бемалол стулларда ўтирадилар, православие черковларида эса диндорлар тикка турадилар. Католик черковларида орган мусикаси садолари остида ибодат қилинади Православ черковларида ибодат пайтида мусикавий куйлар чалиш одат эмас. Православие ва Католик черковларининг ички томонини безатишда ҳам фарқлари бор. Масалан, православие черковларида, ибодат уйларида бутлар жуда кўп. Биби Марям Исо, авлиёларнинг кўпдан-кўп ҳайкаллари ҳам мавжуд. Православие черковлари ва ибодат уйлари ним қоронғи, шамлар билангина ёритилган ҳолда, сирли шарпалар, мунгли муножот мадҳия эмас, балки марсия оҳанглари эшитилган ҳолда маросимлар ўтадики, бундай ҳолат православ рухонийларининг фикрига кўра, диндорнинг эътиқод руҳиятини кучайтиради. Агар ёп-ёруғ электрлар ёниб турган ҳолда ибодат қилинса, диндорлар ибодатда чалғиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Православ байрамлари ҳам жуда кўп бўлиб, уларнинг умумий сони бир йилдаги 365 куннинг ҳар бирига бир нечта байрами тўғри келади. Православ байрамлари улуғлаш объектига қараб Исо, Биби Марям ва авлиёлар шарафига ўтказиладиган байрамларга, тантанаворлиги жиҳатидан - улуғ, ўрта ва кичик байрамларга ва ўтказиш вақти жиҳатидан -сурилмайдиган, ойнаинг айнаи бир хил числоларига тўғри келади байрамларга, ҳамда суриладиган, яъни пасха кунларига қараб, календарь кунлари бўйича алмашиб турадиган байрамларга бўлинади. Улуғ байрамлар рўйхати пасхадан бошланади, ундан кейин ўн икки байрам туради. Черков эса Исога хатна қилиш, ҳомийлик байрами (покров) Иоанн Чўқинтирувчининг туғилиши, унинг бошини кесилиши, апостоллар Пётр ва Павел куни байрамларини ҳам улуғ байрамлар қаторига киритади. Авлиёларга бағишланган православ байрамлари ҳаддан ташқари кўп. Православие черкови Николай мўъжиза яратувчини айниқса улуғлайди. У савдо ва деҳқончилик ҳомийси, камбағаллар ҳимоячиси, одамларнинг ғам-кулфат кунларида уларга мададкор, жуда кўп мўъжизалар кўрсатган азиз авлиёлардан бири бўлган. Унинг шарафига атаб ёзги ва қишки Николай байрамлари ўтказилади. Илья пайғамбар (Илья куни), Георгий Победоносец (Егор куни) ҳам улуғланади. «Россия ерида зиё» сочган барча авлиёлар деган байрам ҳам бор. Кўпгина байрамлар мўъжизакор иконаларга бағишланган. Бу байрамлар бир-биридан кескин фарқ қилмайди.

Православие ибодат китоблари - ибодат вақтида ибодатхоналарда ўқиладиган ёки черков хизмати, таинства ҳамда треба (черков қавмлари талабларига кўра) ўтказиладиган ибодат маросимларини ўтказиш тартибини ўз ичига оладиган китоблар. Ибодатхонларда ўқиладиган китоблар жумласига: «Апостолларнинг қилмишлари», собор мактублари, Псалтир (Забур) ни ўз ичига олган Инжил ва апостол киради. Черков хизмати, таинство ва требаларни ўтказиш тартиби ҳақидаги китоблар жумласига ибодат тартибларини баён қиладиган Служебник (Ибодат китоби), литургиядан бошқа ибодатларни ўтказиш бўйича қўлланма бўлмиш Часослов, таинство маросимларини (ҳамда рухонийлик унвонини бериш маросимидан бошқа) ўз ичига олган требник, черков қўшиқлари тўплами - Октойх,

йилнинг ҳар бир куни учун авлиёлар шарафига дуо ўқиш ва қўшиқ айтиш тўплами-ойлик Минея, умумий Минея (бу ҳам шундай тўплам, лекин унда умуман барча авлиёларга тааллуқли қўшиқлар бор), пост (рўза), Триоди (рўзага яқин ва рўза ойида айтиладиган қўшиқлар) тўплами киради. Унга ибодат, қўшиқ, дуо айтиш, маросим тартиби кабилар киради. Маросим ва ибодат пайтида махсус кийиладиган кийимлар бор ва турли идиш ҳамда анжомлар ишлатилади.

Рус православие черковлари беш руҳонийси - Бутун Россия ва Москва патриархи барча черковларга юборган мактубида шундай сўзлар бор: «Ибодатхоналаримизнинг кундалик ҳаётдан электр лампочкаларига ортиқча хирс қўйишни чеклаш вақти келди. Берилиб ибодат қилиш учун ибодатхоналарга қадам қўйган художўй милтиллаб ёнадиган мойчирок, шамчирок ёруғида ибодат қилишни истайди. Ёркин электр ёруғи ибодат кайфиятини сўндириши у ёқда турсин, ҳатто бундай кайфиятни тарқатиб юборади»

988 йилнинг ёзида Киев князи Владимир Византия давлатидан православие мазҳабига қабул қилишни сўради ва Константинополь патриархлигига қабул қилинди. Россия христианликни шу тариқа қабул қилди. Византиядан Россияга келган миссионер православ руҳонийлар Киев кўчаларида олий табақага мансуб кишиларни Днепр дарёсида чўқинтирдилар. Лекин оддий одамлар янги динга киришни хоҳламасдан чўқинишдан бош тортганлари ҳам бор эди, улар мажбуран чўқиндилар. Шундан кейин Москва, Новгород, Тверь, Псков, Владимир, Нижний Новгород князликлари ҳам бирин-кетин чўқинтирилиб янги динни қабул қилганлар.

Қадимги Руснинг христианликни қабул қилиши ижобий аҳамиятга эга бўлган эди. Чунки Рус князлари аста-секин ягона давлат бўлиб бирлашдилар. Россия Европа давлатлари билан яқин алоқалар боғлади. Россия христиан маданиятини ривожланишига олиб келди.

Бутун Россия ва у босиб олган жойларда кўпдан-кўп православ черковлари, ибодатхоналар, монастирлар, храмлар вужудга келди, улар ўз подшоларига катта хизмат қилдилар. Россия художўй христианлар мамлакатига айланиб кетди. Ҳамма ўқув тизимида, армияда, оилада христианлик ахлоқи, ақидалари, маросимлари, дуо ва мадҳиялари жорий этилган бўлиб, уларда Рус князлари, подшолари, императорлари маҳаллий амалдорлари шарафланарди. Пётр 1 1711- йилда муқаддас Синод тузиш ва уни давлат қошидаги диний ишлар вазирлиги бўлиши тўғрисида фармон чиқарди. Ҳозирги даврда Бутун Россия ва Москва патриархлиги мавжуд, унинг Загорск шаҳарчасида маркази жойлашган. Алексей II эса ҳозирги пайтдаги патриархдир.

Православие мазҳабида ҳозирги пайтда ягона марказ йўқ. Ҳозир 15 автокефаль, яъни бири-биридан мустақил бўлган православ черковлари бор. Булар Константинополь (Туркия), Александрия (Миср), Антиохий (Сурия), Қуддус, Рус, Кипр, Грузия, Сербия, Руминия, Болгария, Эллада, Албания, Польша, Чехия, Америка автокефаль черковларидир.

Православиеда ахлоқий таълимотга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Яқин кишиларнинг сев, ёмонлик қилма, яхшилик қил, ўлдирма, ўғирлик қилма каби панд-насихатлар ўта талабчанлик билан таъкидаланади.

Протестант йўналиши. 16-асрдан бошлаб Европа мамлакатлари шаҳарларида буржуазия синфи шаклланди, улар шаҳар хунармандлари, ўрта даражадаги савдогарлар, зиёлиларга бош бўлиб капиталистик усулда моддий бойликлар ишлаб чиқариб, бозор муносабатларига ўта бошладилар. Табиий ва гуманитар фанларнинг ривожлантирмай, буржуа демократиясини ўрнатмай, виждон эркинлигини жорий этмасдан туриб капитализм тузумини ўрнатиб бўлмас эди. Капитализм ўзига асосий рақиб бўлган феодализмни, черков ва христианликнинг қаршилигини енгибгина ривожланиши мумкин эди. Хусусан, католицизм черковлари, Рим папаси ўрта асрлар тузуми феодализмнинг таянчи, монархиянинг таянчлари бўлиб, бунга қарши реформация ҳаракати кучайиб борди. Антифеодал ва антикатолицизм ҳаракатлари Германияда авж ола бошлаб, бу ҳаракат бошида немис бюргерлари, яъни буржуазияси турди.

Германиядаги Виттенберг шахрида монах Мартин Лютер католик черковини ислоҳ қилишни, Рим папаси қаромоғидан Германиядги черковларга ажратиб мустақил бўлишни тарғиб қилди. 1517 йилда Мартин Лютер черков эшигига ўзининг 90 та моддадан иборат тезисларини ёпиштириб қўйди. Бу тезисларда, жумладан католик попларининг индульгенция сотишини, Германиядаги черковни Рим папаси қаромоғидан озод этишни талаб қилди. Лютернинг бу талабларини бутун Германияда хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Мамлакатда католик черковининг зулмига ва зўравонлигига қарши оммавий ҳаракат авж олди, тез орада бу ҳаракат халқ оммасининг феодал тузумга қарши инқилобий курашга айланди, деҳқонлар уруши бошланиб кетди. Бундан қўрқиб кетган ҳокимият эгалари бўлган князлар, дворянлар ва руҳонийлар армия билан, фанатик деҳқонлар билан бирлашиб деҳқонлар ҳаракатини бостирди. Германияда феодализм сақланиб қолди.

Гарчи халқ оммаси енгилган бўлса-да, Германияда католицизмнинг ҳукмронлигига барҳам берилди. Немис князларининг кўпчилиги бу ерлардаги черковларни ислоҳ қилдилар. Улар черковга қарашли ерларни тортиб олиб папа ва епископларнинг черков устидан ҳукмронлигини бекор қилдилар, кўпгина монастирларни ёпиб қўйдилар. Шундай қилиб католицизм ўрнини протестанцизм эгаллади.

«Протестантлар» деган ном 1529 йилда «Протестанция» деб аталган ҳужжатга, яъни руҳоний ва дунёвий феодал-ларнинг умумгерман съезди лютеранчиликнинг тарқалишини чеклаш ҳақида қабул қилинган қарорига қарши тузилган протестга имзо қуйган немис князларига берилган эди. Протестант князлар 1555 йилда Рим билан битим тузишга муваффақ бўлдилар, бу битимга кўра, ҳар бир княз ўз фуқаролари учун истаган динни: Лютеранчиликни ёки католицизмни танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлган эга бўлган эди. Натижада «мамлакатда ким ҳукмрон бўлса, шунинг дини ҳукмрон бўлади», деган қоида белгиланади. Аугсбург диний олами деб ном олган бу битим протестанцизмнинг Германия бўйлаб кенг ёйилиб кетишига олиб келди. Кейинчалик Лютер тарафдорларини ҳам, бошқа ислоҳчи оқимларнинг издошларини ҳам протестантлар деб атаётган бўлдилар.

XVI асрнинг ўрталарига келиб католик динини ислоҳ қилиш ҳаракатида қатнашган Швейцария, Англия, Швеция, Дания ва Норвегия мамлакатлари ҳам католицизмдан чиқди. Сўнгра худди шундай иш Бельгия, Голландия ва Францияда ҳам рўй берди. Бу ишлар Чехия, Венгрия ва Польшада амалга ошди. XVII асрдан бошлаб у шимолий Америкага ва Европа давлатларининг бошқа мамлакатларига кира бошлади.

Феодализмни муқаддаслаштирувчи католиклар черковига қарши кураш бошлаган буржуазия черковни бутунлай тугатмай, уни «тузатиш», ислоҳ қилишни, ўз синфий манфаатларига мувофиқлаштиришни мақсад қилиб қўйди.

Протестанцизм худонинг борлиги, унинг уч киёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах (католицизмдаги аърофдан ташқари) ҳақидаги, ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларни эътироф этади.

Протестанцизмнинг ўзига хос бўлган ақидалари қуйидагилардан иборат: 1) шахсий эътиқод билан нажот топиш; 2) динга ишонувчан барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги; 3) Библиянинг олий нуфузини тан олиш;

4) дастлабки гуноҳ феъл-атворини бузганлиги, уни яхшилик қилиш қобилиятидан маҳрум қилганлиги, шунинг учун у хайрли ишлар, сирли маросимлар ва аскетизм йўли билан эмас, бандалар гуноҳини сўраб олиш учун ўзини қурбон қилган Исога шахсан эътиқод қилиш йўли билан охиратда гуноҳлардан фориғ бўлиш мумкинлигини; 5) христианликни қабул қилган ва чўқинтирилган ҳар бир киши ўзини худо билан ғайритабиий мулоқатда бўлишга бағишлайди, бу ишни черков ёки руҳонийлар воситалигисиз амалга ошириши мумкинлиги; 6) руҳонийлар билан оддий диндорлар ўртасидаги ақидавий фарқнинг йўқлиги; 7) руҳонийлар оддий диндорларнинг тавбасини қабул қилиши ва уларни гуноҳдан фориғ қилиши мумкин эмаслиги ва уларнинг диний жамоалар олдида ҳисоб бериши тўғрисидаги ақидаларга амал қилиши ишлаб чиқилган.

Протестанцизмнинг ўзига хос хусусиятлари:

- рухонийларнинг оила куриши манъ этилмайди;
- самовий хузур-халоват тўғрисидаги таълимотни рад қилинган;
- ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз авлиёларга сиғиниш, улар шарафига бағишлаб байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга ва иконаларга (икона юнонча сўз бўлиб, унинг маъноси тасвир, образ, ғайритабиий мавжудларнинг расмлари, рельефли тасвирлари бўлиб, улар католицизм ва православиеда сиғиниш предметлари ҳисобланади) топиниш бекор қилинади;

- ибодат уйларида ортиқча хашамлар, меҳроблар, иконалар, ҳайкаллар, кўнғироқлар олиб ташланиб, оддий ҳолга келтирилди;

- монастирлар ва монахлар жамоаси ҳам барҳам топтирилган;

- ибодат ниҳоятда соддалаштирилди, ваъз айтиш, дуо ўқиш, псаломларни (юнонча пасалтирь таркибини ташкил этувчи диний қасидалар, ашулалар, худога ҳамду санолар ўқиш, илтижо, арз-дод (зорланиш), қарғаш кабиларни она тилида ўқиш ва куйлаш жорий қилинди;

- Библия бирдан-бир манба деб қаралиб, муқаддас ривоятлар рад қилинди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни ўрганиш ва шарҳлаш «гуноҳ» ҳисобланмайди.

Бу ўзига хос хусусиятлар буржуазия демократиясининг янги диний йўналишга нисбатан тадбиқ этиш асосида пайдо бўлган.

Протестантизм ички йўналишларида: Лютеранлик, цвинг-личилик, кальвинизм, англиканчилик, менночилик, анабап-тизм, унитаризм каби мазҳаблар мавжуд. Бу мазҳаблар XVI-XVIII асрларда пайдо бўлган эди. Лекин кейинчалик яна протестантизмда: оптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегово шохидлари, Мормонлар ёки «Охират авлиёлари», «Нажот армияси», пятидесятниклар каби диний секталар ҳам пайдо бўлди. Бу оқим ва секталарнинг кўпчилиги «диний уйғониш», дастлабки христианлик ва Реформация ғояларига қайтиш шиори остида ташкил топди. (Илова: бу секталарнинг айримларини кейинроқ айтамыз).

Протестантизм капитализм ривожланиши, социализмнинг пайдо бўлиши, марксизм даҳрийлиги ва мафкураси, иккинчи жаҳон уруши ва мустамлакачиликнинг тугаши таъсирлари оқибатида ўзининг эволюцияси, янгиланиш босқичларини бошидан кечириб, янги протестантизм ёки либерализм илоҳиёти, «инқироз илоҳиёти», «янги илоҳиёт» каби шаклларига эга бўлди.

Протестантизм фалсафасида, XVI асрда, дастлабки реформация даврида Лютеран таълимоти асосида диний эътиқодни инсоннинг худо билан шахсий алоқасидир, деб эълон қилган эди. М.Лютер худони схоластик диний билишни инсоний ақл-идроқка қарама-қарши қўйган эди. Бу билан инсон ақл идроқи ҳам четга чиқариб ташланди. Ф.Меланхтон эса неосхоластика таълимотида диний эътиқод талаблари муҳокамасиз ақл-идроқни аралаштирмасдан худо билан руҳий қўшилишини ишлаб чиқади.

XVIII асрда яна Лейбниц-Вольф таълимотида диннинг ўзини дунёвий ақл-идроқ билан мушоҳада қилиш объектига айлантирилди. И. Кантнинг схоластика ва черковни танқид қилиши ва худони амалий ақл-идроқ постулати (ҳақиқатлиги аён бўлмаса ҳам, исботсиз асос қилиб олинган қоида) ва ахлоқий гарови сифатида эътироф этишидан протестант илоҳиётчилари фойдаланилмоқчи бўлди.

XX асрнинг 20-йилларида вужудга келган «диалектик илоҳиёт» (асосчиси К.Барт) либерал протестантизмни эътиқоднинг «ўлиши» сифатида рад қилиб, С. Кьеркернинг экзистенциалистик таълимотида ишлаб чиқилган методига таянади: христиан дини апологетикаси (юн.-ҳимоя қилиш, яъни илоҳиётнинг тафаккур далиллари ёрдамида диний таълимотни ҳимоя қилиш) дунё мантиққа тўғри келмайди», беъмани ва унга инсон «ўз аҳволига ташлаб қўйилган», деган ғоя асос қилиб олинди. Барт ва унинг тарафдорлари эса худо эътиқод объектига айланиши учун ҳис-туйғулар ёки ақл идрок хизматида муҳтож эмас, деб чиқмоқдалар.

Протестантизмда фақат чўқинтириш ва нон, вино истеъмол қилиш маросимлари мавжуд, холос. «Лютер инсон қўлини ечиб юборди, ammo унинг қалбини худога боғлаб берди», деган эди, алломалардан бири.

Секта лотинча-«ажралган», «узилган», «мазҳаб» демак-дир. Хукмронлик қилувчи ёки ўтмишда хукмронлик қилган диний йўналишдан ажралиб чиққан диний мазҳабни одатда ана шу сўз билан аталган. Христианликда барча йўналишларда ҳам фирқалар бор. Айрим секталар мустақил диний оқимга айланиб кетган. Христианликнинг ўзи дастлаб яҳудий динидаги секта бўлганлиги бошда айтиб ўтилган эди. Расмий хукмрон дин сектага мансуб руҳонийларни бидъатчилар, улар шайтоннинг йўлига кириб кетганлар, деб қоралайдилар, ўтмишда сектантлик ҳаракатлари янги диний ақидалар, маросимлар, байрамлар, ривоятлар, айрим диний пешволар, алвиёлар таълимотига амал қилиш, ижтимоий-сиёсий синфий-табақавий манфаатлар, расмий диндан норозилик оқибатларида ва бошқа сабабларга кўра келиб чиққан ва ривожланган.

Бироқ сектантлик жуда хилма-хил бўлиб, унинг ички зиддиятлари кўп. Агар секталарнинг аксар кўпчилиги диний янги тарихий шароитга мослаштириш асосида пайдо бўлган бўлса, шундай секталар ҳам борки, улар эски динни аввалги ҳолида, ҳеч қандай ўзгаришсиз сақлаб қолишга интиладилар.

Христианликдаги учта йўналишнинг барчасида ҳам секталар борлигини ҳисобга олиб, биз секталарни матнда алфавит асосида баён қилиш мақбул деб ҳисобладик.

АДВЕНТИСТЛАР ФИРҚАСИ. Адвентистлар (лот.-воқе бўлиш) протестантизм сектаси. Секта XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда вужудга келган. Унинг асосчиси Уильям Миллер (1782-1849) «Муқаддас ёзувлар ва 1843 йилда ёзилган Исонинг иккинчи марта воқе бўлиши» ҳамда унинг шахсан 1000 йиллик хукмронлиги ҳақида тарих далиллари» китобида Библия таркибига қирадиган пайғамбарлар китобларига суяниб, Исонинг иккинчи марта келишига доир ўзи белгилаган муддатни асослашга уринган. Бу фикр АҚШда майда буржуазия томонидан қўллаб-қувватланди. Улар пайғамбарнинг келишига муддат ўтиб кетса ҳам бари-бир ишонаверадилар. Адвентистлар бир нечта бўлақларга бўлиниб кетди. Улар орасида «еттинчи кун адвентистлари» энг йиригидир. Улар таълимотида ҳам Исонинг иккинчи марта қайтиб келиб 1000 йил хукмронлиги бошланадиган куннинг яқинлигига ишониш мавжуд. Улар охиратга ҳам ишонадилар. Адвентистлар инсоният тарихи Исо ва шайтон ўртасидаги абадий курашдан иборат, бу кураш шайтоннинг ҳалокати билан тугайди, ҳалос бўлишнинг бирдан-бир йўли адвентистлар этикодини қабул қилишдир, деб ҳисоблайдилар. Адвентистлар жоннинг ўлишига ишонадилар. Уларнинг фикрига кўра, Исо қайтиб келиши билан жон тана билан бирга қайтиб кўшилиб, тирилиш рўй беради. Ердаги ҳаёт худди шунга тайёргарлик учун берилган. Адвентистлар шанба кунини дам олиш куни деб ҳисоблайди, ўз даромадларининг ўндан бир қисмини черковга туҳфа қиладилар. Адвентистлар ўз ноширлик органларига, кўплаб шифохоналарига эга бўлиб, актив мессионерлик фаолияти олиб борадилар. Улар ўз черковларига 1863 йили асос солганлар. Америка, Африка, Россияда 3 миллиондан кўпроқ адвентистлар бор.

Баптистлар фирқаси. Баптист (юн.-сув билан чўқинтириш) протестантизмдаги секталардан бири бўлиб, XVII асрда пайдо бўлган. Унинг асосчилари Голландияга қочиб борган инглиз маҳаллий черков ва жамоаларининг автономик принципининг ҳимоя қилувчилари бўлиб, 1611 йилда «Амстердам ва Голландияда яшаб турган инглизларнинг диний баённомаси»да янги таълимот таърифлаб берилган. Унда болаларни вояга етганда чўқинтириш кўзда тутилган. Баптистлар дин эркинлигини эътироф этиши, черковни давлатдан ажратишни талаб қилган майда буржуазия радикал қисмининг манфаатларини ифода этган. 1612 йилда Англияда, 1639 йили эса Шимолий Африкада биринчи баптистлар жамоаси вужудга келган. Баптистлар Библияни диний таълимотнинг ягона манбаи деб ҳисоблайди. Исога ишонганларнинг ҳаммасини худо ҳалос этади, деб ишонадилар. Баптистлар руҳонийларнинг оддий диндорлар билан худо ўртасида воситачи бўлишини инкор этадилар, алвиёларни, иконаларни, муқаддас мурдаларга сиғинишни ҳам

тан олмайдилар. Баптистларда чўқинтириш, нон ва вино тотиш асосий муқаддас маросимлардир. Бу урф-одатларни бажариш Исога садоқатнинг рамзидир. Ҳозирги вақтда Америка, Африка, Осиё, Европа, собиқ СССР территориясидаги кўпгина мамлакатларда баптист жамоалари мавжуд.

1963 йилда баптистларнинг кенгаши ташкил топди.

Баптистлар болаларни ёшлигидан динга ўргатадилар, уларни ёшлар ташкилотида қатнашишга қарши турадилар. Баптистлар жамоаси диндорларнинг уйларида тўпланиб мажлислар қиладилар.

Иегова шоҳидлари фирқаси 1872 йилда адвентистлардан ажралиб чиққанлар томонидан ташкил қилинган ва ўзларини «Иегова шоҳидлари» деб атаганлар. Улар Исо билан шайтон ўртасида муқаддас жанг - армагедон бўлиб, унда Исо енгиб чиқади, у ўрнатган 1000 йил давом қиладиган жаннат ва жамиятда Иегова шоҳидлари яшайди, қолганлари эса армагедонда қирилиб кетади, деб таълим берадилар. «Иегова шоҳидлари» келажакда ғаззовот, яъни диний уруш бўлишини башорат қиладилар, бу жиҳатдан бу сектани инсонпарвар секта деб бўлмайди.

Иеговистлар маркази АҚШдаги Нью-Йорк шаҳри яқини-даги Бруклик шаҳрида жойлашган. Иеговистлар жамоаси 15-20 кишидан ташкил топган. Барча гуруҳ бошида «хизматкор», яъни раҳбар туради. Иеговистлар «Соқчилик минораси» ва «Информатор» номли журналлар чиқаради ва эллик тилда таркатадилар (яширин равишда).

Иегово шоҳидлари АҚШни «худо ёрлакаган давлат» деб эълон қилиб, АҚШ «шайтон кучларини» йўқ қилиш учун худо томонидан тайинланган, деб ҳисоблайдилар.

ЮИСА агентлиги Иегово шоҳидларини маблағ билан таъминлаб бормоқда. Ахлоқ соҳасида Иеговачилар ўз аъзола-рига: «Кабутардек беозор илондек муғомбир бўлинг» деб насиҳат қилади.

Илк христианлик фирқаси. Илк христианлик фирқаси 1-2 асрларда христиан диний таълимоти шаклланиши даврида вужудга келган секталардир. Христианлик ҳеч қачон яхлит дин бўлмаган. Христианликнинг энг илк асари «Иоанн ваҳийномаси»да христианларнинг турли гуруҳлари (Николантлар) Ваалам тарафдорлари, аёл пайғамбар Иезавела тарафдорлари) эслатиб ўтилган.

Эбионитлар сектаси (камбағаллар) яҳудийлар маросимла-рини бажаришни тарк қилмаган дастлабки христианлар бўлиб, улар тамомила тарки дунё қилишга даъват этганлар. Исонинг иккинчи марта қайтиб келишини кутганлар, бойликка қарши чиққанлар. Исони тақводор одам сифатида улуғлаганлар, уни чўқиниш вақтида осмондан илоҳий руҳ тушган, деб ҳисоблаганлар.

II асрнинг иккинчи ярмида монтанчилар сектаси пайдо бўлган. Улар тақдирни олдиндан айтиб бериш билан шуғулланганлар, зоҳидликни тарғиб қилганлар, епископлар ҳокимиятини тан олмаганлар.

Имяславичилар фирқаси. Имяславичилар фирқаси (рус. имя-исм, славить-шараф-ламок) 1910-1912- йилларда Афон (Греция) даги рус православ монастирларида вужудга келган секталик оқими тарафдор-ларидир. Исмни шарафловчилар сектаси таълимотига кўра, инсон ўзининг гуноҳкорлиги туфайли ибодат пайтида худони эмас, унинг исмини шарафлаши лозим. Рус Православ черкови бу сектани бадъат, деб эълон қилган. Унинг тарғиботчилари черковдан четлаштирилган ва Россиянинг турли монастир-ларига сургун қилинган. Кейинчалик имяславичлар монастирларни тарк этиб яширин овлоқ қишлоқларда скит жамоаларини вужудга келтирдилар. Улар Русь ва Москва патриархларига қарши чиқиб, Совет ҳокимиятига қарши курашдилар. Ҳозир улар жуда оз қолганлар.

Индамаслар фирқаси. Индамас диндорлар - ҳақиқий православ христианлар сектасидаги ўта мутаассиб оқим тарафдорларидир. 20-аср ўрталарида Тамбов вилояти территориясида пайдо бўлган секта асосчилари Л.Кислянов билан Н.Вирятинская ҳисобланади. Индамаслар тасаввурида, одам бу дунё билан тўла алоқани узиб «тирик

мурда» га айлансагина нажот топади. Улар ишлашдан, атрофдагилардан ажралиб, гаплашмасдан, ярим оч ҳолда яшаганлар. «Гуноҳга ботган одамлар»дан ўзларини олиб қочишга интилиб, кўчаларга фақат тунлари чиқишган. Вақтларини рўза тутиш ва ибодат қилиш билан ўтказишган. 1960 йилларга келиб бу оз сонли секта тарқаб кетди.

Старообрядчилик фирқаси. Старообрядчилик сектаси Россиядаги қадимий секталар-дан бири. Бу секта XVII аср ўрталарида православие йўналишида юз берган ажралиш натижасида пайдо бўлган. Патриарх Никоннинг православие маросимлари ва черков китобларига унча жиддий бўлмаган ўзгаришлар киритиш ажралишга сабаб бўлган. Протопоп Аввакум бошчилигидаги руҳонийлар Никонга қарши чиққанлар.

Лекин икки бармоқ билан чўқиниш керакми ёки уч бармоқ билан чўқиниш керакми, деган масала ҳам, «Иисус» сўзида нечта «и» ёзиш кераклиги ҳақидаги масала ҳам ўз-ўзидан, ажралиш бошланишининг асл сабаби бўлган эмас, албатта.

Ажралиш шунинг учун тез-тез юз берганки, подшо Алексей Михайловичнинг янги қонунларини жорий қилиниши боярлари ва савдогарлари ўртасида норозилик туғдирган. Чунки уларнинг феодал имтиёзлари шу қонун билан бекор қилинган эди.

Крепостнойчилик зулмининг кучайишига қарши кураш олиб борадиган деҳқонлар ажралишининг асосий кучини ташкил этган эди. Чор ҳукумати ва руҳонийлар нифоқчиларни қаттиқ таъқиб остига олдилар. Натижада, улар мамлакатнинг чекка ўлкаларига қочиб кетишга мажбур бўлдилар. Секта 1905 йилда старообрядчилар деб атала бошланган.

Старообрядчилар фирқаси попчилар ва попчи бўлмаганлар деган икки йўналишга бўлинади. Попчилар XIX аср бошларида пайдо бўлган ва сектага кирмаган мустақил черковларда ташкил топган. Попчилар йўналиши эса черков иерархияси ва ибодатини инкор қиладилар ва улар ҳам турли маслак ва мазҳабларга бўлинади: 1) қочоқ поплар тараф-дорлари (грек-шарқ черковидан келган руҳонийларнигина эътироф этувчи йўналиш). Бу йўналишнинг маркази Самара шаҳрида бўлиб, унга старообрядчи архиепископ бошчилик қилади;

2) Москва ва бутун Россия архиепископи бошчилик қиладиган ва Москвада жойлашган белокрыницк иерархияси. Старообрядчилар ҳозир ҳам эски одат ва анъаналарни сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Старообрядчилар СССР даврида амалга оширилган ишларни ёқтирмас эдилар. Бу сектадан ёшлар чиқиб кетаётирлар. Натижада секта тугаб бормокда.

ХЛИСТЛАР ФИРҚАСИ. XVIII асрда пайдо бўлган хлистлар фирқаси «художўй кишилар» деб аталади. Хлистларда фақат мулкий тафовутга эга бўлмаган «янги исроил» ва «эски исроил» деган мустақил йўналишлар мавжуд. Хлистларнинг диний таълимоти христиан-лик элементлари билан мажусий динлар эътиқодларининг ғалати бир тарзда аралашидан таркиб топган. Улар, агар киши ўзининг бутун ҳаётида савоб ишлар қилган бўлса, муқаддас руҳ ана шу киши танасида пайдо бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Хлистлар бундай одамни «христ» («Исо») деб атайдилар. Хлистлар бутларга эмас, балки танасига муқаддас руҳ сингиган одамга сажда қиладилар. Хлистлар орасида секта раҳбарларини илоҳийлаштириш одати шу сабабли кенг ёйилган. Хлистларнинг ибодати (зикр қилиши) махсус оқ кийимларда ўтказилади. Бу ибодатлар сапчиб сакраш, ер тепиниш, жазаваси тутиб фиғон қилиш, аюханнос кўтаришлар-дан иборат бўлиб, диндорларнинг жисмоний ва руҳий жихатдан батамом ҳолдан тойишигача давом этади. «Соялар чошгоҳда йўқолади» номли романда хлистлар сектаси иши, «мумий биродарлашув» одати кўрсатилган.

Хлистлар эътиқодига кўра, секта аъзоларининг баъзиларига шундай ҳолатда муқаддас руҳ жо бўлади ва улар «пайғамбарлик» қила бошлайдилар. Секта раҳбарлигининг оз пайғамбарликлари ва тарғиботлари хлистча ғояларнинг асосий манбаидир. Чунки хлистлар православие диний ёзувларига шубҳа билан қарайдилар.

Хлистлар одам жисмини гуноҳкор деб тарғиб қилиб, қатъий аскетизмга чорлайдилар. Эндигина никоҳга кирган диндорлардан хотинини талоқ қилишни талаб

қиладилар. Хлистрлар жамоаларида ахлоқан бузуклик қилиш авж олган. Хлистрлар жуда махфий вазиятда иш олиб боради. Сектага кирган киши ўлим ваҳимаси остида ҳеч кимга, ҳатто ўз оила аъзоларига ҳам секта тўғрисида хабар бермаслик ҳақида мажбурият олади ва қасам ичади. Ҳозирги вақтда хлистрлар деярли йўқолиб кетган.

Христианликда яна кўпдан-кўп секталар мавжудки, улар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтишга дарслик ҳажмида имкон йўқ. Улар ҳақида луғатлардан, ойномалардан ва бошқа манбалардан мустақил ўқиб олиш мумкин.

1. **Дьякон** (юнонча-хизматчи) - II-III асрларда епископ ҳузуридаги хизмат лавозими, христианлик жамоаларида хўжалик ишларини олиб боради. Кейинроқ эса диний унвонга айлантирилган, ибодат ва маросимларни ўтказишда поп ёрдамчиси бўлган руҳоний киши.

2. **Кардинал** (лотинча-бош, асосий) - католик черковида Рим папасидан кейинги руҳоний. Кардиналлар «кардиналлар коллегияси» мажлисининг розилиги билан папа томонидан тайинланади ва у папанинг яқин маслаҳатчиси ҳисобланади. Ўз навбатида конклав-кардиналлар йиғилиши Рим папасини сайлайди.

3. **Католик черкови епископлари Синоди-Рим папаси ҳузуридаги маслаҳат органи** 2-Ватикан собори тавсиясига кўра Павел VI томонидан тузилган. Папа хоҳиши билан 3 йилда бир марта йиғилиш ўтказилади ва черков учун муҳим масалани муҳокама қилади. Синоднинг қарори епископларнинг 2/3 қисми (учдан икки) овоз бергандагина қабул қилинади ва папа тасдиқ қилса кучга киради.

4. **Католикос** (юн.-умумий) - арман-григорян черкови ва грузин православ черкови бошлиғининг унвони, патриарх унвони билан бирлаштирилган ва унга тенг ҳисобланган.

5. **Клир** (юн.-чек ташлаш. Христиан руҳонийлари дастлаб чек ташлаш йўли билан сайланган) - христиан унвонли руҳонийлари ва черков хизматчиси, руҳонийларнинг ҳаммаси, тор маънода притч, яъни диний мавзуда олиб бориладиган диндорларнинг суҳбат йиғилиши зиёфатига раҳбарлик қилган киши. Дастлабки асрларда Клирлар оддий, камбағал кишилардан сайланди, лекин II аср охири III аср бошларидан бошлаб Клирлар Рим ҳукмдор синфлар, табақалари вакиллари билан сайланиб христианлик дини давлат томонидан аста-секин тан олина бошланди.

6. **Коляда** - славянларда қиш фаслида кундузи энг қисқа, кечаси энг узок бўлган пайтда ўтадиган байрамларнинг христианча цикли. Коляда қарашлари бўйича бу вақт янги ҳаётнинг, табиат янгиланишининг бошланиши. Коляда колядакалар билан бирга ўтказилган колядани йўқ қилишга бўлган уриниш зое кетгач, христиан черкови 25 декабрдан 19 январгача ўтадиган Исонинг туғилиши ва чўқинтирилишга бағишланган байрамлар цикли-святкага киради.

Марказий Осиё мамлакатларида христианлар мавжуд бўлиб, уларнинг маркази Тошкентда, бош руҳонийси Владимир (епископ). Христианлар билан мусулмонлар яхши алоқада, ҳамжиҳатликда яшайдилар.

Коляда вақтида қадимги славян халқлари турли сайиллар, ўйин-кулгилар ва маросимлар ўтказилган. Энди булар қаторидан «Исони улуғлаш», юлдуз ва христианликка хос бошқа муқаддас нарсаларни кўтариб юриш тартиблари жой олди. Коляда халқ байрамидир.

7. **Крецианизм** (лат.-яратиш ва жон) - христиан илоҳиёти таълимотида жон тўғрисидаги оқим. Крецианизм тарафдорлари, (мас. Ҳозирги неотомистлар) худо ҳар сафар одамни яратганда жонни унинг танаси билан қўшиб қўяди, деб ҳисоблайдилар. Бунга қарши оқим-традуциализм (Тертуллиан лютер) тарафдорлари эса жон Одам Атога худо томонидан фақат яратилгандагина ато этилган, кейин болаларга жон отадан, онадан хомила бўлган пайтда ўтади деб таъкидлайдилар.

8. **Крест-хоч салиб.** - христианликда муқаддас тимсол. Православие ва католицизмда диний сиғиниш предмети. Библияда кўрсатилишича Исо крестга миҳлаб ўлдирилган. Шунинг учун христианликни қабул қилиш белгиси сифатида диний тимсолга

айланган. Христианликдан аввалги динларда ҳам крестга сиғиниш мавжуд бўлганлигини археология фани ашё предметлари тасдиқлайди.

9. **Лавра** (юн.-кўп кишилик монастырь) йирик ва муҳим православ эркаклар монастырларининг номи. Рус православ черковида Киев-Печера (1598 йилда), Троица-Сергий (1744 йилда), Александр Невский (1797 йилда) ва Почаев-Успенский (1833 йилда) монастырлари Лавра деб аталган. Маҳаллий епархиал архиерейлар Лавра Лавирлари ҳисобланган. Троица-Сергий Лавраси ноziри черков бошлиғи - патриарх ҳисобланади.

10. **Масленица** - қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олишга бағишланган қадимги славянлар байрами. Байрам кунлари оилаларда блин (тухум ўйма) таоми пиширилади.

11. **Месса** (французча) - католик черковидаги литергия. Месса ибодат қилиш ва орган мусиқаси садолари остида ашула айтишдан иборат. 1962-1965 йилларда 2-Ватикан собори қарори билан литургия миллий тилларда ўтказишга рухсат берилган.

12. **Миро** (юн.-хушбўй ёғ, мой)- миро суртиш, чўқинтириш маросимида ишлатиладиган мой. Дастлаб Миро оддий ўсимлик мойи бўлган. 6-асрдан бошлаб унга бальзам (малҳам) ва хушбўй нарсалар аралаштира бошланган, оқ узум шарбати, хушбўй нарсалардан тайёрланади.

13. **Монастирь** (юн.-дарвиш хужраси) - черковнинг муайян йўл йўриқлари асосида биргаликда яшовчи монах роҳиблар жамоаси ва улар яшаб турган ибодатхоналар, турар жой уйлар, маиший хизмат хонаси, омбор, молхона, цехлари мажмуаси. Монастирлар католикларда монофи-зитларда мавжуд. Дастлаб Ҳиндистонда эр. ав. 1-минг йиллик ўрталарида буддистлар монастырлари пайдо бўлган. Биринчи христиан монастырлари эса 3-4 асрларда Мисрда вужудга келган. Ҳозирги пайтда Россияда монастырлар яна қайта тикланиб амал қила бошлади.

14. **Монах, роҳиб** (юн.-ёлғиз) - махсус диний жамоа аъзоси. Черков ақидаларига кўра, бундай жамоага мансуб бўлиш худо йўлига хизмат қилишнинг олий усулидир. Монахликни қабул қилувчи киши соч қирқтириш маросимини бажаради, яъни бу «гуноҳкор дунёдан» бутунлай воз кечади ва бутунлай черковга бўсунади. Буддизмда фақат эркаклар монах бўла оладилар.

15. Монахлик бирор таъмагирлик қилмасдан, зоҳидлик билан, уйланмасдан (эрга тегмасдан) яшаш ниятини қабул қилган киши.

16. **Папалик** салкам 1500 йил мавжуд бўлган қадимги диний марказлардан бири бўлиб, дастлабки вақтларда папалик ер-мулклар, яъни папа областига хўжайинлик ҳам қилар эди. Папалик Рим епископлиги негизида юзага келади. Империя пойтахтини 330-йилда Константинополга кўчирилиши ва сўнгги Рим императорининг 476 йилда кулаши билан Римнинг дунёвий-сиёсий ҳокимияти епископ кўлига ўтади ва унинг черковга ҳукмронлик қилишига асос солинган. Худди шу вақтда Рим папаси унвонини олади. 756 йилда франклар қироли (Франция) Пакана Пипин папага ер ҳадя қилади. (Папа области), бу папанинг дунёвий ҳокимиятини юзага келишига сабаб бўлди. Ф.Энгелс айтишича, ўрта асрда папа феодал системанинг байналминал марказига айланди. Наполеон эса папанинг бутун Европада мавқеини тушуриб юборади. Папа Иоанн XXIII черковнинг папалик обрўйини кўтара бошлади. Папа Павел VI (1963-1978 йиллар) сўнгра папа Иоанн Павел II (1978 йилда сайланган эди. Ҳозир ҳам у папа) папалик мавқеини ошира бордилар.

17. Папа фанлар Академияси ўз фаолиятини 1603 йилда бошлаган ва бир неча марта қайта ташкил этилган бўлиб, ҳозирги шаклида 1936 йилдан буён мавжуд. Бу Академиянинг 70 нафар ҳақиқий, фахрий аъзолари мавжуд. Академия йиғилишларига ҳар қандай мамлакатлардаги табиий ва техника фанлари билан шуғулланадиган олимлардан папа таклиф қилинган кишилар қатнашдилар. Бюллетень нашр қилади.

18. **Пастор** (лот.-қавмга раҳбарлик қилувчи, чўпон- руҳонийлик унвонини бериш маросимини (священство) инкор этувчи протестант оқимларидаги черков хизматчи.

19. **Пасха** (қадимги яҳудийча песах - ўтиб турадиган)-инжилларда ёзилишича крестга тортилган Исонинг «мўъжизавий тирилиши» хотирасига бағишланган христианларнинг асосий байрами. Дастлаб пасха қадимий яҳудийларнинг чорвадор ва

деҳқонлари байрами бўлган. Фақат 325 йилда христиан черкови жаҳон (Никея) соборининг қарори билан христианлар пасхаси алоҳида, баҳорнинг кеча-кундуз тенглиги ва ой тўлишган биринчи якшанбасида ўтказиладиган бўлган.

20. **Патриарх** (юн.-ота, асос солувчи) - православида олий диний мартаба бир қанча мамлакатлардаги православ черковининг бошлиғи. Католицизмда патриарх мартабаси айрим иерархияларнинг бошлиқларига берилади.

21. **Поп** (священник, расмий черков тилида иерей, просвитель) православида диний маросимни ижро қилувчи, ибодатни мустақил олиб боришга рухсат этилган ўрта даражадаги руҳоний. Поп барча сирли маросимларни (руҳонийлик унвони бериш маросимидан ташқари) амалга оширади.

22. **Попчилик** (Поповщина) - страообрядчиликдаги асосий йўналишлардан бири. У руҳонийлик унвонини бериш маросимини таинства (сирли маросимлар) ва требо (қавмлар) илтимосига кўра бутхонада ўтказиладиган ибодат маросимини бажарувчи секталар ва гуруҳларнинг бирлашиши.

23. **Постлар** (рўзалар) - умуман овқатни оёқ ёки унинг бирор турини истеъмол этишни таъқиқловчи, чекловчи диний таъқиқлар. Илоҳиётчилар фикрича рўзалар инсон руҳини амалий поклаш ва янгилаш учун хизмат қилади. Масалан, Христововерларда пиёз, картошка, саримсоқ пиёз солиш таъқиқланган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Инжил, Рим папаси, Аббат, монох исус, Апостол, Матфей, Луна синена, Иуда, Понтий Пилат, Чўқинтириш, Протестант.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Христианлик қандай дин?
2. Причашгениё қандай маросим?
3. Христианлик йўналишлари.
4. Православия қандай йўналиш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У, Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т. 1998.
2. Диншунослик асослари. Т. “Ўзбекистон”. 1995 й.
3. Хайруллаев М, Шоахмедов М. Маданият ва мерос. Т. 1973.
4. Николений М. История русской церкви. М. 1985.
5. Религиозные традиции мира В2-го мах. М. 1996.

9-мавзу: Марказий Осиёда Ислом. Исломнинг асосий манбалари. Тасаввуф. (6 соат)

Режа:

1. Ислом динининг вужудга келиши ва жаҳон динига айланиши.
2. Ислом динининг асосий манбалари. Қуръон ва Ҳадис.
3. Тасаввуфнинг келиб чиқиши ва тараққий этиши.
4. Тасаввуф фалсафаси.
5. Ислом динидаги оқимлар ва мазҳаблар.
6. Фикх илмининг вужудга келиши ва тараққий этиши.

Ислом (ислом дини) Арабистон ярим оролининг жанубий-ғарбий томонидаги вилоятларда, хусусан Ҳижоз воҳасида жойлашган Макка ва Мадина шаҳарларида яшайдиган араб қабилалари (курайшлар) орасида VII асрнинг биринчи ярмида вужудга келган янги жаҳон динидир.

Ислом пайдо бўлиши арафасида Арабистоннинг ғарбида Ўрта ер денгизининг Шарқий қирғоқларида, шимолий Африкада (хусусан Мисрда) яқка худоликка асосланган иудаизм (яхудолик) дини, шимол томондаги Византия (Ҳозирги Туркия) давлатида эса насроний дини (христиан) мавжуд бўлиб, бу динлар араблар орасида ҳам тарқалмоқда эди. Бу тўғрида Қуръонда ҳам маълумотлар берилган. (Бақара сураси). Ўша даврдаги тарихий вазиятда араб қабилалари ва шаҳар давлатлари аҳолиси олдида куйидаги тарихий вазифалар мавжуд эди:

1. Араблар ҳаётида уруғчилик, қабилачилик тартиблари емирила бошлаб, қулчилик билан феодал тартиблари шаклланаётган эди. Натижада араблар ижтимоий турмушида табақаланиш, синфий тенгсизлик рўй бериб, бир томондан бой бадавлат хонадонлар, иккинчи томондан қашшоқ хонадонлар мавжуд бўлиб, ҳаётда юқори табақа оилаларида дабдабали тўй-маъракалар, айш-ишратбозлик, исрофгарчилик, маиший айниш авж олади. Айни пайтда камбағаллар, етим-есирлар аҳволи оғир эди. Раҳм-шафқат, адолат камайиб кетган эди. Бу хусусда Қуръонда (Нисо сураси ва бошқа сураларда) жуда кўп фикрлар айтилган.

«Ислом - ихлос, тинчлик, омонлик, сулҳ, турли офатлардан саломат бўлиш, итоат, бўсуниш каби маъноларни англатади»

(Қаранг: Поклик имондандир.Т., «Ўзбекистон», 1991 йил, 33-бет)

2. Араб қабилаларининг бир қисми водий ва воҳалардаги қишлоқ ҳамда шаҳарларда яшаб, деҳқончилик, хунар-мандчилик ва савдо ишлари билан шуғулланарди. Бу жойларда маданият анча ривож топган эди. Макка ва Мадина маданият ва диний марказлар эди.

Бироқ ўша вақтларда арабларнинг кўпчилиги саҳроларда яшаб, улар чорвачилик билан шуғулланиб кўчманчилик ҳаётида яшаганлар. Шаҳарлик ва саҳройи-бадавий араблар орасида тез-тез талончилик урушлари юз бериб турганлиги тарихий манбаларда кўрсатилган. Арабларда уларни тартибга солиб турадиган марказлашган кучли давлат ҳам йўқ эди. Ана шундай кучли давлат тузиш тарихий заруриятга айланган. Бу давлат ижтимоий тарқоқликка барҳам бериб, арабларни бирлаштириши зарур эди.

3. Ўша даврда арабларда ғоявий-мафкуравий бирлик ҳам йўқ эди. Чунки, араб қабила ва уруғлари турли-туман динларга диний урф-одатларга амал қилганлар, айниқса аждодлар руҳига сиғиниш, айрим ҳайвонларни илоҳийлаштириш (тотемизм), айрим тоғлар, ғорлар, сув манбалари, дарахтлар, тошлар, осмон жисмларидан; ой, кўёш, юлдузларни муқаддаслаштириб уларга сиғиниш (фетишизм), инс-жинслар, девлар, алвасти, пари, афсонавий хизр каби ғайритабиий кучларга ишониш кучли бўлган. Қабилавий худолар, маъбудалар, яъни илоҳаларга эътиқод қилишарди. Каъба (тошдан қурилган тўртбурчак ибодат уйи) тўғрисида тарихий маълумотлар сақланиб қолган.

Исломий давргача ҳукм сурган бу жоҳилия даври мушриқийлик бўлиб бу ҳам арабларни мафкуравий жиҳатдан бирлаштириш йўлидаги ғов эди. Кун тартибида кўп худолик - мушриқийликдан ваҳдониятга, яъни яқка худоликка ўтишдек муҳим тарихий вазифа турар эди.

4. Шаҳар бойлари ва бой чорвадорлар орасида кўп хотин олиш, кўп кунларга чўзилган дабдабали тўй-маъракалар, ичкиликбозлик, қимор ўйнаш, фоҳишабозлик каби ярамас одатлар кенг тарқалган эди. Айрим араб оилаларида қиз болаларни ерга кўмиб ташлашдек даҳшатли одат ҳам бор эди. Кун тартибида ана шундай аҳволга барҳам бериш вазифаси ҳам мавжуд эди.

Юқорида санаб ўтилган тарихий вазифаларни фақат Оллоҳ хоҳиш иродаси бўлган Ислом дини куч-қуввати билангина бажармоқ мумкин бўлди. Оллоҳга иймон-эътиқодга даъват қилиш фаолиятини ханифалар бошлаб юборган эдилар.

Ханифалар (ханиф, арабча сўз бўлиб, маъноси чинакам эътиқод қилувчи, таквадор киши) демакдир. Ўз ҳаётини якка худога эътиқод қилишга даъват қилишга бағишлаган.

Ислом дини вужудга келмасдан илгари араблар орасида якка худолик ғоясини тарғиб қилиб чиққан руҳонийлар ханифлар эди. Ханифлардан Сижжаҳ, Тулайх, Асвад, Мусайлима қабиларнинг исмлари манбаларда тилга олинган. Ханифлар ўша даврда араб қабилалари ўртасида кенг ёйилган мушрикийликка қарши чиқиб якка худоликни тарғиб қилиб чиққанлар. Ханифлар Тангри, Воҳид, Карим, Фаҳим, Раҳмон, Акбар, Таоло, Одил қабиларнинг ҳар бири Оллоҳнинг, яратувчининг сифатлари деб тарғиб қилганлар. Ханифлар одамлар ахлоқидаги баднафслик, очкўзлик, ахлоқий бузуклик, шухратпарастлик, дабдабозлик, ҳаддан зиёд исрофгарчиликка олиб борадиган катта тўйлар, маъракалар қилишни қаттиқ қоралаганлар ва аксинча, инсоф, адолат, нафси тийиш, ўзгалар ҳаққидан ҳазар қилиш, бир-бирларига ёрдам қилиш, ватанни севиш, илм-маърифатни эгаллаш каби фазилатларни тарғиб қилганлар. Улар турли бутларга сиғинишга чақирганлар. Ортиқча урф-одатларни бидъат деб ҳисоблаганлар.

Муҳаммад Ибн Абдуллоҳ ёки Муҳаммад пайғамбар Саудия Арабистонидаги Макка шаҳрида Қурайш қабиласининг Хошимийлар хонадонида мелодий йил ҳисобида 570 йилда туғилган. Илк Ислом манбаларидаги маълумотларга қараганда, Муҳаммад «фил эгалари юриши» деб аталган тарихий воқеадан эллик кун кейин таваллуд топган. Ислом анъанасида бу 1-«фил йили» рабиъ-ул-аввал ойининг 12-куни деб қабул қилинган. Ал-Хоразмий ва ал-Берунийларнинг аниқлашларича, бу тарих 570 йилнинг 20 апрелига тўғри келади. (Қаранг: Муталлиб Усмонов. Қуръони Карим ва жаноби Расулуллоҳнинг амаллари.Т., «Нур». 1992 йил, 5-бет).

Арабистон саҳроларида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган Қурайш қабиласининг ўндан ортиқ уруғи V аср бошларида Макка воҳасига жойлашиб, ўтроқлашган эди. Бу жойда мавжуд бўлган Каъба ибодатхонаси Иброҳим пайғамбар ўғли Исмоил билан бирга бошпана учун қурган, деган ривоятлар ҳам бор. Зам-зам булоғи ҳамда унинг атрофидаги ерлар қадимдан араблар ўртасида муқаддас ҳисобланган ва вақти-вақти билан бу ерни зиёрат қилиш қабилалар ўртасида одатга айланиб кетган. Чунки, Каъбада қабилаларнинг ўз худо-илоҳалари-ю маъбудалари учун қўйган бутлари, санамлари, ҳайкаллари мавжуд бўлиб, уларнинг жами сони 360 та эди. Ана шу худоларга атаб ҳар йили баҳор ва ёз ойларида Арофат тепалигида араблар туя, мол, қўй каби ҳайвонларни сўйиб худойилик қилганлар. Каъба ёнидаги қора тошга сиғиниб, унинг атрофидан айланиб зикр рақсига тушганлар. Зам-зам сувидан истеъмол қилиб, унга жаннатдаги кавсардан ер юзига отилиб чиққан муқаддас неъмат суви деб билганлар. Шу тариқа V аср ўрталаридаёқ Макка шаҳарга айланган. Маккада катта бозорлар вужудга келиб, унга атрофдаги араб қабилалари, узок юртлардан ҳам саводгарлар келишиб тижорат ва зиёрат қилганлар. Ҳозирги вақтда ҳам ана шу жараён ҳаж маросими номи билан давом этмоқда.

Маккадаги хошимийлар хонадони нуфузли уруғлардан ҳисобланган. Муҳаммад авлодлари шу хонадондан чиққан. Муҳаммад ҳам ёш бўлган пайтларида Макка зиёратгоҳлари-нинг тасарруфи хошимийлар қўлида бўлиб, унинг бобоси Абдул Муталлиб Каъбанинг бош шайхи, эшик калитларини сақловчи эди. Абдул Муталлибнинг олти ўғли бўлиб, иккинчиси - Абдуллоҳ Муҳаммаднинг отаси. У Муҳаммаднинг туғилганини эшитиб савдо қарвони билан фаластиндан қайтиб келаётган юрак оғриғи касалидан Мадинада вафот этган. Онаси Омина эса чақалоғини кўтариб қарвон билан қайтгани ҳақида манбаларда маълумотлар мавжуд.

Ўша даврда Маккада ўзига тўқ араблар орасида фарзандини атрофдаги кишлоқлардаги аёлларга эмизишга бериш одати бўлган. Муҳаммадни ҳам бобоси Саъд ибн Бақр қабиласидаги Ҳалима Исмли аёлга эмизишга берган. Муҳаммад энага бағрида беш ёшигача яшаган ва кейин маккага, уйига олиб келинган.

Бу ўринда шуни ҳам тилга олиб ўтиш керакки. Муҳаммад беш ёшида, ҳали Ҳалиманинг бағрида яшаётган вақтидаёқ келажакда пайғамбар бўлиши учун осмондан иккита фаришта тушиб кўкрагини очишгани, қалбидаги инсонларга хос бўлган ғараз ва ёмонликларни илдизи бўлган қора қони олиб ташлангани ва қалбини поклашгани ҳақида ривоят бор. Бу воқеани ислом тарихида «Саъд» воқеаси деб аталади.

Муҳаммад олти-етти ёшлигида, яъни онаси Омина ҳаётдан кўз юмгач, уни бобоси Абдумуталлиб ўз тарбиясига олган. «Абдумуталлиб Муҳаммад аллайҳиссаломни ўз болаларидан юқори тутиб ҳар тарафга борсалар олиб борар эдилар». (Қаранг: Бадойиъу-р-ривоят.Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1995 йил, 12-бет).

Лекин орадан икки йил ўтиб, бобоси ҳам вафот этган. Шундан кейин Муҳаммад тарбияси катта амакиси Абу Толиб қўлида бўлган. Болалигида у амаксининг кўй ва эчкиларини боққан. Кейинчалик Абу Толиб Муҳаммадни бир маротаба карвон билан Суриянинг Бусро шаҳридаги бозорга ҳам олиб борган. Анча вояга етганда Муҳаммад савдо карвонларини тузишда хизмат қилган. 595-йилда амаксининг маслаҳати билан Муҳаммад бадавлат бева аёл Хадичанинг хизматига кириб, унинг молларини карвон билан Сурияга олиб бориб сотиб келган. Орадан кўп ўтмай, у Хадичага уйланган.

Илк Ислом манбаларида Хадичанинг ёши ҳақида икки хил маълумот учрайди. Оврупо исломшунослари Муҳаммад 25 ёшида ўзидан 15 ёш катта бўлган аёлга уйланган, деб камситиш мақсадида, фақат ана шу маълумотлардан биттасини мутлоқлаштирганлар. Уларнинг асарлари орқали бу маълумот Совет миллий ва тарғибот адабиётида ҳам кенг тарқалган эди.

Аслида, иккинчи маълумот ҳам мавжуд бўлиб, бу маълумотлар Муҳаммаднинг кейинги хотини ойша сўзларига асосланган. Шунга кўра Муҳаммад уйланган вақтда 23 ёшда, Хадича эса 28 ёшда бўлган. Бу маълумотни ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблаш керак, чунки Хадича Муҳаммаддан олти фарзанд кўрган. Биринчи кўрган фарзанди, ўғлига ал-Қосим деб исм қўйган, у икки ёшлигида вафот этган. Тўрт киз: Зайнаб, Руқия, Умми-Гулсум, Фотималар катта бўлиб турмуш қуришган. 613 йилда эса яна бир ўғил кўрган бўлиб, унга ат-Тоҳир деб, исм қўйган, у гўдаклигида вафот этган.

(Қаранг: Муталлиб Усманов. Қуръони Карим ва жаноби Расулulloҳнинг амаллари.Т., «Нур» , 1992 йил 9,73-бетлар).

Муҳаммад билан Хадича 15 йилга яқин ғоят тинч ва яхши турмуш кечирганлар. Қизларини турмушга узатганлар. Зайнабни узок қариндошининг ўғли Лакит Абул-Ос ибн Рабига, Руқия билан Умми-Гулсумни эса амакиси Абдул Уззанинг икки ўғлига, Фотимани амакиси Абу Толибнинг ўғли Алига турмушга берганлар. Оилада: Муҳаммад, Хадича, Фотима, Али, озод қилинган қул-ўғил Зайд ибн ал-Хориса, ҳаммаси бўлиб беш жон яшашган.

Савдо ишлари билан Сурия, Фаластинга борган вақтларида Муҳаммад иудаизм (яхудий) ва насроний (христиан) динлари билан танишган, катта рухонийлар суҳбатида бўлиб, яқка худо ва пайғамбарлар, айниқса Мусо (Моисей) ва Исо (Иисус) пайғамбарлар тўғрисида кўп қизиқ маълумотлар эшитиб, таъсирланган. Ёшлик пайтларида бобоси Абдул Муталлиб ва унинг суҳбатларида қатнашган уламолардан дин тўғрисида кўп сабоқ олган эди. У бир неча йиллар мобайнида мутассил равишда диний тафаккур ва ибодат билан шуғулланиб турган. Унинг хотираси кучли бўлиб, хулосалар чиқаришга қобилиятли бўлган. Ниҳоятда тақводорлик билан ҳаёт кечирган. Муҳаммад Макка яқинидаги Хиро ғорига бориб доимо ибодат қилган, бир неча куну тунларни шу ғорда ўтказиш одати бўлган. «Диний ёзувларни биладиган одам» сифатида танилган қариндоши Варақа ибн Навфалдан ҳам таълим олган. Муҳаммад пайғамбар 610 йилда 40 ёшида Маккада актив Ханиф сифатида фаолият бошлаб, Ислом дини, барча борлиқнинг, у дунё-ю бу дунёлар эгаси Оллоҳни тарғиб қилиб, ҳаммани янги динга эътиқод қилишга даъват эта бошлаган.

Муҳаммадга ваҳий келган. Оллоҳдан фаришта Жаброил ваҳий келтирган. (Ваҳий - луғавий маъноси: «Ўқдириш», «дилига солиш» мазмунида Оллоҳнинг пайғамбарига юборган амри).

Муҳаммаднинг Ислом дини учун олиб борган кураши икки даврга: Макка ва Мадина даврларига бўлинади.

Исломни Макка давридаги тарғиботи, мушрикийликка қарши олиб борган кураши, мелодий 610 йилнинг 15 дан 16 августга ўтар кечасидан бошланиб то 632 йилнинг 8 сентябр-игача, яъни 23 йил давом этган.

Ибн Исҳоқ-Ибн Хишомнинг «Сирату-р-Расул-Оллоҳ» асарида шундай ривоят келтирилган: Муҳаммад Хиро ғорида тунаб қолган бир кечада осмондан овоз эшитган ва фаришта Жаброил унга «Ўқи!» деб буюрган. У «Мен ўқишни билмайман»,-деб жавоб берган. Жаброил яна «Ўқи!» деб икки бор такрорлаган ва ҳар дафъа у оғир азоб чеккан. Охирида фаришта унга кўрсатиб турган ёзувни беҳос ўқиган. Кейин Жаброил унинг Оллоҳнинг элчиси қилиб олинганини айтган. (Қаранг: Юқоридаги китоб, 10-бет).

Расулulloҳ Хиро ғоридан қайтиб келиб, бўлган воқеани ва Қуръон сурасининг ваҳий қилинганини хотини Хадичага айтган ва дарҳол Хадича ваҳийни калима қилиб қайтариб мусулмон бўлган.

Қуръоннинг 96-«Алак», Лаҳта кон сурасининг дастлабки бешта оятида:

Бисмиллоҳи-р-Раҳмони-р-Раҳим

Икраъ бисми раббика-л-лази халак

Халака-л-инсона мин алак
Икраъ ва раббука-л-акрам
Аллази аллама би-л-калами
Аллама-л-инсона мо лам ялам

Таржимаси:

Ўқи, яратган Парвардигорнинг номи билан
Инсонни лахта қондан яратганнинг номи билан
Ўқи, Парвардигоринг фазлу карамли
Унинг ўзи қалам билан ўргатган
Инсонга унинг билмаганини ўргатган.

Дастлабки ваҳий келган кечаси «Лайлатул қадр»-мазмунини «қудрат кечаси» ёки «тақдир кечаси», илоҳий қудрат туфайли Қуръон юборила бошланган ва унда исломийлар тақдири белгиланган кеча, деган маъно мавжуд.

Мусулмонлар Лайлатул қадр кечасини муқаддас деб билишлари ана шундан пайдо бўлган. Диндорлар ҳар йили шу кечада Оллоҳ ҳар бир мусулмон ибодат пайтида илтижо қилган тилагини ҳисобга олиб, унинг тақдири ҳақида ҳукм чиқаради, бахт ато этади, деб ишонадилар. Шунинг учун ҳам лайлатул қадр кечасида Қуръон ўқиб, Оллоҳга илтижо қилиб чиқиш расм бўлиб, у катта савоб ҳисобланади.

Муҳаммад Расулиллоҳ тарғиботига дастлаб яқин қариндошларидан бир қисми ишониб, унинг издошларига айланишди. Исломни қабул этганлар сафи кенгайиб борган. Қурайш қабиласидаги ёшларнинг бир қисми ҳам пайғамбарга ишониб исломни қабул этганлар. Муҳаммад дастлабки тўрт йилда ўз ҳовилисида тарғибот олиб борган. Унинг тарафдорлари 35 кишига етгач, бадавлат задагонлардан бирининг ўғли ал-Аркам 614 йилда йиғилишларни ўз ҳовлиси-да ўтказишни таклиф қилган. Ал-Аркам ҳовлисида исломни қабул қилган Умар ибн-ул-Хаттоб 40-мусулмон бўлган киши ҳисобланади. Ислом тарихида дастлаб исломни қабул қилган 40-45 кишилар обрў-эътиборли бўлиб, улар орасидан кейинчалик Абу Бакр, Умар, Али, Жаъфар каби улуғ кишилар етишиб чиққанлар.

Муҳаммад ва унинг сафдошлари доимо бирга бўлишиб, тўйларда ҳам, азада ҳам, намозу рўзаларда, ифторлик ва жумада ҳам ҳамкорликда бўлиб, бир-бирларининг аҳволидан хабар олишган, ёрдам қилишган, манфаатлари, оила, мол-мулклари доимо баҳамжиҳатликда яшаган ва тасарруф этилгани учун уларни «мўминлар жамоаси» деб аташган. «Мўмин-мусулмон» атамаси ана шу тарика пайдо бўлган.

Ана шу дастлабки боскичда Муҳаммад пайғамбар тарғиботида одамларни якка худо Оллоҳга иймон келтиришга даъват этади. Якка худога иймон моҳияти Иброҳим пайғамбар эътиқодини тиклаш, одамларни ҳалолликка, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмасликка чақириш мазмунида талқин этилади. Савдо билан шуғулланиш савоб иш, пулга фойда олиш (судхўрлик) эса каттиқ гуноҳ дейилади, охират яқинлашгани-ни, у кун келгач, Оллоҳ барчанинг ишини ҳисоб-китоб қилиши, охират кунининг даҳшатлари, ҳар кимнинг қилмишига яраша ажр борлиги, яъни гуноҳкорлари дўзахга, савоб ишлар қилганлари жаннатга тушиши каби ғоялар тарғиботнинг асосий мазмунини ташкил этган.

Маккада нозил бўлган суралар охират ва ажр масалаларига кўпроқ бағишланган бўлиб, улар одамлар руҳига кучли таъсир этган.

Масалан: 81-ат-Таквир (Букланиш) сурасида:

Бисмиллахи-р-Раҳмони-р-Роҳим
Иза-ш-шамсу куввират
Ва иза-и-нужуму-н-кадарат
Ва иза-л-жиболу-суйиират
Ва иза-лишору уттилат
Ва иза-л-вухушу хушират
Ва иза-л-бихору сужжират
Ва иза-л-нуфусу зуввират
Ва иза-л-мавъудату сугиладат
Би-аййи занбин кутират
Ва иза-с-сухуфу нушират
Ва иза-с-самаъу кушират
Ва иза-с-жаҳиму суъират
Ва иза-л-жаннату узлифат

Алимат нафсун мо ахзарат

Таржимаси:

Куёш букланганда
Юлдузлар тўкилиб тушганда.
Тоғлар ўрнидан қўзғотилганда
Ўн ойлик ҳомиладор туялар қаровсиз қолганда
Ҳайвонлар бир жойга тўпланганда
Денгизлар ёнганда
Жонлар жонлар билан туташганда
Тириклайин кўмилган қизларнинг
Қандай гуноҳи учун ўлдирилгани сўралганда
Ўрама ёзувлар очилганда
Осмоннинг ёруғи сидириб олинганда
Жаҳаннам қиздирилганда
Жаннат яқинлаштирилганда
Ўшанда ҳар бир жон нимани ҳозирлаганини билади.

(Қаранг: ўша китоб. 17- бет)

Маккада нозил бўлган суралар 90 та бўлиб, улардан 81,83,84,101,102,107-сураларида мол-дунё кўпайтиришга интилиб, одамгарчиликни унутадиган кишилар, одамларни тарозидан алдаб, ёлғон гапириб, фирибгарлик қилиб, пулга фойда олиб, мол-дунёсини кўпайтирадиган қалбларнинг иши қораланади. Бева-бечораларга, етим-есирларга ғамхўрлик қил-майдиган, қўл узатган гадони ҳайдайдиган қаттиққўл, шафқатсиз, тошмехр одамлар танқид қилиниб, раҳмдиллик, инсонларга ёрдам қилиш тарғиб этилган.

Бундай умумбашарий ва инсоний ҳисларга, ахлокий ҳалоллик ва покликка даъват, ғоятда ширали ва чиройли қилиб тиловат этилган оятлар, айниқса, ёшларга кучли таъсир қилганлиги сабабли улар исломни бажонидил қабул қиладилар, уларни бу йўлдан ота-оналарининг жазоси ҳам қайтара олмайди, хусусан қуллар исломни эътиқодга айлантирадилар.

Бироқ Муҳаммад 615 йилда халқ йиғинлари ва анъанавий қурбонлик ўтказиладиган Сафо тепалигида халққа очиқ мурожаат қилиб, Ислом динига киришга даъват қилиб, аввалги маъжусийлик билан мушрикийликни қаттиқ қоралади. Айниқса навбатдаги қабилавий худоларга қўйилган илоҳа ҳайкалларни синдириб ташлашга чақиргач кескин қаршиликка учрайди, тўкнашув, таҳқирлар бошланади.

Маккаликларнинг ота-боболари Аллоҳни танимагани учун дўзахда азоб чекмоқдалар, деган мазмундаги оятлар маккалик зодагонлар, савдогарларнинг юқори қисмида норозиликни кучайтирди. Шундан кейинги вақтларда пайғамбар ва унинг сафдошларининг аҳволи ёмонлаша бошлади.

Муҳаммаднинг амакиси Абд ал-Узза илгаридан ислом тарғиботига қарши эди, у хошимийларни чақириб хонадонимиз обрўсини тўкаясан, деб пайғамбарни ҳақорат қилди. Унинг хотини уммавийлар уруғининг раҳбари Абу Суфъёнинг кизи Умма Жамил эрининг тарафини олиб, пайғамбар уйига ўтадиган йўлига ҳар куни тиканакларни тўплаб қўяди, натижа-да пайғамбар уйига қийинчилик билан киради. Абд ал-Узза Қуръоннинг 3-сурасида «Абу Лаҳаб», яъни («Оловнинг дўсти») «дўзахи» деб лақаб олади. Абу Лаҳабнинг икки ўғлига пайғамбарнинг Руқия ва Умми Гулсум деган қизлари тушганлигини айтган эдик. Абу Лаҳаб уларни талок қилдириб, уйига жўнатиб юборади, бу катта ҳақорат эди.

Вазиятни енгиллаштириш мақсадида мусулмонларнинг бир қисмини пайғамбар 615 йилда Хабашистонга (ҳозирги Эфиопия) жўнатади. Бу биринчи ҳижратга Усмон Ибн Аффон бошчилик қилади. Кейинги бир неча ой ичида вазият бироз юмшайди. Лекин 615 йил охирида вазият яна оғирлашиб кетади. 80 дан ортиқ мусулмонлар иккинчи ҳажратга яна Хабашистонга жўнайди. Қурайш хонадонларининг задогонлари Абу Толибдан, ё Муҳаммад тарғиботини тўхтатсин ёки хошимийлар хонадонидан ҳайдалсин, деб талаб қиладилар. Абу Толиб бу талабларни қатъиян рад қилади. 200-300 хошимий пайғамбар ҳовлиси атрофига чодир тикиб уни химоя қиладилар. Бундай ноқулай вазият икки йилдан кўпроқ давом этади.

619 йилнинг июль ойида Абу Толиб вафот қилади, икки ойдан сўнг эса Хадича ҳам оламдан ўтади. Хошимийлар хонадонига Абу Лаҳаб бошлиқ бўлиб қолади. У Муҳаммадни уруғ химоясидан маҳрум, деб эълон қилади. Бу ҳолат Муҳаммад ҳаётини хавф остида қолдиради. У асранди ўғли Зайд билан яширин ҳолда Маккадан чиқиб Тоиф шаҳрига йўл олади. Лекин тоифликлар уларни масхаралаб, тошбўрон қилиб ҳайдайдилар. Муҳаммад ғоятда оғир рухий

ҳолатда орқага қайтади. Сўнг у Хиро ғорига яширинади. Обрўли Навфал авлодидан бўлган Мутъим Ибн Али Муҳаммадни ўз уйига қабул қилади. У курулли гуруҳи билан Кабъа олдига келиб пайғамбарни ўз ҳимоясига олганлигини эълон қилади. Пайғамбар ўз тарафдорлари орасида тарғибот олиб боради, маккалик зодагонлар билан эса тўқнашмасликка ҳаракат қилаверади.

Пайғамбарнинг тарғиботи 620 йилнинг июль ойида Ясриб шаҳридан хажга келганларга катта таъсир кўрсатади. Хаждан қайтиб борганлар орқали Ясриб аҳолиси ўртасида бу тарғибот ҳақида ижобий фикр ёйила бошлайди. Маккадан 350 километр шимолда жойлашган Ясриб воҳасида яшайдиган Авс ва Хаэраж номли араб қабилалари ўртасида доимо зиддиятлар мавжуд эди. Бундан ташқари, бу икки қabila билан ўша воҳада қўшни бўлиб яшайдиган Кайнука, Нзир, Курайза деган яҳудий қабилалари ўртасида ҳам тез-тез тўқнашувлар бўлар эди. Қабилалар ўртасидаги ихтилофни бартараф қиладиган бир тадбиркор «ҳакам» бўладиган шахсга катта эҳтиёж сезилар эди.

621-622 йиллардаги ҳаж мавсумларида Ясриб вакиллари Муҳаммад пайғамбар билан Макка яқинидаги Акаба деб номланган жойда икки маротаба учрашдилар. Бу учрашувларда Муҳаммадни сафдошлари билан ясрибга таклиф қилишиб, агар пайғамбар «ҳакам»лик қилишга кўнса, ясриб аҳли исломни қабул қилиб, пайғамбарни ўзларига бошлиқ этиб сайлашларини ваъда берадилар. Ўртада келишув бўлди. Ясрибликлар жўнаб кетгач, Муҳаммад ва унинг тарафдорлари аста-секин Ясрибга кўника бошлайдилар. Ниҳоят 622 йил 9 сентябр кечаси Муҳаммад Абу Бакр билан яширин равишда Ясрибга жўнаб кетиб, 16 кун йўл босиб 622 йил 24 сентябрда ясрибга эсон-омон етиб келадилар. Ясрибликлар уларни яхши кутиб оладилар, пайғамбар ниҳоят янги жойда бемалол дам олиши мумкин бўлди. Бу кўчиш арабча хижрат дейилади. Мусулмон йил ҳисоби - хижрий йил шу 622 йилдан бошланади.

Ислом тарихидан маълумки, Муҳаммад ва унинг сафдошлари «муҳожирлар», яъни кўчиб келганлар, ясриблик мусулмонлар эса «ансорлар», яъни «ёрдамчилар», деб ном олдилар. Улардан Муҳаммад пайғамбарга энг яқин турган ва маслаҳатчи бўлган бир гуруҳи «саҳобалар» (кўплиги «асҳоб»-сафдошлар) деб аталади. Муҳаммад пайғамбар кўчиб келгандан сўнг Ясриб Мадина, яъни шаҳар, баъзан эса Мадина ан-Набий (пайғамбар шаҳри) деб атала бошланди. Кейинчалик Ислом адабиётида Макка ва Мадина Исломнинг муқаддас маркази сифатида «Маккаи мукаррама» «Мадинаи мунаввара» деб аталадиган бўлди.

Муҳаммад Мадина Марказидаги майдонда ўз издошлари билан жума намозини ўқийди ва шундан бошлаб барча мусулмонлар тўпланиб (жамоат бўлиб) Муҳаммад пайғамбар имомлигида намоз ўқиши анъанага айланади. Шу ерда пайғамбар биринчи бор хутба айтган, кейин хутба ҳам анъанага айланган. Хутба ислом анъанасида ўзига хос дуо-илтижо шакли бўлиб, Муҳаммад пайғамбар мусулмонлар жамоасига ғалаба ва омонлик тилаб, хутба ўқиган.

Кейинги ислом тарихида ҳукмронлар тарихининг барқарор бўлишини тилаб, жума намозидан олдин хутба ўқилган. Хутба ўқийдиган руҳонийлар хатиб (баъзан имом-хатиб) дейилган. Муҳожирлар ва ансорлар бир-бирлари билан ака-ука туғиниб, Мадинада яғонада диний жамоа-мусулмонлар жамоаси пайдо бўлди ва уни «Уммат ал-Мўминин», деб аталди. Уни айрим манбаларда қисқа қилиб «умма» деб ҳам аталади. «Умма» динга асосланган кишиларнинг бирлашиши эди.

Муҳожирлар билан ансорлар шаҳар марказида масжид ва пайғамбарга уй қурдилар. Пайғамбар оиласини ҳам Маккадан Мадинага кўчириб келтирилди. Маккадан ярим йил ичида бир нечта гуруҳ мусулмонлар Мадинага кўчиб келдилар.

Муҳаммад Мадинада пайғамбар деб тан олинди, кейинчалик эса сиёсий ҳокимият ҳам унинг қўлига ўтди. У бош лашкарбоши, бош қози, бош имом эди. Муҳаммад пайғамбар раҳбарлигида мусулмонлар Мадинага кўчиб келгандан кейин бу ерда тўртта - муҳожирлар, авсетлар, хазражийлар ва яҳудийлардан иборат гуруҳлар вужудга келди. Муҳаммад улар ўртасида бирликка эришиш учун алоҳида аҳднома тузди ва ҳужжат сифатида расмийлаштирди. Олимларнинг ёзишича (Масалан, Муҳаммад Ҳамидуллоҳ) бу ҳужжат «Мадина конституция»си эди. Ҳужжатда, бу тўрт гуруҳ бир жамоадан иборат, улар бир куч сифатида жангга киради, асирларни қутқариш учун сарфланган ҳаражатларни ҳам ўртада қилинади, улар ўз ораларидан ҳеч кимни қаровсиз қолдирмайди, қонунбузар ва жинойтчиларга қарши бирга курашади, барча диндорларнинг ҳимоячиси Аллоҳдир, диндорлар эса бир-бирига ҳимоячидир, душман билан жанг тугагач, барча гуруҳ бирликда сулҳ тузади, ўлдирилган шахс учун диндорлар бир-биридан қасос олиш ҳуқуқига эга, лекин қон тўқмасдан товон тўлаш маъқулдир, ҳамма гуруҳлар ислом душмани бўлган курайшларга қарши курашадилар, ҳеч ким уларни ҳимоя қилмаслиги керак, бу аҳдномени бузганлар Аллоҳнинг қаҳрига учрайди, деб ёзиб қўйилган эди. Бу тарихий ҳужжат ислом

мамлакатларида илк феодализм даврида ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Унинг кўпгина талаблари ҳозир ҳам аҳамиятга эга. Мадинада бирлик ва ҳамжихатлик пайдо бўлгач, Муҳаммад пайғамбар Маккага қарши кураш бошлаб юборди.

Маккадан шимолга, Фаластин ва Сурия ерларига олиб борадиган қарвон йўли Мадина яқинидан ўтарди. Бу йўл Макка ҳокимлари ва савдогарлари учун ғоят катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлиги учун, дастлабки йилларда кураш ана шу қарвон йўли устида бошланган.

Дастлабки жанг 624-йил март ойида Бадр қудуғи атрофида бўлган. Бу жангда Муҳаммад бошчилигида 300 дан зиёд мусулмонлар ва Абужаҳл бошчилигида 850 Маккалик кўшин қатнашган. Урушда мусулмонлар енгиб чиқади. Натижада мусулмонлар жамоаси мустаҳкамланади. Жангда мусулмонлар 30 та от, 150 та туя, кўп қурол-анжомларни ўлжа олади. 624-йил 16 март (Ҳамал) куни Қуръоннинг 8-ал Анфол (Ўлжа) сураси ваҳий бўлади. Бу сурада ўлжани қандай тақсимлаш кўрсатилган. Унда, ўлжанинг бешдан бир қисми мусулмонлар жамоасининг манфаатига, пиёда аскарга бир ҳисса, отлик аскарга икки ҳисса берилиши кўрсатилган, адолатли тақсимлашга даъват қилинган. Кейинчалик бу қоида халифалар даврида ҳам сақланиб қолган. Бадр жангида 622 йилдаги аҳднома бузилганлиги учун Кайнука яҳудий жамоаси жазоланади ва 624 йил 10 апрелда кўчириб юборилади. Мусулмонлар билан яҳудийларнинг тарихий низолари ўша даврдан бошланиб, ҳозирги даврда араб давлатлари билан исроил можараларида давом этмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мусулмонлар бу даврда (Маккада ҳам Мадина ҳам) анъанавий муқаддас шаҳар ҳисобланган Қуддус (Иерусалим) томонга қараб намоз ўқишган. Қибланинг ўзгарилиши ва Маккадаги Каъбанинг қибла деб белгиланиши Бадр жанги ва Кайнука билан тўқнашувдан кейин юз берган.

Шунингдек, биринчи бор масжидда намоз ўқиш бошланиши олдиан азон айтиш ҳам шундан бошланган. Пайғамбарнинг Билал исмли озод қилинган қули азончи (муаззин)лик қилишни бошлаган. Худди шу даврда биринчи бор рўза тутиш маросими ва у тамом бўлгач рўза ҳайити намози ҳам киритилган. Рўза тутиш 625 йилнинг рамазон ойидан тутилиши белгилаб қўйилган эди. У ҳозир ҳам ўз кучини сақламоқда.

Уҳуд жанги. Макка зодагонларининг бошлиғи Абу Суфъён пайғамбардан ва мусулмонлардан ўч олишга қарор қилади. У Мадина воҳасидаги Бану Назир деган яҳудий қабиласи билан яширин тил бириктириб, улардан мусулмонлар тўғрисида маълумотлар тўплайди. 625 йил 21 мартда Уҳуд деган адирликда жанг бўлганлиги учун «Уҳуд жанги» дейилади. Бу жангда маккаликлардан 3000 отлик ва туя мингтан аскар ва мусулмонлардан минг кишилик лашкар Муҳаммад қўмондон-лигида қатнашади. Майдонга маккаликлардан паҳловон Абу Талха ва мадиналиклардан Баҳодир Али тушади. Али Талхани енгади ва мусулмонлар ҳужум бошлаб маккаликларнинг маркази янчиб ташланади. Ғалаба аломатлари кўрина бошлаганда аскарлардан бир қисми маккаликлар қарорго-ҳидаги ўлжаларга ташланади. Буларни кўрган камончилар ҳам ўлжага қараб кетадилар, натижада мудофаа мавқеи очиқ қолади. Маккаликларнинг 200 отликдан иборат гуруҳи Ҳамид Ибн Валид бошчилигида мусулмон кўшинларининг ўнг қанотини осонгина қириб ташлайди. Мадиналиклар чекина бошлаган пайтда Муҳаммад бошига урилган қиличдан яраланади. Мадиналиклар пайғамбарни жанг майдонидан олиб чиқадилар ва тоғ орасига яширадилар. Жанг майдонини айланиб чиққан Абу Суфъён мусулмонлардан ўчини олганига қаноат ҳосил қилгач, уларнинг изига тушиб таъқиб қилмасдан орқага, Маккага қайтади.

Мусулмонлар тоғ оралиғидан чиқиб ҳалок бўлганларни йиғадилар. Пайғамбарнинг, улар шаҳид (яъни ислом дини учун жанг қилиб фидойи бўлганлар), шу боисдан ювиш ва қафан-лашга муҳтож эмас, деган ҳукми асосида ўз кийимларида дафн қиладилар. Бу кейинчалик айланади. Мусулмонлар шаҳарга қайтгач, бир неча кун мотам тутадилар. Илк манбалардаги маълумотларга кўра, мусулмонлардан 70-74 киши, улар орасида пайғамбарнинг энг жанговар амакиси Ҳамза ҳам шу жангда ҳалок бўлдилар. Маккаликлар талофати эса 24 кишидан иборат бўлди.

Уҳуд жангидаги мағлубиятдан кейин Мадинада бир оз келишмовчилик, пайғамбарни айблаш бўлиб ўтади, аммо умуман Муҳаммаднинг обрўсига путур етмаган. Душман билан тил бириктиргани ва пайғамбар, унинг сафдошларига суиқасд уюштиргани учун Бану Назир яҳудий қабиласи билан уруш олиб борилади ҳамда 625 йилнинг сентябрида бу қабилла кўчириб юборилади.

Уларнинг ерларига мусулмонлар кўчиб келиб жойлашади. Бу вақтдан кейин мусулмонлар билан яҳудийлар мurosаси ёмонлашади.

Бану Назир қабиласи билан уруш бўлиб турган вақтда бир неча мусулмон қаердандир ичкилик топиб ичишади ва кайф қилиб, ўзаро жанжаллашадилар. Шу муносабат билан

Қуръоннинг 5-Моида сурасидаги 90-оятда ароқ ва бошқа кайф қиладиган ичкилик ҳаром, деб кўрсатилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ичкиликни Қуръонда бирданига ҳаром дейилган эмас. Аввал, Макка даврида кайф қиладиган ичимлик Худо берган ризқ (мусаллас учун) кунжут, зайтун ёғини сиқиб олиш каби Аллоҳнинг неъматларидан дейилган (12-сура 49-оят). Мадинага хижрат қилинган, орадан кўп ўтмай, майдан маълум фойда ҳам бор, лекин унинг фойдасидан зарари кўпроқ дейилган (2-сура 219-оят). Пайғамбарнинг яқин сафдош-ларидан бири Амир Ибн Авф (Уҳуд жангидан сўнг) кайф билан намозга кириб, Қуръон сурасини бузиб ўқийди. 4-сура 43-оятдаги «кайф ҳолатингизда намозга яқинлашмангиз», деган кўрсатма ана шу ҳодиса билан боғлиқ ҳисобланади. Ичкиликбозликнинг мусулмончиликка зид, ахлоқ-одобга хилоф, жамиятга зарарли эканлигини ёдда сақламоқ даркор, буни бизга Расулulloҳимиз айтиб кетганлар.

Уҳуд жангидан кейин Муҳаммад раҳбарлигида атрофлардаги бадавий араблари мусулмонликка доҳил қилинди, жамоа мустаҳкамланди. Пайғамбаримиз диний раҳбар, бош имом ҳам ҳарбий кўмондон (лашкарбоши), ҳам маъмурий раҳбар сифатида ҳамма тан олган буюк шахсга айланди.

Хижратдан кейинги ўтган 3 йил ичида ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатларни такомиллаштиришга қатор қарор ва қонунлар киритилади ва улар кейинчалик ислом шариатида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бу қоидаларнинг асосий қисми Қуръоннинг 2-ал-Бақара («Сигир») ва 4-ал-Нисо («Аёллар») сураларида баён этилган. (Қаранг: Қуръони Карим. Алоуддин Мансур. «Чўлпон». Т. 1990 й. 6-35.54-71-бетлар). 2-ал-Бақара сурасида жумладан, хижратнинг иккинчи йилида Маккадаги Каъба томон қибла, деб ҳисобланган (2-сура, 143-150 оятлар). Жиход урушларида (ислом дини учун) ҳалок бўлган кишилар шахид деб белгиланган (2 суранинг 154-оят). Мусулмонларга ўлимтик гўшти, қон, тўнғиз гўшти, Аллоҳдан бошқа (са-нам)ларнинг номини тилга олиб сўйилган ҳайвонларнинг гўшти ҳаром қилинган (2-сура 173-оят). Қасос олиш, ўлим олдидан ўз мол-мулкани васият қилиш, рўза тутиш, ҳаж маросимларини ижро этиш (2-суранинг 196-200-оятлари), қурбонлик қилиш (2-суранинг 196-оят) ҳақидаги қоидалар киритилган (2-суранинг 178-187-оятлари). Пора бериш ва пора олиш таъқиқланган (2-суранинг 188-оят). Кайф қиладиган ичкилик ичиш номаъқул дейилган, майсир (араблар ўртасида кенг тарқалган қимор ўйини) таъқиқланган (2-суранинг 219-оят). Оила-никоҳ қоидалари, маҳр бериш, талок, уч талок, эрдан ажралган ёки эри ўлиб бева қолган аёлларнинг кутиш муддатлари (аддат-идда), фарзандни эмизиш, оталик-оналик ҳуқуқи каби (2-сура 226-243-оятлар) қоидалар киритилган.

625 йилнинг охири 626 йилнинг бошларида ваҳий қилинган 4-сурада оила, никоҳ, ворислик, етим-есирлар ҳуқуқи каби 2-сурадаги (Уҳуд, жангидан кейин) масалалар янада батафсилроқ айтиб ўтилган. Мукамал янги қонун-қоидалар (4-суранинг 1-39, 127-130-оятлар), шунингдек жиҳод урушларида иштирок этиш, шахидлар ва уларнинг оилалари ҳақидаги қоидалар ваҳий этилган (4-суранинг 71-104-оятлари).

Ислом тарихида, шўро исломшунослигида ва тарғиботга мойил адабиётларда кўпгина мунозара, келишмовчиликка сабаб бўлган кўп хотин олиш (полигамия) масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқ зарур. Бу масаланинг туб тарихий моҳиятини оятнинг матнини таҳлил қилмасдан тушуниш қийин. 4-сурадаги 3-оят «Оят ат-таадуд аз-завжот» (кўп хотинлилик ҳақидаги оят) деб номланган. Унинг арабча матни қуйидагича: «Ва ни хифтум алло тукситу фи-л-ятомо фанкиху мо тоба лақум минан-нисон масно ва сулоса ва рубоъа, фа ин хифтум алло таъдилу фа-воҳидатан ав мо малакат аймоникум, золика адно алло таъулу», яъни «Агар етимларга нисбатан адолатсизликдан қўрқсангиз, у ҳолда ўзларингизга ёққан аёллардан иккитасини, учтасини, тўрттасини никоҳингизга олингиз. Уларга нисбатан тенг бўлмасликдан қўрқсангиз, унда фақат биттасига, ёки ўз қўл остингизда бўлганларга никоҳлангиз. Бу адолатдан четланмасликка яқинроқ».

Маълумки, Бадр ва Уҳуд жанглирида, ораликдаги 10 дан ортиқ майда тўқнашувларда, жами 180 дан ортиқ киши ҳалок бўлган эди. Улардан қолган тул хотинлару етим болаларнинг турмуши ва таъминоти масаласи пайдо бўлганди. Етимлар ва беваларни боқиш, тарбиялаш мақсадида тўрттагача хотин олишга руҳсат этилган. Лекин уларга тенг қарай олмаган киши бўлса битта хотин олсин, ҳатто ўз чўрасига уйлансин, дейишнинг моҳиятида шахватпарастлик эмас, балки вужудга келган мураккаб ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш зарурияти ётади.

Бу масалада мусулмонларга ибрат бўлиш учун пайғам-барнинг ўзи Уҳуд жангида яраланиб, кейин вафот этган яқин сафдоши Абу Салама ибн Абдул Асаднинг хотини Улима

Саламага 626 йилнинг март ойида уйланади ва унинг етим қолган икки ўғилчасини ўз тарбиясига олади.

Феодализм шароитида ўрта асрлар мусулмон мамлакат-ларида диний мутаассиблик кучаяди, илк исломга хос демократик ва инсонпарварлик ғояларининг мазмуни унутилади, бойлар ва ҳокимлар учун етимларга ғамхўрлик эмас, балки шухратпарастлик ва шахватпарастлик туйғулари ҳамда оиланинг мол-мулкини кўпайтириш, ўз манфаат, ҳуқуқларини кучайтириш керак эди. Лекин бу моҳиятан илк исломга хос ахлоқий тамойилларни кўпол бузиш бўлди.

Хандак жанги ва Худайбия аҳдномаси. 627 йилнинг март-апрель ойларида юз берган «Хандак жанги» ислом тарихида муҳим роль ўйнади.

Маккада Абу Суфъён 10000 кишидан иборат аскар тўплади, Муҳаммад пайғамбар эса 3000 аскар тўплай олди. У Мадина атрофига хандак, яъни сув билан тўлдирилган чуқурлик қазирди. У 7 км узунликда ва 4 метр кенгликда эди. Абу Суфъён кўшини 627 йилнинг 31 мартида Мадинага етиб келиб, мудофаа иншоотларини кўриб ҳайратга тушади. У ўз кўшини билан Мадинани қамалга олади, лекин на пиёдалар, на отлик аскарлар хандак ҳимоячиларини ёриб ўта олмайдилар. Чунки Мадина аҳли мудофаачиларни ўқ-ёй, озик-овқат, сув билан мунтазам таъминлаб турдилар, камончилар яхши мерган бўлиб душманга талофат етказарди. Қамал 15 кун давом этди. Макка армияси озик-овқат, сувсизликдан жуда қийналади, норозилик ва руҳий тушкунлик кучаяди. Натижада Абу Суфъён 14 апрелда қамални бекор қилиб чекинишга мажбур бўлади. Мадиналиклар жангда ғалаба қилади.

Маккаликлар қайтиб кетгач, аҳдномани бузганлиги учун Қурайш қабиласига ҳужум бошланади ва тор-мор этилади. Оқибатда кўплаб аскарлар асир олинади. 1500 та қилич, 300 та совут, 100 та найза, 1500 та қалқон, бир қанча туя ва бошқа ҳайвонлар ўлжа олинади, қабила ерлари, мол-мулки мусулмонлар ихтиёрига ўтади ва улар ерсиз кишиларга бўлиб берилади.

Хандак жангидан кейин арабларнинг исломга кириши кучайди. Мадинада диний ва сиёсий-маъмурий тартиблар, ахлоқий масалалар мустаҳкамланди. Масалан, хотин-қизлар ёт кишиларга юзини кўрсатмаслик, шарм-ҳаёли бўлиш учун ёпинчиқ ёпиниши Қуръонинг 24 ва 33-сураларида нозил қилинган. Қуръонда тилга олинган «хижоб» ёпинчиқ, аёлнинг юзи ва бўйинларини тўсиб турадиган рўмолни, ундаги «жилбоб» деган ибора эса ҳовлидаги эркаклар ва аёллар қисмини ажратиб турадиган тўсиқ, пардани англатади. Кейинчалик мусулмон халқларида бу хилма-хил шакл касб этган. Ҳозирги араб аёлларида хижоб пешона ва оғиз-бурунни тсиб турадиган рўмол, ўзбек ва тожикларда махсус паранжи-чочвон, афғонларда махсус чодра, эронийлар, озарбайжонлар, туркларда катта рўмол, туркманларда эса яшмак ва ҳ.к. Наманган шаҳри ва вилоятда «оқ ёпинчиқ» дейилади.

Қуръонда фахшлик атамаси бўлиб, у эркак ва аёлнинг бузуқчилик қилишини, танфурушликни англатади. Бу ахлоқсизликка йўл қўйган киши ўлим жазоси ёки 100 дарра уриб жазолаш белгиланган. Ўрта аср шароитида жамиятни ҳуқуқий ва ахлоқий бошқариш учун бундай чора-тадбирлар зарур эди. Лекин ҳозир ҳам бу тадбирлар фойдасиз эмас, фахшлик оила ва жамиятга катта маънавий зарар келтириши исботланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол сари ривожланиб боришида ахлоқсизлик, фахшлик ва виждонсизликка тўсиқ қўйилган. Аҳолини маънавий ривожланишига алоҳида талаблар ва тадбирлар ишлаб чиқилган. «Таълим тўғрисида»ги қонун бунга яққол мисол бўлади.

Президент И.Каримов Олий мажлисининг 1995 йил 3-февралдаги 1-сессиясидаги нутқида ҳам шу ҳақда батафсил гапирган.

Худайбия аҳдномаси. Худайбия - Маккадан Жидда шаҳрига борадиган йўлда 15-20 километр масофада жойлашган қадимги қудук. Ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Муҳаммад 1000 киши билан бирга 628 йил 13 мартда ҳаж-умрага (зу-л-Хижжа ойида умумий шаклда ўтадиган катта ҳаждан фарқ қилган ҳолда, йилнинг бошқа вақтларида Каъба зиёратига бориш ва ҳажнинг барча маросимларини бажариш) боради. Пайғамбар йўлга фақат қилич таққан кишилар билан эҳромда чиқади, бу уруш қилиш нияти йўқлигини билдиради.

Маккаликлар кўшин тўплаб пайғамбарни Маккага киритмаймиз, деб туриб олгач, Худайбияда Мадина билан Макка вакиллари аҳднома тузишади ва бу тарихда «Худайбия аҳдномаси» деб ном олган. Унга асосан Макка билан Мадина 10 йил давомида бир-бири билан урушмаслик, карвонларга ҳужум қилмаслик, хоҳлаган бошқа гуруҳлар билан аҳдлашаверишга келишилган. Пайғамбар 70 та туя ва бошқа қурбонликка олиб келган ҳайвонларни Худайбияга сўйдириб ҳажни шу ерда ўтказди ва орқага қайтиб кетади. Аҳдноманинг махсус бандида келгуси йили пайғамбар ҳажга бемалол келиши айтилган эди. Худайбиядан кейин пайғамбар Сурияга тез-тез юриш қилади, чунки ўша томонга кўчиб кетган яҳудийлар бадавийлар билан тил бириктириб

Мадинага хужумга тайёр-лана бошлаган эди. Натижада пайғамбар аскарлари шимолдаги Ҳайбар ва Фадак воҳаларини қўлга олади.

629 йил ҳаж вақтида Муҳаммад ва 2000 кишидан иборат бошқа ҳожилар эҳром кийиб Маккага ҳажга келадилар. Маккаликлар уч кун пайғамбар ва унинг сафдошларига Макка ва Каъбани бўшатиб берадилар. Макка аҳли пайғамбарнинг обрўси нақадар баландлиги ва унинг куч-қудратини кўриб тан берадилар, унга хайрихоҳлик қиладилар. Машҳур ҳарбий саркарда Халид ибн Валид биринчи бўлиб исломни қабул қилади, унинг орқасидан Амр ибн ал-Ос ҳам исломни қабул қилади. Абу Суфъён ўзини яққаланиб қолганини ҳис қилади. 629 йилда Абу Суфъён Мадинага Муҳаммад пайғамбар билан музокара олиб бориш мақсадида келади. Музокарада маълум бўладики, Макка заифлашган. У Мадина билан кўп қон тўкил-маслиги учун сулҳ тузишга келганлигини айтади.

Муҳаммад 10 минглик қўшин тўплаб 630 йил январ ойининг бошида Маккага юриш бошлайди. Пайғамбарнинг ягона тирик қолган амакиси Ал-Аббос йўлга чиқиб уни кутиб олади ва исломни қабул қилади. Макка деярли жангсиз олинади. Ғалабадан сўнг пайғамбар Маккани томоша қилади. Каъбани зиёрат этади, у ердаги қабила худоларининг санамларини олиб чиқиб, улоқтиришни буюради, деворлардаги расмларни ўчиртиради, кейин у ерда намоз ўқийди. Каъба олдидаги баланд зинага чиқиб, умумий авф-кечириш эълон қилади ва Каъбани Ислом ибодатхонасига айланганлигини айтади. У бундан буён Каъбага мушрикийлар киритилмас-лигини таъкидлаб ўтади.

Авф - гуноҳкор гуноҳидан ўтмоқлик ҳамда уларга укубату сиёсат қилмоқдан воз кечмоқлик.

Саховат - бу дунё ва охиратда яхши ном қолдириб, Аллоҳ таолонинг раҳмати ва ажру савобларига сазовор бўлмоққа сабаб бўлур. (Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис 2 Ал Жомий Ас-Саҳих. (Ишонарли тўпلام). Қомуслар Бош таҳририяти, Тошкент-1996, 604,605-бетлар).

Муҳаммад Макка задогонларидан уч-тўрт кишини ўз вазифасида қолдиради, аввал унга душманлик қилган беш-олти кишини жазолайди. Эртасига сафо тепалигига чиқиб ўлтирган ҳолда Макка аҳлининг унга бўйсунганлиги тўғрисидаги қасамни қабул қилади. Улар Исломнинг барча талабларини бажаришга қасам ичадилар. Шундай қилиб 630 йил январда бутун Арабистонда янги дин - ислом вужудга келади, араб қабилалари бирлашадилар.

Аммо кўп ўтмай Маккадан шарқда жойлашган Тоиф ва Ҳунайин воҳаларида исломга қарши бўлган қабилалар 20 мингдан ортиқ лашкар тўплаб жангга тайёрланаётганлиги ҳақида хабар олинади. Муҳаммад пайғамбар 12 минг аскар билан жанг қилиб душманни енгади. 6000 асир (болалар ва чол-кампира, жувонлар) олинади. 24 минг туя, 40 мингдан зиёд қўй, 160 минг дирҳам қумуш пулдан иборат ғоят катта ўлжа олинади. Тоиф шаҳри таслим бўлади. Ўлжани тақсимлаш вақтида Муҳаммад пайғамбар орадаги ишончсизликни йўқ қилиш мақсадида Маккаликларга, айниқса, кўп улуш беради. Душман қабила эркаклари исломга кирганларидан сўнг асирлар бўшатилади. Жангдан қайтгач, пайғамбар яна Каъба-ни зиёрат қилади, умра маросимларини эҳромда адо этади ва март ойининг ўрталарида Мадинага қайтиб кетади.

631 йилнинг мартада ҳажга пайғамбарнинг ўзи бормай Абу Бакрни бошлиқ қилиб юборади. Шундан кейин нозил бўлган 9-ат-Тавба сурасининг матнини ёздириб, Али орқали Абу Бакрга жўнатади ва уни Али Мино водийсида ҳожиларга ўқиб беради. Бу сурада мусулмонларнинг мушрикийлар ва аҳли китобга (яхудий ва христианларга) нисбатан муносабати, келажакдаги ислом динининг ёйилиши ва Каъбанинг ислом динининг марказига айланиши, мусулмонларнинг ислом динини ва диний жамоани ҳимоя қилиши, закот ва садақа тарзида йиғилган мол-мулкларни тақсимлаш қоидалари, мусулмонларга юкланадиган айрим ахлоқий ва ҳуқуқий вазифалар ёзилган эди.

631 йилда Муҳаммад пайғамбар Арабистоннинг айрим ҳудудларида пайдо бўлган сохта пайғамбарлар (Асвад, Мусай-лима, Тулайха, Сажжах)га қарши кураш олиб боради. Шимол-га қилинган юришлар натижасида Византия билан чегарадош ерлар мустаҳкамланади. Жанубга қилинган юришлар оқибатида Яман ва Нажран бўйсундирилади. 1630-1631 йиллар орасида исломни қабул қилиш масаласида жуда кўп қабилалар-дан Мадинага вакиллар келади ва улар мусулмон бўладилар.

632-йилнинг январиде Муҳаммад пайғамбар ўзи ҳажга боради. У 100 та туяни қурбонлик қилади. Ўзи билан олиб келган Каъба ёпиғи (арабча «кисва»)ни Каъба устига ёпади. Бу анъана ҳозир ҳам сақланиб қолган. Ҳар йили ҳаж бошланиш олдида Каъба устига янги кисва ёпилади, эскисини ҳожиларга, парчалаб, тарқатилади.

Муҳаммад пайғамбар қурбонликдан сўнг барча ҳожиларни тўплаб уларга хутба айтган, ҳаж маросимини адо этиш билан боғлиқ жуда кўп масалаларга аниқлик киритган. Бу пайғамбарнинг охириги ҳаж сафари бўлганлиги учун у ислом тарихида «ҳаж-ал-видоъ» (видолашув ҳажи) дейилади.

Муҳаммад пайғамбар ҳаждан қайтгач бир неча ойдан кейин саломатлиги ёмонлашади, боши қаттиқ оғриydi ва дар-монсизланиб ётиб қолади.

Бир неча ҳафта касал бўлиб ётгандан кейин Расулulloҳ 632 йил 8 июнда ўз уyiда вафот этади. Абу Бакр баъзи яқин сафдошлари билан бирга уни ювиб ва кафанлаб, ўша уй ичига қовланган қабрга қўядилар.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳукмдорлар каби пайғамбар ўзига бирор юксак унвон ҳам олмаган. Пайғамбар тириклик пайтларида ҳамма унга «расулulloҳ» (Оллоҳнинг элчиси) деб муружаат этиши одат бўлган. Вафотидан кейин ҳам барча мусулмонлар ўртасида ва бутун ислом диний адабиётида ана шу унвон билан аташ сақланиб қолган.

Дунёда жуда кўп пайғамбарлар (54 минг) ўтган, уларнинг кўпчилиги тўқима образлар бўлган, аммо Муҳаммад пайғамбар тарихий шахс, охириги пайғамбар, тўғри йўл тутган Аллоҳнинг буюк элчиси эди.

Юқорида айтилиб ўтилганидек, Муҳаммад расулulloҳ 632 йилда вафот этди. Бу даврга келиб мусулмонлар давлати Ямандан Синой ярим оролигача, Қизил денгиз соҳилларидан Марказий Қум саҳросигача чўзилган ҳудудларни ўз ичига олган катта мамлакат эди. Бу ерларда Ислам ҳукмрон динга айланди.

Муҳаммад вафотидан кейин унинг ўринбосарлари ёки ноиблари (арабча халифалар) давлатни бошқара бошлаганлар ва шу муносабат билан мусулмонлар давлати «араб халифалиги» деб ном олган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг «Мендан кейин халифалик 30 йил давом этади. Ундан сўнг подшоҳликлар пайдо бўлади», деган ҳадислари бор. (Имом ат-Термизий). Ҳақиқатдан ҳам, пайғамбаримиз башоратларини тарих тасдиқлади. 30 йил хулофойи Рашидийлар, Абу Бакр ас-Сиддик, Умар бин ал-Ҳаттоб, Усмон бин Аффон, Али бин Абу Толиб 632-661 йиллар давомида исломни асл ҳолида сақлаган ҳолда халифалик қилдилар. Ундан кейинги даврларда халифалар эмас, балки уммавийлар, аббосийлар сулолаларига мансуб бўлган подшоҳлик ва амирликлар ҳукмронлик қилдилар. (Қаранг: Динлар ҳақида маълумот. Тошкент-2000, Буклет. 3-буклам).

Дастлаб Муҳаммаднинг илк сафдошларидан бири (Қайнотаси) бўлган Абу Бакр Сиддик (ҳукмронлик даври 632-634 йиллар) халифа деб эълон қилинган. Шу вақтда бир қанча араб қабилалари ўртасида Мадина ҳукмронлигига қарши, ўз мустақиллиги учун ҳаракатлар ҳам бўлган. Лекин улар тезда бостирилган. Абу Бакр даврида шимолий ҳудудларга ҳужум бошланган. Византиянинг кучсиз қўшинлари жиддий қаршилик кўрсатишга ожиз эдилар. Абу Бакр вафот қилгач Муҳаммадга узок қариндош, унга содиқ сафдош бўлган Умар ибн-ул-Ҳаттоб халифа этиб сайланади. Унинг халифалик даври (634-644 йиллар) 10 йилга чўзилган. У иккинчи халифа эди. Умар даврида Арабистондаги барча қабилалар бўсундирилди ва уларни Мадина ҳокимияти қўл остида бирлаштириш охирига етказилди. Иқтисодий, сиёсий ҳамда мафкуравий жиҳатлардан мустаҳкамланиб олган араб халифалигининг қўшни мамлакатларни босиб олиш учун юришларининг биринчи босқичи Умар даврида бошланди. Бу даврда, яъни 638 йили Дамашқ, 640-йили Қуддус (Иерусалим) олинди. Фаластин ва Сурия ерлари тўла равишда халифалик қўлига ўтди. Шу вақтнинг ўзида Месопатамия ва Эронга ҳам юришлар бошланди. 637 йили араб қўшинлари Эрон пойтахти Техронга бостириб кирдилар. 644-645 йилларда Ҳиндистон чегараларига яқинлашдилар. Шимол ва шимолий-шарқ томонга юриш бошлаган араб қўшинлари 640 йили Арманистонни босиб олдилар. 639-йилда Мисрга ҳужум бошланди ва 647 йилгача араблар шимолий Африка соҳилларини Тунисгача эгаллаб олдилар.

Умар заҳарлаб ўлдирилгач халифалик тахтига Муҳаммад-нинг яқин дўстларидан бўлган Усмон ибн Аффон (учинчи халифа) ўтирди. Унинг халифалик йиллари (644-656 йиллар) 12 йил давом этган. У вафот этгач ўрнига пайғамбарнинг куёви ва амакисининг ўғли Али ибн Толиб ўтди ва (656-661-йиллар) 5 йилгина халифалик қилди. Усмон ва Али халифалиги даврида ҳам истилолар давом этди. Айниқса, Кавказ ва Марказий Осиё томонларга юришлар кучайди. Қисқа вақт ичида Грузия, Озарбайжон, Эроннинг шимолий қисми, Хуросон ерлари араблар қўл остига ўтди ва уларнинг қўшинлари Амударё соҳилларига чиқди.

7-аср охири ва 8-аср бошларида (халифаликда уммавийлар хонадони ҳукмрон бўлган 661-750 йилларда) араблар истилосининг иккинчи даври бошланди. Шимолий Африкада истилони

давом этириб, у жойлар ва Испания босиб олинди ва уни Ал-Андалус номи билан халифалик таркибига киритдилар.

Араб истилочилари 7-аср 70-йилларида Эрон ҳудудини босиб олишни тугаллаб, Марказий Осиё ерларига (араблар Моворауннахр - дарё ортидаги ерлар деб атаганлар) аввал босқинчилик ҳужумлари қилдилар, кейинчалик 8-аср бошларидан 8-аср (705-715) ўрталаригача бу ерларни лашкарбоши Абу Муслим ибн Қутайба тўла босиб олди. Маҳаллий халқлар арабларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Мавороуннахрда уларга қарши Муқанна, Сумбоб, Муғ, Гурак, Дивашти бошчилигида йирик халқ кўзғолонлари бўлди. Араблар маҳаллий халқлар сиғинадиган оташпарастлик ибодатхоналарини бузиб ташладилар. Китобларни маъжусий китоблар деб ёқиб юбордилар. Маҳаллий олимларни, саводли кишиларни ўлдирдилар ёки қул қилиб олиб кетдилар. Булар тўғрисида 10-асрда яшаган Муҳаммад Наршаҳий ўзининг «Бухоро тарихи» деган 2 жилдли китобида ва Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ўтмиш халқларидан қолган ёдгорликлар» деган китобида маълумотлар қолдирганлар.

Босиб олинган ерларда ислом динини киритиш учун ҳамма воситалар (қуролли кучлар ҳам, даъват, тарғибот, солиқ сиёсати ҳам, пора, имтиёзлар беришлар ҳам) ишлатилди.

Ислом дини 9-10-асрларда Татаристонда, 10-12-асрларда Бошқирдистонда тарқалди.

Қозоғистон ва Қирқғизистонда исломнинг киритилиши 19-асрда ҳам давом этди. Шимолий Кавказ халқлари ўртасида Ислом, 14-асрда кабардинлар ва балкарлар, 19-асргача чеченлар ва ингушлар орасида ёйилди.

Нисбатан қисқа тарихий муддат ичида араб халифалиги ўша замондаги энг катта империя бўлган Византиянинг жуда катта ҳудудларини босиб олди. Эронда Сосонийлар империяси бутунлай тугади. Бунинг натижасида Амударё соҳилларидан Шимолий Африкагача, Тбилиси ва Дарбанддан Яман ва Уммонгача, Испаниягача чўзилган янги давлат - халифалик вужудга келди.

Қисқа даврда араб қўшинлари бундай энгил ғалаба қозонишининг сабаби: бу даврда уларга жиддий қаршилиқ кўрсатадиган кучнинг йўқлиги эди. Қадимги империялар Византия билан Эрон ўзаро урушларда ҳолдан тойган, халқлар қаттиқ жабр-зулмдан безиган эди. Шимолий Ҳиндистон, Кавказ, Марказий Осиёда ҳам кучли йирик давлатлар йўқ эди. Масалан, Марказий Осиёда 8-аср бошларидан 19 та майда хонликлар бўлиб, улар ўзаро уруш олиб борарди. Бухоро Самарқандга, Самарқанд Тошкентга ёрдам кўрсатмади. Ўзаро қирғинбарот урушлар халқнинг жонига текканлиги, ислом динининг маҳаллий динларга яқинлиги ва ўхшашлиги, янги диннинг мослашувчанлиги, уни қабул қилиш шартларининг энгиллиги ислом тантанасини таъминлаган омиллардан биридир.

Хоразм эса четда турарди. Бу арабларга энгил ғалаба қилишга вазиятни пайдо қилган эди.

Босиб олинган барча ҳудудларда халифаликка бўйсунувчи ҳокимликлар ташкил топди, халқлардан давлат ҳисобига ва маҳаллий ҳокимият учун ўнлаб солиқлар, ўлпонлар йиғиб олинарди. Кўп шаҳар ва қишлоқларда масжид, мадрасалар, диний мактаблар, катта руҳонийлар макбаралари, кўплаб қаландархоналар вужудга келиб, ислом урф-одатлари ва шариат дастурлари турмушга чуқур сингиб кетди, ягона ислом мафқураси ва «мусулмон маданияти» ҳукмронлик қилди.

Халифаликка бўйсундирилган халқлар ўртасида садво-сотик кучайди. «Ипак йўли» орқали ўзаро алоқалар олиб борилди.

Ҳозирги замонда ислом жаҳон динидан бири сифатида 120 давлатда тарқалган, дунёда 1 миллиарддан кўпроқ мусулмонлар мавжуд. Арабистон ярим оролида, Кичик Осиёда, Шимолий Африкада, Осиё қитъасида, Европа, Америка қитъаларида ҳам мусулмонлар яшайдилар. 28 давлатда ислом дини расман давлат дини ҳисобланади. (Эрон, Покистон. Саудия Арабистони, Қатар, Бирлашган Амирликлар, Қувайт ва бошқалар). Энг кўп мусулмонлар араблар (136 млн киши). Индонезия - мусулмон давлатлари орасида аҳолиси энг кўп (153 млн. киши) мамлакатдир.

Мусулмон давлатларининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, мафқуравий, ахлоқий, таълим-тарбия, турмуш тарзи, ижтимоий руҳияти, кундалик ҳаёт тизимида ислом кучли таъсирга эгадир. Бу давлатларнинг диний ва миллий онгини ажратиб ҳам қарамайдилар. Миллий озодлик ҳаракатлари ислом шиорлари остида олиб борилади. Антиимпериалистик ва миллий тараққиёт ҳаракатлари ҳам ислом ғоялари асосида бормоқда. Мусулмон мамлакатлари бирлашиши, куч ва имкониятларини сафарбар қилишда ҳамжихат бўлиш мақсадида, Бутун Осиё Ислом конгресси (БИК), Ислом олами Иттифоқи (ИОИ), Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ), Ислом Банклари халқаро уюшмаси (ИБХУ), Ислом бирдамлиги (ИБ), Ислом олами лигаси (ИОЛ) ва бошқалар мавжуд.

Ҳозирги даврда собиқ СССР ўрнида вужудга келган Марказий Осиёдаги мустақил давлатларда, жумладан Ўзбекистон республикасида ҳам исломнинг мавқеи ва таъсири кучайди, диндорлар фаоллашди, диний ташкилотлар актив иш олиб бормоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқармаси хайъати, унинг раиси - муфтий жаноблари халқаро мусулмон мамлакатлари ташкилотлари ишларида фаол қатнашмоқда, турли мусулмон давлатларидан мамлакатимизга тез-тез меҳмонлар келиб, бизда ислом қанчалик иззатда эканини кўриб мамнун бўлмоқда. «Собиқ шўро даврида республикамизда бор-йўғи 89 та масжид ва 2 та мадраса фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган, барча қулайликлар яратилган 1700 масжид, 10 та мадраса ва Тошкент Ислам институти фаолият кўрсатиб турибди.

Шунингдек, 1999 йил 9 апрел куни президентимиз И.А.Каримовнинг фармонида асосан Тошкент Ислам Университети ташкил этилди.

Ҳар йили мазкур олийгоҳ ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларига 100 дан ортиқ талабаларни қабул қилади». (Қаранг: Динлар ҳақида маълумот. Тошкент-2000. Буклет. 2-буклам)

Қуръон суралари парча-парча ҳолда Муҳаммад пайғамбарга 22 йил (ҳижрий йил ҳисобида 23 йил) мобайнида ваҳий қилинган. Эшитувчилар бу сураларни ёд олиб, баъзиларини эса ёзиб олганлар.

«Қуръон» арабча «караъа»-ўқимоқ, оддий ўқиш, шунингдек, маълум матнни оҳанг билан ўқиш, яъни «қироат қилиш», «Тиловат қилиш» мазмунидаги феълдан, «ўқув», «ўқиладиган китоб» маъносини беради.

Муҳаммад пайғамбар саводли киши бўлмаганлиги учун (Расулulloҳнинг саводи бўлмаганлиги тўғрисида Қуръоннинг 7-ал-Аъраф сурасининг 156-оятда «ар-расул ан-на-бий ал-уммий» деган сўзларни учратамиз. Бундаги «уммий» сўзи «хат ёзиш ва ўқишни билмайдиган одам» деб тафсилланган ёки 29-ал-Анкабут сурасининг 47-оятда: «Во мо кунта татлу минг қаблҳи мин китабин ва ло тухаттуху би яминака», яъни «Бундан (Қуръондан) олдин сен бирор китобни ўқимагансан ва ўз қўлинг билан хат ёзмаган ҳамсан», дейилганки пайғамбар саводсиз эканининг айтилиши ҳеч кимга малол келмаслиги учун ваҳийни ёддан ўқиган, тарғибот вақтида мусулмонлар ҳам уни ёд олганлар. Қуръон сураларини тўла ёдлаб олган мусулмонлар кўп бўлган ва улар «хуффоз ал-Қуръон» (Қуръонни ёд билганлар ёки Қуръон ҳофизлари) деб юритилган. Абу Бакр ҳукмронлиги давридаги жангларда ана шундай хуффозлардан бир қанчаси ҳалок бўлган. Маълумот-ларга кўра, барча сураларни тўла ёд билган фақат 7 нафар киши қолган, бошқалари эса бир қисм сураларнигина ёд билганлар, холос. Муҳаммад пайғамбарга умрининг охириги беш йили давомида қотиблик қилган Зайд ибн Собит битта суранинг охиригинигина билмаган, қолган барча сураларни ёд олган. У кўпгина сураларни ёзиб борган.

Биобарин, яна бир неча жангдан сўнг сураларни ёд билганлар қолмаслиги ва Қуръон матнини тиклаш мумкин бўлмай қолиши ҳавфи юзага келган.

Шуни ҳисобга олиб, халифа Абу Бакр энг яқин сафдоши Умар маслаҳати билан 633 йилда Қуръон сураларини тўплаб, дастхат (қўлёзма) қилдириш вазифасини Зайд ибн Собитга топширган. У пайғамбар масжидида бу вазифани бажаришга киришган, яъни саҳобалардан ҳар бири ўзи билан сураларни ўқиган, Зайд ибн Собит эса ёзиб борган. Ҳар бир сура, парча ёки оятлар гуруҳини аввал бир киши ўқиб, сўнгра иккинчи киши ўқиганда айнан мос келса, ўшани ёзиб олган. Бу усул Қуръон сура, оятлари аниқ ва ишонарли ёзилишини таъминлаган.

Бу тўплам Сухуф (саҳифалар) деб ном олган бўлиб, унда жаъми 109 та сура бўлган, яъни сухуф таркиби тўла бўлмаган. Чунки унда 1, 34, 41, 45 ва 96-суралар ҳали мавжуд эмас эди. Орадан 17-18 йил ўтгач, илгаридан ўз ихтиёри билан суралар-ни ёзиб юрган ва алоҳида тўплам қилиб олган айрим кишилар қўлидаги нусхалар билан, халифликнинг ҳокимиятларида (вилоятларида) ўқиш ва ибодатларда улардан фойдаланиш кенгайиб борган сари, Сухуф орасидаги тафовутлар сезилиб қолган ҳамда давлатни бошқариш, келажакдаги хилма-хиллик маълум муаммоларни келтириб чиқаришининг олдини олиш зарурияти туғилган. Халифа Усмон ибн Аффон 651 йилда барча дастхатларни тўплаб, таққослаб чиқиш ва улар асосида Қуръоннинг ягона нусхасини тайёрлашга фармон берган ва ўзи бу ишга бевосита бошчилик қилган.

Бу вазифани бажариш учун, тарихий манбаларда кўрсатилишича, 4 кишилик гуруҳ белгиланган. Унга яна Зайд ибн Собит раҳбарлик қилган, унинг таркибига Қуръонни яхши билган саҳобалардан Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Саъд ибн ал-Ос, Абд ар-Раҳмон ибн Хорис, ибн Хишом киритилган. Бу гуруҳ барча нусхалар ва топилган сураларни қайтадан текшириб таққослаш асосида ягона нусхани тайёрлаган. Илгариги шахсий нусхаларнинг барчаси қуйдириб йўқотилган.

Янгидан дастхат қилинган ягона нусха «Мусхаф», аниқроғи «Халифа Усмон Мусхафи» деб ном олган.

Мусхаф - қадимий араб тилида пергамент, яъни ўрама қоғозни англаган. «Мусхаф» куфа ёзиш усулида ва сажъ шаклида (ғазал) ёзилган. Унга халифа Абдул Малик (685-705 йй) ва Ироқ ҳокими ал-Хажжож (694-714 йй.) даврида асос солган. Асосан 697 йилда адиб Абдул-Асвад ад-Дувалий томонидан ҳарфларнинг устига ва остига нуқталар қўйиб чиқилиб, Қуръонни ўқишдаги чалкашликларга барҳам берилган. Лекин «Усмон Мусхафида» бу нуқталар йўқ эди.

Қуръон VII асрга оид қадимий ёдгорлик бўлгани сабабли ички тузилиши, ёзилиш услуби, мазмуни, иборалари жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган китобдир.

У 114 та сура, 6236 оятдан иборат. Суралар «оятлар тўплами» («оятлар тизмаси») маъносини билдиради. «Оят» сўзи фақат Қуръоний ўзига хос ибора бўлиб «мўъжиза», «илоҳий белги» маъносини англатади.

Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жузъ» (ўзбекча «пора») га бўлинган. Жузъ - кейинчалик Қуръон матнини ўқишга осон бўлиши учун теппа-тенг 30 га бўлинганлигидан пайдо бўлган.

Масалан. Қуръондаги энг катта 2-ал-Бақара сураси икки порадан кўпроқ, кейинги 37 та кичик суралар жамланиб бир порага киритилган.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки нозил бўлган вақтига, яъни муддатлар тартибига қараб эмас, балки ҳажмига қараб жойлаштирилган. Бундан фақат бир неча сура мустасно. Масалан, фақат 7 та оятдан иборат 1-сура («Фотиҳа») олдинга жойлаштирилган, чунки бу сура мазмуни иймон учун жуда муҳим ҳисобланади.

Суралардан 90 таси Макка даврида ва 24 таси Мадина даврида нозил бўлган. Қуръонда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар: қабила-уруғчилик ҳаёт тарзига хос анъана, урф-одат ва маросимлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидалар, жумладан, оила-никоҳ, ажодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворисчилик, савдо-сотик ва қарз муаммоларига хос кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Қуръоннинг инсоф, виждон, ҳалоллик каби ахлоқий таълимотлари умумбашарий қадрият ҳисобланади.

Қуръон халқ орасида уни ёддан ўқийдиган «қорилар» орқали кенг тарқалган. Лекин «қорилар» Қуръоннинг мазмуни билан деярлик шуғулланмайдилар, улар фақат оятларни қироат билан ўқишга одатланганлар.

Қуръоннинг мазмунини изоҳлаш (тафсир қилиш) билан шуғулланадиган уламолар «муфассирлар» (яъни тафсирчилар) деб аталади. Исломдаги «аҳли сунна» (Суннийлар йўналиши) да 6 та тафсирчи: ат-Табарий 838-924 йиллар), ас-Саолибий (1036 йилда вафот этган), аз-Замахшарий (1074-1143 йиллар Хоразмдан), Фахриддин ар-Розий (вафоти 1209 й.), қози ал-Байзовий (вафоти 1282 й.) ва Жалолайн Шайх ат-Табарсий (XIII аср) тафсири энг обрўли саналади.

Қуръонда диний-фалсафий дунёқараш, иймон ва эътиқод асослари ундаги ақидаларда баён қилинган.

Қуръонда сунний йўналишдаги мусулмонлар қуйидаги 7 та ақидага эътиқод қиладилар:

АҚИДАЛАР.

1) Якка Аллоҳдан бошқа худо йўқ, у ҳеч кимдан туғилмаган, ҳеч кимни туғдирмаган. Оламни йўқдан яратган, одамларни, барча жонли ва жонсиз нарсаларни, инс-жинсларни, фаришталарни фоний ва боқий дунёларнинг эгаси, у ҳамма нарса, ҳодисаларни кўриб, билиб туради. Унгагина бўйсунаман, унинг тўғри йўлидан олиб бораётган Муҳаммад пайғамбарга ишонаман, унга тақлид қиламан.

2) Фаришталарга ишониш, уларни Аллоҳ оловдан яратган жонсиз, кўзга кўринмайдиган руҳлар, деб тасаввур этилади. Фаришталар Аллоҳга итоат этадилар, унинг хизматини бажарадилар, деб ишонадилар. Масалан, фаришта Азроил жон олувчи, Жаброил фаришта Аллоҳдан Муҳаммад пайғамбарга хуш хабар келтирган. Мункир ва Накир деган фаришталар вафот этганларни сўроқ қилиб гуноҳ ва савобини аниқлайди ва х.к.

3) Муқаддас китобларга ишониш ва улардаги кўрсатмаларга амал қилиш. Муқаддас китоблар: Қуръон, Ҳадислар, Ахбор, Таврот, Талмуд, Забур, Библия (Инжиллар), Трипитака, ведалар ва бошқалардир. Бундан Қуръон осмондан тушган энг сўнгги, энг мукамал, ҳақиқат ва Аллоҳнинг сўзлари битилган «она китоб»дир.

4) Пайғамбарларга ва Муҳаммаднинг Аллоҳнинг элчиси эканлигига ишониш, Аллоҳ, ер юзидаги барча одамларни ўз элчиси Муҳаммадга ваҳийлар орқали бошқариб, уларни тўғри йўлдан бошлаб бориш вазифасини пайғамбарга, ундан кейин эса подшоларга юклаган, деб тасаввур

этилади. Қуръонда Муҳаммаддан бошқа яна Нух (Ной), Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак), Якуб (Иаков), Аюб (Иоф), Юнус (Ион), Мусо (Моисей), Хорун (Аарон), Исо (Иисус Христос), Яхъё (Иоанн Чўкинтирувчи), Марям (Мария), Довуд, Сулаймон, Юсуф (Иосиф Прекраснўй) каби пайғамбарлар тўғрисида ҳам гап боради. Қуръондаги айрим суралар пайғамбарлар номи билан ҳам аталган, масалан, Муҳаммад, Иброҳим, Юсуф каби.

5) Охиратдаги ва боқий дунёдаги ҳаётга ишониш. Қуръонда, охиратда ўлганлар тирилади, худо уларни сўроқ қилиб гуноҳкорлар дўзахда азоб тортишга, савоб иш қилганлар эса жаннатда абадий роҳат-фароғатда ҳаёт кечирishiга ҳукм қилиши айтилади. Бу дунё фоний, яъни ўткинчи, алдамчи, бир лаҳзали, асосий ҳаёт эса боқий дунёда эканлиги таъкидланиб, ҳар бир киши сабр-тоқатли, инсофли, адолатли бўлиб, савоб амалар қилиши керак, ана шундагина жаннат ҳаёти унга насиб этади, дейдилар.

6) Инсон тақдирининг худо томонидан олдиндан белгилаб (пешонасига ёзиб) кўйилганлиги тўғрисидаги тасаввур-лар. Бу ақидага кўра худо ҳамма нарсалар устидан, шу жумладан, одамларнинг тақдири устидан ҳам тўла ҳукмронлик қилади. Инсонда хоҳиш ва ирода эркинлиги йўқ бўлиб, инсон фақат худо хоҳлаганини, пешонасига ёзилганини кўради, деган ғоя илгари сурилади. Бу ақида ижтимоий муносабатларга тегишли бўлиб, ислом оламида кўп тортишувларга сабаб бўлган.

7) Исломнинг охирги ақидаси - бу ўлгандан кейин тирилишга ишонишдир. Бу ақиданинг вужудга келишида қадим дунёдаги анимизм ва авлодлар руҳига сиғиниш динларнинг бевосита таъсири сезилиб туради. Исломдаги Шиа мусулмонлари эътиқоди бешта ақида: тавҳид (якка худодлик), адл (адолат), нубувват (пайғамбарлик), имомат (имомлар ҳокимияти) ва қиёмат (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши)ни тан олишдан иборат.

Қуръон илк исломда якка-ю ягона манба эди. Аммо араб истилолари натижасида вужудга келган халифалик ҳудудларида яшаётган турли халқлар талаб-эҳтиёжларига Қуръон тўла жавоб бера олмас эди. Шу тариха ўзгарган тарихий шароитдаги талаб ва эҳтиёжларга жавоб берадиган янги манбалар вужудга келиши зарур бўлди. Ислом олимлари Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёт йўли, у айтган ҳикматлари, ибратли хабарлар, кўрсатган йўл-йўриқлари, унинг ва саҳобаларининг яхши ишлари, ўғит ва насиҳатларини, билган шахслардан эшитиб, тўплаш бошлаганлар. Бу янги маълумотларни «ҳадис», яъни «ҳикоя», «хабар», «ҳикмат» деб айтиш мумкин. Ҳадислар тўплами Сунна деб юритилади. Сунний йўналишдаги мусулмонлар тан олган, ҳадисларгина сунна ҳисобланиб, у Қуръондаги кейиндаги иккинчи манба ҳисобланади. Ҳадисларни дастлаб Муҳаммаднинг қариндош-лари, халифалар, саҳобалар ишлатган, яъни улар бирон-бир кўрсатмани (аввало ҳуқуқий характердаги кўрсатмани) қонунлаштириш учун ўзлари Муҳаммаддан эшитган сўзларни далил қилиб келтирганлар. VII-IX асрларда минг-минглаб ҳадис тўпланган ёки тўқилган. Ҳадисшунослик савоб иш ҳисобланган, ҳадисларни тўплаш мустақил билимга айланган, бу ишга ихтисослашган илоҳиёт пешволари эса муҳаддислар, деб аталганлар.

Ҳадисларнинг аксарияти ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни, маросим ва урф-одатлар, оилавий муносабатлар, касб-кор, савдо-сотик, илм, ота-она, фарзанд, қариндош-уруғ, дўстлик, яхшилик ёки ёмонликка оид бўлган. Аммо тархий мазмунга эга бўлган.

Муҳаммад таржимаиҳолини, халифалар, саҳобалар фаоли-ятини баён этган ҳадислар ҳам бўлган. Исломда таниқли ва нуфузли ҳисобланган кишилар томонидан етказилган ҳадислар (сахих) деб эътироф қилинган.

Ҳадисларни етказган кишилар ишончли бўлса, бу ҳадис яхши (ҳасан) деб аталган. Ишончли бўлмаган шахслар етказган ҳадислар бўш (заиф) деб аталган.

Ҳақиқий рост, чин ҳадисларни сохта ҳадисдан ажратиш энг муҳим иш ҳисобланган. Бу ишда ҳам қиёслаш, такқослаш усулидан фойдаланилган. Масалан, бирон ҳадис турли шахслардан, турли, бир-биридан узоқ жойларда солишти-рилган улар айнан туғри келса ўшандай ҳадис сахих, яъни чин ҳадис ҳисобланган, агар бир-бирига биронта сўзда, маънода туғри келмаса ундай ҳадис сохта ёки заиф ҳисобланган ва ташлаб юборилган.

IX-X асрларда ҳадисшунослик ва ҳадисларни тўплаш тугалланган. Тўпланган ҳадислар ҳажми, чинлиги, тартиби, аҳамияти билан мусулмон оламида олти муҳаддис (ҳадис тўпловчи) машҳур бўлган. Шулардан учтаси Марказий Осиё-дан чиққан. Муҳаддислар орасида энг орбўлиси ва машҳури Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (809-870 йиллар) дир. У Бухорода туғилиб, шу ерда ўз даври илмларини, айниқса, диний билимларини ҳар томонлама ўрганган. Сўнг ўз билимларини мукамаллаштириш мақсадида Макка, Мадина, Боғдод, Дамашқ, Ҳижоз, Куфа, Нишопур каби шаҳарларга борган. Бу шаҳарларда жуда кўп олимлар, диншунослар, муҳаддислар

билан учрашган, ҳадислар тўплаган, сўнг Бухорога қайтган. У Самарқанд якинида вафот этган. Унинг мақабараси ҳозир таъмирланган ва зиёратгоҳга айлантирилган.

Бухорийдан бизга жуда кўп мерос қолган. Унинг ислом диншунослигига оид 20 тага яқин катта ҳажмдаги асарлари мавжуд. «Ал-Жомеъ-Саҳиҳ», «Ат-тарих ал-Кабир», «Ат-тарих ас-сағир», «Ал-Адаб ал-Шуфрад» кабилар шулар жумласига киради.

«Ислом оламида ҳазари имом Бухорий ва имом Муслим иккаларининг икки саҳиҳ китоби пайдо бўлгач, олиму муҳаддислар жуда нозик дид билан текшириб, баҳс юритганларидан кейин энг ишончли эканига қалблари таскин топди. Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримдан кейин Исломнинг иккинчи манбаси, «Энг олий ва энг саҳиҳ» манба деб шу икки китобни тасдиқладилар». (Қаранг: Имом Бухорий таърифи. Тошкент.-«Чўлпон» нашриёти.-1996 йил. 9-бет)

Бухорийни бутун мусулмон оламига машҳур қилган асари тўрт жилдли «Ал Жомеъ ал-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам») бўлиб, у «Саҳиҳ- ал-Бухорий» номи билан ҳам маълумдир. Бу асар 160 қисмдан иборат бўлиб, 3450 бобни ўз ичига олади. Чунки, Бухорий 20 мингдан ортиқроқ ҳадис тўплаб, булардан 7250 тасини мана шу китобига киритган. Бухорий тўпламига ҳақиқий билган ҳадисларнигина киритган. Бу китобдаги ҳадисларда инсон учун тарбиявий аҳамияти, унинг маънавий юксалиши, поклиги, донолиги, яхши-ёмонни ажрата билиши каби ғоялар баён этилган.

Ҳадисларнинг асосий мақсади: дўстлик, адолат, ўзаро яхши муносабатларни мустаҳкамлаш, инсонни ёмонликдан асрашдир. Исмоил Бухорий «Саҳиҳ»нинг ҳозир тўрттала жилди ўзбек тилига таржима қилиниб, ундан халқимиз фойдаланмоқда.

Бухорийнинг яқин шогирдларидан бўлмиш машҳур муҳаддислардан бири Имом Исо ат-Термизийдир (824-892 йиллар). Ундан «Жомеъ ал-кабир», «Жомеъ ат-Термизий», «Аш-Шамоил ал-Набавия», «Ат-Тарих», «Китоб аз-Зухд» каби ўндан ортиқ асарлар қолган. Термизийни мусулмон оламига машҳур қилган асари «Жомеъ ат-Термизий» бўлиб, унда инсонпарварлик ғоялари кенг ифодаланган. Ўғирлик, зўра-вонлик, ёлғончилик, ичкиликбозлик, манманлик каби салбий, ахлоққа зид қусурлар қаттиқ танқид қилинган.

Исломда машҳур бўлган муҳаддислардан яна бири Абу Абдурахмон ан-Насойидир (850-915 йиллар). У Ниса (Туркменистон) шаҳрида туғилиб, хорижий шарқ шаҳар-ларида, хусусан Мисрда ўз билимини оширган. У Фаластин-нинг Ромла шаҳрида вафот этган. Унинг «ат-сунаи ал-Кубро» китоби машҳур бўлган. Қолган яна учта ҳадис ёзганлар Эрон ва Араб мамлакатларида эди.

Ҳадислар Қуръон каби муқаддас манба сифатида мусулмонларнинг таълим-тарбиясида, фикр системасида, оилавий тарбияда ҳамон катта аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Шариат-арабча «тўғри йўл», «илоҳий белгилаб берилган йўл» демакдир.

Шариат - ислом қонун-қоидаларига, моддий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида мусулмонлар бажариши лозим деб белгиланган, ижтимоий-иқтисодий, фуқаролик, ахлоқий ва диний фаолият ва ҳатти-ҳаркатлар бўйича қонун-қоидалар ва меъёрлар мажмуасидир.

Шариатнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, у фақат ҳуқуқ ва қонунчиликка хос масалалар билан чекланиб қолмай, у ахлоқ ва диний маросимчилик масалаларини ҳам ўз ичига олади. Мусулмонлар учун бажариш фарз, яъни мажбур ҳисобланган дастурларни белгилаб беради ва уларнинг диний қонун тусига киритади. Шуни ҳисобга олганда, шариатни фақат шартли равишда диний ҳуқуқ тизими деб аташ мумкин.

Шариат инсоннинг ҳуқуқий, ахлоқий ва диний ҳаётини қаттиқ назоратга олади, у ҳатто инсоннинг шахсий ва оилавий ҳаёти, кундалик турмушига оид барча масалаларни ҳам ўз тасарруфига олади ҳамда уларни диний қоидалар даражасига кўтаради. Шариат феодал тизимдаги ижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия, руҳсат этилган ва қатъиян таъқиқланган ҳатти-ҳаракатлар: оила, никоҳ ва талоқ масалалари, савдода олди-сотди тартиби ва мулкий муносабатлар, жиноий ҳаракатлар ва жазолаш меъёрлари каби бир бутун, яхлит тизимдир. Шариат ва унинг қоидалари исломда Аллоҳ томонидан белгилаб берилган илоҳий йўл бўлганлиги учун у муқаддас ҳисобланади. Чунки, юқорида айтиб ўтилганидек, Муҳаммад пайғамбар диний жамоада яқка ҳукмдор сифатида - ҳам ҳоким, ҳам қози, ҳам лашкарбоши, ҳам бош имом бўлиб, у Аллоҳ номидан мусулмонларнинг оилавий ва шахсий муаммоларини ўзи ҳал этган, мусулмонларга панд-насиҳат қилган, йўл-йўриқ кўрсатган. Ана шулар кейинчалик ҳадисларга киритилган, улар шариат дастурлари, қонунлари даражасига кўтарилган.

Шариат XIII-XII асрлар давомида аста-секин шаклланди. Қуръон, ҳадис (сунна), ижмоъ ва киёс шариат манбалари ҳисобланади.

Ижмоъ - диний жамоа фикри (арабча-ижмоъ ал-умма) бўлиб, Қуръон ва ҳадисларга асосланган, аммо алоҳида вазият ёки шарт-шароитни ҳисобга олиб чиқариладиган уламолар ҳукми эди.

Қиёс - кенгайиб кетган, ички низолар кучайиб бораётган халифаликда шариатга асос қилиб олинган тўртинчи манба эди. Қуръон ва ҳадислардан топилмаган кўрсатмалар ўрнига уламолар берган фатво ўтган. Қиёс - мантикий таққослаш йўли билан бирор масала бўйича ҳукм чиқариш усулидир.

Ижмоъ билан қиёс қабул қилинган, маҳаллий ва марказдаги ҳумдорлар шариатни ўз хоҳиш-иродаларига қўллаш имкониятига эга бўлдилар. Натижада исломнинг Муҳаммад пайғамбар давридаги кўп талаблари бузилди. Исломга бидъат ҳисобланган янгиликлар кириб қолган. Кейинги вақтларда ваҳҳобийлар «исломни тозалаш»ни талаб қилмоқдалар.

Шариат энг аввало қонунчилик бўлиб, у Муҳаммад вафотидан кейин 5 аср давомида ишлаб чиқилган. Бу ишлар билан шуғулланиш натижасида қонуншуносликка оид диний фикҳ билими вужудга келади. Фикҳ сўзи арабча бўлиб, у билиш, тушуниш, англаш мазмунидан олинган. Фикҳ билан машғул бўлган уламолар фикҳлар, яъни қонуншунос, диний қонунлар соҳасида билимдон кишилар демакдир. Масалан, Марғилон шаҳридан етишиб чиққан Бурҳонуддин Марғилоний (1197 йилда вафот этган) Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ар-Риштоний қатор асарлар муаллифи бўлиб, унинг фикҳга оид энг машҳур китоби «Ҳидоя фи-л-Фуруз» («Шариат соҳалари бўйича қўлланма»)дир. «Ҳидоя» мусулмон ҳуқуқшунослиги соҳасидаги энг йирик ва кенг тарқалган асарлардан бири бўлиб, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Шариатни яратиш жараёнида фикҳ категориялари ишлаб чиқилган.

1. «Фарз» деб номланади ва бунга бевосита Қуръонда кўрсатилган ҳар қандай ҳолда ҳам бажарилиши мажбур бўлган ҳаракатлар киради. Фарз деб белгиланган талабларни бажара олмаслик қаттиқ гуноҳ ҳисобланади. Масалан, ҳар бир мусулмон калимаи шаҳодат келтириши, намоз ўқиши, рўза тутиши, закот тўлаши, ҳаж қилиши фарз мажбуриятларидандир.

2. «Мандуб» (тавсия қилинган, лозим деб тайинланган) оддий тилда «Суннат». Бунга бажариш тавсия этилади-ган ҳаракатлар киради, бажариш савоб, лекин бажарил-маганда гуноҳ ҳисобланади. Масалан, қурбонлик мароси-ми ўтказиш, садақа улашиш, азиз жойларга бориш.

3. «Мубоҳ» деб аталиб, бунга ҳар бир шахс ихтиёри билан бажарса ҳам бўлаверадиган ҳатти-ҳаракатлар киради, улар савоб ҳам, гуноҳ ҳам ҳисобланмайди. Масалан, ўлганлар руҳига чироқ (шам) ёқиш. Биби сешанба, мушкулкушот ўтказиш.

4. «Макруҳ» деб аталадиган категорияга нолозим ҳисобланадиган ҳатти-ҳаракатлар киради. Макруҳ ишни қилиш нолозим ҳисобланади, лекин гуноҳ ҳисоблан-майди. Масалан, хотинни талок қилиш, эмизадиган боласи бор аёлларни рўза тутмаслиги каби.

5. «Ҳаром» ёки «Махзур» деб аталадиган категория-га шариатда қатъий равишда таъқиқланган ҳатти-ҳаракатлар киради. Масалан, Исломдан чиқиб бошқа динни қабул қилиш, бировнинг ҳаққини ўзлаштириб юбориш, зино қилиш, закот тўламас-лик қабилар. Ҳаром ишларга йўл қўйган шахс гуноҳқор ҳисобланиб, унга жазо қўлланиши мумкин.

Феодализм даврида янги категория ишлаб чиқилиб «Вожиб» деб аталган. «Вожиб» халифалар, подшолар, амирлар, султонлар ва бошқа ҳукмдорларнинг фармон ва буйруқларини бажариш мажбуригини ва зарурлигини англатган. «Вожиб» Аллоҳ буйруқларидан кейин, яъни Муҳам-мад кўрсатмаларидан аввалги ўринга қўйилган. Вожибни «Амри вожиб» деб ҳам айтилади. Шохнинг айтгани Оллоҳнинг айтгани, деган маънода ишлатилган. Шариат ислом расмий дин ҳисобланадиган давлатларда ҳозир ҳам ўз кучига эга. Масалан, Эрон Ислом республикасида 1979 йилдан бошлаб шариат расмий кучга эга. Лекин ислом давлатдан ажратилган мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (31,61 моддалар) шариат қонунлари расмий кучга эга эмас, аммо шариатнинг ахлоқий талаблари, айрим ҳолатларда ижтимоий-мулкӣ, оила-никоҳ талаблари ҳамон анъанавий кучга эгадир.

Исломда Қуръон, шариат, ҳадисларда ахлоққа алоҳида аҳамият берилган. Кенг маънода олинганда инсон, унинг ҳаёти ва ҳаётининг мазмуни, меҳнат, унинг аҳамияти, бошқа диндаги халқларга муносабат, хотин-қизлар, оила-никоҳ, одамларнинг жамоат жойларида ўзаро муносабатларидаги меъёрлар ва савдо-сотик каби кўпгина масалалар ахлоқий жиҳатдан қандай бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Масалан, Қуръоннинг 4-сура 33-оятда: «Ўз-ўзингизни ўлдирмангиз» дейилган, ёки 6-суранинг 141-оятда «Тентаклик қилиб билмаслик натижа-сида ўз фарзандини ўлдирманлар - йўлдан адашганлардир», дейилган, ёхуд 6-суранинг 152-158-оятларида «Ота-онангизга муруват қилинлар, ифлосликка (бузуқчиликка) очиқ ҳам, яширин ҳам яқинлашмангиз, одам ўлдирмангиз. Буни Аллоҳ таъқиқлаган. Етимлар мулкига яқинлашмангиз, ўлчовда ва тарозида адолатли бўлингиз. Гапирган вақтларингизда тўғри бўлингиз», дейилган. Бу ахлоқий кўрсатмалар мустақил Ўзбе-кистонда маънавиятни юксалтириш учун бекиёси аҳамияти бор.

Гарчи ахлоқ ва унинг тамойиллари, оддий кундалик меъёрлари, ҳар қандай диндан аввалроқ ибтидоий жамиятнинг юқори босқичларида вужудга келган бўлса ҳам динлар, шу жумладан, ислом дини ҳам ана шу ахлоқий ютуқларни ўз мазмуни, мақсади ва йўналишига асосан қайта ишлаб ва унга ўзига хос бўлган янги тамойил ва меъёрларни қўшиб мусулмонларга Аллоҳ ва пайғамбар номидан тақдим этади.

Мусулмонлар олий табақалар оммадан ташкил топганлиги учун ислом ахлоқи умуминсонийдир. Уламолар бу ахлоқдаги инсонийликни муҳим хусусият сифатида алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Шариат мулкка муносабатни ҳам белгилаб қўйган. Масалан, ерга эгалик шакли шариатга кўра учта: подшолик мулки, хусусий мулк, вақф мулки кабилардан иборатдир. Халифа бутун мамлакатнинг мулкига хўжайин бўлмасада, барча мулк амалда уники ҳисобланади. Давлат ер мулкани ерсиз деҳқонлар маълум шартнома асосида ишлаганлар.

Вақф мулкига ерлар, савдо расталари, обжувозлар, боғлар, карвон саройлар, барча масжид, мадраса, мақбара, диний мактаблар, мазорлар атрофидаги жойлар, диний ёзувлар қиради.

Вақф ерлари давлат томонидан, айрим бойлар томонидан, эгасиз қолган, васият қилинган ерлардан ташкил топади. Вақф ерларини гаровга қўйиш, сотиб олиш, тортиқ қилиш мумкин эмас. Вақф мулкани мутавалли бошқаради. Бу мулкдан қолган даромадлар дин манфаатига сарфланади, муҳтож кишиларга ундан ёрдам берилади.

Шариатни амалга ошириш қозилар ва уларнинг ихтиёрида бўлган қозилик маҳкамаси қўлида бўлади. Шариат таъқиқлари, мажбуриятларини халқ қандай бажараётганлигини маҳаллий руҳонийлар, қози, имом, уламо, уйбоши, элликбоши, юзбоши, мингбоши, туманбошилар назорат қилади. Шариат жиноятни турларга ажратиб жазо белгилайди. 1-хилдаги жиноят қонли жиноят бўлиб, унга бировни ўлдириш ёки ярадор қилиш, ўғирлик ёки қароқчилик кабилар кириб, улар оғир жиноят ҳисобланади. Бундай жиноятга йўл қўйган шахс ўлимга ёки оғир тан жазосига ҳукм қилинади, баъзан ўлдирилган кишининг хунини тўлашга мажбур қилинади. Масалан, қулни ўлдирилган киши қул сотиб олиб бериши ёки унинг нарҳида жарима тўлаши Қуръонда айтилган.

2-хилдаги жиноятга диндан қайтиш, зино қилиш, ўғирлик, қароқчилик кириб, бу ҳолларда ҳам айбдор киши ўлим жазоси олган.

3-жиноятга шариатга нолозим ишлар қиради: сабабсиз намоз ўқимаслик, рўза тутмаслик, бировга туҳмат қилиш, бировлар ҳақини еб юбориш, кимор ўйнаш, кайф қилиш, закот тўламаслик, дин пешволарини ҳақоратлаш. Бу жиноятлар зиндонга солиш, қамчи билан савалаш, мол-мулкни мусодара қилиш билан жазоланган.

Ислоннинг бошқа динлардан кескин фарқи унда ғоят кўп маросимлар мавжудлиги бўлиб, маросимлар асрлар бўйи халқ оммаси ҳаётига кенг сингиб кетган, барчани ўз таъсирига олган, жамотчилик фикри ва ижтимоий психологияга таъсир қилиб, турмуш тарзи белгиланган, тартиб-интизомга солиб, одамларни коллективчилик, ҳамкорликка ўргатган, улардан маълум даражада вақт ва сарф-ҳаражат сарфлашни талаб этган, мусулмонларнинг дунёқараши ва иймон-эътиқодини кенгайтириб борган. Ислон маросимлари муайян демократик ҳарактерга эга, яъни уларга риоя қилишда жамиятдаги турли табақа, синф ва гуруҳ, бойлару камбағаллар бирдек ҳуқуққа ва мажбуриятга эгалар, аммо имкониятлар даражаси турлича.

М а р о с и м л а р :

1. Ислон маросимлари ўз мазмуни ва моҳиятига кўра умумбашарий, умуммиллий, оилавий турли мазҳаб ва йўналишга хос бўлиб, шодиёна ёки марсиявий ҳарактерда бўлади.

2. Ислон маросимлари мажбурий, мажбурий бўлмаган гуруҳларга ажралади:

А) мажбурий, яъни «фарз» ҳисобланган маросимларга калимаи шаҳодат келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот тўлаш, ҳажга боришлар кириб, улар рукн ҳисобланади ва аркони-дин дейилади;

Б) мажбурий бўлмаган маросимлар «суннат» дейилади, уларга никоҳдан ўтиш, ўғил болаларни суннат қилдириш (қўлини ҳалоллаш), қурбонлик, мавлуд, ашурлик, хатми-қуръон, вафот этганларни эслаш учун уч, етти, йигирма, қирқ, йил муддатларини ўтказиш ва ҳ.к.

Мусулмонлар учун умумий мажбурият, бажармаса гуноҳ ва жазога лойиқ деб ҳисобланган маросимлар:

1) ҳар бир мусулмон «фотиҳа» сурасидаги 7-та оятни дилда айтиб, иймон келтириши, яъни «калимаи шаҳодат» орқали ўзининг Аллоҳ бандаси ва Муҳаммад пайғамбарнинг уммати эканини ёдда сақлаб, унга амал қилиши талаб этилади. Бу мусулмончиликнинг асосий талаби бўлиб, бошқа маросимларнинг барчаси унинг ўрнини боса олмайди;

2) Намоз - иккинчи асосий маросимдир. Мусулмонлар ҳар куни беш вақт намоз ўқишлари шарт. Намозлар: (1) Бомдод. (2) Пешин. (3) Аср. (4) Шом (5) Хуфтон. Намоз ўқиш учун таҳорат қилинган бўлиши шарт, тоза жой ва жойнамоз (ёки тоза бирор нарса, масалан, чопон) бўлиши керак. Намоз ўқийдиган шахс пок ва ақл-хушида бўлиш ҳам шарт, аммо кайфи бор, таҳорати бузилган кишилар намоз ўқиши мумкин эмас. Намоз ўз уйида, масжидда, жомеъ масжидида жума намозларида коллектив бўлиб ўқилади. Намознинг эҳтиёти пешин, таворух, жаноза каби турлари ҳам мавжуд. Оғир беморлар, ўзини ўзи эплай олмайдиган қариялар намоз ўқишдан озод этилганлар.

Ҳожатга боришлик, бадандан қон ёки йиринг оқиши, қусмоқ, маст бўлмоқ, ухламоқ, хушдан кетмоқ, ел қўйиб юборишлик, намозда қаттиқ овоз чиқариб қулишлик, гумон қилишлик каби ҳолатларда таҳорат бузилган ҳисобланади.

Намоз вақтлари ва ракатлари

Номлари	Суннат	Фарз	Суннат	Витр	Вақтлари
Бомдод	2	2	-	-	Тонг ёришгандан то кўёш чикқунча
Пешин	4	4	2	-	Кўёш тик келиб сал оққан маҳалдан бош-лаб то Аср намози вақтигача
Жумаъ-Аср	4	2	4	-	Киши сояси пешин намози вақтидагиси-га нисбатан икки баробар катталашади
Шом	-	3	2	-	Кун ботганидан то қизил шафак кетгун-ча
Хуфтон	-	4	2	3	Қоронғулик тушга-нидан бошлаб то бомдод намози вақ-тигача

3. Рўза ва рўза ҳайити - исломнинг яна бир фарз маро-симидир. Рўза тутиш ҳам барча мусулмонлар учун мажбу-рий. Ундан эмизадиган ёш болали оналар, оғир беморлар, сафарда юрган кишилар, ақли-хуши ўзида бўлмаган шахслар озод этилади.

Рўза тутиш - Қуръоннинг ваҳий қилиниши бошланган Рамазон ойида 30 кун давомида бажарилади. Рўза тутиш («оғиз бойлаш») эрта саҳарлик бошланиб то кечки ифтор-ликкача давом этиб, шу вақт мобайнида овқат етмаслик, сув ичмаслик, нос, папирос, наша кабиларни чекмаслик, чўмил-маслик шарт. Рўза ойида ифторлик зиёфатлари хонадонларда ўтказилади, унда фақат рўза тутганлар қатнашмоғи керак.

Рўза кунлари жамоат бўлиб қўшимча таворух намози ҳам ўқилади. 30 кун рўза тутиш тугагач, рўза ҳайити ўтказилади. Бу ҳайит умумхалқ байрами бўлиб, унда арафалик қилинади, ҳайит намози ўқилади, вафот этган авлодлар қабрлари зиёрат қилинади, «янги ҳайит» маросими ўтказилади ва ҳ.к. Рўза Аллоҳга иймон-эътиқод кучайган, Қуръон тиловатлари кўпай-ган табаррук кунлар ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистонда рўза ҳайити куни байрам сифатида нишонланиб, дам олиш жорий этилди. Президентимиз бу куни диндорларни муборак рўза ҳайити билан қизгин табриклайди.

Рўза ўғил болаларга 12 ёшдан, қизлар учун эса 9 ёшдан тутиш буюрилган. Рўза жисмоний тарбия ва соғломлаштиришга ёрдам бериши мумкин;

4. Закот - ислом фарзларидан бири. У диний аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.

Закот - бу мусулмонларнинг бойликлардан фақиру мискинларга берилиши шарт бўлган Аллоҳнинг ҳаққи. Ислому таълимотига биноан садақа, яъни хайру-эхсон икки хил бўлади: ихтиёрий ва мажбурий. Закот берилиши шарт бўлган мажбурий садақа ҳисобланади. Закот садақагина бўлиб қолмасдан, балки у ибодатдир. Ҳар бир мусулмон ибодат қилмаслиги мумкин бўлмаганидек молу дунёси маълум миқдорга етгач Ислому аҳлининг закот бермасликка ҳеч бир ҳаққи йўқ. Закотни инкор қилган шахс ислом динидан чиққан бўлади, аммо уни фарз эканини эътироф этсаю, лекин амалда бажармаган бўлса гуноҳкор бўлади.

Закотни балоғат ёшига етган (18 ёшга тўлган), хур ва озод кишилар, ақли хуши жойида, мол-дунёси, яъни жамғармаси нисоб миқдорига етган ва у шахсий мулк бўлса, 12 ой ичида бирон марта ҳам камайиб қолмаса, эгасининг кундалик эҳтиёжларидан ортиқ бўлса, ана шундай шахс закот тўлайди. Нисоб - закот берилиши шарт бўлган молларнинг ўлчов миқдори бўлиб, у молларнинг турига қараб турлича бўлади.

Ислом қуйидаги моллардан закот олишни тайин қилган:

- 1) Тилла, кумуш, қоғоз пулларидан;
- 2) Ердан олинадиган ҳосиллардан;
- 3) Мевали дарахтларнинг меваларидан;
- 4) Савдо молларидан;
- 5) Чорвалардан;
- 6) Ер ости бойликларидан ва ҳазиналаридан.

Масалан, тилланинг нисоби 20 мисқол бўлиб, 20 мисқол тилласи бор киши 0,5 мисқол закот бериши керак. Савдодан олинадиган закот тижорат учун харид қилинган буюмлардан, хунармандчилик йўли билан сотиш учун тайёрланган анжомлардан, савдогарчилик учун олинган кийимлардан, дон-дун, мева-чева, мато-газламалардан тўланадиган закот ҳам тилла ҳисобига тенг. Чорвадан бериладиган закот миқдори масалан, 40-120 қўйдан бир қўй, 201-300 та қўйдан закот 3 та, 30-40 сигирдан бир бош сигир, 91-120 та туядан эса 3 та туя, ерга экилган экин ҳосилидан, дарахт меваларидан, агар табиий сувда етиштирилган бўлса, ҳосилнинг 10 фоизини, сунъий суғориладиган ердан олинган ҳосилни 5 фоизини закотга берилади.

Закот фақир, яъни камбағаллар, мискин, яъни энг қаш-шоқ кишиларга, закот йиғувчиларга, динга даъват қилувчи-ларга, қарздорни қутқариш учун, қулни озод қилиш учун сарфланади.

Закотни ғайридинларга, бадавлатлар ва уларнинг бола-ларига, қариндошларига, хотинига, ўғил-қизларига берилмай-ди. Закот ҳалол топилган мол-мулкдан олинади. Закот шариат қонунлари расмий кучга эга бўлган давлатларда амал қилади, аммо дин давлатдан ажратиб қўйилган Ўзбекистон Республикасида закот олинмайди, балки фуқаролар даромад солиғи тўлайдилар.

5. Ҳаж ҳам исломдаги мажбурий фарз рукнларидан биридир. Ҳажга Макка ва Мадина шаҳарларига борилади. 10 дан ортиқ ҳаж маросимлари адо этилади. Ҳажга кучи етадиган, соғлом, ҳаж ҳаражатлари оиласи, қариндошлари эҳтиёжидан ортган шахсларгина бориши мумкин. Ҳаж катта ва кичик ҳажларга бўлинади. Кичик ҳаж умра дейилади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистондан ҳам ҳар йили уч-тўрт минглаб фуқаро ҳажга боради.

Баъзи саволларга баъзи жавоблар.

303-савол. Янги рўзғор қилган келинларга одоб-ахлоқ ҳақида.

303-жавоб. Ризобуддин ибн Фахруддиннинг «Илму ахлоқ» китобидан бир шингил келтирамиз. Қизни куёвга бергандан сўнг араб хотинларидан ақлли бир хотин қизига ушбу равишда насихат қилур: «Эй қизим бу кундан бошлаб бизнинг қўлимиздан кетдинг, иккинчи бир бегона одамга ёру йўлдош бўлдинг. Ушбу насихатларимини тинглаб, сўнгра уларни ўрнига қўясан қизим. Эринг дунё сафарига ўзига йўлдош, қайғуларига бирга қайғурувчи, шодликларига бирга шод-ланувчи йўлдош бўлмоқ умиди ила сени қабул этади. Зинҳор унинг умидини пучга чиқарма, ҳар вақт шукурлар бўлсин, мақсудим бўлди, деб сўзласин ва сендан ризо бўлиб юрсин! Эрингнинг яқинларини, кўпроқ қайнотанг ва қайнонангни ҳурмат қил. Уларни ўз отанг, ўз онанг ҳисобида кўр. Уларнинг болаларини, туғишганларинг ҳукмида ҳисоб эт. Эрингдан ҳеч бир сирингни яширма. Эрингдан бошқа кишига сир айтма.

Қизим! Эринг ҳуш кўрмаган ишлардан, кўнглига ботадиган одатлардан йироқ бўл. Унинг рашкини келтиражак ҳеч бир нарса қилма. Эрингнинг молини сақлаб тут, исроф қилма қизим. Уйинг тартибли ва ҳар нарса ўз ўрнида бўлсин. Болаларингни эринга суюкли этишга, эрингни ҳам болаларинга севилишига тириш».

280-савол. Туғилган болага азон айтишлик тўғрисида.

280-жавоб. Албатта ислом фарзандларини қулоқларига азон ва таъқбир айтишлик суннатдир. Чунки Расулulloҳ алайҳиссаломдан муборак ҳадис борки, маъноси: «Бир одамки туғилса шу одам учун фарзанд бас айтсин ёки айтдирсин, ўнг қулоғига азон, чап қулоғига таъқбир, тоинки шу туғилган боланинг аввалги қулоғига эшитиладиган сўз Аллоҳнинг муборак исми бўлсин.

249-савол. Нима сабабдан исломда тўнғиз гўшти ҳаром қилинган.

249-жавоб. Мазҳаб (ханифия мазҳаби) соҳиблари уламоларимиз жавоб берадиларки, хоҳ гўштини еса бўладиган, хоҳ гўштини еса бўлмайдиган йирткич ҳайвонларда ҳам ҳамият бордур, аммо ушбу ҳамият тўнғизда йўқдир. Аллоҳ таъло ҳаром қилди, тоинки ҳалол қилса ушбу ҳайвонлардаги ҳамиятсизлик мўминларга сироят қилиб ўтмасин. (Қаранг: «303 саволга 303 жавоб» китобидан, намоз, талоқ, ҳалолу ҳаром, жаннату дўзах, Марғилон масжидул фуркон. 28-29, 21,12-бетлар).

Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилганлиги туфайли хоҳлаган кишиларгина бу нарсаларни бажаридилар.

Шундай қилиб, исломдаги маросимлар 250 тадан ортиқроқ бўлиб, улар ҳар жой, вақт, шароитга қараб турли даражада амал қилмоқда. Бу маросимлар маданиятнинг ажралмас бир қисми. Қурбон ҳайити ва рўза ҳайити давлатимиз томонидан умумхалқ байрамлари даражасига кўтарилиб қўйилди, бу демократиямиз медаларига киради.

Яхлит тизимдан иборат исломда ҳокимият, унинг тепасида қандай куч ва қандай кишилар туриши лозим, бунда кимлар ҳуқуқга эга, сиёсийми ёки диний жамоами, халифаликда асосий куч Қуръон ва шариатга, ақида ва фикҳга муносабатлар турлича бўлгани каби масалаларда келиша олмаслик натижасида VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ турли йўналиш ва мазҳаблар, секталар вужудга келиб улар ўртасида курашлар бошланди.

А) Суннийлар ва Шиалар йўналишлари

Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин 4 та халифадан Абу Бакр, Умар, Усмон хошимийлар уруғидан эмас эдилар. Али эса шу уруғдан эди. Мусулмонлар орасида халифалик ҳокимиятига фақат пайғамбар авлодлари эгаллик қилиши лозим деб ҳисоблайдиганлар ва аксинча ҳокимият тепасига пайғамбар авлоди бўлмаган кишилар, агар улар диний жамоа томонидан сайланса ҳам чиқиши мумкин деган мусулмонларга ажралди-лар.

Булар ислом тарихида Суннийлар ва Шиалар йўналишини вужудга келтирдилар.

С у н н и й л а р . Суннийлар (сунна сўзи арабча бўлиб, «анъанавий йўл») дунёдаги барча мусулмонларнинг тўртдан уч қисмини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда Суннийлар асосан араб мамлакатларида, Туркия, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой, Болгария, Албания, Югославия, собиқ СССР ўрнидаги мустақил давлатларда яшайдилар. Жумладан Ўзбекистонда яшайдиган Суннийлар учун Макка, Мадина, Каъба, Қуръон, Муҳаммад пайғамбар ва тўрт халифалар «чорёрлар», пайғамбар ҳадислари сунна тўплами муқаддас ҳисобланади. Суннийлар Аллоҳни одам қиёфасида гўё арши аълодаги ўз тахтида ўтирган шарқона шаҳаншоҳ қиёфасида тасаввур қиладилар.

Суннийлар сиёсий ҳокимият мамлакатни бошқарадиган олий куч, диний жамоалар эса уларга бўйсунувчи ва унга ёрдам берувчи ғоялар кучи деб билганликлари учун подшолар, амирлар, султонлар ёнида шайху ислом лавозимида олий ислом вакили турган.

Суннийлар Шиалардан фарқ қилиб, Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин Аллоҳ билан одамлар ўртасида воситачилик бўлишини тан олмай, подшолар пайғамбар йўлини давом эттирувчи Аллоҳнинг ердаги вакили деб ҳисоблайдилар. Али ва унинг авлодларини имоматга, яъни мусулмон жамоасига раҳбарлик қилиш ҳуқуқи бор дейувчи Шиалар талабини ҳам инкор қиладилар. Шунингдек, ҳуқуқ масалаларини ҳал қилишда, ҳайитлар хусусида, ғайридинларга муносабатда, намознинг жузъий масалаларида, диний масалаларда, фуқаролик ҳуқуқларида, руҳонийларнинг даражалари, масжидлар хусусида, диний ташкилотлар тузилишида ҳам Суннийлик Шиаликдан жиддий фарқ қилади.

Шариатга муносабат, унинг тамойилларини қўллаш жараёнида Суннийликда тўртта мазҳаб пайдо булган:

ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАР: «Мазҳаб» арабча сўз бўлиб, «оқим», «йўл», «таълимот» маъносини англатади.

Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,3 млрд. мусулмон аҳолисининг 92.3 фоизини Суннийлар ташкил этиб, мазҳаблар бўйича қуйидагича нисбатда бўлинган: Ханифийлар 47 фоиз, шофийлар 27 фоиз, моликийлар 17 фоиз, Ханбалийлар 1.5 фоиз.

Шиалар 7.5 фоиз бўлиб, унда исломий, жаъфарий, зайдий мазҳаблари мавжуд. (Қаранг: Динлар ҳақида маълумот. Тошкент 2000. Буклет 1-буклам).

1. Ханифийлар. Бу мазҳабга имом Абу Ханифа ан-Нўъмон (696-767-йиллар) асос солган. Ханифия ўзининг шароитига қараб иш тутганлиги ва халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги билан кенг тарқалган. Улар Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Афғонистон, Африка халқлари, Марказий Осиё халқлари (Озарбайжондан ташқари) орасида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, тарқалган. Ханифийлар ҳозирги даврда бутун мусулмонларнинг 47 фоизини ташкил этадилар.

2. Маликийлар мазҳабига имом Малик ибн Онас (795 йилда вафот қилган) асос солган. Бу мазҳаб қонунлари ақлга асосланмаганлиги билан бошқа мазҳаблардан фарқ қилади. Ҳозир бу мазҳаб шимолий Африка (Тунис, Жазоир, Марокаш), ғарбий Африка ва Суданда тарқалган.

3. Шофиъийлар. Бу мазҳабга имом Муҳаммад ал-Шофиъий (820-йилда вафот этган) асос солган. Шофиъийлар ханифия ва моликийлардан ўзгаларнинг фикрини ҳисобга олиб, сарб-тоқатли бўлишликлари билан ажралиб турадилар. Ҳозир шофиъийлар Мисрда, Шарқий Африка ва Индонезияда кўпроқ тарқалган.

4. Ханбалийлар мазҳабига Имом Аҳмад ибн Ханбал (855-йилда вафот этган) асос солган. Бу мазҳаб ўзининг ўта мутаассаблиги ва қаттиққўллиги билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Бу мазҳабдагилар Саудия Арабис-тонининг Наж ва Ҳижоз ҳудудларида яшайдилар. Улар барча мусулмонларнинг 1.5 фоизини ташкил қиладилар. Улардан ваҳҳобийлар юзага келган.

Шиалар (арабча Шиа - тарафдорлар гуруҳи демакдир) Али ва унинг ўғиллари Ҳасан, Хусайн, уларнинг авлодлари -жами 12 та имомни Муҳаммад пайғамбарнинг бирдан-бир қонуний ворислари деб биладилар. Шиалар «имомият инояти Аллоҳ» деб халифалик ҳаётида барча ҳуқуқ ва имтиёзлар имомиятда бўлиши, ҳокимлик имом кўлида бўлиши, бош имом халифанинг ўзи бўлишини талаб қиладилар. Мусулмон жамоа мулки барча мусулмон манфаатига хизмат қилиши лозим деб ҳисоблаб, бой ҳам ўта қашшоқлар ҳам бўлмаслиги зарур дейдилар. Туғилган йили номаълум бўлган имом Жаъфарнинг иккинчи ўғли Исмоилнинг ғойиб бўлган ўғли имом Маҳдини қайтиб келиб ер юзида адолат ўрнатади деб ишонадилар. Шиалар Аллоҳ ҳар бир мусулмоннинг қалбида, дилида бўлганлиги учун ҳамма нарсани кўриб туради деб тасаввур қиладилар. Шиалар Куръонни тан оладилар, аммо «115 икки ёритгич» деган сурани ундан атайлаб туширилиб қолдирилган деб ҳисоблайдилар. Бу сурада Али Муҳаммад Аллоҳнинг нури, лекин Али Аллоҳнинг валийси деб ишонадилар. Ҳозир Шиалар Ироқ, Яман, Эрон, Ливан, Озарбайжонда, Тожикистоннинг тоғли Бадахшон автоном вилоятида яшайдилар.

1979 йилда Эронда Шиалар раҳнамози Ҳумайний бутун мусулмонлар оламида Шиалар ҳукмронлигини ўрнатишга даъват қилган эди. Ҳозир ҳам бу ғоя тарафдорлари мавжуд.

Шиалар «ахбор» - Али ва унинг авлодлари тўғрисидаги муқаддас ривоятлар тўпламига Куръондан кейинги манба сифатида қарайдилар. Шиалар Ироқдаги Карбало даштини Қум шаҳри ва Наҷоф шаҳридаги Али Ҳасан, Хусайн, Фотима ва 12 та имомлар жасади ётган жойларни зиёрат қиладилар.

Шиалар муҳаррам ойида (1-10 март) мотам тутиб «Оҳ Хусайн, воҳ Хусайн» деб баланд овозда йиғлаб ўз таналарига уриб, кўча юришларини ўтказадилар. Ашурлик маросими ҳам қиладилар. Ҳорижийлар фуқароси фирқа тарафдорлари Али билан Абу Суфъённинг ўғли, Сурия ҳокими Мувоиа ўртасида Усмон вафотидан кейин халифалик учун бошланган шиддатлик кураш вақтида Алининг Муовия келишишидан норизо бўлган 12 минг аскар Али армиясидан ажралиб (арабча «ҳаража», «чиқиш», «кўзғолончи») чиқиб кетгандан кейин пайдо бўлди. Ҳорижийлар Муовияга ҳам Алига ҳам қарши курашиб Жазоир, Уммон, Занжибар, Тунис, Ливияда ўз мустақил давлатларини тузганлар. Бу давлат Рустамийлар сулоласининг ҳукмронлигида эди.

Ҳорижийлар диний жамоа давлат раҳбарини сайлаб қўйилиши лозим деб ҳисоблаганлар. Сайланадиган шахснинг таржимаи ҳолига эътибор қилинмаган. Уларнинг фикрича, ҳар бир диний жамоа ўзига имом сайлаши ва уни ўрнидан тушириши мумкин.

Улар жамият тепасида руҳонийлар туришини талаб қилганлар, сайланган имом эса уларнинг жамоасидан давлат идорасидаги вакил бўлган. Ҳорижийлар диндан қайтган бидъатчиларни душман деб билганлар. «Диннинг софлигини» сақлашга ҳаракат қилганлар. Ўта шафқатсиз тамойиллар сабабли ҳорижийлар VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бир қанча мустақил секталарга бўлиниб кетган. Жумладан, Азрикийлар, Ибодийлар, Суфрийлар секталари ўз имомлари номлари билан аталган ҳолда пайдо бўлган.

Зейдилар фирқаси VIII аср ўрталарида, 740 йилда Куфада уммавий халифа Хишонга қарши халқ кўзғолонига бошчилик қилган Зейд ибн Али номи билан аталган. Зейд Алининг эвараси Хусайнинг невараси эди. Зейдилар 864 йили Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузган. Бу давлат 300 йилча яшаган. 901-йилда эса улар яманда давлат ҳокимиятини қўлга олганлар. Зейдилар диний эътиқодни амалий ҳаракат билан қўшишни, эркин фикрлашни, тақдирга ишонишни, Куръоннинг азалдан мавжудлигини, Аллоҳнинг сўзи эканини тан оладилар. Улар кўпинча Шиа маросимларига амал қилишади, ўз турмуш тарзига кўра Суннийларга яқин туришади.

Исмоилийлар сектаси. Бу секта VIII асрнинг иккинчи ярмида боғдод халифалигида пайдо бўлган. Мазкур секта Жаъфарнинг ўғли Исмоил номи билан боғлиқ.

Исмоилийлар диний таълимотида «дунёвий ақл» ва «дунёвий рух»га эътиқод қилиш асосий ўрин эгаллайди. Улар турли даврларда турли халқларга пайғамбарларнинг юбори-лиши «дунёвий

ақл»нинг намоён бўлиши деб ҳисоблашади. Улар 7 та пайғамбарни: Одам Ато, Иброҳим, Нух, Мусо, Исо, Муҳаммад ва Исмоилни тан олишади. Уларнинг фикрича имомлар пайғамбарларнинг ворисларидир.

XI асрда Исмоилийлар турли сабабларга кўра: ассасинлар, карматлар, низорийлар, мустанмийлар деган секталарга бўлиниб кетган. Ҳозирги вақтда Исмоилийлар ўрта шарқ мамлакатларида, Ҳиндистонда, Уганда, Кения, Танзания ва Тожикистоннинг тоғли ўлкаларида мавжуд. Ҳиндистоннинг Гужрат штатида тирик худо Огоҳонлар фаолияти пайғамбарларга мансуб.

Друзлар фиркаси исмоилийлардан ажралиб чиққан бўлиб, улар 998-1021 йилларда ҳукмрон бўлган халифани «худо йўлини кўрсатувчи» илоҳий ҳалоскор деб биладилар. Улар Шиа имомларини ва сунний халифаларини тан олмайдилар. Друзлар турк султонлари даврида нисбатан мустақил бўлдилар. Сурия билан Ливанда Друзлар 1924-1925-йилларда француз мустамлақачиларига қарши миллий озодлик ҳаракатида актив қатнашдилар.

Исломда яна ибодийлар, имомийлар, нусарийлар, алилоҳийлар, аҳмадийлар каби ўнлаб секталар мавжуд.

Ислом фалсафасида Қуръон, фикҳ, ахлоқ ва бошқа масалаларни шарҳлаш ва изоҳлашда бир-бирига зид бўлган тамойиллар пайдо бўлиб, калом, яъни илк ислом диний-фалсафий таълимоти вужудга келди. Илк ислом ақидаларига қаттиқ риоя қилишни илгари сурувчи мутақаллимлар, инсонда ирода ва фикрлаш эркинлигини Аллоҳга қарама-қарши қўймаган ҳолда ҳимоя қилувчи мутгазийлилар таълимоти, руҳий покланиш ва камолот босқичларидан ўтиб, илоҳий ҳақиқатга эришиш тўғрисидаги сўфийлик ёки тасаввуф таълимоти VIII асрдаёқ араблар босиб олган барча ҳудудларда, айниқса, Марказий Осиёда кенг тарқалди. Бу таълимот XIV аср охирларидан бошлаб бу ерда янги босқичга кўтарилиб ривожланди. Тасаввуф Ислом асосида шаклланган диний-фалсафий оқим бўлиб, унда қадимги юнон таълимоти-неоплатонизм, иудаизм, христианлик, зардўштийлик, айниқса буддизмнинг таъсири сезилади. Унинг асосида аскетизм, яъни бу дунё лаззатларидан воз кечиш асосида Аллоҳга етиш, уни билиш, у билан бирлашиш йўлини кидириш ётади. Сўфизм Қуръон ва шариат талаб этган диний ақидалар талабларини албатта бажариш, сўзсиз ўзини худонинг қули деб билиш, маълум диний қоидаларга ўз шахсиятини бўйсундиришни талаб қилади. Шахсий эркинлик, ўз хоҳиши билан тозаланиб, Аллоҳга руҳий сингиш орқали эришиш ғоясига асосланади. Бу йўлда сўфийликка берилганлар ортодоксал ислом руҳонийлари талабларига риоя этмаганликлари учун сўфийларнинг вакилла-ри айрим ҳолларда қораланганлар, қувғин қилинганлар, жазо-ланганлар.

Тасаввуфда инсоннинг камолоти ва Аллоҳга руҳан эришув йўллари 4 босқичдан иборатдир:

Биринчи босқич шариат деб аталиб, бунда аввало шариатнинг барча талабларини чин қалбдан бажариш ва унга тўла бўйсунуш талаб этилади.

Иккинчи босқич тариқат бўлиб, бунда мурид ўз шахсий истакларидан воз кечиб, ўзини пир ихтиёрига топшириши керак.

Учинчи босқич маърифат бўлиб, бунда сўфийлар коинотнинг бирлиги худода мужассам бўлишини, олам худонинг эмонациясидан, яъни нурланишидан вужудга келишини, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, балки қалб билан англаб олишлари керак.

Тўртинчи босқич ҳақиқатдир. Бунда сўфий шахс сифатида тугаб, худога - мўлжалланган ҳақиқатга етишиш, Аллоҳга сингиб кетиши ва натижада абадийликка эришуви зарур. Бу жараён маълум давомли вақтни талаб этади. Махсус руҳий, жисмоний ҳаракат, фаолият - сиғиниш, ибодатлар, оҳанглар ёрдамида амалга оширилади. Сўфизм тарафдорлари, дастлаб, моддий бойликка эга бўлиш ва унга интилишни қоралаб, ҳақиқий бойлик маънавий-руҳий бойликда деб ҳисоблаганлар.

Ҳикмат

Шариатга рост, мувофиқ бўлмагунча,

Тариқатга толибон деб темас бўлур.

Ихлос бирла пирни тутиб, бошдан ўтуб,

Тариқ кирган бало текса қайтмас бўлур.

(Қаранг: Азим Ҳожа Эшон. Ҳикмат. Тошкент. «Ўзбекистон» 1993, 27-бет).

Тасаввуфнинг ижтимоий базаси, бу - шаҳар хунарман-длари, майда савдогарлар бўлиб, IX-X асрлардаёқ Ироқ, Эронда бу таълимотнинг йирик вакиллари вужудга келган. Ҳаллож (859-922), Бистамий (IX аср), Жунайдий (вафоти 910) шулар жумласидандир.

Тасаввуфнинг назарий ва амалий томонлари бор. Амалий томони бевосита Аллоҳга эришув жараёнидир. Бу йўлда сўфийлик қоидабини бажарган ҳолда жуда кўпчилик тасаввуфга

ишонадилар. Бу жараёнда шайхлар ва муридлар пайдо бўлиб, сўфийликка берилганлар, шайхлардан таълим олганлар, уларга мурид бўлиб тушганлар. Олдинроқ, амалий сўфийизм, сўфийликнинг назарий масалалари билан шуғулланиш эса сўнграқ вужудга келган. Сўфийизм назариётчилари ўз даврининг билимини пухта эгаллаган, илмлардан хабардор, билимдон-мутафаккир кишилар бўлганлар. Булардан Абдул Ҳамид Ғаззолий (1058-1116), Суҳравардий (1155-1191), Ибн Арабий (1165-1240) кабиларни кўрсатиш мумкин. Улар сўфийизмнинг назарий масалалари бўйича қатор рисолалар яратганлар.

Ибн Арабий айниқса, сўфийизм назариясини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. Андалузияда туғилиб, ўз умрини турли мусулмон шаҳарларини кезиб, билимли кишилар билан мулоқатда бўлишда ўтказди. У сўфийизмнинг энг йирик назариётчиси бўлиб, 300 дан ортиқ асарлар муаллифидир. Ибн Арабийнинг айниқса, «Фусул ал-хикам», «Футухат ал-маккия», «Таржимон ал-аливак» каби асарларида сўфий мутафаккир сифатида олам худонинг бирлиги, унга интилиш, «Ички тажриба» ёрдамида эришиш, Қуръоннинг рамзий ҳарактерга эгалиги ҳақида таълимотлар асослаб берилгандир. Унинг, айниқса, сўфийизм космогониясини ҳар томонлама ишлаб чиқишдаги хизмати махсус таъкидлаб ўтилади.

Сўфийлик назарияси дастлаб халифаликнинг мусулмон назарий фикрининг марказий шаҳарлари Боғдод, Дамашк, Мадина каби шаҳарларида ишлаб чиқилган ва кенг ёйилган бўлса-да, у Шарқ ўлкаларида кенг тарқалди. Сўфийлар тўхтовсиз саёҳатда бўлар, турли шаҳарларда билим, динга берилган шахслар билан учрашувлар, мулоқатлар ўтказар эдилар.

Сўфийлик таълимоти ҳукмрон мафкурадан фарқ қилгани ҳолда Аллоҳни ҳақиқат деб талқин этгани, жаннат-дўзахни инкор қилгани, барча динларни тенг деб билгани, ҳақиқатга эришиш йўлида умумий диний ақидага эмас, шахсий тажриба-интуицияга асослангани, Исломи диний қоидаларига бефарқ қарагани учун ортодоксал Исломи раҳбарлари томонидан айрим ҳолларда таъқиб қилинди, айрим сўфийизм мафкурачилари жазоланди ҳам. Бистамий қораланди, Халлож ўлими жазосига ҳукм қилинди. Хуросонда Айнул Кузрат ҳам ўлдирилди. Сўфийлар халққа яқин бўлдилар, уни ҳимоя этишга ҳаракат қилдилар. Мовароуннаҳрга мўғуллар ҳужум қилганда айрим сўфийлар Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлдилар.

Сўфий таълимотлари пантеизм ёки Аллоҳ ва инсоннинг бирлашуви, оламнинг (моддий ва руҳий) ягоналиги, ҳамманинг тўхтовсиз ҳаракатга интилиши зарурлиги таълимоти билан ўз даври илғор фалсафий таълимотларига яқин турди ва бу билан хурфикрликка ҳам хизмат қилди, ақидачилик, ҳукмрон мафкурага зарар келтирди. Турли сўфий уламоларнинг асарларида бу таълимотга турлича янгиликлар, аниқликлар киритилиб борилди ва у мусулмон Шарқида ортодоксал Иломидан сўнг энг ривожланган, кенг тарқалган таълимотга айланди. Унинг 15 га яқин асосий йўналишлари - мактаблари мусулмон мамлакатларида тарқалгандир.

Х асрдан бошлаб сўфизм ғоялари Марказий Осиё шаҳарларида ҳам кенг тарқала бошлади. Масалан, Халлож турли ўлкалар, Хуросон ва Мавороуннаҳрда ўз таълимотини тарғиб этди. Сўфийлик асарлари араб, форс тилларида ёзилди. Ўрта Осиёда, сўнграқ туркий тилларда ҳам бадиий асарлар шаклида вужудга келди.

Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотлари Х асрдан бошлаб кенг ёйила борди. Тасаввуф таълимотини ривожлантиришда Мовароуннаҳрлик ва Хуросонлик йирик сўфийлик таълимотчиларининг хизмати катта бўлган. Лекин бу ерда мустақил суфийлик мактаблари XI-XII асрлардагина вужудга кела бошлаган. Масалан, сўфийизм таълимотини ишлаб чиқишда IX асрда Термизда туғилиб ўсган Ҳаким Термизийнинг 80 га яқин рисолалари муҳим роль ўйнади.

У Термизда туғилиб, шу ерда вафот этди, лекин ўз таълимотини Макка, асосан Балх ва Нишопурда турганида тарғиб этди ва кўп муридлар орттирди. Унинг инсон ўзини-ўзи турли ифлос инстинктив (ғайри ихтиёрий) ҳислатлардан тозалаши, ўз қалбида Аллоҳ нуруни ҳис қилишга интилиши каби фикрлари сўфизмнинг сўнги ривожига катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг шогирдлари Жузжоний, Абу Бакр ал-Варрақ томонидан ривожлантирилди.

Ўрта Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон худудида тасаввуфнинг ривожланишида Юсуф Ҳамадоний таълимоти муҳим роль ўйнайди. Бу таълимот, умуман, Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуф мактабларига жуда катта таъсир кўрсатди. У ғарбий Эронинг Ҳамадон шаҳрида туғилиб, ўсган бўлсада, умрининг асосий қисми ва фаолиятини Ўрта Осиёда ўтказган. У хунармандчилик - косибчилик билан шуғулланган. Унинг таълимоти асосан хунармандлар орасида кенг тарқалган ва асосан уларнинг манфаатларини ифодалаган.

Юсуф Ҳамадоний таълимотида ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган бўлиб, у шогирдлари билан бирга қўлида қурол билан мўғуллар ҳужумига қарши курашди. Ҳамадоний таълимотидан Ўрта Осиёда сўнги тасаввуф мактаби - Яссавийлик ва Нақшбандийлик келиб

чикди. Биринчиси, Хожа Ахмад Ясавий, иккинчиси Абдулхолиқ Гиждувоний ва сўнгрок Баҳовуддин Нақшбанд номлари билан боғлиқдир. Бу тасаввуф мактабларига тўхташдан аввал XI асрлардан бошлаб Ўрта Осиёда Қадария тасаввуф таълимотининг тарқала бошланганини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Қадарийлик - қадария тариқатининг асосчиси Абдулқодир Жилоний бўлиб, у 1077 йилда туғилган, Бағдодда таълим олган, Академик В.В. Бартольд бу таълимот ҳақида Абдул-холиқ - ахлоқий қарашлар тарғиботчиси ва унинг мақсади одамлар олдида дўзахни эшигини ёпиб, жаннат эшигини очиш, кишиларни ўзаро ҳурмат, муҳаббатга ундаш эди, деб баҳо беради. Қадария таълимоти Туркия, Афғонистон, Покистон, Жазоир каби мамлакатларда ҳам тарқалган.

Ўрта Осиё музофотида биринчи вужудга келган йирик сўфийлик тариқати Яссавийликдир. Бу тариқатга Аҳмад Яссавий (1105-1165) асос солган. Яссавий Ясси (Туркистон) шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Унинг отаси Иброҳим Ясси (Сайрам) шаҳрида узок йил шайхлик қилган ва кўп муридларга эга бўлган.

Яссавий Бухорода машҳур уламо Юсуф Хамадонийдан сўфийликнинг асосларини ўрганди, устозининг ўлиmidан сўнг ўрнига бироз вақт ўринбосар бўлиб қолди, сўнг ўз юрти Туркистонга қайтди. Яссавий таълимоти унинг туркий тилда ёзилган «Девони ҳикмат» асарида баён этилган. Бу асар кўчманчи ва ўтроқ туркий халқлар ўртасида сўфийлик таълимотини тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этган. Яссавий таъбирича, қийинчиликка, чидамли оғир ҳаётга ўрганган одам ҳақиқий сўфий бўла олади ва у худо васлига эришади. Бу дунё бевафодир. Яссавий ғоялари Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида унинг шогирдлари томонидан кенг тарғиб қилинди. Шулардан бири Сулаймон Боқирғоний бўлиб (вафоти 1192 йилда), у ўзининг туркий тилда ёзилган «Боқирғон», «Охир замон» асарларида сўфийизм ва яссавийликни тарғиб қилган.

Марказий Осиёда шаклланган энг йирик сўфийлик тариқатларидан яна бири кубровиядир. Унга Хоразмда XIII асрнинг бошларида Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солган. Кубровия тариқати Ўрта ва Яқин Шарқ ўлкаларида ҳам кенг тарқалган. Н. Кубро Хивада туғилиб сўфийлик таълимотини Миср, Табриз, Хамадон шаҳарларида эгаллаган. Кўхна Урганчда ўз таълимотини ривожлантириб, шу ерда янги сўфийлик тариқатига асос солган. Мўғуллар ҳужуми даврида ўз муридлари билан шаҳар ҳимоясида фаол иштирок этиб қурбон бўлган. Кубро билишнинг махсус йўлини ривожлан-тириб, сўфийизм ривожига катта ҳисса қўшган. У ўзининг қатор рисолаларида Кубровия тариқатининг қоидаларини ишлаб чиққан. Бу қоидалар сўфийликнинг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини ўз ичига олади. Кубровия тариқати Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эронда тарқалди ва майда сўфийлик оқимларининг вужудга келишига сабабчи бўлди. Бу оқимлар Ҳиндистоннинг Дехли, Бихар шаҳарларининг маданий ҳаётига муҳим таъсир кўрсатди.

«Кубровия тариқати одоблари (қоидалари):

1. Тавба - мурид қилган гуноҳлари учун пушаймон бўлади.
2. Зухл фи дунё - мурид мол-мулк, бойлигидан воз кечади.
3. Таваккул ал-Аллоҳ - мурид Худога чуқур ишониб, унга эътиқод қилади.
4. Қаноат - мурид мол-мулкдан воз кечиб, сабр-қаноат қилиши зарур.
5. Узлат - мурид кўпроқ ёлғиз қолиб, ўзини ботинан чиниқтириб бориши керак.
6. Мулозимат ал-зикр - мурид худо номини доимо тилга олиб, унинг шаънига зикр самоъ қилиш шарт.
7. Таважжуъ ал-Аллоҳ - мурид бутун вужуди билан Аллоҳга мурожаат қилиб юрмоғи лозим.
8. Сабр - мурид шахвоний, ҳавои ҳаваслардан қутилмоғи лозим.
9. Мурокаба - мурид ўз қалбини пасткашликлардан сақламоғи, риё ва макру хийлалардан, найранглардан халос қилмоғи шарт.

10. Ридо - Худони таниган (ориф) ва конё, деб ҳисобла-моғи лозим. (Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар.Т., «Ўзбекистон», 1993. 109-бет).

Бутун мусулмон шарқида энг кенг тарқалган йирик сўфийлик тариқати нақшбандийлик ҳам Ўрта Осиёда шаклланди. Нақшбандийлик таълимотининг бошланғич куртак-лари бухоролик машҳур тасаввуфчилар Юсуф Хамадо-ний (XII) ҳамда Абдулхолиқ Гиждувоний (XII-XIII) таълимот-ларида олға сурилади. Лекин бу шаклланаётган янги сўфийлик тариқати Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) томонидан қиёмега етказилди ва унинг номи билан маълум бўлди.

Баҳовуддин Нақшбанд Бухорога яқин Касри Хиндувон қишлоғида ҳунарманд оиласида туғилиб ўсди. Сўфийлик таълимотини, асосан, Бухорода, Ўрта Осиё шаҳарларида Саййид Амир

Колулий, Ориф Диггирони, Қосимшайх ва Халил оталардан ўрганди. Ўз таълимотида яссавийлик ва ғиждувоний таълимотларининг айрим томонларини бирлаштирди.

Нақшбандийлик тариқати таълимоти Аллоҳ ягона, икки хил олам йўқ, шунинг учун моддий олам талабларига мослашиб яшамоқ, унинг лаззатидан баҳраманд бўлмоқ, фаол меҳнат қилиш, лекин бойликка интилмаслик лозим деб ҳисоблайди. Нақшбандийлик 4 тамойил асосида ҳаёт кечиришни тавсия этади.

1. Хилватда анжуман - муридлар доимо мулоқотда, биргаликда жамоада яшамоқ, улар дардига ҳам, қувончига ҳам тенг шерик бўлмоқ, бойликка интилмаслик, камбағаларга ёрдам бермоқ.

2. Сафар дар ватан - ҳаётни ўрганиш, сафарда, саёҳатда бўлиш, табиатдан завқланиш, ҳис-туйғудан воз кечмаслик, билимни ошириш, ғам-аламга ҳадеб берилавермаслик.

3. Назар дар қадам - ҳар бир қадамни ўйлаб босиш, фойдали ишлар қилиш, яхшиликка меҳнат билан интилиш, бекорга вақтни ўтказмаслик.

4. Хуш дар дам - инсон бу оламнинг яқуни, у ҳар доим табиатдан, унинг ноз-неъматларидан фойдаланиш, баҳра олиши, қийинчиликдан қўрқмалик, ўз мақсадларини рўёбга чиқариши лозим. Б.Нақшбанд «қўл меҳнатда, дил Аллоҳда бўлсин» дейди, худога муножот, зикр, ҳамд-саноларни овоз чиқармасдан изҳор қилишга даъват қилди.

Хуллас, нақшбандийлик инсонни улуғлайди, унинг ҳаётга, табиатга фаол муносабатда бўлишини тарғиб қилади. У бундай таълимотлари билан, бир томондан, ҳукмрон дин арбобларининг норозилигини, иккинчи томондан, аҳолининг ижобий муносабати, хайрихоҳлигини кучайтирди. Бу таълимот Баҳовуддиндан сўнг унинг шогирдлари Алаутдин Аттор (вафоти 1440 йил) ва Муҳаммад Порсо (1345-1420) томонидан маълум тартибга солинди.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида нақшбандийлик ғоялари Ўрта Осиё маданий ҳаётида халқни уюштиришда, уни мустақилликка чорлашда ижобий роль ўйнайди. Темурийлар даврида Абдурахмон Жомий, Хўжа Аҳрор, Алишер Навоий томонидан янада бу олий ғоя қўллаб-қувватланди. XV асрнинг кўп шоир, мутафаккирлари бу ғояни олий босқичга кўтардилар. Нақшбандийлик устун таълимот сифатида 2-3 аср давомида нафақат Ўрта Осиёда, балки Ҳиндистон, Эрон, Кавказ орти, араб мамлакатларида ҳам кенг тарғиб қилинди.

Ўрта Осиёда турли сўфийлик таълимотларининг таъсири XIX асрларга қадар давом этганини кўрамиз. Сўфийизм мусулмон мамлакатлари ҳаётида муҳим ижтимоий-мафкуравий ва маданий ўрин эгаллади. У бадий адабиёт, фалсафа, мусиқа, маориф, таълим-тарбияга катта таъсир кўрсатди. Турли мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида шубҳасиз сўнмас из қолдирди.

Илк Ислом, ҳукмрон диний ҳокимият, йирик дин арбоблари ҳам ҳар доим сўфийлик таълимотларига, тасаввуф оқимлари ва биродарликлари, сўфийлик марказларига нисбатан салбий муносабатда бўлдилар. Уларга ҳурфикрлик манбаи, ҳукмрон диний ақидалар обрўсига зарар етказувчи фаолият манбаи деб қарадилар, айрим ҳолларда уларга қарши қоралаш, қувғин қилиш, жазолаш усулларини ҳам қўйдилар. Сабаби: сўфийлик «халқ исломи», Шўро даврида уни тилга олиш таъқиқланди, жаҳолат дейилди. Бугун чуқур тарғиб қилинапти, ўрганилапти. Сабаби ундаги миллий умуминсо-ний қадриятлардир. Тасаввуфнинг миллий ғоя учун аҳамияти катта. XVI асрдан кейин сўфийликда анъанавийликдан чекиниш, жаҳолатпарастликка бурилиш юз берди.

Абу Бакр (572-634 йй.) - исломда «хулофа ар-рашидин» (тўғри йўлдан борган халифалар), диндорлар ўртасида «чорёрлар» деб аталган, дастлабки 4 халифадан биринчиси (622-634 йй.), Муҳаммаднинг сафдошларидан, унинг қайнотаси (Ойшанинг отаси). Йирик савдогар, Макканинг Қурайш қабиласидан бўлиб, исломдан олдин унинг номи Абдулло («Лот» худосининг бандаси) бўлган. Мусулмон бўлгандан кейин Абдулло деб атала бошлаган. Абу Бакр Муҳаммад билан бирга Маккадан Ясрибга (Мадинага) кўчиб ўтган (622 й.). Бадр, Ухуд, Хандақ ва бошқа жангларда иштирок этган. Муҳаммад вафотидан кейин Абу Бакр халифаликка кўтарилган. У араб қабилаларини шафқатсиз бостирган. Абу Бакр даврида Ироқ ва Сурия босиб олинган, сосонийларга (633 й.), Византияликларга қарши, Фаластин ерларига (634 йил) қўшинлар юборилган ва Арабистонда ислом мустаҳкамланган.

Абу Суфъён - илк ислом даврида йирик савдогар ва Макка қурайшларининг задоғони. Маккада Муҳаммадга ва унинг диний тарғиботига қарши курашиб, уни таъқиб қилган, кейинчалик Мадина давлати кучая бошлагач, ўз хонадони вакилларининг ислом давлатида таъсирли ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида Муҳаммад билан ярашган. 630 йилда Маккани мусулмонларга жангсиз топширган, халифа Усмон даврида Абу Суфъённинг ўғли Муовия Сурия ҳокими этиб

тайинланган. Кейинчалик, Али вафотидан кейин (661 й.), халифалик ҳокимиятини қўлга олган. Муовия уммавийлар сулоласига асос солган.

Абу Ханифа ан-Нўъмон ибн Собит (тахаллуси Имоми Аъзам) (699-767 йй.) - суннийликдаги ханифия мазҳабининг асосчиси ва ислом илоҳиётчиси, фақиҳлардан бири. Келиб чиқиши форслардан. Шариат ҳуқуқини системага солган, қиёсни тадбиқ этган, истиҳоси (манбалар асосида чиқариш мумкин бўлган ҳулоса ёки ҳукмлардан мусулмонлар жамоаси учун мақбулроғи ва фойдалироғини қабул қилиш) тамойилларини ишлаб чиққан, маҳаллий ҳуқуқ нормаларини (одатни) шариат билан келиштириб қўллашни жорий этган, ҳуқуқшуносликка рационализм элементларини киритган. Халифаликнинг бош қозиси вазифасини зиммасига олишдан бош тортгани учун Ханифа Мансур (хукмронлик йиллари 754-775 йй.) томонидан қамалган ва зиндонда калтаклаб ўлдирилган. Ундан ёзма асарлар қолмаган, айрим манбаларга кўра «Буюк ҳуқуқшунослик» (ал-Фикҳ ал-Акбар) номли машҳур китобнинг муаллифи ҳисобланади.

Азон (араб. намозга чақириш) - исломда ҳар куни беш маҳал ўқиладиган намоз вақтини эълон қилиш ва унга даъват этиш. Намозга ҳар бир масжидда махсус киши - муаззин (араб. «азон айтувчи») чақиради. Азон «Аллоҳ буюқдир. Гувоҳлик бераман, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Гувоҳлик бераман-ки, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир. Намозга келинглар. Халос бўлиш учун келинглар. Аллоҳ буюқдир. Аллоҳ буюқдир. Аллоҳдан ўзга илоҳий куч йўқдир», деган жумлаларни араб тилида баланд овоз билан бир неча марта такрорлашдан ва қавмларни намозга даъват этишдан иборат бўлиб, бунда ҳеч қандай сирли мўъжиза йўқ. Исломда янги туғилган чақалоқнинг қулоғига азон айтиш одати ҳам бор. Бу билан чақалоқ мусулмонлар қаторига киритилган ҳисобланади.

Али ибн Абу Толиб (661 йилда ўлдирилган) - исломда «Хулафо ар-Рашиддин» («Тўғри йўлдан борган халифалар»), диндорлар ўртасида «чорёрлар» деб аталган дастлабки тўрт халифадан тўртинчиси. Қурайш қабиласининг хошимийлар хонадонидан. Муҳаммаднинг амакиваччаси ва куёви (Фотиманинг эри). Ханифа Усмон ўлдирилгандан кейин, Али 656 йилда Мадина халифалик ҳокимиятини эгаллаган, лекин уммавийлар унинг ҳокимиятига бўйсунмаганлар ва Абу Суфъённинг ўғли Муовия Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. Али тахт учун курашда ғалаба қозонолмай, уммавийлар билан келишишга кўнган. Ҳорижийлар бундай ҳаракатлардан норози бўлган ва суиқасд уюштириб Алини Куфада ўлдирганлар. У ўша шаҳарга дафн қилинган. Кейинчалик исломдаги икки асосий оқимлардан бири бўлган Шиаликлар (араб. «Шиа» - гуруҳ, бу ўринда «Али тарафдор-лари» мазмунида) оқимини ташкил этганлар. Али Шиаларнинг биринчи имоми ва Шиа имомларининг шажарасини бошлаб берувчи (Шиаларда Али авлодларидан 12 та имом, баъзи кичик секталарда 7 та имом эътироф этилди) ҳисобланади. Шу муносабат билан Суннийлар халифаларидан ҳеч бирини эътироф этмайдилар, ўз имомларини диний раҳнамо деб танийдилар. Шиаликка мансуб бўлган айрим кичик секталарда (масалан, исмоилийлар) Али худо даражасига кўтарилган ва уни илоҳийлаштиришга бағишланган кўп китоблар вужудга келган. Шиалар ўртасида Алининг қаҳрамонликлари ва саргузаштларини тасвирловчи жуда кўп афсоналар тўқилган. Бу афсоналар Суннийлар ўртасида ҳам кенг ёйилган, шунинг учун Али Суннийларда фақат «чорёр»лардан биригина эмас, балки саркарда ва қаҳрамон шахс деб танилади.

Али авлодлари - Али ибн Абу Толиб авлодлари. Алининг турли хотинларидан кўп фарзандлари бўлиб, энг машҳурлари Муҳаммаднинг кизи Фотимадан туғилган Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда улардан тарқалган авлодлар ҳисобланади. Шиаликдаги 12 та имомга Али, Ҳасан, Ҳусайн ва уларнинг кейинги авлод-лари киради. Халифаликнинг турли ерларида, баъзи дав-латларда Али авлодлари бошчилигидаги имоматлар вужудга келган. Кўп сонли Али авлодлари ҳозирги вақтда барча мусулмон мамлакатларида мавжуд. Фотимадан тарқалган Али авлодлари «Сайидлар», ўзбеклар орасида «Тўралар» деб аталган. Алининг бошқа хотинларидан тарқалган авлодлари «хўжалар» деб айтилади.

Амри маъруф (араб. «яхшиликка етаклаш») - ислом анъанасида ҳар бир мусулмонга моҳиятан миссионерлик вазифасини юклайдиган ақидавий таълимот. Амри би-л-Маъруф ва наҳи ам-ал-мункар (яхшилик йўлига етаклаш) деб аталган. Бунга кўра ҳар бир мусулмон учун ўз фарзанди ва яқинларини исломга ўргатиш, диний йўлга етаклаш мажбурий (вожиб) деб ҳисобланган. Бу таълимот ислом тарихида, унинг кенг ёйилишида ва оиладаги диний тарбияда, диндорликнинг сақланиб қолинишида катта рол ўйнаган ва ҳозир ҳам ҳал қилувчи рол ўйнамоқда.

Арши-аъло (араб.-«юксак тахт») - ислом манбаларида ва диний анъанада худонинг гўё осмоннинг энг юқори еттинчи қаватида жойлашган тахти. Бошқа динларда ҳам худо осмонда туради деб тасаввур қилинган. Ислом вужудга келган даврда араблар орасида осмон ҳам, ер ҳам

етти қават деб ҳисобланган. Шунга мослашган ҳолда Али авлодлари тўғрисидаги диний тушунча шаклланган.

Ахбор (араб. хабарлар) - Шиаларнинг муқаддас ривоят-лари, Муҳаммад ва Алининг сўзлари, фаолияти тўғрисидаги ривоятлар тўплами. Ахбор Суннийларда муқаддас ҳисобланган сунна (ҳадис тўпламлари) ўрнида эътироф қилинади ва Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Сунна Муҳаммад ва саҳобаларнинг, ахбор эса фақат пайғамбар ва унинг оила аъзолари, Али ва бошқа имомларнинг фаолиятлари ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олади.

Аълам (араб. билгич, билагон) - уламолар ичида шариат қонун-қоидаларини яхши билган киши. Илгари қозилик лавозимига яқин, баъзан шариат қонунларидан беҳабар одам-лар сайланган. Ана шундай қозилар Аълам маслаҳати асосида ҳукм чиқарган. Ҳар қози ёнида аълам мансаби мавжуд бўлган.

Аъроф (араб. тўсиқлар) - ислом диний манбаларида, хусусан, Қуръонда таърифланган жаннат билан дўзах ўртаси-даги жой. Ўзбек тилида Аъроф сўзи ўрнида кўпинча «аросат» термини ишлатилади. Диний анъанада қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай ўртада қолган одамлар турадиган жой, улар дўзахда азоб чекаётганларни ҳам, жаннатда роҳат қилаётганларни ҳам кўриб туради, деб талқин этилади. Аъроф христианликларнинг католицизм йўналишида чистилихе (русча) деб аталади. Жаннат ва дўзах каби аъроф ҳақида тасаввурлар ҳам диндорларни даҳшатга солиш ва дин тазйиқини кучайтириш учун хизмат қилган.

Байтуллоҳ (араб. Аллоҳнинг уйи) - Макка ислом дини-нинг муқаддаслаштирилган марказига айлангандан кейин Каъбага берилган ном.

Биби Мушкулкушод (форс.тож. мушкулни осон қилади-ган аёл) - диндорлар тасаввурларида кишини қийинчиликлар-дан халос этадиган авлиё аёл образи.

Бибисешанба – сешанба, она-аёллар сиғинадиган авлиё, афсонавий шахс (она), чарх йигирувчи аёлларнинг ҳомийси, оила бахтининг ҳимоячиси.

Вақф (араб. дин йўлида ажратилган мол-мулк) - ислом анъанасида давлат ва айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжид мадрасалар ва бошқаларга ажратилган мол-мулк. Ислом мамлакатларида Вақфдан келган даромадлар, диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиган дин пешволарига сарфланган. Ҳорижий шарқдаги мусулмон давлатларида Вақф мавжуд, ҳатто ер ислоҳоти ўтказилган айрим мамлакатларда ҳам Вақф сақланиб қолмоқда.

Дарвеш (форс.тож. гадо, қашшоқ, фақир) - исломда тасаввуф йўлига кириб, меҳнат қилмай, дарбадарлик, гадолик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи, таркидунё қилган шахс. Дарвешлар турли сўфийлик тариқатларига мансуб бўлганлар.

Домла - 1) диний мактаб ва мадрасаларда талабаларни ўқитувчи шахс, дин ва шариат пешвоси; 2) дуолар ўқиб, дам солиб, инс-жинсларни қайтарувчи, касалликларни тuzатувчи шахс.

Жазав, экстаз - кучли асаб кўзғалиши, ўз ҳатти-ҳаракат-ларини назорат қилолмай қолиш, хаёлот ва реаллик ўртасидаги чегаранинг йўқолиши натижасида юзага келадиган ҳолат. Жазав диний сиғиниш элементи ҳисобланади. Жазав кўзғовчи диний воситаларга тинка мадорни қуритувчи, ҳаёжонли зикр тушиш, «ракс»лар, ўзини-ўзи қийнаш, тунги бедорлик, узоқ вақт ибодат қилиш, бугун дикқат эътиборни бирор илоҳий объектга қаратишларни киритиш мумкин. Турли халқларнинг динлари тарихида гиёҳвандлик ёрдамида Жазавани сунъий кўзгатиш ҳоллари мавжуд бўлган. Жазав ҳолатида бўлган кишиларда вақт ва фазони ҳис қилиш бузилади, йўқ нарсаларни кўриш ва бўлмаган товушларни эшитиш, оғрикни сезмаслик ҳоллари ва бошқалар содир бўлади. Жазаванинг энг кўп учрайдиган турлари шомонликда, Шиаликдаги шахсей-вахсейда кўриш мумкин. Ўтмишда сўфийларнинг зикр тушиш маросимларида ўзларини йўқотиш даражасида жўш уриб хуружга келиши ҳолати ҳам Жазаванинг кўринишларидан бири бўлган.

Замзам - Макка шаҳридаги Каъба яқинидаги булоқ. У ислом пайдо бўлмасдан анча илгари мавжуд бўлган. Замзам булоғи атрофида ибодатхона қурилган. Араб қабилалари ўртасида исломгача Каъбани ва Замзам булоғини зиёрат қилиш, у ерда қурбонлик сўйиш одати бўлган. Ислом ривоят-ларида, пайғамбар Исмоил отаси Иброҳим билан Каъбани қураётганида сувсиз қолганлигини ва ерни тепиб муқаддас сув -Замзамни чиқарганлиги тўғрисида хикоя қилинади. Ҳожилар Замзам сувини табаррук ҳисоблаб ичадилар ва ўз юртларига олиб келадилар. Унинг суви сотилади ва Саудия Арабистони бундан дурустгина даромад олади. Марказий Осиёда, халқ ичида оби замзам - замзам суви деб юритилади.

Идда, иддат ал-маръа (араб. маълум вақт аёллар учун белгиланган муҳлат) - шариат бўйича эри ўлган ёки эридан ажралишган хотинлар бошқа эрга чиқиш учун ўтиши шарт бўлган муҳлат. Бундай аёлларга Идда ўтмагунча эрга чиқиш таъқиқланган. Бева учун Идда 4 ойу 10 кун, эридан ажралиш-ган аёл учун 3 ой белгиланган. Муҳлатнинг белгиланиши Қуръонга асосланган ҳолда

шариатга киритилган бўлиб, аёл-нинг ажралган ёки ўлган эридан ҳомиласи бор ёки йўқлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган. Идда яхши тадбир бўлиб, насл-насабнинг аниқ бўлиши учун хизмат қилган ва қилмоқда.

Имом (араб. олдинда турувчи) - ислом динида мусулмон-ларнинг раҳбари, бошлиғи. Имом атамаси куйидаги мазмунлар-да ишлатилади: 1) суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари ёки буюк Имом (ал-имом ал-кабир), яъни халифа;

2) суннийликда шариат мазҳаблари (ханифия, маликия, шофиъия, ханбалия) нинг асосчилари; 3) Шиаликда энг юксак раҳнома ҳисобланган Али ва унинг авлодлари; 4) Шиаликда ҳам, суннийликда ҳам ҳар бир масжидда намозни бошқариб боровчи руҳоний - масжид имоми.

Имом Матуридий. Матуридий (870-944 йй.) Самарқанд-нинг Матур маҳалласида таваллуд топган. У 15 дан зиёд асар ёзган. Унинг «Китоб ат-тавҳил» ва «Китоб таъвилот ахл ас-сунна» деган 2 та асарида калон илми ривожлантирилган. Уларда исломнинг асл моҳияти хато талқин қилинган: жафлид-лар, кароматлар, рофизийлар, муржиъийлар, муътазийлилар каби йўналишга исботлар билан раддиялар билдирилган. Калон фалсафасини ривожлантирган мутакаллим Матуридий ақл ва нақл аҳкомлари нисбатини тўғри изоҳлар экан, инсон ҳатти-ҳаракатларида ирода эркинлигига эга, шу сабабли ҳар бир киши ўз ишлари учун масъул деб исботлади. Ханифия мазҳаби ғояларини ривожлантирган Матуридийнинг 1130 йиллиги 2000 йил 17 ноябрда Самарқандда тантанали нишонланди. Шу тантанادا И.А.Каримов катта нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: «Имом Матуридийнинг, агар одамлар яхшилик йўлида бирлашса Яратганимиз ўз марҳаматини дариғ тутмайди, деган сўзларида бизнинг замонамиз учун ҳам ибратли сабоқлар бор». (Қаранг: Туркистон. 2000 йил 18 ноябр шанба сони). Ҳар бир талаба Имом Матуридий меросини яхши ўрганиши лозим, чунки бу меросда жуда кўп фойдали, кадриятга оид ғоялар мавжуд.

Имомат (араб. бошқариш, раҳбарлик) - Шиалик давлати-ни бошқариш ҳуқуқи ҳақидаги таълимот, эътироф этилган беш ақидадан бири. Унда мусулмонлар жамоаси ёки давлатида фақат Муҳаммад авлоди (Али ва Фотимадан тарқалган авлодлар) ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаганлар.

Имон (араб. ишонч, эътиқод) - ислом динида унинг ақидаларига, Аллоҳга, Муҳаммадга ва илоҳий ҳисобланган китобларга, тақдирга, охиратга ишониш. Ислолда имон талаб-лари «аркон-ал-имон» (эътиқод асослари) деб ҳисобланади. Унга шак-шубҳасиз эътиқод қилиш талаб қилинади. Имон талаблари, яъни ақидалар Исламнинг диний дунёқараш асос-ларини ташкил этади.

Имрон - ислом тарихида пайғамбар Мусонинг отаси Библияда Имрон номи билан маълум бўлган ва исломга Имрон номи билан кирган. Имрон Қуръонда Биби Марямнинг отаси сифатида тилга олинади. (Қуръоннинг 3-сураси «Ол-имрон» - «Имрон оиласи» деб аталади).

Ислам бирдамлиги - барча мусулмонларни бирлаштириш йўлидаги сиёсий ҳаракат. Ислам бирдамлигининг асосини Ислам оламини алоҳида қилиб ажратиш, уни «капиталистик Ғарб» га ҳам, «Коммунистик Шарқ»га ҳам қарши турадиган мустақил сиёсий шаклга келтириш ғоясини ташкил этади. Ислам бирдамлиги тарафдорлари мусулмон мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, «бой» давлатлар томонидан «камбағал» давлатларга ёрдам кўрсатиш зарурлигини таъкидлайдилар. Ислам олами лигаси, айниқса, унда асосий мавқени қатъий эгаллаган нефтга бой давлатлар, ислом бирдамлиги ғоясини амалга ошириш талаби билан чиқмоқдалар. Бутун дунёдаги мусулмонларнинг бирлиги ғояси уларнинг ҳаммасининг «отаси» Иброҳим эканлиги, Маккадаги Каъба ягона диний марказ эканлиги, Қуръон ва шариатда асослаб берилган ахлоқий, маънавий, ҳуқуқий нормалари борлиги каби назарий хулосаларга асосланади.

Ислам санъати - ислом дини тарқалган минтақалардаги халқларнинг ислом тасаввурлари ва анъаналари билан боғлиқ санъати. Ислам санъати ўз тарихий тараққиёти давомида кўпроқ расмий характерга эга бўлган ва диннинг анъанавий асосларига таъсир этмайдиган ўзгаришларга учради. Ислам санъати тарқалган жойларни маданий жихатдан шаклланган бир неча худудларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар: араб худуди (Яқин Шарқ, Миср, Туркия, Испания), Эрон худуди (Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё), Ҳинд-Эрон худуди (Хиндистон, Покистон), Индонезия-Малайзия худуди. Юқори-да санаб ўтилган худудлар санъатнинг бадиий қиёфаси, ислом ғоялари ва анъаналари таъсири билан бир қаторда исломга қадар мавжуд бўлган анъанавий санъат белгиларини ҳам ўз ичига олади. Маданий жихатдан шаклланган худудларнинг бу хусусияти амалда санъат ва меъморчилик турларини, унинг услуги, ёдгорликларнинг тузилиш усулларини камраб олади. Исламнинг бошқа динлар (иудаизм, христианлик, зардуштий-лик, буддизм) билан

тўқнашуви натижасида маданий жиҳатдан юкори бўлган худудларнинг исломга қадар бўлган санъати ғоялари ислом санъатига таъсир этган.

Ислом фундаментализми - ҳозирги исломдаги 3 оқимдан (традиционализм ва модернизм биргаликда) бири. Бу оқим ўзини диний уйғониш тарафдорлари деб атайди. Ислом фундаментализмининг асосий концепцияси исломнинг фунда-ментал тамойил (шундан уларга ислом фундаментализм номи берилган), капитализмдан ҳам, социализмдан ҳам фарқ қиладиган мустақил «Ислом тараққиёт йўлини» белгилаб беради, деб ҳисоблайдилар. Ислом традиционалистларидан фарқ қилган ҳолда, улар ана шу фундаментал тамойилларни тиклаш ва уларга амал қилиш тарафдорлариданлар. Лекин ислом модернистларига қарши улар ана шу тамойилларни ҳозирги давр тақозосига мослаб, қайта талқин этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Ислом фундаментализми тарафдорла-ри традиционалистларга ўхшаб, дин ва сиёсатни бир деб тушунадилар, фақат улардан фарқли ўлароқ, ислом билан миллат манфаатларини бир ёки яқин деб ҳисоблайдилар. Ислом фундаментализми тарафдорлари ижтимоий адолат учун курашишни мақсад қиладилар, ҳатто мазлум табақаларни бошқалардан ажратиб, ана шулар номидан иш кўрадилар. Ижтимоий-синфий жиҳатдан ислом фундаментализми турли (демократик, радикал ва консерватив) дунёқарашдаги ўрта ҳол гуруҳлар манфаатларини ифодалайди.

Лайлат-ул-қадр (араб. тақдирни ҳал қилувчи кеча) - рамазон ойининг қуръонда тилга олинган 27 кунга ўтар кечаси. Шу кечадан бошлаб Муҳаммадга Қуръон 23 йил давомида ваҳий қилинган. Мусулмонлар Лайлат-ул-қадрни муқаддас, деб ҳисоблашлари ана шундан. Диндорлар ҳар йили шу кечада, Аллоҳ ҳар бир кишининг ибодат пайтида илтижо қилган тилагини ҳисобга олиб, унинг тақдири ҳақида ҳукм чиқаради, деб тасаввур қиладилар. Шунинг учун ҳам Лайлат-ул-қадр кечасини Қуръонни ўқиб, Аллоҳга илтижо қилиб, ўтказиш расм бўлган.

Мадраса (араб. дарс ўқитиладиган жой, дарсхона) - исломда ўрта диний ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида мадрасалар уламолар, мактабдорлар, давлат аппарати ходимларини тайёрлайди. Ислом илоҳиёти масалаларини шарҳловчи марказ сифатида мадраса дастлаб VII-VIII асрларда арабларда пайдо бўлган. Кейинчалик айрим масжидлар қошида илоҳий мактаблар таркиб топиб, мадраса деб атала бошланган. Мадрасалар XI-XII асрларда Марказий Осиёнинг барча йирик шаҳарларида мавжуд бўлган. Мадрасага диний мактабни тугатган кишилар қабул қилинган. Мадрасаларда араб ва форс тилларда шариат қонунлари ўргатилган. Айрим мадрасаларда тиббиёт, аъруз билими, фалсафа, география ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган. Ҳозир ҳам жаҳондаги кўп ҳорижий мусулмон мамлакатларининг мадрасаларида диний таълим билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўқитилади.

Масжид, мачит (араб. сажда қилинадиган жой) - мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой, ибодатхона. Масжидлар асосан кундлик 5 вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган. Жума ва ҳайит намозлари эса жомъе масжидларида ўқилади. Масжидлар дастлаб шаҳарларда, кейинчалик қишлоқ ва маҳалларда барпо этилган. Масжидларнинг тўрида, Маккага қараган (Қибла) томонида меҳроб, ҳовлисида ҳовуз, бир ёки бир неча минора бўлади. Айрим йирик масжидлар меҳробининг ўнг томонида ваъзхон-лик учун мўлжалланган минбар, баъзиларида эса қуръон ўқиладиган махсус жойлар ҳам бўлади. Баъзи масжидларда мактаблар ҳам бўлиб, уларда ўғил болаларга Қуръон ўқиш ўргатилади. Масжидлар диний тарғибот маркази вазифасини ўтаган. Масалан, жамоа намозида имом-хатиблар хутба ўқиб, турли диний масалалар бўйича тарғибот қиладилар.

Муаззин (араб, - азон айтувчи) - масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс. Муаззин халқ тилида «Сўфи» деб ҳам аталади.

Мударрис (араб. - дарс берувчи) - мадраса ўқитувчиси, илгари муайян илоҳиёт фанидан дарс берган.

Ҳозир Хорижий Шарқ мамлакатларидаги мадрасаларда фақат диний билимлардан эмас, балки дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам Мударрис деб аталади.

Муслим (араб. бўйин эгувчи) - ислом динига эътиқод қилган шахс. Бу сўзнинг кўплик шакли (муслимун)ни бузиб талаффуз қилиш жараёнида Эрон ва Марказий Осиёда мусулмон, қирғиз ва козоқларда, ҳамда Россияда басурмон атамалари келиб чиққан.

Мутаваллий (араб. - иш боши, бошқарувчи) - ислом тари-ҳида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларини ижарага беришни; мадраса, масжидларда хўжалик ишларини ҳам Мутаваллий бажарган. Мутаваллийлик амали жуда муҳим ва сердаромад ҳисобланган. Вақф даромадининг 10 фоизи мутаваллийларга мош тариқасида берилади.

Муфтий, муфти (араб. фатфо берувчи, диний масалалар-да қарор чиқарувчи) - суннийликдаги олий мартабали рухоний. Муфтий диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш, шариатни тадбиқ этиш масалаларида ҳал қилувчи ҳуқуқга эга. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Ҳорижий Шарқдаги мусулмон мамлакатларида муфтийлик ҳукумат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланади.

Наврӯз бўйича арабча «буржий» ой календарии

№	Арабча номи	Форс-тожикча номи	Ўзбекча номи	Ҳозирги қайси ойга тўғри келиши
1	Ҳамал	Барра	Қўй	Март-апрель
2	Савр	Гав	Буқа	Апрель-май
3	Жавзо	Дунайкар	Эгизак қиз	Май-июнь
4	Саратон	Ҳарчанг	Қисқичбақа	Июнь-июль
5	Асад	Шер	Арслон	Июль-август
6	Сумбула	Хуше	Бошоқ	Август-сентябрь
7	Мезон	Тарози	Торози	Сентябрь-октябрь
8	Ақраб	Каждум	Чаён	Октябрь-ноябрь
9	Қавс	Камон	Ёй	Ноябрь-декабрь
10	Жадий	Бузғола	Тоғ эчкиси	Декабрь-январь
11	Далв	Дул	Қовға(челак)	Январь-февраль
12	Хут	Моҳи	Балиқ	Февраль-март

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Ислон, мусулмон, пайғамбар, Қуръон Карим, Муҳаммад (с.а.в.) Хошимийлар Хаж, Намоз, рӯза, закот, иймон, садақа, Каъба, ухуд жанги халифалик, шариат, хадис, Ақида.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ислон дини қаерда пайдо бўлди?
2. Шариат нима?
3. Иймон нима?
4. Хаж нима?
5. Закот нима?
6. Ислонни муқаддас китоби

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У, Саиджонов Ё. Дунё динлари тарихи. Т. 1998.
2. Диншунослик асослари. Т. "Ўзбекистон". 1995 й.
3. Хайруллаев М, Шоахмедов М. Маданият ва мерос. Т. 1973.
4. Ислам Энциклопедический словарь. М. 1991.
5. Мўминов А. Мовароуннаҳр уламолари ханафийлар // шарқшунослик. №9. 1990. 40-44 бетлар.
6. Ислон. Бағрикенглик ва мутаассиблик. Т. 1998.
7. Азимов Н. Ислон ва ҳозирги замон. Т. "Ўзбекистон". 1991.

10-мавзу: “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар”. (2 соат)

Режа:

1. Виждон эркинлиги тушунчаси. Дунёвий давлат ва дин.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи.
3. Мустақиллик ва дин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан виждон эркинлигини кафолатланиши.
4. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги нги таҳриридаги қонун мазмуни ва моҳияти.

Дунёвий давлатларда, яъни давлатдан дин, диний ташкилотлар ажратиб қўйилган мамлакатларда, инсонпарвар, демократик жамиятларда виждон эркинлиги мавжуд. Виждон эркинлиги нима? Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Динларга, диний урф-одатларга, имон-этиқодга ҳар бир фуқаронинг амал қилиши ёки ҳеч қандай динга амал қилмаслиги ҳуқуқларини жорий этилиши ва улардан шахсларнинг бемалол фойдалана олишига виждон эркинлиги дейилади.

Виждон эркинлиги инсоният тарихида турли шаклларда амал қилган бўлиб, улар ҳукмрон диний мафкура, дунёқараш талабларига нисбатан зиддиятда бўлиб келган.

Виждони буюрган этиқодни расмий диний-мафкурага қарама-қарши қўйган эркин фикрловчилар этиқоди виждон эркинлигидир. Қулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм жамиятларида виждон эркинлигининг қуйидаги тарихий шакллари мавжуд бўлган:

1. Деизм - табиатни худо яратган, худо билан табиат ажралмайди, деб ҳисобловчи этиқод эди. Шамол худоси, денгиз худоси, осмон, чакмоқ худоси, ер ости ва зулмат худоси, деҳқончилик худоси мавжуд, деган тасаввурлар деизм туфайли мавжуд бўлган. Масалан, Аполлон, Юпитер, Эрхубба каби худолар греклар, римликлар, туркий халқларнинг худди шундай худолари бўлган. Юпитер - римликларнинг чакмоқ худоси эди. Аполлон грекларнинг осмон худоси бўлган. Эрхубба - туркий халқларда сув худоси эди. Деизм тасаввурлари ҳозир ҳам маълум даражада сақланиб келмоқда.

2. Пантеизм - табиат ўз сабабларига асосан ривожланади, унга худолар таъсир қила олмайди деб ҳисоблайдиган тушунча ва тасаввурлардан иборат таълимот бўлиб, бу таълимот табиатдаги ҳамма нарса ва ҳодисаларни худо яратган ва улар томонидан табиат бошқариб турилади, деювчи христиан, иудаизм, буддизм, ислом ва бошқа динлар мафкурасига қарши қаратилган таълимот эди. Пантеизм табиатшунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Масалан, грек файласуфи Геракл табиатни худолардан ҳам, одамлардан ҳам ҳеч ким яратмаган, у қонуний ёниб ва сўниб-турадиган мангу оловдан ташкил топган, деб ҳисоблаган. Италиялик олим Жардано Бруно эса ҳар бир юлдуз ўзи бир олам, дунё чексиз, Инжил кўрсатмалари уйдирмадан иборат, деб ҳисоблаган. Инквизиция суди уни 1600 йил 14 апрелда Рим шаҳрида тириклайин гулханда куйдириб ўлдиришга ҳукм қилган ва бу ҳукм ижро этилган. Пантеизм виждон эркинлигининг тарихий шакли сифатида ҳозир ҳам айрим олимлар этиқодида мавжуд.

3. Мутазилийлик - ислом динининг расмий мафкураси бўлган калом фалсафасининг, яъни Аллоҳ ягона, у хоҳлаганини қилади, бандаларида ҳеч қандай ўз фикр, хоҳиш-ирода эркинлиги бўлиши мумкин эмас, деган ақидаларни чексиз даъват қилган расмий руҳонийлар - мутакаллимлардан норози бўлиб, улардан ажралиб чиққан исломдаги хурфикрлик мавқеидаги олимлар таълимоти эди. Мутазилия таълимоти Аллоҳ яратган ҳар бир одам ўз хатти-ҳаракати учун ўзи жавобгар, яхши ёки ёмон қилган ишлари учун ўзи Аллоҳ олдида жавоб бериши лозим, инсон эркин фикрлашга ҳақли, деб ҳисобладилар. Мутазилия таълимоти халифалар Хорун ар-Рашид ва Маъмун (IX-X асрлар) даврларида халифаликнинг расмий мафкураси эди.

4. Кўш ҳақиқат - бу таълимотга асосан дунёда Аллоҳга маъқул бўлган барча яхши ишлар исломий ҳақиқат бўлиб уни тан олмоқ керак. Бу биринчи ҳақиқатдир. Бу ҳақиқатга кўра Қуръон, шариат, ҳадислар, ислом ақида ва маросимлари, ахлоқ-одоблари, боқий ва фоний дунё, жаннат-дўзах хусусидаги барча фикр-мулоҳазалар айна ҳақиқатдир. Бироқ бир гуруҳ олимлар, исломий мутафаккирлар дунёвий илмлар очаётган янгиликларни ҳам ҳақиқат деб ҳисобладилар, бу иккинчи ҳақиқатдир. Иккинчи ҳақиқат тарафдорлари одатда хурфикрлилик мавқеида турадилар. Улар биринчи ҳақиқатни инкор қилмайдилар, аммо улар оламга, дунёвий фанлар очаётган ҳақиқатнинг кучига ҳам ишонадилар. Шу асосда ўз таълимотларини, фалсафий дунёқарашларини олға сурди-лар. Абу Носир Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Абу Абдуллоҳ Ал-

Хоразмий, Умар Хайём, Улуғбек, Алишер Навоий, А.Жомий каби алломалар кўш ҳақиқат макъеида туриб ижод қилганлар.

5. Атеизм - XVIII асрда Францияда маърифатпарвар файласуфлар томонидан олға сурилган таълимот эди. Ф.Вольтер, Д.Дидро, Ламетри, Гольбах ва бошқалар Франция республикасининг биринчи Конституциясига виждон эркинлиги тўғрисида моддалар киритиш, бу моддаларда ҳар бир фуқарога динга амал қилиш ёки амал қилмаслик, динларнинг тенглигини эътироф этиш, диний ташкилотлар ва динни давлатдан ажратиш бўйича, мактабни черковдан ажратиш каби ҳуқуқларни кафолатга олишни талаб қилдилар. Шунингдек, улар динга қарши илмий асосланган тарғибот-ташвиқот олиб бориш ҳуқуқ-ларини талаб этдилар. Франция республикаси Консти-туциясига ана шу талабларга кўра бир қатор моддалар киритилиб, дин дунёвий давлатдан, мактаб черковдан ажратилди. Бу ишлар бошқа кўпгина давлатларда, жумладан собиқ СССР да ҳам мавжуд эди.

Собиқ шўролар даврида мамлакатда оммавий атеизмни жорий этиш ҳаракати авж олдирилиб, динни нафақат давлатдан ажратиш, уни ҳатто жамиятдан бутунлай ва зудлик билан ажратиш ташлаш сиёсати олиб борилди. Буюк давлатчилик, қизил империячилик манфаатлари, коммунистик фирка мафкурасининг муҳолифи сифатида баҳоланган динни йўқ қилишга қаратилган атеистик тарғибот энг ваҳшиёна шаклларда олиб борилди. Шу мақсадда ўнг минглаб черковлар, масжидлар, ибодатхоналар, мадраса, монастирлар йўқ қилиб ташланди, эски диний мактаблар ёпилди. Минглаб дин арбоблари, мулалар қатағон қилинди. Диний ҳайитлар, урф-одатлар маън этилди ёки уларни бажаришга қарши кўплаб тўсиқлар қўйилди. Масалан, ўша даврларда Ўзбекистон бўйича ҳаж сафарига бир йилда 1-2 киши борарди, холос.

СССР да «Худосиз» газетаси ва «Худосизлар» журнали нашр этилар эди. Дин эскилик саркити деб баҳоланиб, бу саркитларга бутунлай барҳам бериш ишлари олиб борилди. Эски араб алфавитида ёзилган китоблар, қўлёзмалар диний ёзувлар деб йўқ қилинди. Уларни сақлаш, ўқиш таъқиқланди. Натижада ислом қадриятларидан халқимиз амалда узиб қўйилди, динсизлик авж олди.

«Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзларининг бутун фаолиятлари давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларни бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўнг минглаб мўътабар руҳонийлари қатағон қилинди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорларнинг аксарият кўпчилиги 90-йилнинг ўрталари-га қадар Қуръони каримдан баҳраманд бўлмаган эдилар» (Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. «Ўзбе-кистон» нашриёти 1998 йил, 444-445-бетлар).

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигин қўлга киритди. 1991 йил 14 июнда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул этилди. Бу ҳужжатларда Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида динга ўз муносабатини баён қилди.

Демократик, инсонпарвар ва дунёвий давлат бўлган Ўзбекистон Республикасида 100 дан ортиқ халқ ва миллат, 15 та диний Конфессия вакиллари яшаётир. Республикамизда ислом динигина эмас, балки яҳудийлик, христиан конфес-сиялари; Рус православия, Рим католик, Арман-григориян, Люттеран черковларида, баптистлик ва бошқа жамоалар фаолият кўрсатмоқда. (Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. 444-445-бетлар).

Барча динлар, диний уюшмалар кенг фаолият кўрсатаётган республикаимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида миллий озодлик қўлга киритилганидан кейинги йилларда барча динлар, шу жумладан ислом дини қадриятлари қайта тикланди. Мусулмонлар сафи жуда кенгайди, ёшлар динни қизиқиб ўрганмоқдалар, диний маросимлар, хусусан исломий ҳайитлар - Қурбон, Рамазон ҳайитлари тикланиб, бу табаррук ҳайитлар халқимизга кўпдан-кўп маънавий руҳ бағишламоқда. Дам олиш кунлари деб белгилаб қўйилган Рамазон, Қурбон ҳайитларида минглаб мачитларда ўнг минглаб кишилар ҳайит намозлари ўқимоқдалар, вафот этган яқин кишиларининг қабрларига бориб, тиловат қилмоқдалар. Қадимги даврларда қурилиб, шўролар даврида харобаларга айланган минглаб мадраса, мачитлар қайта таъмирланди, кўплаб янгилари қурилди. Ҳозирги даврларда (1999 йилда) Ўзбекистонда 3,5 мингдан зиёд мачитлар расман рўйхатга олинган ва улар фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда шу йил бошида (1999 йил) Ислом университети ташкил этилди. Муфти жаноблари раҳнамоли-гида мусулмонлар диний идораси иш олиб бораётидир. Бу идора чет

мамлакатлардаги ўнлаб мусулмон давлатлари билан алоқа олиб борадилар, делегатлар қабул қиладилар, диний кадрлар тайёрлашда, диний адабиётлар тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик қиладилар. Диндорлар ҳуқуқлари, давлатимиз билан дин муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясида қонуний асосларда аниқ белгилаб қўйилган. «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синг-диришга йўл қўйилмайди». (Ўзбекистон Республикаси Консти-туцияси. «Ўзбекистон» нашриёти. 1992 йил 31-модда, 15-бет).

Конституциямиз мазкур моддасининг мазмунини изоҳлаб, Президент И.Каримов шундай фикрларни ёзган: «Ҳозирги кунда республикада 15 та диний конфессия уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бир қисми ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмалари-нинг хусусий иши деб тан олади;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқлари-ни тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш». (Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. 448-бет).

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлатдир. Шу сабабли Конституциянинг 6-моддасида шундай деб ёзиб қўйилган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда улар қонун олдида тенгдир. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди». (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 31-бет).

Мазкур моддага асосан диний ташкилотлар диний ишлар билан шуғулланадилар, улар давлат сиёсатида аралашмайдилар ва давлат қонунларига ҳурмат билан қарайдилар. Масалан, Ўзбекистонда таълим дунёвий фанларни ўрганишга асосланган, диний билимлар эса диний мактаблар, мадрасалар ёки хусусий тарзда идоралар раҳбарлигида олиб борилади.

Инсонпарвар жамият кураётган Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган бўлиб, унга биноан диний маросимлар, масалан, намоз ўқишга барча сўхатгоҳларда, давлат муассасаларида, дам олиш уйларида руҳсат этилган эди. Болаларни динга ўқитиш ота-оналар хоҳишига қараб олиб борилган. Ҳар 10 киши уюшса ибодатхоналар ёки мачитлар очишга, диний ишлар бўйича Давлат кўмитаси рўйхатидан ўтказилар эди. Диний тарғибот матбуот воситаларида, радио-телевидение орқали олиб борилди. Жуда кўплаб мачитлар очилди. Чала Муллалар руҳсатсиз мактаблар, хонаки даъват-хоналар очдилар. Диндан дунёвий давлатимизни йўқ қилиб, ўрнига исломий давлат қуришга, ҳатто жиходга даъват қилиш, ёшларни диний фанатизм руҳида тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш кенг тус олди. Диний фундаментализм, экстремизм руҳидаги ваҳҳобийлар, ҳизбут-таҳрир, «Нур» каби панисломизм ҳаракатларида бузғунчилик ишлари олиб борилди. Натижада Ўзбекистон Конституциясининг 57-моддаси қўпол равишда бузилди. Бу моддада шундай деб ёзиб қўйилган: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги, маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган «бирлашмалар»нинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади». (Конституция: 19-20-бет).

«Энди Тошкентда бўлиб ўтган феврал воқеаларига келсак, мудҳиш воқеа ташкилотчиларининг манфур ғаразлари - халқни эл севган юртбошисидан жудо қилиш, юртда парокандаликни бунёд этиб, илдам ривожланиб бораётган эркинлигимизни бўғиб ташлаш эди» (Қаранг: Аҳмаджон Лукмонов. Халифалик нима? «Наманган» нашриёти, 1999 йил 22-бет).

Ушбу моддадаги кўрсатмалар қўпол равишда бузилган-лиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркин-лиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига янги модда-лар қўшилиб, янги таҳрирда 1998 йил 1- май куни қабул қилинди.

Унинг 5-моддасида давлатдан дин, диний ташкилотлар ажратиб қўйилганлигини кўрсатиш билан бирга барча динлар, уларнинг ташкилотлари тенг ҳуқуққа эгаллиги, диндорлар орасида ўзаро

низолар чиқариш, хориждан келиб даъват қилиш қонун билан таъқиқланади. Бу ишларни қилган шахслар жавобгарликка тортилади, дейилади. 6-моддада барча вилоятлар, туманлар ва маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларида ушбу қонунга тўғри амал қилиш учун масъуллиги ва жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

7-моддада Ўзбекистон Республикасида халқ таълимининг барча тизими диндан ажратиб қўйилганлиги, таълим тизими дастурига диний билим бериш киритилмайди, деб ёзилган. 8-моддада эса 18 ёшга тўлган ва ундан ўтган фуқаролардан 100 нафари диний жамоа тузишга рухсат этилиши кўрсатиб ўтилган.

Қонунда хусусий тарзда динни ўқитиш маън этилади (9-модда), деб кўрсатилган. Рўйхатга олинмаган ва рухсат қилинмаган диний ташкилот ёки жамоа ташкил этган шахс жавобгарликка тортилади (11-модда).

Жамоат жойларида диний хизматдагилардан бошқа фуқароларга диний либосда юриш маън этилади (14-модда). Хориждан келтирилган диний адабиётлар махсус экспертизадан ўтказилгандан сўнггина тарқатилади (19-модда). Диний экстремистик мазмундаги чоп этилган материаллар, кино, фото, аудио, видео материаллар тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш таъқиқланади (19-модда).

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ. Аллоҳ, ислом каби сўзлар билан биргаликда номланган, эшитилиши жарангдор партия, ташкилотлар («Ислом уйғониш партияси», «Хизбуллоҳ», «Хизбут-тахрир ал-исломий», «Акро-мий» ва бошқалар) тузиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, яхлит жуғрофий ҳудудда ислом давлати куриш, халифаликни қайта ўрнатишга ҳаракат қилаётганлар ислом экстремистларидир.

Мазкур қонунни барча талабалар, таълим тизимининг муассасалари, фуқаролар яхши ўрганиб, амалда унга риоя қилиши лозим бўлади.

Ушбу янги таҳрирдаги қонун динни ниқоб қилиб, айрим экстремистик ҳаракатлар, аҳоли ўртасида бузғунчилик, парокан-далиқ бўлишини олдини олади. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга ва аҳоли ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатликни янада юксалишига ҳисса қўшади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Деизм, Пантеизм, мугазийлик, Вахобийлик, Хизбу тахрир, Фундаментализм, Экстремизм, диний ташкилот, Атеизм, баптист, лютеран.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Пантеизм нима?
2. Ислом фундаментализм нима?
3. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун
4. Мустақиллик йилларида дин ва давлат.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев У, Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т. 1998.
2. Диншунослик асослари. Т. “Ўзбекистон”. 1995 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. 1992. 48-бет.
4. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни / Ўзбекистоннинг янги қонунлари №19. Т. 1998. 224-234 бетлар.
5. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т. 1999.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. 1992.
7. Фидокор газетаси. 2000 й. 8-июн.

11-МАВЗУ: ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ

Режа:

1. Фундаментализмнинг вужудга келиши. Экстремизмни келтириб чиқарувчи омиллар.
2. Терроризмга қарши курашда диннинг роли.
3. Диний экстремизмга қарши курашда ёшларга миллий истиқлол ғояларини сингдиришнинг аҳамияти.

Диний экстремизм – муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолияти мафкураси. Фанатизм ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни бузишда айблаб, уларга қарши уруш очишга чақирадиган омиллардандир. Диний фанатизм диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди.

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари сурувчиларнинг йўналиши. Диний фундаментализм – ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, *вахй* ва *мўъжизаларнинг* муқаддас китоблардаги баёнининг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлга таянган мантиқий далиллардан устун кўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган истилоҳдир.

Фундаментализм ибораси илк бор I Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса, Библиянинг мутлақ мукамаллигига ишонишни мустаҳкамлашни, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб, 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб эса бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошланди. Ислом фундаментализми замонавий исломдаги уч йўналишдан биридир (қолган иккитаси – традиционализм ва модернизм). Ислом фундаментализмининг асосий ғояси – «соф ислом» принципларига қайтиш, мақсади «исломий тараққиёт» йўлини жорий этишдир.

XX асрнинг 80-90-йилларида бутун дунёда диний омилнинг фаоллашуви собиқ советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Бу давр жамият тараққиётида, бир жиҳатдан, диний эътиқоднинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги табиий мавқеи тикланаётган, иккинчи томондан, мазкур асосда айрим мафкуравий зиддиятлар туғилиши вақти бўлди.

Асосий Қонунимизда яна шу нарса қатъий қилиб белгилаб қўйилганки, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (57-модда).

Ўрта Осиёдаги республикалар ўз мустақиллигига эришиши ва унинг мустаҳкамланиши даврида «ислом омили», «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени» каби иборалар тобора кўпроқ ишлатилиб, бу ҳол уларнинг беқиёс фаоллашувини ўзида акс эттирди. Бунга сабаб собиқ совет давлатининг мафкуравий тасаввурлари ва

қадриятларининг емирилиб, муайян вақт давомида ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи бўлди. Коммунистик мафкураининг маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзига хос мутаассиблиги ва муайян миллатлар манфаатларига қарши қаратилганлиги шўро ҳокимиятидан кейин бу ҳудудда диний фундаментализм учун қулай шароит туғдирди.

Собиқ Иттифокдаги ҳукмрон партиянинг намояндалари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблаши диннинг чекиниши ва ҳатто унинг муайян маънодаги муҳолиф кучга айланишига олиб келди. Диннинг доимий таъкиб остида бўлиб келгани, ислом дини энг салоҳиятли уламоларининг қатағон қилиниши, минглаб масжид ва мадрасаларнинг бузиб ташланиши диний таассубни йўқотишга эмас, балки унинг илдизларини озиклантирувчи хатарли омилларнинг кучайишига олиб келди. Миллатлар орасида ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш кучайди.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди ақидапарастликни ёйиш, бу йўл билан мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотишга уринишда ўзини намоён этмоқда. Бундай гуруҳлар мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқдалар. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, «энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий ҳулқ-атвор қоидаларига айланттирган.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдамга келган.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён, у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган.

Модомики, биз ёшларимизни, Президентимиз айтганидек, Имом Бухорийлар, Нақшбандлар ва Йасавийлар таълимоти асосида тарбиялар эканмиз, биз уларни турли ислом ниқоби остидаги ғаразли гуруҳлар билан буюк аждодларимиз амал қилган ва бизларга ҳам тавсия этган мусаффо ислом ўртасини ажрата оладиган даражада билимли қилишимиз зарур бўлади.

Ваҳҳобийлик. Ваҳҳобийлик XVIII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган диний-сиёсий оқимдир. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1703 йили Арабистон ярим ороли Нажд ўлкасининг ал-‘Уйайна деган жойида таваллуд топган. Бу даврда унинг отаси Абд ал-Ваҳҳоб ибн Сулаймон мустақил маҳаллий амир ҳокимиятида қозилик лавозимида хизмат қилар эди. Муҳаммад ёшлигидан диний илмларни ўз отаси раҳбарлигида ўргана бошлади. У анъанага кўра Куръонни ёд олди, тафсир ва ҳадис илмлари билан таниша бошлади. Бир неча бор Миср, Сурия, Курдистон, Ироқ, Эрон мамлакатларида бўлиб, кўпинча уламолар суҳбатида ўзининг жанжалкашлиги ва мутаассиблиги билан ажралиб турган. У ўз тарғиботчилик фаолиятини 1730 йилларда бошлаб, биринчи мақсади ўзига муносиб хомий топиш бўлди.

1745 йили Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб ад-Диръийа водийсига унинг амири Муҳаммад ибн Саъуд таклифига биноан кўчиб ўтди. Бу билан Муҳаммад ибн Саъуд ўз ҳокимиятини кучайтиришда ваҳҳобийликдек мафкуравий қуролга эга бўлди. Ваҳҳобийлар ўзлари хоҳлаган жамоани *куфрда* ёки *ширкда* айблашлари ва унга қарши *жиҳод* эълон қилишлари мумкин эди. Ибн Саъуд эса бу *жиҳодни* амалга ошириб, ўз ҳокимияти чегараларини кенгайтиришни бошлади. Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1792 йили вафот

этди. Ибн Сауд ва унинг сулоласи ваҳҳобийлик байроғи остида олиб борган урушлари 1932 йилда Саудия Арабистони давлатининг тузилиши билан якунланди.

Ваҳҳобийлик таълимоти диний масалаларда дин фундаменти, яъни Пайғамбар даври воқеийликларига қайтишни талаб этди. Улар барча мухолифларини *бидъатчиликда*, яъни динга янгилик киритганликда айбладилар, ўзларининг сиёсий душманларини эса мушрикликда айблаб, уларга қарши *жиҳод* олиб боришга *фатво* бердилар. Ахлоқий масалаларда назарий жиҳатдан, гарчи шахсий камтарлик, мол-мулкка хирс қўймаслик, дунёвий ҳаётда тоат-ибодатга аксарият вақтни сарфлашни тарғиб қилсалар-да, лекин амалда сарой аҳлининг босқинчилик урушлари қўшни қабилалар мол-мулкларини талаш оқибатида гап билан амал ўртасида зиддият пайдо бўлди.

Ваҳҳобийлик ҳаракатлари Усманийлар империяси (1453-1924) ҳудудларида вужудга келганлиги ва империя билан бу ҳаракат ўртасида бир неча қонли тўқнашувлар юз берганлиги туфайли бу оқимда турк исломига қарши бўлган кучли кайфият ўз аксини топди. Империянинг марказий ҳудудларида ҳанафийлик мазҳаби мутлақ ҳукмрон мавқега эга бўлганлиги учун мазкур мактаб қоидалари қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, ваҳҳобийлик ҳаракати мафқурасининг марказида аввалига Арабистон ерларини бирлаштириш орқали, кейинчалик бутун ислом дунёсида ислом давлатини шакллантириш ғояси ҳам мавжуд эди. Улар бу мақсад йўлида ҳар қандай қурбонликларга тайёр эдилар.

Ваҳҳобийларнинг чет элларда кўплаб ташкилотлари бўлиб, улар фаол ҳаракат юритади. Уларнинг кўпчилиги яширин сиёсий фаолият олиб боради. Иш услублари – диний хиссиётлари кучли бўлган фуқароларни жамиятларга тортиб, уларни қайта тарбиялаш, сўнг улардан ташвиқот ва ижтимоий тартиббузарлик, экстремистик ҳаракатларда фойдаланиш. Бу ишларга, айниқса, ёшларни, болаларни, ҳаёт тарзидан норози бўлган шахсларни жалб қиладилар. Хайрия фондлари орқали майиб-мажруҳларга, етим-есирларга ёрдам, диний таълим бериш, турли диний адабиётларни тарқатиш каби йўллар билан кенг тарғибот ишларини олиб борадилар. Кишиларга фанатизм, мурасасизлик, ўзгалар фикрлари ва манфаатларига ҳурматсизлик руҳини сингдиришга уринадилар.

Ал-Ихвон ал-муслимун. XIX аср дастлабки йилларидан ислом дини тарқалган мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгараётган янги шароитларга диний-фалсафий, ҳуқуқий нормаларнинг XIX аср ярмидан бошланган мослашуви фанда «исломий ислоҳотлар» номини олди. Лекин бу жараён ҳаддан ташқари чўзилиб кетди ва кўп соҳаларда зиддиятли ҳолларни келтириб чиқарди. Улар орасида панисломизм ва мусулмон жамоаларининг бошқа конфессиялардан ажратиш ғоясини айтишимиз мумкин. Панисломизм ғоясини биринчи бўлиб илгари сурган Жамолиддин ал-Афғоний (1839-1897) ҳисобланади. У диний-сиёсий арбоб бўлиб, 1884 йили Парижда Муҳаммад Абдух (1849-1905) билан биргаликда «ал-Урват ал-вусқо» журналинини нашр этди ва унда панисломизм ғояларини тарғиб қила бошлади. Ал-Афғонийнинг ғояларини кейинчалик «Мусулмон биродарлар» (*ал-Ихвон ал-муслимун*) радикал шаклларда ривожлантирдилар.

Ал-Ихвон ал-муслимун 1928 йили Мисрнинг Исмоилия шаҳрида шайх Ҳасан ал-Банно томонидан ташкил этилган диний-сиёсий ташкилотдир. Ҳасан ал-Банно Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абдух, Рашид Ризо асарларидан таъсирланиб, панисломизм ғоясида *жиҳод*, *исломий миллатчилик*, *исломий давлат* таълимотларини ишлаб чиқди. Ал-Ихвон ал-муслимун бу таълимотлар асосида ислом дини тарқалган мамлакатларда Қуръон ва шариатда ифодаланган қоидаларга тўлиқ риоя қилувчи, «исломий адолат» тамойиллари ўрнатилган жамият куриш учун сиёсий курашни бошлаб юборди.

Ал-Ихвон ал-муслимун ўз тарихида бир неча босқичларни босиб ўтди. 1928-1936 йиллардаги даврни хайрия ва маърифатчилик босқичи деб атаса бўлади. Кейинчалик у кураш услуби сифатида террорни қўллаш даражасига етган сиёсий ташкилот сифатида

майдонга чиқди. Кўплаб давлатларда унинг фаолияти тақиқланди. Кейинги даврда ал-Ихвон ал-муслимун орасида бўлиниш юз бериб, улар 3 йўналишга ажралиб кетди:

1. «мўътадиллар» – Ҳасан ал-Банно ва Саййид Кутб тарафдорлари;
2. «ислом демократлари» – «ислом социализми» таълимоти тарафдорлари;
3. «ат-Такфир ва-л-ҳижра», «ал-Жиход», «Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий» каби террор услубини қўлловчи ташкилотлар.

Ҳизб ат-таҳрир. Ҳизб ат-таҳрир 1952 йили Қуддус шаҳрида фаластинлик илоҳиётчи Тақий ад-дин ан-Набахоний (1909-1979) томонидан асос солинган диний-сиёсий партия. У Ҳайфада туғилиб ўсган, Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университетиде таълим олган.

Партиянинг асосий мақсади – аввал араб давлатлари, кейин ислом дунёси ва ниҳоят жаҳон миқёсида халифалик шаклидаги ислом давлатини тузиш. Уларнинг асосий даъвоси – Мустафо Камол Отатурк томонидан 1924 йили усмоний халифа иккинчи Абд ал-Мажид (1922-1924) халифалиқдан ғайриқонуний четлатилгани бўлди. Давлат диний-исломий қонунлар асосида халифа томонидан идора этилиши лозим. Партия дастури 187 банддан иборат бўлиб, асосий мақсади – ҳокимиятга эришиш. Бундаги асосий йўл – исломий фикрловчи шахсларни шакллантириш. Уларга исломий таълим-тарбия бериш икки босқичдан иборат: 1) у билан ислом таълимотини ўргатиш йўлида маданий-маърифий ишлар олиб бориш; 2) сиёсий фаолиятга тортиш.

Мақсадга эришиш учун кураш уч босқичдан иборат:

- ғоявий-фикрий кураш;
- жамиятда ғоявий инқилобни амалга ошириш;
- ҳокимиятга фақатгина умма-жамоанинг тўлиқ розилигидан сўнг келиш.

Ҳизб ат-таҳрир тарафдорлари кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан, Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятларини яширин олиб бормоқдалар. Унинг ҳозирги кундаги раҳбари Абд ал-Қадим аз-Заллумдир.

Ҳизб ат-таҳрир тузилиш жиҳатидан пирамида шаклидадир. Ҳар бир гуруҳ (*ҳалқа*) алоҳида-алоҳида бўлиб, 5-6 кишидан иборат. Гуруҳларнинг ўқув ишига *мушириф* раҳбарлик қилади. Ундан ташқари гуруҳда яна бир раҳбар – *амир* бўлиб, у *муширифга* машғулотларни ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатади. *Мушириф* бир вақтнинг ўзиде бир неча гуруҳда таълим ишларини олиб бориши мумкин. Ўқиш давомида тингловчилар диний мавзудаги машғулотлар билан бирга сиёсий, жумладан, мусулмон давлатларида содир бўлаётган воқеаларни диққат билан ўрганадилар.

Ўзбекистон ҳудудида 1992 йилдан бошлаб партиянинг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошлаган. Партия сафига кирувчилар ўз партиялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошкор этмасликка ўз *муширфи* буюрган вазифаларни сўзсиз бажаришга Қуръон билан қасам ичадилар. Партия мутасаддилари ўз тарафдорларини кўпроқ зиёлилар, илмий ходимлар, талаба-ёшлар орасидан қидирадилар.

Етарли таълим олган шахслар кейинчалик ўзлари мустақил гуруҳ тузишлари лозим. Таҳрирчиларнинг таълими босқичма-босқич олиб борилади. Биринчи босқичда «Ислом низоми» ва «Иззат ва шараф сари» китоблари бўйича ўқитилади, «ал-Ваъй» журналидаги маълумотлар муҳокама қилинади. Кейинги босқичларда «Демократия – куфр низоми», «Сиёсий онг», «Халифаликнинг тугатилиши», «Ҳизб ат-таҳрир тушунчалари», «Исломий даъватни ёйиш вазифалари ва сифатлари» каби китоблар ўқитилади. Бу адабиётлар партия манфаатларини кўзлаб, Қуръон оятлари ва ҳадисларни нотўғри талқин қилиб, диндорлар онгига таъсир қилиш учун мўлжалланган. Ушбу нашрлар диндорларни сиёсийлаштирилган исломга тарғиб этиб, уларни фуқаровий бўйсунмасликка ва муомаладаги умумий қоидаларни инкор этишга чақиради.

Ҳозирги замон ислом уламолари – Йусуф Қарзовий, Саййид Муҳаммад ат-Тантовий, Носир ад-дин ал-Албонийлар Ҳизб ат-таҳрирни оҳод ҳадисларга, қабр азобига, сирот кўпригига ишонмасликлари учун уларни Аҳл ас-сунна ва-л-жамо‘а сафидан чиққан деб ҳисоблайдилар.

Акромийлар. Республикамиз ҳудудида ташкил топиб, ҳозирда фаолияти деярли тўхтатилган ноанъанавий, ҳам ислом таълимотига, ҳам конституциявий давлатчилик асосларига зид бўлган гуруҳ «Акромийлар»дир.

Акромийлар 1996-1997 йилларда Андижонда ташкил топиб, унинг номи гуруҳ асосчиси – 1963 йилда туғилган Йўлдошев Акром номи билан боғлиқ. А. Йўлдошев Ҳизб ат-таҳрирнинг етакчиси ан-Набахоний ғоялари асосида 12 дарсга мўлжалланган «Имонга йўл» рисоласини ёзган. Шу сабабдан акромийлар «Имончилар» деб ҳам юритилади.

Акромийлар ҳам давлат тепасига чиқиш каби ғаразли мақсадларни кўзлайдилар. Бирок улар таҳрирчилардан фарқли ўлароқ, халифалик давлатини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, аввало, Андижонда, сўнг Фарғона водийсида амалга оширмакчи бўлдилар. Акромийлар сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 босқичини режалаштирганлар – «сирли», «моддий», «узвий», «майдон» ва «охират». Тўртинчи ва бешинчи босқичлар тамомила исломлаштириш даври тугагач бошланиши ва очикдан-очик ҳокимият учун кураш босқичлари бўлмоғи лозим эди.

Бу гуруҳ аъзолари, асосан, ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар расмий ишхоналардан бўшаб, жамоа маъқуллаган меҳнат фаолияти билан шуғулланганлар. Зарурат туғилганда «биродарлари»га «жамоа банки»дан моддий ёрдам берганлар. Ундан ташқари жамоа аъзоларига ташкилий равишда озиқ-овқат моллари тарқатиб турилган. Қуда-андачилик фақат «биродарлар» ўртасида амалга оширилган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Фундаментализм илк бор қайси дин доирасида пайдо бўлди?
2. Диний экстремизм деганда нимани тушунаси?
3. Исломда қандай радикал оқим ва гуруҳлар мавжуд?
4. Экстремистик гуруҳларнинг мақсадлари нималардан иборат?
5. Марказий Осиё минтақасида қайси экстремистик гуруҳлар ўз ноқонуний фаолиятини олиб бордилар?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли / Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998, 12-б.
4. Ўзбекистон эркинлиги қонуний асосда бўлсин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 1998, 5 май.
5. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. Т., 1992.
6. Зоҳидов Қ., Маҳмуд М. Ислом маданияти демократияга зид эмас // Гулистон, 2000, 6-сон. Б. 38-39.
7. Борисов А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). М., Наука, 1991
8. Чураков М.В. Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма. М., Наука, 1990.

№	Мавзуларнинг номланиши	Бети
1	Маънавият асослари предмети, ривожланиш қонунлари, тушунчалари ва жамият тараққиётидаги туган ўрни	
2	Маънавиятнинг тарихий, назарий-илмий ва амалий заминлари	
3	Маънавият тараққиётининг мезонлари	
4	«Диншунослик» фанига кириш	
5	Диннинг ибтидоий шакллари. Зардуштийлик	
6	Миллий динлар	
7	Жаҳон динлари Буддавийлик	
8	Христианлик	
9	Марказий Осиёда ислом. Исламнинг асосий манбалари. Тасаввуф.	
10	«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар»	
11	Диний экстремизм ва фундаментализм	